

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



ЮРИДИК ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ НАВБАТДАГИ
МАХСУС УНВОНИНИ ОЛИШ УЧУН МАХСУС МАЛАКА
ОШИРИШ КУРСЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2023

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
Илмий кенгашида маъқулланган.*

Тўзувчилар:

ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари: М.И.Суванкулов, Х.А.Тураббаев, Х.Х.Бахрамов, Ж.М.Якубов, Ш.Х.Ганиев, Д.Ж.Эшқулов, Ж.Қ.Хамраев, А.А.Абдибоситов, С.С.Усмонов;

Такризчилар:

ИИВ Малака ошириш институти Махсус касбий фанлар кафедраси доценти, подполковник Ж.С. Мухторов
Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ хузуридаги Тергов бўлими бошлиғи, подполковник Ш.М.Орзиқулов

Ички ишлар органлари ходимларига навбатдаги махсус унвонини олиш учун махсус малака ошириш курси учун Юридик тайёргарлик модули бўйича: Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023.

Ўқув-услубий мажмуа “Ички ишлар органлари ходимлари навбатдаги махсус унвонини олиш учун махсус малака ошириш ўқув курслари”да таҳсил оладиган тингловчилар учун ёритиб берилган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари учун мўлжалланган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти Илмий кенгашининг 2023 йил “___” _____даги “___” - сонли йиғилиш муҳокамасидан ўтказилган ва маъқулланган.

УЎК _____

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023

МУНДАРИЖА:

Т/р	Мавзулар номи	№
	Кириш	5
I. Конституциявий ислохот модули		
1.1	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари	8
1.2	Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси мазмуни ва асосий қоидалари	15
1.3	Ҳуқуқий ҳатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик	32
II. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик модули		
2.1	Маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий жавобгарлик ва жазо чоралари	45
2.2	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари	86
2.3	Маъмурий ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг процессуал таркиби ва ўзига хос хусусиятлари	106
2.4	Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар	120
III. Жиноят ва Жиноят-процессуал қонуни модули		
3.1	Жиноят тушунчаси, белгилри, таркиби ва турлари	142
3.2	Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар	153
3.3	Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни мўҳокама қилишнинг ҳуқуқий асослари	159
3.4	ИИОларида ташкил этилган сўровхонада процессуал ҳаркатларни ўтказишнинг ҳуқуқий асослари	171
3.5	Жиноят процессида далиллар мақбуллигига оид масалалар	189
3.6	Жиноят-процессуал тартибида ушлаб туришнинг ҳуқуқий асослари	203
3.7	Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар	222
IV. Коррупцияга қарши курашиш модули		
4.1	Коррупцияга оид халқаро ва миллий қонунчилик	239
4.2	Коррупция - ички маънавий таҳдид	248
V. Инсон ҳуқуқлари модули		
5.1	Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Биллнинг юридик мазмуни ва аҳамияти	274
5.2	Қийноқ, муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенциянинг мазмун ва моҳияти	299
5.3	Ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи органлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар: Миранда қоидалари, Хабиас-Корпус институти ва Н.Мандела қоидалари	329
5.4	Аёллар ва болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар	351
	Глоссарий	363
	Адабиётлар	368

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 15-апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори ҳамда 2021-йил 27-августдаги “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-каarrera жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сонли буйруқларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ички ишлар органларининг узлуксиз ўқув-каarrera жараёни тизимини амалга ошириш ва ички ишлар органларига хизматга янги қабул қилинган ходимларни тизимли равишда бошланғич касбий тайёргарликдан ўтказишни ҳамда навбатдаги махсус унвон олиш учун махсус малака ошириш курсларида тахсил олаётган тингловчиларга катта сержант, лейтенант, капитан, маёр ва подполковник махсус унвон олиш курсларини назарда тутди.

ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашнинг таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш мақсадида ички ишлар органлари ходимларни юридик тайёргарликдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ушбу ўқув-услугий мажмуанинг мақсади “Ички ишлар органлари ходимлари навбатдаги “подполковник” махсус унвонини олувчи ходимларни юридик тайёргарликдан ўтказиш, малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, уларнинг касбий интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш, куч ва воситаларни самарали бошқаришнинг ҳуқуқий асосларни тушунтириш, шунингдек ходимларда (бундан буён матнда тингловчилар деб юритилади) хизмат чинакам халқпарвар Ички ишлар органи ходими сифатида шакилланишида касбий билимлар беришдан иборат.

Ўқув-услугий мажмуанинг асосий вазифалари:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва унинг асосий принциплари тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва ҳуқуқ нормаси каби тушунчаларнинг мазмуни ва моҳиятига оид билимларни шакллантириш;

жамоат тартиби ва қонунийлик, ҳуқуқий хатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик тўғрисидаги билимларини такомиллаштириб бориш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик, маъмурий жазо чоралари ва уларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби тўғрисидаги билимларини шакллантириш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари, уларнинг турлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш моҳияти ва тартибига оид билимларни шакллантириш;

жиноят қонуни, жиноят тушунчаси ва белгилари, жиноят учун жавобгарликнинг асослари, жиноят таркиби тушунчасига оид билимларни шакллантириш;

жиноий жазо тушунчаси, мақсади ва турларининг мазмуни ва моҳиятини етказиш;

жиноят-процессуал қонунчилиги ва ўзига хос хусусиятлари, жиноят процесси иштирокчилари ҳамда процессуал мажбурлов чоралари тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини шакллантириш;

фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳуқуқий асосларига оид билимларни мустаҳкамлаш;

инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва қийноққа қарши халқаро ҳужжатларнинг юридик мазмуни ва аҳамиятини ходимлар онгига сингдириш.

Тингловчи:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унда шахснинг ҳуқуқий мақоми, инсон ҳуқуқлари, давлат органлари тизими, уларни ташкил этиш, ваколати ва фаолият шакллари, ҳуқуқбузарликлар турлари, жиноят ва жиноят процессул қонунчилиги, фуқаролик ҳуқуқига оид **билимларга** эга бўлиши керак;

Тингловчи:

ИИО фаолиятига тааллуқли ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш, транспорт воситаларини ушлаб туриш, кўриқдан ўтказиш ва расмийлаштириш, транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш ва расмийлаштириш каби **кўникмаларга** эга бўлиши зарур;

Тингловчи:

Фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг таркиби ва таснифлаш меъзонлари, жиноят қонунини қўллаш, жиноятларни бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи(зарурий мудофаа, охирги зарурат, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ва х.к.) ҳолатларни ажратиш, процессуал ҳужжатларни тузиш каби малакаларини эгаллаши лозим.

Тингловчиларда:

Юридик тайёргарлик модули бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини касбий, шахсий ва ижтимоий фаолиятларда амалий қўллай олиш **компетенцияларини** шакллантириш лозим.

1.1-МАВЗУ: НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ.



РЕЖА:

1. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари.
2. 2021 йил 20 апрелдаги “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ўрқ-682 сонли қонуннинг мазмун ва моҳияти.
3. Ички ишлар органлари изматини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1-САВОЛ: НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ.

Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий тизимнинг барча элементлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат ва ҳуқуқ назариясининг фундаментал категорияларидан бири ҳисобланади. Бир томондан, у ҳуқуқ ижодкорлиги, шу жумладан қонунчилик жараёнининг маҳсули бўлса, иккинчи томондан, у ҳуқуқни қўллаш жараёни орқали амалга оширилиб, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш воситасига айланади. Ҳуқуқ нормалари йиғиндиси жамият ҳуқуқий тизимининг норматив асосини, яъни ўзагини ташкил қилади. Жамиятда қарор топадиган янги муносабатлар уларни тартибга солишга қаратилган тегишли ҳуқуқ нормаларини яратилишига туртки беради. “Норма” сўзи лотинчадан олинган бўлиб, “қоида”, “намуна” деган маъноларни англатади.



Ҳуқуқ нормаси – давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулладиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий хулқатвор қоидаси.

Ҳуқуқ тизимининг барча элементлари (норма, институт, соҳа) ҳуқуқ нормаси билан чамбарчас боғлиқликда мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий тизимнинг асосини, бошланғич ҳужайрасини ташкил этади. Шу сабабли унда, авваламбор, ҳуқуқ мазмунининг асосий хусусиятлари ифодаланadi. Ҳуқуқ нормалари ижтимоий нормалар сифатида кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги хулқ-атвор нормалари жумласига киради. Бу рухсат бериш, чеклаш, тақиқлаш ёки позитив ҳуқуққа хос мажбуриятлар қоидасини ўз ичига олувчи қоидадир. Ҳуқуқ нормаси – ижтимоий ҳодиса сифатида ҳуқуқнинг асосий, муҳим қисми, бутун ҳуқуқий тизимнинг бош тушунчасидир. Ҳуқуқнинг шаклланиши ва амалга оширилиш жараёни, қонунлар, барча юридик тушунчалар ва тузилишлар, ҳатто назария ҳам ўз замирида бевосита ёки билвосита ҳуқуқ нормасига эга бўлади.

ҲУҚУҚ НОРМАСИНИНГ ТАРКИБИ



оддий гипотеза - Ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши билан боғлиқ бўлган битта шарт-шароит акс этган гипотеза ҳисобланади.

«Ўзбекистон республикаси пойтахти Тошкент шаҳри» (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 6-модда)

Мураккаб гипотезада - ҳуқуқ нормасининг амал қилиши икки ёки ундан ортиқ ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ эканлиги кўрсатилади. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин” (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 90-модда).

Альтернатив (муқобил) гипотеза ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши санаб ўтилган шарт-шароитлардан бирига боғлиқ эканлигини баён этади. Масалан, “Вояга этган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишига мажбурдирлар” (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 66-модда).

Оддий диспозиция - ҳуқуқ-атвор ёки тартиб қонуннинг битта шартда кўрсатилган бўлади. Масалан, “Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солишдан иборат” (Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 1-модда).

Мураккаб диспозиция - ҳуқуқ-атвор ёки тартиб қонуннинг бир-неча шартни ёки мажбуриятни кўрсатган бўлади. Масалан, “Ички ишлар

органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат” (Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 2-модда).

Муқобил диспозиция - ҳуқуқ-атвор ёки юриш-туриш, қонданнинг бир нечта субъектларёки нормалар томонидан бажариши кўрсатилган бўлади. Масалан *“Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир”* (Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 3-модда)

Тавсифловчи диспозиция – ҳуқуқ субъектларининг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлари ҳамда хатти-ҳаракатларининг тўлиқ баёнини ифода этилади. Масалан, *“Безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса”* (Жиноят кодексининг 277-модда)

Бланкет диспозиция - ҳуқуқ нормасидаги тартиб қоидаларнинг бузулиши ёки амал қилинишини тартибга солиш бошқа турдаги норматив ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади. Масалан, *“Техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишининг бошқа қоидаларини шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса”* (Жиноят кодекси, 257-модда).

Ҳавола этувчи диспозиция - ҳуқуқ нормасидаги тартиб қоидаларнинг бузулиши ёки амал қилинишини тартибга солиш ўша норматив ҳужжатнинг бошқа нормаси билан тартибга солинади. Масалан, *“Алоҳида ҳолларда, бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ходимлар ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилиниши мумкин”* (Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 26 модда 5 қисм).

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар икки турга бўлинади:

Қонун ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ва давлат ҳудудида барча учун ижроси умум мажбурий ҳусиятга эга бўлган ҳужжатлар тушунилади. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Конституцион қонунлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қарорлари.

Қонун ости ҳужжатлари – Жамият ва давлатнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда, амалаги қонун ҳужжатларини ижросини таъминлаш мақсадида бирор бир идора ёки мансабдор шахслар томонидан чиқариладиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади. Масалан; Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ёки фармоиши, Ўзбекистон Республикаси

вазирлар маҳкамасининг Қарор ва фармоиши, Маҳаллий давлат органлари, Вазирлик ва идораларнинг қарор, фармойиш, қарор ва буйруқлари, шунингдек кўрсатмалари.

2 САВОЛ: 2021 ЙИЛ 20 АПРЕЛДАГИ “НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА” ЎРҚ-682 СОНЛИ ҚОНУННИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ.

Ҳуқуқ нормаси юридик фан, хусусан, давлат ва ҳуқуқ назариясининг фундаментал категорияларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий тизимнинг барча элементлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир томондан, у ҳуқуқ ижодкорлиги, шу жумладан қонунчилик жараёнининг маҳсули бўлса, иккинчи томондан, у ҳуқуқни қўллаш жараёни орқали амалга оширилиб, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш воситасига айланади, шунингдек ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий муносабатларнинг андозаси, модели сифатида майдонга чиқади. Ҳуқуқ нормалари йиғиндиси жамият ҳуқуқий тизимининг норматив асосини, яъни ўзагини ташкил қилади.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги 682-сонли ЎРҚда тасдиқланган бўлиб унинг мақсади , турларини, ушбу ҳужжатларнинг ўзаро юридик кучи ва нисбатини белгилашдан, шунингдек уларни режалаштириш, ташаббус қилиш, тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, келишиш, қабул қилиш, эълон қилиш, уларнинг ижросини ташкил этишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.



Норматив-ҳуқуқий ҳужжат - қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

Фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда ўтказиладиган референдум йўли билан ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда иштирок этиши мумкин бўлиб қонун билан тартибга солинади.

Қонуннинг асосий принциплари:

- конституциявийлик;
- қонунийлик;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг устуворлиги;
- ошкоралик;
- илмийлик;
- ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва комплекслилиги;

• ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг барқарорлиги.

Қонунга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйдаги турларга бўлинади.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
6. вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;
7. маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатлари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари эса қонуности ҳужжатларидир ва улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг сўзсиз устуворлиги тан олган ҳолда Республиканинг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид бўлиши мумкин эмас.

➤ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

➤ Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, агар уларга қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ёки ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича ваколатлар берилган бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин.

➤ Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар тарзидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

➤ Буйруқлар вазирлик ва идора номидан қарор қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган вазирлик ёки идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

➤ Қарорлар давлат қўмиталари ва идоралар номидан қарор қабул қилиш коллегиял органлари томонидан амалга ошириладиган давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинади.

➤ Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар, давлат кўмиталари ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин бўлиб, Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан қўшма қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ҳам мумкин.

Низом - давлат органлари ва ташкилотларнинг, улар таркибий бўлинмаларининг мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек у ёки бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тартибини белгилайди.

Қоидалар - бирор-бир фаолиятни амалга оширишга доир талабларни белгилайди.

Йўриқнома - норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг аниқлаштирувчи жиҳатларини белгилайди.

Регламент - давлат органлари ва ташкилотларнинг иш тартибини, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлар томонидан маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Стратегия - мамлакат ёки муҳим тармоқларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларини белгилайди.

Концепция - у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларини, мақсадларини, асосий йўналишларини, вазифаларини ва амалга оширилиш механизмларини белгилайди.

Доктрина - Ўзбекистон Республикасининг у ёки бу соҳадаги миллий манфаатларини таъминлаш мақсадлари, вазифалари, принциплари ва асосий йўналишларини белгилайди.

Дастур («Йўл харитаси») - у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган тадбирлар (вазифалар, амалга ошириш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва масъул ижрочилар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар) ва механизмлар тизимини белгилайди.

3-САВОЛ: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХИЗМАТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси ИИОнинг асосий вазифаси тизимни тартибга солувчи 2016 йил 16 сентябрь куни қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 407-сон қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонунинг 4-моддасида Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналиши фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш этиб белгиланган.

Ушбу фаолият йўналишини бажаришда ИИОнинг ППХнинг ўрни катта. Ушбу хизмат ўз иш фаолиятининг қуйидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси консититуцияси ва қонунлари; Иш фаолиятининг ташкил этишда консититуция нормаларига амал қилган ҳолда жамоат тартибини сақлашни назарда тутди. Бунга фақат Ўзбекистон

Республикасининг Конституциясигина эмас балки барча қонунлар ва кодекслар ҳам тартибга солади.

Қонуности ҳужжатлари; Иш фаолияти давомида қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ва самарадорликни ошириш мақсадида чиқарилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси президенти фармон ва қарорлари.

Хусусан; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрель кундаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 01 май кундаги “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2940-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февраль кундаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528 сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июнь кундаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ- 3786 сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрь кундаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ27-сонли фармони ва бошқалар.

ХУЛОСА:

Давлатнинг ҳуқуқий давлат сифатида белгиловчи асосларнидан бири ундаги барча фаолият йўналишлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги ҳисобланади. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалга оширилади. Шу сабабли Ички ишлар органларининг барча фаолият йўналишлари ходимлари норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш зарур.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунини коспектлаштиринг.
2. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар турларини санаб беринг.
3. Ҳуқуқ нормаси қандай таркибий қисимлардан иборат?

1.2-МАВЗУ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ МАЗМУН МОҲИЯТИ.

РЕЖА:

1. Янги Ўзбекистон Конституцияси, давлатнинг конституциявий тузуми ва унинг элементлари.
2. Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатидаги ҳуқуқий белгилари.
3. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни лойиҳаси. Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар жараёни.



1-САВОЛ. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ, ДАВЛАТНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИ ВА УНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ.

Биз, Ўзбекистоннинг ягона халқи,

инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқлигимизни тантанали равишда эълон қилиб,

демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик гоёларига садоқатимизни намоён қилиб,

инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англаган ҳолда,

давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб,

мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини кўпайтиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлашга ҳамда атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга астойдил аҳд қилиб,

ҳалқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда,

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиб,

фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсад қилган ҳолда,

ушбу Конституцияни қабул қиламиз ва эълон қиламиз.

Конституциявий тузум давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг шундай шакли ё усулидирки, бунда давлат идораларининг, мансабдор шахсларнинг

ҳуқуққа, қонунга қатъий итоат этиши таъминланиб, давлат ўз моҳиятига кўра конституциявий давлат сифатида намоён бўлади. Давлатнинг фаолияти Конституция билан, ҳуқуқий талаблар билан меъёрланиши, чегараланиши, аввало унинг нормал, демократик мазмунда амал қилишини таъминлайди. Қолаверса, фуқаролик жамияти мавжуд бўлиши ва фаолият юритиши учун шарт-шароит яратади.

Конституциявий тузум ҳукмрон бўлган мамлакатда давлат ижтимоий муносабатларга аввало ҳуқуқий нормалар воситасида, уларга қатъий амал қилган ҳолда таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий талаблар ва Конституциянинг устуворлиги конституциявий тузумнинг асосий ифодаси ва бош мезонидир. Конституциявий тузум Конституцияда ўз аксини топган ҳамда жамият ва давлат ҳаётида мавжуд бўлган реал турмуш тарзидир.

Конституциявий тузум бутун ҳуқуқ нормалари тизими, турли ҳуқуқ тармоқлари билан мустаҳкамланади. Конституциявий ҳуқуқ конституциявий тузум асосларини, яъни давлат қурилишининг асосий принципларини, унинг инсон ва жамият билан ўзаро муносабатларини, давлатнинг биргаликда батартиб ва нисбатан яхлит тизим ҳосил қилувчи ҳамда ҳуқуқнинг қолган барча норматив қоидаларида акс этувчи муҳим хусусиятларини тартибга солади. Ўзбекистон Конституциясида конституциявий тузум асосларига бағишланган боб ва моддалар мавжуд (I бўлимнинг I – IV боблари).

Асосий қонуннинг конституциявий тузум асосларини белгилаб берувчи қоидалари Ўзбекистон ҳуқуқий нормалари ичида энг олий юридик кучга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бирорта қоида (демак, бошқа ҳужжатларнинг қоидалари ҳам) конституциявий тузум асосларига зид бўлмаслиги керак. Конституциявий тузум асослари ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзагидир ва ўз мазмунига кўра юқори даражадаги барқарорликка эга бўлиши керак.

Конституциявий тузум асосларини конституциявий ҳуқуқнинг ўрганиш предметини ташкил этади. Конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаи 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Асосий қонуннинг нормалари миллий ҳуқуқ нормалари ичида энг олий юридик кучга эгадир.

Конституциявий тузум – инсоният ижтимоий турмушининг буюк ғалабаси, умум эътироф этган ҳаёт шакли ҳисобланади. Уни заифлаштиришга, унинг барқарорлигига путур етказишга, конституциявий тузилмалар обрўсини тўкишга қаратилган ҳар қандай уриниш ҳуқуқий давлат руҳи ва моҳиятига зид келади. Конституция мавжуд тузумга қарши қаратилган ҳаракатларга йўл қўймайди.

Конституциявий тузум элементларини амалдаги Конституция ва у асосида қабул қилинган қонунларга кўра фаолият кўрсатувчи идоралар, институтлар ва тартиблар ташкил этади. Шу нуқтаи назардан конституциявий тузум элементлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: қонун

чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ҳамда уларнинг тегишли марказий ва маҳаллий органлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни, яъни Конституцияни ўзгартириш учун куч ишлатишни мақсад қилиб қўйган сиёсий партиялар, шунингдек бошқа ижтимоий бирлашмалар ташкил этилишини ва улар фаолиятини тақиқлайди (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 57-модда). Мамлакатимизда ўрнатилган конституциявий тузумга тажовуз қилиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Жумладан, Жиноят кодексининг 159-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очиқдан-очиқ даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш – энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик – энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш – ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар берган шахс, башарти, қўрилган чоралар натижасида фитнанинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида конституциявий тузумнинг асосий принциплари мустаҳкамланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, демократизм, Конституция ва

қонунларнинг устунлиги, ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, ташқи сиёсат принциплари.

Конституциявий тузумнинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг суверен демократик давлат эканлиги, унинг моҳияти, ички ва ташқи ишларда мустақиллиги, давлат ҳокимиятининг устунлиги, хорижий давлатлар билан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалар асосида иш олиб боришга қодирлигида намоён бўлади.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви демократик принципларга асосланиб, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ эканлиги, шу сабабли бутун ҳокимият халққа тегишлилигини англатади. Ушбу асосий принциплар ҳуқуқий тизимнинг тузилишини, Конституция ва қонунлар олий юридик кучга эга эканлигини кўрсатади ҳамда давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришларини, бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслигини белгилаб беради.

Шунингдек, мазкур принциплар сирасига ташқи сиёсат принциплари ҳам киради. Конституциянинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти ҳисобланади. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ҳамда нормаларига асосланади.

Мазкур принциплар Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосини ташкил этади. Конституциянинг бошқа бўлимидаги ҳуқуқий нормалар конституциявий тузум принципларига зид бўлмаслиги лозим.

2-САВОЛ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУВЕРЕН ДАВЛАТ СИФАТИДАГИ ҲУҚУҚИЙ БЕЛГИЛАРИ.

«Суверенитет» французча сўз бўлиб, давлатнинг ташқи ишларда мустақиллиги ва ички ишларда устунлигини билдиради. «Суверенитет» атамасининг ўзагини ташкил этувчи «суверен» сўзи эса, «олий ҳокимият соҳиби» деган маънони англатади. У давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти ҳамда давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида «Ўзбекистон – суверен демократик республика» эканлиги мустаҳкамланган.

«Суверенитет» атамаси субъектга кўра қўлланади. Уларнинг биридан фарқли томонлари эса субъектларнинг мақомида намоён бўлади. Суверенлик қонунга асосан берилади ва чекланади. Шу сабабли давлат суверен бўлишига қарамай чексиз ҳокимиятдан фойдалана олади, деб айтиш мумкин эмас. Давлат ўз ҳокимиятини қонуний ваколатлар доирасида амалга оширади ва унинг чегарасидан чиқиб кета олмайди. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти

халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ва уларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Суверен ҳисобланган давлат, миллат ва халқ ўз суверенитетининг амал қилиши ёки ундан фойдаланиш учун муайян фаолият, соҳа ёки маконда бошқа сиёсий-ҳуқуқий субъект (институт)лардан устунлиги жиҳатидан фарқ қилувчи ваколатларга эга бўлади. Масалан, суверен давлат ўз ҳудудида сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ижтимоий ҳаракатлардан мустақил ҳолда умумий бошқарувни амалга оширади ва халқаро муносабатларда бевосита ташқи алоқаларни олиб боради.

Ҳуқуқшунослик ва сиёсатшуносликда суверенитет давлат, миллат, халқ суверенитети сингари турларга ажратилади. Давлат суверенитети деганда, жамиятда давлат ҳокимиятининг устуворлиги ва унинг мамлакат ичкариси ҳамда халқаро майдонда бошқа (мамлакат ичкарисида давлат сиёсий тизимининг бошқа субъектлари, халқаро майдонда эса давлат, халқ ва халқаро ташкилот)ларга нисбатан тўла мустақиллиги тушунилади. Шу ўринда суверенитет давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти ва давлатнинг муҳим белгиси ҳам ҳисобланади.

«Халқ суверенитети» тушунчаси халқнинг ўз манфаатлари йўлида ўз ҳокимиятини ўзи тегишли конституциявий механизм (шакл, усул, принцип, қоида)лар орқали мустақил ҳолда амалга оширишини англатади. Халқ ўзининг тўла ҳокимиятини ҳеч бир ижтимоий субъект билан бўлишмаган ҳолда жамият ижтимоий соҳаларининг тўла ҳуқуқли субъекти ҳисобланади.

Давлатнинг суверенитет соҳиби сифатидаги давлат-ҳуқуқий белгилари – унинг умумий ҳуқуқий мақомини ифодаловчи жиҳатларидир. У ўз ичига маълум қоидаларни қамраб олса-да, умумий ташқи белгиларнинг муштараклигини англатади. Шунингдек, суверен давлат белгилари алоҳида белгилар йиғиндиси бўлиб қолмасдан, давлат белгиларини мустаҳкамлайди. Жумладан, мамлакат ҳудудининг яхлитлиги давлат суверенитетининг муҳим белгиси ҳисобланади.

Ҳар бир давлатнинг суверен давлат эканлиги, аввало, унинг конституцияси (конституциявий қонунлари)да белгилаб қўйилади. 1990 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияси ҳам суверен давлат сифатида тавсифлайдиган белгиларга эга. Жумладан, унда қуйидаги қоидалар белгилаб қўйилган:

«Ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда, Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилади».

Мазкур декларация Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг сиёсий-ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаб берган бўлиб, давлат ва жамият ишларини ҳал этишда халққа тўла ҳуқуқ беради ҳамда Конституция ва қонунларнинг мамлакат ҳудудида устунлигини белгилайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат эканлиги 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда ҳам мустаҳкамланган. «Мустақиллик декларацияси» ва «Ўзбекистон Республикаси нинг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг асосий ғояси ва қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган. Давлатнинг суверенитети унинг фаолиятида, жумладан барча ҳуқуқий муносабатларни, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгилаши каби белгиларида намоён бўлади.

Давлатнинг бутун ҳудудида унинг олий органи томонидан чиқарилган Конституция ва қонунлар устунлиги давлат суверенитетини билдирувчи асосий белгидир.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти ҳисобланади ва бошқа давлатлар билан бевосита муносабатлар олиб боради. Конституцияда Ўзбекистоннинг суверен давлат эканлиги қонуний тарзда мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлат халқнинг расмий вакили сифатида ўз фуқароларининг манфаатларини ифода этар экан, суверен бўлган ҳолдагина у фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла-тўқис таъминлаши мумкин.

3-САВОЛ. “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ. КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР ЖАРАЁНИ.

2023 йил 20 май куни парламент палаталари кенгашларининг қўшма қарори билан Конституцияга ўзгартириш киритиш юзасидан Конституциявий комиссия тузилди. Унга амалдаги Конституцияни ишлаб чиқишда қатнашган, Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов раислик қилади. Комиссия «жамият — ислохотлар ташаббускори» ғояси асосида иш олиб боради.



2023 йил 26 май куни Конституцияни ислоҳ қилиш бўйича махсус комиссиянинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий — Конституцияга келиб тушадиган таклифлар билан ишлаш механизми, комиссия ҳузурида Таклифлар билан ишлаш ҳамда Йиғма ахборот-таҳлили гуруҳларини тасдиқлаш масалалари кўриб чиқилди.

Комиссия раиси Акмал Саидовнинг сўзларига кўра, Конституцияни ислоҳ қилиш бўйича жаҳон тажрибасида уч хил йўналиш мавжуд:

- Конституцияни буткул янгидан қабул қилиш;
- Асосий қонунни янги таҳрирда қабул қилиш;
- Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

«Биз Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўлидан бораяпмиз. Бу хориж давлатларида ҳам кенг ривожланган йўл ҳисобланади», — деди у.

Таклифларни юбориш, қабул қилиб, таҳлилдан ўтказиш жараёнидан асосий мақсад ҳар бир фуқаро, ҳар бир ташкилот томонидан билдирилаётган таклифларнинг конституцион комиссия томонидан кўрилиб чиқилишини таъминлашдан иборат.

Таклиф юборишнинг бир неча муқобил имкониятлари яратилмоқда:

- meningkonstitutsiyam.uz веб-саҳифаси;
- маҳалла фуқаро йиғинлари;
- Халқ депутатлари кенгашлари;
- 1341 call-маркази;
- почта орқали (Конституциявий комиссияга хат юбориш бепул бўлади)
- Telegram-бот (@meningkonstitutsiyam_bot) ёрдамида юбориш мумкин.

Почта орқали комиссияга хатлар бепул тарзда юборилади.

Навбатдаги босқич — «таклифларни рўйхатдан ўтказиш ва бу ҳақда фуқароларни хабардор этиш».

Ҳар бир фуқарога унинг таклифи қабул қилингани ёки йўқлиги бўйича хабар юборилади.

Кейинги муҳим босқич — «таклифларни таҳлил қилиш ва конституциявий комиссияга кўриб чиқиш учун киритиш».

Бунинг учун конституциявий комиссиянинг таҳлил гуруҳи фаолият олиб боради. Бу гуруҳнинг асосий вазифалари келиб тушган таклифларни умумлаштириш, умумий мазмун бўйича маълумотномалар тайёрлаш ва таклифларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги бўйича хулосаларини тайёрлаш ва ҳар ҳафтада камида бир марта комиссияга мана шу хулосалар, таклифлар мазмунини киритиб боради.

Шундан кейин конституциявий комиссия ўз мажлисларида келиб тушган таклифларни кўриб чиқиб, саралайди ва маромига етказиб тегишли лойиҳа тайёрлайди.

Конституциявий комиссия низомига кўра, фақатгина конституцияга ўзгартириш киритиш билан боғлиқ бўлмаган ёки белгиланган муддатлардан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмаслиги мумкин деб белгиланган. Таклиф келиб тушгач, уни кўриб чиқиш муддати 20 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Нима учун айнан бугун конституциявий ислохотлар ўтказиш зарурати туғилмоқда?

▶ ўтган давр мобайнида бутун жамиятимиз қайта уйғонди, одамларимиз янгича фикрлаш, ишлаш ва яшашга интилмоқда;

▶ Ҳозирги таҳликали замон, ён-атрофимиздаги мураккаб вазият она Ватанимиз тақдирига янада улкан масъулият билан ёндашиб, кечиктириб бўлмайдиган стратегик қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда.

▶ Инсоният илмий-технологик даврга қадам қўйди. Жаҳонда кескин трансформация жараёнлари ва рақобат кучаймоқда.

▶ Эртанги кунини ўйлаган халқлар ва давлатлар ўз келажаги ҳақида бугун ҳар қачонгидан ҳам жиддий бош қотирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституциявий комиссия аъзолари эътиборини қуйидаги муҳим вазифаларга қаратди:

▶ Мана шундай халқ қилувчи паллада ва келажакда давлатимизда, жамиятимизда инсоннинг ўрни ва кадри қандай?

▶ Қандай сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-гуманитар тамойиллар, қадрият ва манфаатлар биз учун устувор аҳамиятга эга бўлади?

▶ Энг муҳими, конституциявий ислохотлар оддий аҳолига, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётига нима беради?”

Ўзбекистон Президенти конституциявий комиссия аъзолари эътиборини тўртта асосий йўналишга қаратди:

▶ Биринчи йўналиш – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи;

▶ Иккинчи йўналиш “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” ғоясининг Конституцияда мустаҳкамланиши;



▶ **Учинчи йўналиш – эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиши билан боғлиқ масала;**

▶ **Тўртинчи йўналиш – Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш масаласи.**

Биринчи йўналиш – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи:

▶ **Инсон – давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва манбаи ҳамда энг олий қадрият бўлиши лозимлиги таъкидланди;**

▶ **Президент Конституцияга “Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади”, нормасини киритишни таклиф қилди;**

▶ **Конституция ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда акс этган “Миранда қондаси”ни қўллаш лозим. Яъни, шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шарт;**

▶ **“Хабес корпус” институтини ривожлантириш зарур. Яъни, шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас;**

▶ Конституцияга “Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмас”, деб қатъий ёзиб қўйилиши керак;

▶ **Ўзбекистон фуқароси мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ёки яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Ҳар бир фуқарога мамлакатдан тўсиқларсиз чиқиш ва қайтиш ҳуқуқи кафолатланиши лозим;**



Ўзбекистон Президенти “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” ғоясини Конституцияда мустаҳкамлашни таклиф қилди. Бу ислохотларнинг иккинчи йўналишини ташкил этади:

▶ **Ижтимоий давлат – ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир;**

▶ **Ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди;**

▶ **У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечирishi учун етадиган иш ҳақи, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратишни талаб қилади;**

▶ ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир;

▶ Халқимиз орасида “снос” деган ном билан машҳур бўлган муаммо бор. Бундай ҳолатга бутунлай барҳам бериш учун уй-жой бўйича конституциявий кафолатни белгилаб қўйиш лозим. *Яъни, суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинмаслиги керак;*

Ислоҳотларнинг иккинчи йўналиши доирасида хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатлар кучайтирилади:

▶ Бош қомусимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатларни кучайтирилиши зарур. Токи, катта-кичиклигидан қатъий назар, ҳар бир тадбиркор доимо давлат, Конституция, қонунлар ҳамда Президент ҳимоясида эканини амалда ҳис қилсин;

▶ Ривожланган давлатлардаги каби, шундай тартиб ўрнатилиши лозимки, мулкдор суд қарорисиз, ўзининг розилигисиз, адолатли товон пулисиз, мулкидан маҳрум этилмасин;

▶ давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқмаслик ҳамда бекор қилмаслик масаласини ҳам Конституциявий қоида сифатида белгиланиши зарур;

▶ Тадбиркорлар ўз фаолиятидан чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақли эканини Конституцияда мустаҳкамлаш таклиф этилди;

▶ Конституцияда товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағлар эркин ҳаракатланишини, давлат ички ва халқаро савдо ривожланиши учун барча шароитлар яратилиши мустаҳкамланиши шарт;

▶ Асосий қонунимизда ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги аниқ белгиланиши лозим;



Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги энг муҳим принциплари белгиланади:

▶ Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи

тамойиллари асосида маънавий ва ахлоқий етук инсонлар этиб тарбиялаш учун зарур шароитларни яратади;

▶ Ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгунига қадар уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлиғи, тўлақонли ва баркамол ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳуқуқига эга ва бунга мажбурдир;

▶ Ногиронлиги бўлган инсонлар – жамиятнинг тўлақонли аъзолари, деган тамойил негизида конституциявий ҳуқуқ ва кафолатларини белгилаб қўйилади. «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар қандай ажратиб қўйиш, уларнинг ҳуқуқларини чеклаш, объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишдан бош тортиш тақиқланади»

▶ Конституцияда болалар меҳнатига йўл қўймаслик ҳам ўз аксини топиши зарур;

▶ Инсоннинг меҳнатга ва муносиб ҳаёт шароитларига, ишсизликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш – конституциявий ислохотларнинг муҳим мақсади;

▶ Асосий қонунимизда ҳар бир шахснинг қулай меҳнат шароитида ишлаш, меҳнати учун муносиб ҳақ олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласи ҳаёт кечирishi учун етарли миқдорда бўлишини белгилаш таклиф этилди.

▶ Бош қомусимизда ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилиши шарт

“Ўзбекистон – ижтимоий давлат” ғояси доирасидаги вазифалар:

▶ Конституцияга давлат чет элда яшаётган ва ишлаётган фуқаролар ҳақида ғамхўрлик қилади деган қоида киритилади;

▶ инсон саломатлиги – миллат ҳаётининг давомийлигини таъминлаш, унинг генофондини сақлаш, барқарор миллий стратегиямизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади;

▶ Табиатдаги глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазиятнинг тобора кескин тус олаётгани экологик хавфсизликни ғоят долзарб масалага айлантди. Шу боис, Конституцияда ушбу йўналишга доир экологик-ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топиши лозим;

▶ Таълим, илм-фан ва инсон капиталини ривожлантиришга устувор эътибор бериб келинмоқда. Бош қомусимизда давлат мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимини, турли мулк шаклидаги, жумладан, хусусий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиб бериши билан боғлиқ нормалар ҳам бўлиши лозим;

▶ Устозга бўлган юксак эҳтиром Конституциямизда ўз ифодасини топиши зарур. Шунингдек, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига

аралашш, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслиги Конституция даражасида белгилаб қўйилади.

Учинчи йўналиш – эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиши билан боғлиқ масаладир:

▶ Бизнинг халқимиз учун жамият, аввало, маҳалладан бошланади. Маҳалла – асрлар давомида миллий урф-одатларимиз ва бой маънавиятимизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда;

▶ маҳалланинг мақомини ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифаларини Асосий қонунимизда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этилди. Бунда маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиш бўйича ваколатлари алоҳида белгиланиши зарур

Тўртинчи йўналиш – Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш масаласи:

▶ Ҳуқуқий давлат – демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлатдир. Шу маънода, “Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат” деган ғояни Конституциядан ўрин олиши таклиф этилди;

▶ Конституцияга давлат органлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг ихчам ва тежамкор бўлишини таъминлаш юзасидан қоидалар киритиш лозимлиги билдирилди.

▶ Асосий қонунимизда халқ ҳокимиятчилигини, ҳокимиятларни бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш механизмларини таъминлашни янада кучайтириш талаб этилади.

▶ ҳукуматни шакллантириш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашда Олий Мажлиснинг ваколатларини кенгайтириш бўйича тегишли қоидаларни киритиш;

▶ Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарини тайинлаш бўйича фармон Сенат томонидан тасдиқланиши тартибини жорий этиш;

Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари:

▶ Ҳукумат томонидан тайёрланган Коррупцияга қарши кураш бўйича йиллик миллий маърузани муҳокама қилиш масаласини парламентимиз ваколатига киритиш;

▶ Олий Мажлиснинг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларининг конституциявий асосларини кучайтириш;

▶ Президентнинг айрим ваколатларини Олий Мажлисга ўтказиш: мисол учун, Ҳисоб палатаси раисини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш ваколатини Сенатга ўтказиш мақсадга мувофиқ;

▶ Давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини ислоҳ қилишдаги муҳим масала – бу жойларда ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашлар ваколатини ажратишдир. Шундан келиб чиқиб, ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашларига ҳам бошчилик қилиши ҳақидаги қондан Конституциядан чиқариб ташлаш вақти келди;

▶ Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи институтини ислоҳ қилишни мақсадга мувофиқ. Хусусан, Конституцияга қонунчилик таклифларини киритиш институтини жорий этиш таклиф қилинди

▶ Ижро ҳокимияти органларининг конституциявий жавобгарлик соҳаларини, ваколатларини кенгайтириш билан бирга уларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш ҳам талаб этилади.

▶ Конституцияда Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликларнинг экология, ёшлар сиёсатини амалга ошириш, оилани қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қулай жамоат транспортини ривожлантириш, аҳолининг дам олиши учун зарур шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятини белгилаш лозим

▶ Ўзбекистоннинг Миллий хавфсизлик ва Ташқи сиёсий фаолияти концепциялари янги таҳрирда ишлаб чиқилади. Конституциявий ислоҳотларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини янги таҳрирда ишлаб чиқиш зарур

Конституцияда суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш масалаларининг ифодаланиши:

▶ Суд-ҳуқуқ тизимини қораловчи, жазоловчи органдан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш – ислоҳотларимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга

▶ Конституциянинг олий юридик кучга эга экани, тўғридан-тўғри қўлланиши, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ажралмас ва дахлсиз бўлиб, ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли экани қайд этилади;

▶ **Асосий қонуннинг ҳимоячиси бўлган Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.** Конституциявий суд қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимият чиқарган ҳужжатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий принцип ҳамда Конституция нормаларига амал қилинишига эътибор қаратади;

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

Ўқув машғулотнинг саволлари кичик саволларга бўлиниб “Бахс-мунозара”, “кичик гуруҳларга бўлиш”, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бирбиридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



Гуруҳларга саволлар:

1. Янги Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш ва таҳлил қилиш.
2. Ўзбекистон Республикасининг янги конституциясига асосан давлатнинг ташқи сиёсати юритиши.
3. Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда қандай омилларга эътибор берилди.
4. Янги Ўзбекистон Конституциясида нормалар тузилиши.

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши аниқланг.
2. Конституциявий тузум элементларини аниқланг.
3. Суверенитет сўзининг маъноси?
4. Ҳуқуқшунослик ва сиёсатшуносликда суверенитетнинг қандай турлари фаркланади?
5. Жамиятда давлат ҳокимиятининг устуворлиги ва унинг мамлакат ичкараси ҳамда халқаро майдонда бошқаларга нисбатан тўла мустақиллиги деб нимага айтилади?
6. Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Конституциявий комиссиянинг раиси ким этиб белгиланди?
7. Шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши бу қайси қоида?
8. Демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлат?
9. “Хабас корпус” институтининг маъноси нима?
10. Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг тўртинчи йўналиши қандай номланади?

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатидаги давлат-ҳуқуқий белгиларини санаб ўтинг.
2. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларини қабул қилиниши билан боғлиқ маълумотларни конспектлаштиринг.
3. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органлари қандай таркибий тузилишга эга?
4. Ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколат ва вазифаларини айтиб беринг.

1.3-МАВЗУ: ҲУҚУҚИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК.

РЕЖА:

1. Қонунийлик тушунчаси ва принциплари.
2. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси, белгилари ватурлари.
3. Юридик жавобгарлик тушунчаси, белгиси, турлари.

1-САВОЛ. ҚОНУНИЙЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот биринчи навбатда шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида намоён бўлади. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг ҳолатига қараб шахс эркинлиги даражаси, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳақиқийлиги, демократиянинг даражаси ва чинакамлиги белгиланади. Бугунги кунда шахс манфаатлари давлат учун устуворлик касб этаётган экан, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг бу томони ҳам давлат фаолиятининг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг зарур шarti ва воситаси ҳамда унинг муҳим таркибий қисмларидир. Мустаҳкам қонунийлик ва ҳуқуқ устунлигига асосланган тартиб ўрнатилган тақдирдагина давлат чинакам ҳуқуқий бўлади.


Қонунийликнинг мазмуни қуйидагиларни назарда тутди:

1. Жамият ва давлатда ҳуқуқий қонунчиликнинг мавжудлигини билдиради, бу амалдаги қонунлар идеал ҳуқуқни, ҳуқуқ принципларини, умуминсоний қадриятлар, эркин демократик жамият ва ҳуқуқий давлатга хос бўлган хусусиятларни ўзида ифодалаши демакдир.

2. Қонунларнинг ҳуқуқийлиги Конституция ва бошқа нормативҳуқуқий ҳужжатларнинг халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига, халқаро андозаларга, инсоннинг ажралмас ҳуқуқларига мос келишини билдиради.

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими иерархиясига татбиқан Конституция ва қонунлар олий юридик кучга эга. Ушбу ҳолат қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган қонуности ҳужжатларининг қатъий равишда уларга мос бўлишини тақозо этади.

4. Конституция ва бошқа қонунлар амал қилишининг самарали ҳимояси қонунийликни англатади.



Қонунийлик – бу ҳуқуқ субъектлари томонидан нормативҳуқуқий ҳужжатларга тўла ва аниқ амал қилинишидир. Қонунийлик – ҳуқуқ ва ҳокимият, ҳуқуқ ва давлатнинг узвий боғлиқлигида ўз ифодасини топадиган, ижтимоий-сиёсий ҳаётга ҳуқуқий тус берадиган кенг маънодаги сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса.

Қонунийлик – ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ ва қонун устуворлигидан, ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари томонидан ҳуқуқ нормаларини оғишмай амалга ошириш, мансабдор шахслар фаолиятидаги ҳуқуқбузарлик ва зўравонликка қарши изчил курашиш, жамиятда тартиб ва уюшқоқликни таъминлашдан иборат ижтимоий-сиёсий режимдир.

Қонунийликнинг асосий тамойиллари:

1. Конституция ва қонунларнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан устунлиги.
2. Ҳуқуқ субъектларининг қонун ва суд олдидаги тенглиги.
3. Ҳокимият органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида зўравонликка йўл қўйилмаслиги.
4. Инсон (фуқаролар) ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланганлиги.
5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мамлакатнинг бутун ҳудудида бир хил қўлланилиши ва талқин этилиши.
6. Мақсадга мувофиқликнинг қонунийликка қарши қўйилмаслиги.
7. Қонунийликнинг маданият билан узвий боғлиқлиги.


Адабиётларда ҳуқуқий қонунийлик ҳақида ҳам гап юритилади. Ҳуқуқий қонунийлик принципи – ҳуқуқ нормаларига ижтимоий муносабатларнинг барча субъектлари томонидан риоя қилиш режими “ёзилган” ҳуқуқни ҳақиқий ҳуқуққа айлантириш усули, инсон ва жамият ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилишини кафолатлаш шакли.

Қонунийлик кафолати – бу қонун ва қонун ости ҳужжатлари амал қилишини таъминловчи, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳамда давлат, жамият манфаатларини тўсиқларсиз амалга оширувчи усуллари, шарт-шароитларидир. **Қонунийликни амалга ошириш кафолатининг турлари:**

- 1) иқтисодий (жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, мулкчиликнинг турли шакллари, иқтисодий эркинлик ва бошқалар);
- 2) сиёсий (конституциявий тузумнинг демократлаштирилиш даражаси, жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий плюрализм (фикрлар хилма-хиллиги) кўппартиявийлик, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши ва бошқалар);
- 3) ташкилий (қонун ҳужжатларига амал қилинишини назорат қилувчи махсус органлар, яъни суд, ички ишлар, прокуратура ва бошқаларнинг фаолияти);
- 4) ҳуқуқий (қонунийликни амалга ошириш учун барча ҳуқуқий нормаларни бажариш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уни бузган кишиларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллаш);

5) жамоатчилик (жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқароларнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда иштирок этиши).

2-САВОЛ. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ ВА ТУРЛАРИ.



Ҳуқуқбузарлик – ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишида содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавfli қилмишдир.

Бундай қилмиш қонун билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки зарар етказиш хавфини туғдириши мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари:

жамият ва шахс учун ижтимоий хавfli;

ҳуқуққа зид ҳарактерга эга;

айбли қилмиш;

зарарли оқибат келтириб чиқаради;

кишиларнинг эрки ва онгига боғлиқ бўлган ҳолда, улар томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида амалга оширилади ва бошқалар.

Ижтимоий хавfliлик даражасига кўра ҳуқуқбузарликнинг жиноят (ўғрилик, фирибгарлик, одам ўлдириш ва бошқалар) ҳамда ножўя иш кўринишидаги турлари мавжуд.

Ножўя иш кўринишидаги ҳуқуқбузарлик, ўз навбатида, фуқаролик-ҳуқуқий (моддий зарар етказиш, мажбуриятни бажармаслик ва бошқалар), маъмурий-ҳуқуқий (майда безорилик, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ва бошқалар), интизомий-ҳуқуқий (ишга келмаслик, кеч қолиш ва бошқалар)га бўлинади.

Ҳуқуқбузарликнинг таркибий элементлари:

объекти (ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар);

объектив томони (ҳуқуқнинг бузилиши ва унинг ижтимоий хавfliлиги);

субъекти (ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар);

субъектив томони (ҳуқуқбузарлик оқибатидан келиб чиқадиган ижтимоий хавfli қилмишга бўлган онгли-руҳий муносабат).

Ҳуқуқбузарлик объекти – бу ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ва муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлардир. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг умумий, махсус ва бевосита объектлари фарқланади.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – бу ҳуқуққа зид хаттиҳаракатнинг ташқи белгисидир. Айнан шундай белгига асосан ҳуқуқбузарлик ҳақида, у қандай рўй бергани ва қанчалик зарар келтиргани ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин бўлади.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

ножўя ҳаракат – яъни инсон иродаси ва ақл-заковати назоратида бўлган ва ҳаракатда ёки ҳаракатсизликда ифодаланадиган ҳуқуқвордир. Ҳаракат – кишининг фаол хатти-ҳаракати, ҳаракатсизлик – пассив ҳуқ-атвор. Шахс ҳаракат қилишга мажбур бўла туриб, яъни ўз ҳуқуқий мажбуриятларини бажариши керак бўлгани ҳолда ҳаракатсизликка йўл қўйиши ҳуқуқбузарликка киради.

хатти-ҳаракатнинг ҳуқуққа зидлиги, яъни юридик нормалар кўрсатмаларига зидлиги туфайли ҳуқуқ томонидан тақиқланади. Ҳуқуққа зидлик, яъни хатти-ҳаракатнинг қонун билан тақиқланиши уч хил усулда ифодаланеди:

биринчиси, тўғридан-тўғри тақиқлаш орқали (меҳнат қонун ҳужжатларига биноан зарарли меҳнат шароитларидаги оғир ишларда аёллар меҳнатида фойдаланиш тақиқланади); иккинчиси, нормада ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат аниқланиб, уни содир этганлик учун жазо чораси белгиланганида билвосита тақиқ орқали (бунда ёзма ифодаланган ёки оддийгина номи келтирилган хатти-ҳаракат қонун билан тақиқланади; чунончи, Жиноят кодексининг

Махсус қисми нормалари бунга мисол бўла олади); учинчиси, ҳуқуқий нормада ижобий, қонунда ифодаланган хатти-

ҳаракатни баён этиш орқали (бундай вазиятда хатти-ҳаракатнинг бошқа, унга қарама-қарши тури мақсадга мувофиқ бўлмайди ва шунинг учун тақиқланган хатти-ҳаракат ҳисобланади. Масалан, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи харидорга буюмни, харидор эса сотувчига пулни беришга мажбур бўлади, бироқ бу – хатти-ҳаракатнинг бошқа турига кўра – пул ёки буюмнинг берилмаслиги тақиқланади деганидир).

қилмиш натижасида етказилган зарар (зарарли оқибат) – ҳуқуқбузарлик натижасида юзага келадиган салбий ва шунинг учун номақбул оқибатдир. Ушбу салбий оқибатлар мулкӣ (мулкдан айрилиш, бой берилган фойда), номулкӣ (ҳақоратлаш, бўҳтон), ижтимоӣ (ўз ҳуқуқини амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлиш), шахсий (ҳаётдан кўз юмиш, соғлиққа зарар етказиш) ва бошқа хусусиятга эга бўлиши мумкин.

ҳуқуққа қарши қилмиш ва зарарли оқибат ўртасидаги сабабий сабабий боғланиш. Ҳуқуқдаги сабабий боғланиш – ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик бўлиб, улардан бири – заруратни иккинчиси – оқибатни туғдиради.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳақида гапирганда унинг жойи, вақти, усули ва муҳит масалаларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Ҳуқуқбузарлик субъекти – бу ҳуқуққа зид айбли қилмишни содир этган шахс, яъни ҳуқуқбузардир. Ҳар қандай шахс ҳам ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланмайди, фақат ўз қилмишига жавоб бера оладиган, ақли расо шахсгина шундай субъект сифатида тан олинади.

Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони. Содир қилинган қилмишига нисбатан шахснинг руҳий муносабати бўлиб, унинг зарурий белгиси айбдир.

Айб – ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатига ва унинг ижтимоӣ хавfli оқибатига нисбатан қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги муносабати.

Қасд – шахснинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатни содир қилаётганида бу ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ҳуқуққа хилофлигини, ижтимоӣ хавfliлигини,

унинг оқибатини англаши ёки тушуниши (тўғри қасд) ёки бу муносабатнинг маълум оқибатни келтириб чиқаришига онгли равишда йўл қўйиши (эгри қасд).

Эҳтиётсизлик – шахснинг хатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олишни назарда тутиб, бепарволик билан ўзига ўзи ишониб ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилиши.

3-САВОЛ. ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИСИ, ТУРЛАРИ.

Юридик жавобгарликнинг табиати ва мазмунини аниқ белгилаш учун аввало жавобгарликнинг ўзи нима деган саволга жавоб бериш зарур. Жавобгарликни икки маънода: позитив (ижобий) ва ретроспектив жавобгарлик маъносида тушуниш мумкин. Агар позитив (ижобий) маънодаги жавобгарлик мавжуд ҳамда келгусидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туришга қаратилган бўлса, ретроспектив жавобгарлик ўз навбатида ўтмишга қаратилган бўлади, яъни у шахснинг юридик мажбуриятларни бажармаслиги ёки ҳуқуқни бузганлиги оқибатида юзага чиқади. Жамиятда жавобгарликнинг бу икки тури ўзаро узвий боғлиқдир. Позитив жавобгарлик қанча юқори даражада бўлса, ҳуқуқ қоидалари ҳам шунча мукамал бажарилади ҳамда ретроспектив жавобгарликка тортилиш ҳолатлари шунча кам содир бўлади.



Юридик жавобгарлик – ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қонунчиликда процессуал тартибда белгиланган давлат мажбурлов чораларини қўллаш.

Юридик жавобгарликнинг белгилари қуйидагича:

давлат мажбурлов чораси эканлиги;

фақатгина ҳуқуқбузарлик учун юзага келиши;

давлат мажбурлов чораларининг фақатгина ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланилиши;

шахсни муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла ёки қисман маҳрум этишдан иборат салбий оқибатларни юзага келтириши;

жавобгарлик қонунда белгиланган тартибда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари томонидан қўлланилиши.

Шахсни юридик жавобгарликка тортишда содир этилган қилмишда ҳуқуқбузарлик таркибининг мавжудлигига асосланилади. Чунки, юридик жавобгарликни қўллаш асосини ҳуқуқбузарлик ташкил этади, яъни ҳуқуққа зид бўлган қилмиш содир этилган бўлсагина шахсни жавобгарликка тортиш мумкин.

Юридик жавобгарлик қуйидаги белгилари билан тавсифланади:

юридик жавобгарлик давлат мажбурлов чоралари билан боғлиқ;

юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ;

юримдик жавобгарлик хукукбузар учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради (озодликдан, ота-оналикдан махрум бўлиш ёки содир этилган қилмиши учун жарима тўлаш ва ҳоказо);

хукукбузарга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг характери ва ҳажми хукук нормаларининг санкциясида ўрнатилган бўлади;

давлат томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари хукукни қўллаш фаолияти давомида тегишли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва процессуал шаклларга амал қилган ҳолда олиб борилади.

Юқоридаги хусусиятлари билан юримдик жавобгарлик сиёсий, ахлоқий ва бошқа жавобгарликлардан фарқ қилади.

Шахсни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишда унинг қилмишида хукукбузарликнинг таркиби мавжудлигига аҳамият бериш ҳал қилувчи роль ўйнайди, яъни хукукқа қарши қилмишнинг объектив ва субъектив томонларини ҳамда объект ва субъектларни биргаликда боғлаган ҳолда ўрганиш масаланинг мазмунини очиқ беришга, уни конкретлаштиришга ва индивидуаллаштиришга ёрдам беради. Хукук бузилишининг турларига мувофиқ юримдик жавобгарлик ҳам тўрт турга бўлинади: 1) жиноий-хукуқий; 2) фуқаролик хукуқий; 3) маъмурий-хукуқий; 4) интизомий-хукуқий жавобгарлик.

Жиноий-хукуқий жавобгарлик фуқаролар томонидан ижтимоий ва давлат тузумига, мулк шакллари, хўжалик тизими, шахслар, фуқароларнинг хукук ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ва ҳоказоларга қарши тажовуз қилинганда келиб чиқади. Жиноят кодексида кўзда тутилган талабларни бузиш жиноят ҳисобланади ва шу жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизликка нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланади.

Фуқаролик-хукуқий жавобгарлик фуқароларнинг, шахсларнинг мулкий муносабатлари ва бу муносабатлар билан боғлиқ мулкий ҳарактерда бўлмаган шахсий муносабатларга зарар етказганлик ҳолатларида белгиланади. Фуқаролик-хукуқий жавобгарлик Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқаларда назарда тутилган ҳолатларда қўлланилади.

Маъмурий-хукуқий жавобгарлик маъмурий хукукбузарликни содир этган фуқаролар ва мансабдор шахсларга қўлланиладиган юримдик жавобгарликнинг бир тури. Хукуқий муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, уларга бошқарувнинг ўрнатилган умумтартиб-қоидаларини бажармаслик (масалан, йўл ҳаракати қоидаларини ва жамоат тартибини бузиш, табиатни муҳофаза этишга қарши ҳаракатлар ва бошқ.) қиради.

Маъмурий-хукуқий жавобгарлик бўйича қуйидаги жазо чораларини кўрсатиш мумкин: оғоҳлантириш; жарима солиш; предметни мусодара қилиш (агар у хукукни бузиш қуроли ёки объект бўлса); махсус хукуклардан махрум этиш (ов қилиш, транспорт воситаларидан фойдаланиш ва ҳоказо); маъмурий қамок; ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқалар.

Интизомий-хукуқий жавобгарликнинг белгиланиш ҳолатлари Меҳнат кодексида, ички меҳнат тартиб-қоидаларида ҳамда махсус Низомларда назарда тутилади. Интизомий - хукуқий жавобгарлик меҳнат ва хизмат интизомини,

ҳарбий ва бошқа интизомни бузиш билан боғлиқ бўлиб, уларга идоранинг ички тартиб-қоидаларини бузиш, ишга кеч келиш ёки ишдан барвақт кетиш ва шу каби ҳоллар киради.

Жиноий ва фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш фақат суд ва ҳўжалик судлари томонидан амалга оширилади.

Маъмурий ва интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик ички ишлар органлари, мансабдор шахслар ва тегишли ваколатга эга раҳбар шахслар (маъмурият) томонидан амалга оширилади.

Юридик жавобгарликни белгилашнинг асосий мақсади жазолаш эмас, балки ҳуқуқ умумий мақсадларининг муайян ифодасига қаратилган бўлиб, улар ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкамланиши, тартибга солиниши ва ҳимоясида ўзининг ифодасини топади. Бу мақсадлар ўз навбатида ҳуқуқнинг тартибга солувчи (регулятив) ва қўриқловчи функциялари амалда бўлишини белгилайди. Юридик жавобгарликнинг асосий функцияси қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни муҳофаза қилишдан иборат. Муайян ҳуқуқбузарга нисбатан жавобгарликнинг қўлланиши бирмунча тор мақсадни, яъни айбдорни жазолашни кўзлайди. Бу билан давлат ўзининг мажбурлов чораларини амалга ошира туриб, яна бошқа бир мақсадни кўзда тутаяди, яъни бу мақсад келажакда ҳуқуқбузарликни содир этишнинг олдини олишга ёки бу ҳақда огоҳлантиришга қаратилган бўлади.

Бу мақсадлар ўз навбатида юридик жавобгарликнинг функцияларини белгилаб беради. Кўзланган мақсадларга эришиш учун қуйидаги тамойилларга амал қилинади: қонунийлик; адолатпарварлик; мақсадга мувофиқлилик; ҳуқуқ бузилган ҳолда жавобгарликнинг муқаррарлиги; индивидуаллик (жазонинг фақат ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилиши).

Қонунийлик. Бу тамойилнинг моҳияти ҳуқуқ қоидалари талабларининг қатъий ва аниқ татбиғидан иборат бўлиб, юридик жавобгарликка нисбатан бу талаб, уни фақат ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган асосларда ҳамда ўрнатилган тартибда амалга оширилишидир.

Адолатпарварлик. Бу тамойил айбдор бўлмаган шахсларнинг жавобгарликка тортилиш ҳолларига йўл қўймасликни ёки содир этилган қилмишнинг исботланиши зарурлигини талаб этади. Юридик жавобгарликнинг адолатпарварлик тамойили қуйидаги расмий талаблар тизимида ўз ифодасини топади:

ножўя қилмишлар учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас;

жавобгарликни белгиловчи ва уни оғирлаштирувчи қонун орқага қайтиш кучига эга эмас;

ҳуқуқнинг бузилиши натижасида келтирилган зарарни қоплаш зарурати мавжуд бўлса, юридик жавобгарликни қўллаш орқали унинг ўрни тўлдирилади;

ҳар бир бузилган ҳуқуқ учун фақат битта жавобгарлик белгиланади;

ҳуқуқбузарлик ким томонидан содир этилган бўлса, фақат шу шахс жавобгарликка тортилади;

жазо турлари ва чоралари ҳуқуқбузарликнинг даражасига (оғир ёки енгиллиги) боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқ бузилган тақдирда жавобгарликнинг муқаррарлиги. Юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан узлуксиз боғлиқ ва бу боғлиқликдан ушбу тамойилнинг моҳияти келиб чиқади, яъни содир этилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг қўлланиши ҳамда унинг муқаррарлиги белгиланади. Кишиларнинг онгида юқоридаги боғлиқликни, яъни ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг жазосиз қолмаслиги тўғрисидаги дунёқарашни шакллантириш ҳуқуқбузарликнинг даражасини камайтиришга қаратилган муҳим омилдир.

Мақсадга мувофиқлилик. Содир этилган қилмишга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги бу тамойилнинг маъносини англатади, чунки белгиланадиган жавобгарлик мақсадга мувофиқдир. Ёки ҳуқуқбузарни қонуний асосларсиз жавобгарликдан озод қилишга йўл қўйилмаслик ҳам мақсадга мувофиқлиликдир ва ҳоказо. Мақсадга мувофиқлилик талаблари жавобгарликни татбиқ этишда қонунийлик талабларига зид келмаслиги керак ва, аксинча, мақсадга мувофиқ эмаслик нуқтаи назаридан қонун талабларини бузиш мумкин эмас.

Индивидуаллик. Бу тамойилга биноан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун фақат айбдор шахснинг ўзига нисбатан жавобгарлик қўлланилади. Жавобгарликни айбдор субъектдан бошқа субъектга ўтказишга йўл қўйилмаслиги керак. Масалан, кўп ҳолларда раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги туфайли йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик корхона ёки ташкилотларнинг зиммасига юклатилишига ҳаракат қилинади. Бу тамойилни ҳаётга тўғри татбиқ этиш учун ҳар бир ходимнинг функционал вазифалари ва унинг бу вазифаларни бажармаслик оқибатида келиб чиқадиган жавобгарлик чоралари доираси қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз аксини (ифодасини) топиши зарур.

Юридик жавобгарлик ҳуқуқ нормалари қоидаларига биноан ҳуқуқни қўллаш органининг қарорига асосланиб юзага келади ва унинг фактик асоси бўлиб ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик ўз-ўзидан жавобгарликни келтириб чиқармайди ёки давлат мажбурлов чораларини қўллашни юзага келтирмайди, балки бундай қўллаш учун асос бўлади холос. Реал юридик жавобгарликни амалга ошириш учун эса ваколатли органнинг ҳуқуқни қўллаш акти зарур бўлади. Бундай актлар суднинг қарори, маъмурият буйруғи бўлиши мумкин.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

1. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат ва унинг турларини изоҳланг.
2. Ҳуқуқбузарликнинг қандай белгилари ва турлари мавжуд?
3. Юридик жавобгарликнинг турлари ва принципларини санаб беринг.
4. Ҳуқуқий жавобгарлик ва унинг турларини айтинг.
5. Интизомий ва фуқаролик ҳуқуқбузарликлар учун қандай жавобгарлик белгиланган?

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ ҲУҚУҚИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК

Семинар машғулотида оид саволлар:

1. Қонунийлик тушунчаси ва принциплари.
2. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси, белгилари ватурлари.
3. Юридик жавобгарлик тушунчаси, белгиси, турлари.



“Феедбаск” методи.

“Феедбаск” методи аввалги ўтилган мавзу билан қўйидаги мавзунини боғлаш тушуниб, тингловчиларга ўтилган мавзу юзасидан бир қанча саволлар берилди. Ушбу методнинг афзалликлари:

биринчидан, тингловчиларнинг аввалги мавзу бўйича олган билимлари мустаҳкамланади;

иккинчидан, ўқитувчига синфдаги аввалги мунозара машғулотидаги эркин ва фаол муҳитни тез ва осон тиклашга ёрдам беради.




Саволлар:

1. Қонунийлик тушунчаси ва принципларини айтиб беринг?
2. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси қандай таркибий қисмлардан иборат?
3. Юридик жавобгарлик деганда нимани тушунаси?

“Қисмларга ажратиб таҳлил қилиш” методи.

Методнинг мақсади тингловчиларда “ҳуқуқбузарликнинг таркиби” тушунчасининг моҳияти ва таркибий элементлари тўғрисидаги маъруза машғулоти олинган билимларини такомиллаштириш.





Бунда гуруҳ тенг тўрт гуруҳга ажратилиб, ҳуқуқбузарлик таркибининг таркибий элементлари гуруҳларга биттадан бўлиб берилади ва гуруҳлардан уларни моҳиятини очиб бериш талаб қилинади. Ушбу метод учун доска талаб қилиниб ўқитувчи берилган жавобларни доскани тўртга бўлиб ёзиб боради. Натижа таркибий элементлар алоҳида ўрганилади, аммо, уларнинг бир-бутун ва бир-бирига боғлиқ эканлиги тингловчилар онгида шаклланади.

“Блиц-суров” методи.



“Блиц-суров” (инглизча “блиц” - тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб кайтарилишини такозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда кайтарилиши мумкин. Жавоб кайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Т/р	Саволлар	Жавоблар
1.	Ҳуқуқ субъектлари томонидан нормативҳуқуқий ҳужжатларга тўла ва аниқ амал қилиниши?	қонунийлик
2.	Ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ва муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар?	ҳуқуқбузарлик объекти
3.	Инсон иродаси ва ақл-заковати назоратида бўлган ва ҳаракатда ёки ҳаракатсизликда ифодаланадиган ҳулқатвор	ножўя ҳаракат
4.	Қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган ҳаракатларни амалга ошириш объектив томоннинг қайси белгиси?	Ҳаракат
5.	Қонунчилик ҳужжатлари билан бажаралиши лозим бўлган ҳаракатларни амалга оширмаслик объектив томоннинг қайси белгиси?	қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ҳамда уларнинг тегишли марказий ва маҳаллий органлари
6.	Ҳуқуқбузарликни содир этган шахс?	Субъект
7.	Зарурий белгиси айб бўлган, содир қилинган қилмишига нисбатан шахснинг руҳий муносабати?	Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони
8.	Ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатига ва унинг ижтимоий хавфли оқибатига нисбатан қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги муносабати?	Айб
9.	Шахснинг хатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олишни назарда тутиб, бепарволик билан ўзига ўзи ишониб ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилиши?	Эҳтиётсизлик
10.	Ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллашд?	Юридик жавобгарлик
11.	Фуқаролар томонидан ижтимоий ва давлат тузумига, мулк шакллари, хўжалик тизими, шахслар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ва ҳоказоларга қарши тажовуз	Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик

	қилинганда келиб чиқадиган жавобгарлик	
12.	Фуқароларнинг, шахсларнинг мулкӣ муносабатлари ва бу муносабатлар билан боғлиқ мулкӣ характерда бўлмаган шахсий муносабатларга зарар етказиш билан боғлиқ жавобгарлик?	Фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик
13.	Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган фуқаролар ва мансабдор шахсларга қўлланиладиган юридик жавобгарлик?	Маъмурий-ҳуқуқӣ жавобгарлик
14.	Меҳнат кодексиди, ички меҳнат тартиб-қоидаларида ҳамда махсус Низомларда назарда тутилган жавобгарлик?	Интизомий-ҳуқуқӣ жавобгарлик
15.	Меҳнат ва хизмат интизомини, ҳарбий ва бошқа интизомни бузиш билан боғлиқ жавобгарлик?	Интизомий

Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

1. Ҳар бир тингловчининг бевосита саволларга берган жавоби;
2. Кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. Тингловчининг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. Мавзу юзасидан тингловчининг билдирган мантиқӣ фиклаши.



II. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК МОДУЛИ.

2.1-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК. МАЪМУРИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ.

РЕЖА:

1. «Маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчаси ва таркиби.
2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг вазифалари.
3. Маъмурий жазонинг мақсади ва турлари.

1-САВОЛ: «МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК» ТУШУНЧАСИ ВА ТАРКИБИ.

Юридик адабиётларда маъмурий жавобгарликни қўллашнинг икки асоси кўрсатиб ўтилган: *биринчидан*, қонуний ҳуқуқий (норматив); *иккинчидан*, маъмурий ножўя хатти-ҳаракат (ҳуқуқбузарлик).

Ҳар иккала асос ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (кейинги ўринларда МЖтК) 1-моддасида маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий (норматив) асоси мустақамлаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 10-моддасига биноан эса, *маъмурий ҳуқуқбузарлик* деганда (фактик асоси), қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), яъни ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилъактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 15 май қонунининг 3-моддасига кўра, **ҳуқуқбузарлик** – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) деб белгиланган.

Ҳуқуқбузарлик ижтимоий маънода фуқаролар, жамият ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хавфни вужудга келтирувчи хулқатвор бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва уларнинг бузилишига олиб келади. Ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган хулқатвор бўлиб, унинг натижасида жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларига моддий ёки маънавий зарар етказилади.

Ҳуқуқбузарлик ўрнатилган хулқ-атвор қоидаларининг бузилишида ифодаланади. *Маъмурий ҳуқуқбузарлик қўйидаги уч хил аломатни ўз ичига олади:*

- 1) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

- 2) айбдорлик;
- 3) жавобгарликка тортиш.

Маъмурий қонунчилик томонидан тақиқланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ғайриҳуқуқий маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади.

Давлат бошқаруви соҳасида содир этиладиган ва кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик кўринишларидан бири бу *маъмурий ҳуқуқбузарликдир*.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг мазмуни амалдаги қонунчилигимизда аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, қуйидаги *умумий хусусиятларга эгадир*:

биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик – *ижтимоий зарарли* ҳисобланади, яъни уларнинг содир этилиши билан жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига маълум бир моддий ва маънавий зарар етказилади; *иккинчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарлик – *маъмурий ҳуқуққа хилоф* ҳисобланади, яъни бундай хатти-ҳаракатларни содир этиш қонун ҳужжатлари билан тўғридан-тўғри тақиқланган.

Айрим ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик маъмурий – ҳуқуқий нормаларни бузиш маъносида талқин қилинади. Лекин шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, маъмурий-ҳуқуқий нормалар турли кўринишга эга, масалан, намунали хулқ-атвор қоидаларини ўрнатувчи тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва бу қоидаларнинг бузилиши учун жавобгарликни ўрнатувчи, муҳофаза этувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар.

Ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда, одатда, уч кўринишдаги: *интизомий, маъмурий ва жиноий жазо* санкцияларидан фойдаланилади. Мазкур санкциялар барча ҳуқуқ тармоқларида муҳофаза қилиш вазифасини бажаради. Масалан, маъмурий жавобгарлик конституциявий, молия, меҳнат, фуқаролик, ер ва бошқа ҳуқуқ тармоқларининг тартибга солувчи нормаларини муҳофаза қилиш мақсадида қўлланилади.

Шу сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик умумий маъмурий-ҳуқуқий нормалар бузилиши сифатида эмас, балки аниқ тартибга солувчи нормалар бузилиши сифатида талқин қилиниши лозим; *учинчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарлик бу *қилмишдир*.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик – бир ёки бир неча инсонларнинг онгли ва иродали ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида ифодаланади; *тўртинчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарлик – *жисмоний шахс* томонидан содир этиладиган қилмишдир. Ўзбекистон Республикасининг МЖТКга биноан маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти сифатида фақатгина жисмоний шахслар намоён бўлиши мумкин; *бешинчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликда *айбнинг мавжудлиги*, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган онгли, иродали қилмиш ҳисобланади.

олтинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик – *жазога сазовор* қилмишдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 10-моддасининг биринчи қисмига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан *маъмурий жавобгарликка* тортиш назарда тутилган қилмиш тушунилади.

Шундай қилиб, *маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда*, қонун ҳужжатларига биноан, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан

ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ҳуқуқбузарликнинг барча хусусиятлари ҳисобга олиниб, уни амалдаги қонунларга биноан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас, деб ҳисобланган тақдирда, бу ҳуқуқбузарликка нисбатан маъмурий жавобгарлик амалга оширилади. Жавобгарликка тортиш – ҳуқуқбузарликнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК 10-моддасининг иккинчи қисмига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра *жиноий жавобгарликка* тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади. Лекин жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган ҳолатлар мазкур кодексда назарда тутилмаган. Фақатгина, МЖТКнинг 271-моддаси 8-бандида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан *жиноий иш қўзғатилган бўлса*, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишни бошлаш мумкин эмаслиги, бошланган иш эса тугатилиши лозимлиги белгиланган.

Бундан ташқари, юридик адабиётларда «*ҳуқуқбузарлик*» ва «*ножўя хатти-ҳаракат*» терминлари кўрсатиб ўтилган. Бу терминлар мазмуни ва хусусиятлари жиҳатидан ўхшаб кетади. Лекин ҳуқуқбузарлик кенг тушунча бўлиб, ҳуқуқ назариясига биноан, барча ҳуқуқбузарликлар жиноят ёки ножўя хатти-ҳаракат сифатида намоён бўлиши мумкин. Маъмурий, интизомий ҳуқуқбузарликлар маъмурий, интизомий ножўя хатти-ҳаракат сифатида намоён бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик номининг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатдир. Бу қилиниши тақиқланган нарсани содир этиш ёки ҳуқуқий норма билан буюрилган нарсани қилмасликдир. Кодекснинг баъзи моддалари муайян турдаги ҳуқуқбузарликларга таъриф беришда гипотезани (диспозицияни) ва ҳуқуқий норма санкциясини ўз ичига олади, лекин кўпинча у «қоидаларни бузиш...» деган ҳавола қилувчи ифодани қўллайди (сўнгра айнан қандай қоидалар ҳақида гап бораётгани кўрсатилади ва санкция қўлланилади).

Ўзбекистон Республикаси МЖТКда *маъмурий ҳуқуқбузарликлар тажовуз қиладиган ижтимоий муносабатлар* доираси атрофлича тавсифлаб берилган. Уларга, маъмурий ҳуқуқбузарликлар аҳолининг соғлиғига қарши қаратилган, мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар, табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги, саноат, қурилиш, иссиқлик ва электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги, савдо ва молия каби соҳалардаги ҳуқуқбузарликлар киради.

Қонун чиқарувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларга ижтимоий тавсиф берар экан, жиноятлардан фарқли ўлароқ, уларни ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар деб атамаган. Бу билан ҳуқуқбузарликлар мазкур икки турининг сифат фарқлари қайд этилган, жорий қонун ҳужжатлари амалиёти эса жавобгарликнинг содир этилган айбга мувофиқлигини таъминлашга ва давлат мажбурлашининг ҳаддан ташқари кенгайишига барҳам берилишига қаратилган. Маълумки, содир этилган жиноятлар учун санкциялар жиноий қонун ҳужжатларида «жазолаш» деб аталган, хусусан, «жазо» сифатида

тавсифланган. Маъмурий ҳуқуқда эса «жазолаш» ва «жазо» атамалари йўқ ва бу билан ҳам жиноятлар билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун бериладиган санкциялар сифат жиҳатидан фарқ қилиши таъкидланган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар фақат «жавобгарлик меъёри» деб аталган ва маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларни қонунларга риоя қилиш, умумий яшаш қоидаларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, ҳуқуқбузарларнинг ҳам, бошқа шахсларнинг ҳам янги ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш мақсадида татбиқ этилади. Бинобарин, қонун чиқарувчи маъмурий жазолашларни қўлланиш мақсадларини аниқлаш вақтида жиноий жазолаш мақсадларидан фарқли ўлароқ, «тузатиш ва қайта тарбиялаш» деб кўрсатиб ўтмайди, бу ҳам жиноятни содир этган шахсларга нисбатан қўлланадиган чоралар билан маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахсларга нисбатан (булар, одатда, тузатиш ва қайта тарбиялашга муҳтож эмаслар) қўлланадиган чоралар ўртасидаги фарқлар тақиқланади. Бироқ, маъмурий ҳуқуқбузарликлар орасида жиноятларга тутатиб кетадиганлари ва уларга яқинлари ҳам бўлади. Ана шу «чегара минтақаси»га нисбатан ҳуқуқбузарликларни тўғри таснифлаш муаммоси жуда муҳим ва айни вақтда мураккабдир.

МЖТК Махсус қисмининг кўпгина ифодалари маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан уларга яқин жиноятлар ўртасидаги аниқ чегара ажратувчи чизиқларга эга эмас. Ана шундай чегара ажратувчи чизиқлар ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайди, улар фақат Жиноят кодекси билан Маъмурий жавобгарлик кодексининг тегишли моддалари қиёслангандагина кўзга ташланади. Қонун чиқарувчи чегара ажратувчи чизиқлар сифатида қуйидаги белгилардан фойдаланади: оғир оқибатларнинг мавжудлиги, ана шундай оқибатларнинг рўй бериши мумкинлиги; ҳуқуқбузарлик етказган зарарнинг миқдори; маъмурий жазо қўлланган тақдирда ҳуқуқбузарлик содир бўлишининг такрорланиши ёки бир неча марта содир бўлиши, қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши – қасддан содир этилган айб жиноят ҳисобланади (жиноят белгилари орасида камдан-кам ҳолларда фойдаланилади).

Қонун маъмурий ҳуқуқбузарлик белгиларини ифодалаган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг субъектив томонига катта эътибор беради ва шуни ҳисобга олган ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарликни у билан ташқи томондан ўхшаш бўлган объектив ғайриҳуқуқий хулқатвордан, у билан расман ўхшаш бўлган ҳаракатлардан чегаралайди. Масалан, охириги зарурат, зарурий мудофаа ва ғайриҳуқуқий ҳолат, қонунга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг йўқлигини билдиради ва шу сабабли маъмурий жавобгарликни истисно қилади.

Маъмурий жавобгарлик оммавий ҳуқуқий хусусиятга эга бўлади. Бу давлат ва унинг ваколатли органлари олдида жавобгарликдир, ҳуқуқбузарлар хизмат бўйича бу органларга бўйсундирилмаган. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш билан бирон-бир кишига мулкий зарар етказилган бўлса, у ҳолда бу зарарни қоплаш масаласи алоҳида (зарарнинг миқдори ва ишни ҳал қиладиган органга қараб) ҳал этилади ёки маъмурий тартибда ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни кўриб чиқиш билан бир вақтда суд томонидан

умумий даъво билдириш тартибида ҳал қилинади. Биринчи ҳолда биз янги ҳуқуқий ҳодисани маъмурий ишдаги фуқаролик даъвосини билдиришга ўхшаш бир нарсани кўрамай. Зарарни бундай қоплаш маъмурий жавобгарлик ҳисобланмайди.

Қонун ҳужжатлари ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш мумкинлигини ҳам назарда тутган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда орган, мансабдор шахс умуман огоҳлантириш билан кифояланишлари мумкин, бу эса маъмурий жазо ҳисобланмайди. Бу ўринда маъмурий ҳуқуқбузарлик яққол кўриниб турса ҳам унинг учун жавобгарлик белгиланмаган, фақат ахлоқий тусдаги расмий жавоб бериш мавжуддир. Мазкур хаттиҳаракат учун қонун ҳужжатларида айнан маъмурий жавобгарлик кўзда тутилганлиги ва унинг ўзи шу сабабли маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиши факти бундай хатти-ҳаракат учун жавобгарликнинг бошқа тури бўлган интизомий жавобгарликни қўллашни асло истисно қилмайди. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бундай ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун айрим тоифадаги ходимлар учун маъмурий жавобгарликни эмас, балки интизомий жавобгарликни бевосита қўллашни назарда тутди, бу эса ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларга икки томонлама бир вақтнинг ўзида маъмурий ҳамда интизомий хатти-ҳаракатлар сифатида баҳо бериш билан боғлиқдир. Масалан, ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий эмас, балки интизомий жавобгар бўладилар. Қонун ҳужжатларида юридик томондан икки томонлама баҳо бериладиган, яъни ҳам интизомий, ҳам маъмурий жазо бериладиган айни битта хаттиҳаракатга нисбатан тақиқлаш мавжуд эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятлари. Юқорида кўриб чиққанмиздек, давлатнинг ҳуқуқий тизими, одатда уч гуруҳ: жиноий, маъмурий ва интизомий жазо санкциялари билан муҳофаза қилинади. Жумладан, аниқ ҳолатларга қараб сайлов ҳуқуқини, мулкчиликни, меҳнат, санитария, экология қоидаларини бузиш учун жиноий ёки маъмурий ёхуд интизомий жавобгарлик қўлланилиши мумкин. Ушбу жавобгарликларнинг *биринчи* ўхшашлик томони шундан иборатки, улар ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилади; *иккинчидан*, бу жавобгарлик санкциялари қонунлар билан ўрнатилган; *учинчидан*, улар ҳуқуққа хилоф айбли қилмиш (ҳуқуқбузарликлар) учун қўлланилади; *тўртинчидан*, қонун ҳужжатларида жавобгарликларни қўллаш жараёни ва жавобгарликни қўлловчи органларнинг ваколатлари кўрсатиб ўтилган; *бешинчидан*, уларни қўллаш айбдор шахсга нисбатан «*ноҳуш*» оқибатларни, шунингдек, маълум бир муддатда жавобгарликка тортилганликни (масалан, жиноятда судланганлик, маъмурий ва интизомийда бир йиллик муддат) олиб келади.

Демак, жиноий, маъмурий ва интизомий жавобгарлик кўпгина ўхшаш томонларга эгадир. Лекин қонунийлик тартибини таъминлашда ҳуқуқбузарликни таснифлаш, айбдор шахсни қонуний ва асослантилган жазога тортиш мақсадида, ҳуқуқбузарлик кўринишларини фарқлаш лозим бўлади.

Жиноят ножўя хатти-ҳаракатдан (маъмурий, интизомий) бир қатор хусусиятлари билан фарқланади. Бу биринчи навбатда, ҳуқуққа хилоф қилмишнинг ижтимоий хавфи ва тури. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига биноан Ушбу кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан *жиноят* деб топилади. Ушбу кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфни келтириб чиқарадиган қилмиш – *ижтимоий хавфли қилмиш* деб топилади.

Тўғри, ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмишдан келиб чиқадиган моддий, яъни жамиятга келтириладиган зарар даражаси биринчи ўринда туради. Айнан унга қараб ҳуқуққа хилоф қилмишнинг тури: жиной, маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарлик эканлиги масаласи ҳал қилинади. Иккинчидан эса, мазкур жавобгарликларни фарқлашда турли процессуал нормалар орқали тартибга солинганлиги, шунингдек, судланганлик ва маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилганлик масаласи эътиборга олинади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфи масаласи бўйича икки хил ёндашув мавжуд. Кўпгина ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқбузарликларнинг барчаси ижтимоий хавфли, яъни жиноятлар – ижтимоий хавфи юқори бўлган, ножўя хатти-ҳаракатлар эса, кам аҳамиятли ҳуқуқбузарлик, деб кўрсатишади.

Баъзи ҳуқуқшунос олимларнинг кўрсатишича, ҳуқуқбузарликлар ўртасида микдорий даража (ижтимоий хавфнинг юқори ёки кам аҳамиятлилиги) эмас, балки аниқ сифат фарқлари мавжуд. Жиноят ижтимоий хавфли, ножўя хатти-ҳаракатлар эса ижтимоий хавфли эмас.

Ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфи мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги масала тегишли давлат органлари ваколатига кириб, ҳуқуқбузарлик таркибининг хусусиятларини аниқлаш орқали ҳал қилинади.

Ножўя хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавфли қилмишга кириши ёки кирмаслиги масаласи анча вақт давомида мунозарали бўлиб келмоқда. Ижтимоий хавфли қилмишнинг аниқ даражалари ўрнатилмас экан, ягона қарорга келиш мушкулдир. Масалан, белгиланмаган жойдан кўчани кесиб ўтиш, транспортда чиптасиз юриш, ҳарбий рўйхатда туриш мажбуриятини бажармаганлик ва бошқа шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар ижтимоий хавфли деб топилса, «*ижтимоий хавфли*» деган сўзнинг тушунчаси нима, бу тушунчанинг чегараси қаерда, деган савол вужудга келади.

Ижтимоий хавфли қилмиш – бу ижтимоий муносабатларга маълум бир зарар келтирадиган ёки келтириши мумкин бўлган қилмишдир. Бундай хатти-ҳаракатларнинг йиғиндиси маълум бир тарихий шароитда, жамиятнинг мавжуд бўлишига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, барча ҳуқуқбузарликни (шунингдек, маъмурий ножўя хатти-ҳаракатларни) ижтимоий хавфли қилмиш деб топиш мумкин эмас.

Баъзи бир ҳуқуқшунос олимлар маъмурий ножўя хатти-ҳаракатларда ижтимоий хавф мавжуд бўлишини бутунлай инкор этишади. Лекин шу ҳолатга ҳам эътибор бериш керакки, умумий қоидага тўғри келмаса ҳам баъзи бир ножўя хатти-ҳаракатлар ижтимоий хавфни вужудга келтириши мумкин.

Ножўя хатти-ҳаракатлар, одатда, ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга бўлмасдан, *ижтимоий зарарли қилмиш* ҳисобланади.

Демак, жиноятнинг ножўя хатти-ҳаракатдан асосий фарқи, ундаги қилмишнинг ижтимоий хавfli эканлиги. Масалан, айнан битта кўринишга эга бўлган, лекин икки хил жавобгарликни вужудга келтирадиган ҳуқуқбузарликни, яъни жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ўртасидаги фарқни, ижтимоий хавfliлик даражасида кўриш мумкин. Жумладан, *Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 41-моддасига биноан ҳақорат қилиш*, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситиш *маъмурий ҳуқуқбузарлик* ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддасига биноан эса ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, *жиноят* ҳисобланади. Бунда ҳақорат қилиш ҳаракати маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг қайта содир этилиши ижтимоий хавfliни (жиноий қилмишни) вужудга келтиради.

Қонун чиқарувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларга тавсиф берар экан, жиноятлардан фарқли ўлароқ, уларни ижтимоий хавfli хатти-ҳаракатлар деб атамаган (*Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 10-моддаси биринчи қисми*). Бу билан ҳуқуқбузарликлар мазкур икки турининг сифат фарқлари қайд этилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ўртасида жиноятларга туташиб кетадиганлари ва уларга яқин турадиганлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ўртасидаги чегарани аниқлаш муаммоси вужудга келади. *Ўзбекистон Республикасининг МЖтК Махсус қисмининг кўпгина ифодалари маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан уларга яқин жиноятлар ўртасидаги аниқ чегарага эга эмас ёки ана шундай чегаралар ҳамма вақт ҳам кўзга ташланавермайди*. Улар фақат *Жиноят кодекси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари қиёсланганда* намоён бўлиши мумкин.

Айрим ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик билан жиноятлар ўртасидаги фарқловчи хусусиятлар (чегара чизиқлари) сифатида: *биринчидан*, оғир оқибатларнинг мавжудлиги, ана шундай оқибатларнинг рўй бериши мумкинлиги; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарнинг миқдори; *учинчидан*, маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг такроран ҳуқуқбузарликни содир этиш ва бошқалар кўрсатиб ўтилади.

Қилмиш жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида таснифлангандан сўнг, жавобгарликка тортиш тартиби, жазо чораси ва бошқаларда намоён бўлувчи *иккинчи даражали хусусиятлар* вужудга келади. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга биноан 16 ёшга тўлган фуқаролар, Жиноят кодексига биноан эса айрим жиноятлар учун 14 ёшга тўлган фуқаролар жавобгарликка тортилади.

Маъмурий жавобгарликда уни қўллаш жараёни соддалаштирилган (масалан, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга баённомани тузиш орқали маъмурий жазони қўллаш мумкин), жиноятда эса, жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш лозим; маъмурий жавобгарлик суд ва бошқа давлат органлари томонидан,

жиноий жавобгарлик эса фақатгина суд органлари томонидан қўлланиши мумкин ва ҳ.к.

Маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлар билан интизомий ножўя хатти-ҳаракатларни таққослаганда, уларнинг иккаласи ҳам ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланмаслигини эътиборга олиш лозим. Лекин уларнинг формал хусусияти – ҳуқуққа хилофлиги нуқтаи назаридан келиб чиққанда, маълум бир фарқли томонлар мавжуд. Маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ барча ҳолатлар: унинг таркиби, санкциялар тизими ва бошқалар маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинади. *Интизомий ножўя хатти-ҳаракатларга* қарши курашиш – *меҳнат қонунчилиги билан*, ҳарбий хизматчиларнинг, йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳамда ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахсларнинг интизомий жавобгарлиги – *маъмурий қонунчилик (интизом уставлари) билан*, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг эса – *жиноят ижроия қонунчилиги билан* тартибга солинади. Бунда интизомий ножўя хатти-ҳаракатларнинг таркиби умумий ҳолда кўрсатиб ўтилган, яъни аниқлаштирилмаган.

Интизомий жавобгарлик одатда, хизмат вазибаларини бажармаганликдан ёки лозим даражада бажармаганликдан вужудга келади. Маъмурий жавобгарлик эса, умумий қоидага биноан, давлат бошқаруви соҳасидаги умумажбурий қоидаларнинг бажарилмаганлигидан ёки лозим даражада бажарилмаганлигидан келиб чиқади. Демак, маъмурий жавобгарлик томонидан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар доираси, интизомий жавобгарликка қараганда кенгроқдир.

Интизомий ножўя хатти-ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик ваколатли раҳбар (юқори турувчи орган ёки мансабдор шахс) томонидан ўзига бўйсунган шахсга нисбатан, маъмурий жавобгарликда эса ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан хизмат бўйича бўйсунув мавжуд бўлмаган ҳолатларда қўлланилади. Демак, маъмурий ҳуқуқбузарлик (ножўя хатти-ҳаракат) тушунчаси жиноят ва интизомий ножўя хатти-ҳаракат тушунчаларига яқин туриши билан бир вақтда, турли асосларга кўра фарқланувчи ва ўзига хос бўлган хусусиятларга ҳам эгадир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби тўрт қисмдан иборат:
объект, объектив томон, субъект ва субъектив томон.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти – ижтимоий муносабатлар (умумий объект). Турдош объекти – давлат ёки жамоат тартиби, мулк, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бошқарувнинг белгиланган тартиби. Ҳар қайси маъмурий ҳуқуқбузарлик бевосита ўзининг объектига эга, масалан, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузиш – майда безориликнинг бевосита объектларидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир, жумладан, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ёки маст ҳолда юриш тақиқланади, ана шу ғайриқонуний ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти 16 ёшга тўлган фуқаро (умумий субъект); мансабдор шахслар, хорижий давлат фуқароси ва

фуқаролиги бўлмаган шахслар (махсус субъект); ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органларининг оддий ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар (алоҳида субъект) бўлиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томонига ҳуқуқбузарнинг айби ва нима учун ҳуқуқбузарлик содир этгани, содир этган ҳаракатига руҳий муносабати, қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилганлиги киради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик жиноий қилмишдан ижтимоий хавфлилик даражасининг пастлиги билан ажралиб туради. Маъмурий ҳуқуқбузарлик жамоат тартибини, хизмат интизомини бузиш, ўз вазифасини суистеъмол қилиш демакдир.

Юридик адабиётларда, "*ҳуқуқбузарликнинг юридик хусусиятлари*" ва "*ҳуқуқбузарлик таркибини ифодаловчи хусусиятлар*" тушунчалари кўрсатиб ўтилган. Ҳуқуқбузарликнинг юридик хусусиятлари – бу қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги, айбнинг мавжудлиги ва жазога сазоворлиги ҳисобланади (Олдинги параграфларга қаранг).

Ҳуқуқбузарлик таркибини ифодаловчи хусусиятлар эса – қонун ҳужжатларида мустақамланган ва содир этилган қилмишни ҳуқуқбузарлик сифатида ифодалаш мумкин бўлган хусусиятлардир.

Юридик жавобгарликнинг асоси сифатида ҳуқуқбузарликнинг намоён бўлиши, унинг субъектив ва объектив хусусиятларга эга бўлишига боғлиқдир.

Бу иккала тушунчани фарқлаш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Масалан, транспортда 16 ёшга тўлмаган боланинг чиптасиз юриши ҳуқуқбузарликнинг юридик хусусиятларини келтириб чиқариши мумкин. Лекин ҳуқуқбузарлик таркибининг асосий хусусиятларидан бирининг (масалан, ҳуқуқбузарлик субъекти) бўлмаганлиги жавобгарликни вужудга келтирмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ўрнатилган хусусиятларнинг йиғиндиси бўлиб, уларнинг мавжуд бўлиши билан аниқ бир қилмишлар маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида тан олинади.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик таркиби сингари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам *ҳуқуқбузарликнинг объекти* ва *объектив томони*, *субъекти* ва *субъектив томони* каби хусусиятлар йиғиндисидан иборат бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ўрнатилган ва муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бу, биринчи навбатда, давлат бошқаруви соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир. Давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида нафақат маъмурий ҳуқуқ нормалари билан, балки маъмурий-ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза этиладиган бошқа ҳуқуқ тармоқлари (конституциявий, молия, ер, меҳнат ва ҳ.к.) нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳам вужудга келади. Шу сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига маъмурий жавобгарлик нормалари билан ҳимоя қилинадиган ҳар қандай муносабатларни киритиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқбузарлик объекти, одатда уч гуруҳга бўлинади:

биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *умумий объекти* – давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 10-моддаси биринчи қисмида маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти умумий ҳолда – «*шахс, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, мулкчилик, давлат ва жамоат тартиби, табиий муҳит*» кўрсатиб ўтилган;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *турдош объекти* – мазмуни ва ўзаро яқин хусусиятларига қараб ягона тизимга келтирилган объектлардир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг Махсус қисмида маъмурий ҳуқуқбузарликлар қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилган:

1) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар;

2) сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик;

3) аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;

4) мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;

5) табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;

б) саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;

7) қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария-санитария қоидаларини бузиш;

8) транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар;

9) фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;

10) савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар;

11) одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;

12) жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;

13) бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;

14) тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар

учинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *бевосита объекти* – ҳуқуқбузарлик оқибатида бевосита зарар етказилган, аниқ объект ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 40-моддасида мустаҳкамланган тухмат ҳуқуқбузарлигининг бевосита объекти – фуқаронинг шаъни ва қадр-қиммати ҳисобланади ёки 237-моддасига биноан ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилишдан бош тортишда ифодаланган ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти – бошқарув жараёнида ўрнатилган

тартиб, яъни фуқароларнинг ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ мажбурияти ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – бу ҳуқуққа хилоф қилмишдир, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, унинг хусусиятлари, шунингдек, уни содир этиш (ёки содир этмаганлик) шароитлари ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томондан икки кўринишга эга:

биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликни *ҳаракат* натижасида содир этиш. Ҳаракат – инсоннинг фаол хулқ-атвори ҳисобланади.

Аксарият маъмурий ҳуқуқбузарликлар, объектив томондан шахсларнинг ҳаракати орқали содир этилади. Масалан, тухмат, ҳақорат қилиш, енгил тан жароҳати етказиш, ўрнатилган турли умуммажбурий қоидаларни бузишда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар – ҳаракатлар натижасида содир этилади; *иккинчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *ҳаракатсизлик* натижасида келиб чиқиши. Ҳаракатсизлик – инсоннинг пасив хулқатвори бўлиб, одатда, белгиланган вазифани, мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликда ифодаланади. Масалан, мансабдор шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг муурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқмаганлик, ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик, ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаганликда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар – ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқади.

Ҳуқуқбузарликни содир этиш шароитлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томонининг элементи сифатида, уни содир этиш вақти ва услубини назарда тутлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 90-моддаси иккинчи қисмида ов қилиш қоидаларини бузишнинг шартлари, яъни тегишли рухсати бўлмаётган туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки услублар билан ов қилиш ёки балиқ тутиш кўрсатиб ўтилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – ҳуқуқ нормалари билан назарда тутилган, мазкур ҳуқуқбузарликнинг ташқи кўринишини ифодаладиган хусусиятлар йиғиндисидир. Объектив томон – қилмишни ҳуқуқбузар ташқи хулқ-атворининг кўриниши сифатида ифодалайди. Объектив томон хусусиятларига: ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва уларнинг содир этилиши билан вужудга келган зарарли оқибат киради. Масалан, транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш – ҳаракат тезлигини ошириш (*ҳаракат*), йўл белгиларига риоя этмаслик (*ҳаракатсизлик*)да ифодаланувчи турли хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Бундай *қилмишлар натижасида*: йўл ҳаракати хавфсизлигига хавф солиниши, бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига ҳалақит бериш, авария ҳолатини вужудга келтириш ёки йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига олиб келиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томонининг таркибий қисмларига, ҳуқуққа хилоф қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ва вужудга келган зарарли оқибатдан ташқари, *содир этилган қилмиш ва ундан келиб чиқадиган зарарли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш* ҳам киради. Бундай

боғланишни аниқлаш – зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши шароитларини, зарарли оқибатларнинг айнан мана шу ёки бошқа қилмиш оқибатида вужудга келганлигини, қилмишнинг вужудга келган оқибатларга қай даражада таъсир этганлигини ва бошқаларни аниқлашга хизмат қилади. Лекин маъмурий ҳуқуқбузарликда сабабий боғланишни аниқлашга ҳожат йўқ, чунки қоида бўйича вужудга келган зарарли оқибатлар *номоддий* ва одатда *ижтимоий зарар* ёки *ижтимоий хавfli* кўринишларда бўлади. Шу сабабли, ҳуқуққа хилоф қилмиш билан унинг оқибати ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлигига шубҳа туғилмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар икки кўринишга: *формал* ёки *моддий таркибли ҳуқуқбузарликларга* бўлинади.

Моддий зарар келиб чиқишини назарда тутмайдиган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби – *формал таркибли* маъмурий ҳуқуқбузарлик деб аталади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар, жиноятлардан фарқли равишда, аксарият ҳолларда формал таркибда бўлиб, уни содир этиш натижасида моддий зарар келиб чиқиши ёки келиб чиқмаслигидан қатъи назар, жавобгарлик назарда тутилади. Масалан, транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан ҳаракат тезлигини ошириш натижасида ҳеч қандай моддий зарар келиб чиқмаган бўлиши мумкин, лекин бу ҳаракатни содир этиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, унга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланилади.

Формал таркибли маъмурий ҳуқуқбузарликлардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси МЖтКда бир неча *моддий таркибли* ҳуқуқбузарликлар ҳам назарда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш натижасида моддий зарар келиб чиққан бўлиши керак. Масалан, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш – моддий таркибли ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилганлигини аниқлашда, қонун чиқарувчи, ҳуқуқбузарлик объектив томонининг бошқа хусусиятларини ҳам назарда тутиши мумкин. Жумладан, содир этилган қилмишни маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида таснифлашда, ушбу *қилмишнинг қайси вақтда содир этилганлиги* муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 192 -моддасида тунги вақтлар – соат 23⁰⁰дан 06⁰⁰ гача фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан кўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, турар жойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, майший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Агар, мазкур хатти-ҳаракатлар бошқа вақтда (соат 06⁰⁰ дан 23⁰⁰ гача) содир этилган бўлса, ушбу ҳуқуқбузарликнинг таркибини вужудга келтирмайди.

Айрим ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгилашда *ҳуқуқбузарликни содир этиши жойини* аниқлаш зарур бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 187-моддасида кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, боғларда, барча турдаги жамоат транспортида ҳамда спиртли ичимликларни куйиб сотишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур моддада кўрсатиб ўтилган жойлардан ташқари, уйда ёки меҳмонда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ушбу модда бўйича жавобгарликни вужудга келтирмайди.

Ҳуқуқбузарликнинг қандай услубда содир этилганлиги ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркибини вужудга келтирувчи хусусиятлардан биридир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддасида майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, қонун чиқарувчи, қилмишнинг жамиятга нисбатан яққол менсимаслик услубида содир этилишини кўрсатиб ўтади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни такроран содир этиши – ҳуқуқбузарлик объектив томони хусусиятларидан бири бўлиб, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг кўпгина моддаларида назарда тутилган. Лекин амалдаги Ўзбекистон Республикасининг МЖТКда такроран маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш тушунчаси берилмаган. Маъмурий ҳуқуқбузарликни такроран содир этиш деганда, маъмурий жавобгарликка тортилган шахс томонидан бир йил давомида турдош (бир хил ёки ўхшаш) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишни тушуниш лозим. Ҳуқуқбузарликни такроран содир этиш айбдор шахсга нисбатан жавобгарлик санкцияларида назарда тутилган оғирроқ жазо чорасини қўллашга сабаб бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 190-моддасига биноан фоҳишалик билан шуғулланиш – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томонининг юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятлари (*қилмишни содир этиши вақти, жойи, услуби, такроран содир этиши* ва ҳ.к.) барча ҳуқуқбузарликларга хос эмас, балки улар маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг *факультатив белгилари* ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик таркибининг факультатив белгиларидан фарқли равишда, *ҳуқуққа хилоф ҳаракат* ёки *ҳаракатсизлик*, уларни содир этишдан келиб чиқадиган *зарарли оқибат* ҳамда *зарарли оқибат билан қилмиш ўртасидаги сабабий боғланиш* – маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг *мажбурий хусусиятлари* ҳисобланади.

Хукукбузарлик содир этган шахс – *маъмурий хукукбузарликнинг субъекти* ҳисобланади. Буларга 16 ёшга тўлган ақли расо шахс, мансабдор шахс, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, ҳарбий хизматчилар ва бошқа интизом устави татбиқ этиладиган шахслар киради¹.

Маъмурий хукукбузарликнинг субъектив томони – ҳар қандай хукукбузарлик сингари, маъмурий хукукбузарлик ҳам хукукқа

хилоф *айбли* содир этилган қилмиш исобланади. Айбдорлик қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида юзага келиши мумкин.

Маъмурий хукукбузарликнинг энг муҳим белгиларидан бири қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган айбдор. Ушбу моддада қасддан содир этилган айб тушунчаси очиқ берилади. Шахс маъмурий хукукбузарлик содир этгани учун жавобгарликка тортилар экан, барча ҳолларда бундай айб қилинган бўлиши зарур. Бу ҳилдаги хукукбузарлик фақат қасддан содир этилиши мумкин. Кодекс Махсус қисмининг айрим моддаларида айбнинг қасддан содир қилинган шакли тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилади. Булар маъмурий хукукбузарликларнинг ҳарбий билетни, ҳарбий ҳисоб хужжатларини қасддан яроқсизлантириш (236-модда), муҳрлар (пломбалар)ни қасддан бузиш ёки юлиб олиш (228-модда) каби таркибларидир. Бироқ кўпчилик ҳолларда хукукбузарлик таркибининг субъектив томони тўғрисида Махсус қисмининг тегишли моддасида келтирилган барча белгиларни таҳлил қилиш асосидагина хулоса чиқариш мумкин. Қасддан содир этилган айб, хусусан, албатта ғаразли ниёт билан боғлиқ бўлиб, мақсад белгиси гувоҳлик берадиган, масалан, милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, майда безорилик қилган вақтда жамиятдаги хулқатвор қоидаларини қасддан менсимаслик, транспорт воситаси ҳайдовчисининг мастлик ҳолати тўғрисида кўриқдан ўтишдан бош тортиши ва ҳоказолар шулар жумласига киради. Ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши мумкин бўлган маъмурий хукукбузарликлар таркибида қасддан содир этилган айбнинг мавжудлиги айбдорга нисбатан янада қаттиқроқ жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлар барча таркибини, ҳам жиноятлар таркибини шартли равишда расмий ва моддий таркибларга бўлиш мумкин. Маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлар таркиби мавжуд бўлиши учун (маъмурий хукукда улар анча кўп топилади) қонун хужжатларида кўрсатилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг содир этилганлиги етарлидир, бунда унинг натижасида қандай оқибатлар келиб чиққанлиги ҳисобга олинмайди. Бундай ножўя хаттиҳаракатларга, масалан, тегишли рўйхатдан ўтмасдан ёки рухсат олмасдан туриб радиоқурилмалар ўрнатиш ва фойдаланиш сингарилар киради. Хукукбузарликларнинг моддий таркиблари расмий таркиблардан фарқли ўлароқ, ўзига мажбурий белги сифатида фақат ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эмас, балки аракат (ҳаракатсизлик) билан келиб чиққан зарарли оқибат ўртасидаги натижа ва сабаб боғланишини қамраб олади. Бундай хукукбузарлик, масалан, олов билан эҳтиётсиз муносабатда бўлиш

¹ *Изоҳ: маъмурий жавобгарлик субъектлари дарсликнинг кейинги параграфида батафсил ёритилган.*

натижасида ўрмоннинг йўқ қилиниши ёки шикастлантирилишидан иборатдир. Бу ерда дарахтларнинг йўқ қилиниши шакли ўрмон хўжалигига етказилган зарар оқибатида намоён бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг расмий таркибларида қасддан содир этилган айб шахснинг ғайриҳуқуқий тарзда ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этганлигини, яъни уларнинг ноқонуний эканлигини англаб етганлигидан иборат бўлади. МЖТКнинг Махсус қисмидаги айрим моддаларда ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар содир этишдан огоҳлантириш, тегишли қоидалар ва йўриқномаларнинг талабларига қатъий риоя қилиш зарурлиги эслатиб ўтилади. Меҳнатга маъмурий мажбур қилиш бунга мисолдир. У ёки бу хатти-ҳаракатларни содир этиш қайси орган томонидан қачон тақиқланганини ҳуқуқбузар аниқ билиши талаб қилинмайди. Худди шунингдек, унинг ҳуқуқбузарлик учун қандай жазо берилиши мумкинлигини аниқ билиши ҳам шарт эмас. Аксарият ҳолларда содир этилган қасддан қилинган ҳаракатнинг ғайриҳуқуқий эканлигини англаб етиш масаласи қуйилмайди, чунки гап, одатда, яққол йўл қўйилмайдиган ҳаракатлар тўғрисида боради, уларнинг ғайриҳуқуқий эканлигидан аҳоли кенг хабардор этилади.

Маъмурий ножўя хатти-ҳаракатларнинг моддий таркибларида қасддан содир этилган айб қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ғайриҳуқуқий эканлигини англаб етишдан ташқари, ҳуқуқбузарнинг келиб чиққан зарарли оқибатларга муносабатини ҳам ўз ичига олади. Шахс бу оқибатларни олдиндан кўра билади ва хоҳлайди ёки уларнинг содир бўлишига онгли равишда йўл қўяди. Айтиш мумкинки, оқибатларни олдиндан кўра билиш ғаразли ниятнинг ақлий жиҳатини ифодалайди, зарарли оқибатларнинг бошланишини иташ ёки унга йўл қўймаслик ихтиёрий жиҳатни англатади. Ихтиёрий жиҳатга боғлиқ равишда бевосита ғаразли ният ва бавосита ғаразли ният фарқланади. Бевосита ғаразли ниятда шахс оқибатларнинг келиб чиқишини истади, бавосита ғаразли ниятда эса у фақат оқибатларнинг бошланишига онгли равишда йўл қўяди. Муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибига (шахс бу ҳуқуқбузарликни содир этгани учун маъмурий жавобгарликка тортилади) кирадиган оқибатларни олдиндан кўра билиш билан ам, шунингдек, истак ёки йўл қўйиш билан ҳам қамраб олиниши лозим. Масалан, шахс майда ўғрилиқ қилганда, ўзининг озроқ миқдордаги мулкни энг кам иш ҳақининг бир миқдоридаги ана шу мулкни бепул, ғаразли мақсад билан эгаллаб олаётганини англаб етади, бунинг натижасида мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар, корхонага, муассасага, ташкилотга шундай зарар етаётганини олдиндан кўра билади ва шуни хоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 11-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ғайриқонуний эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларини олдиндан билган ва шуни истаган бўлса ёки оқибатларнинг келиб чиқишга онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган ҳисобланади.

Эҳтиётсизлик орқасида қилинган айб қасддан содир этилган айб сингари маъмурий ҳуқуқбузарликнинг энг муҳим белгиларидан бири

ҳисобланади. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган ғайриҳуқуқий ҳаракат қасддан содир этилган худди шундай ҳаракатга нисбатан камроқ жиддий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган айб маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг моддий таркибларига татбиқан белгиланади ва ҳуқуқбузарнинг фақат ўз ҳаракати оқибатларига муносабати билан боғланади. Расмий ноҳўя хатти-ҳаракатни содир этишда, яъни келиб чиққан зарарли оқибатлардан қатъи назар, тугалланган деб ҳисобланадиган хатти-ҳаракатни содир этишда эҳтиётсизлик билан қилинган айб нимада ифодаланиши тўғрисида бу модда бевосита кўрсатмалар бермайди. Бироқ модданинг мазмунидан ва унинг олдинги, яъни қасддан қилинган айбларни қараб чиқувчи модда билан қиёслашдан шундай хулоса чиқариш мумкин: расмий ноҳўя хатти-ҳаракатларда эҳтиётсизлик билан қилинган айб шундан иборатки, шахс у ёки бу ҳаракатни содир этар экан, одатда, унинг ғайриҳуқуқий эканлигини англаб етмайди, лекин, у буни англаб етиши лозим ва мумкин эди. Шахс ўз ҳаракатининг ғайриҳуқуқий эканлигини, у маъмурий тартибда жазоланишини англаб етиши лозим ва мумкин эди, деган хулосани ишнинг аниқ ҳолатларини ва ҳуқуқбузарнинг субъектив имкониятларини ҳисобга олган ҳолда чиқариш мумкин.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган айбнинг *икки шакли*: ортиқ даражада ўзига ишониш – бу шахснинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин енгилтаклик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаши ва бепарволик – шахснинг қонунда кўрсатилган оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда уларни олдиндан кўра билмагани билан фарқланади.

Ўзига ортиқ даражада ишонганда шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўра билган бўлса ҳам уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлайди. Бунда у муайян реал имкониятлардан келиб чиқади. Шундай ҳолатга умид қилади, яъни шахс ўзининг ва бошқаларнинг кучи, билими ва тажрибасига, табиат кучларига ва шу қабиларга ишонади. Масалан, у шундай вазиятда, чунончи, транспорт воситасини бошқаришни уни бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсга берар экан, ўзининг катта тажрибаси ва ҳаракатнинг унчалик тез эмаслиги билан у авария ҳолатининг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблайди. Башарти, бундай авария ҳолати келиб чиқадиган бўлса, ҳайдовчи ўзига ортиқ даражада ишонишидан келиб чиққан зарарли натижа учун жавобгар бўлади.

Бепарволикда ҳуқуқбузар зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билмайди. Кўпинча бу ҳол шу нарса билан боғлиқ бўладики, ҳуқуқбузар ўзи амалга оширган ҳаракат нималарга олиб келиши мумкинлигини ўйлаб кўрмайди. Шахс ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши лозимлигини аниқлаб олиш учун у мавжуд объектив шарт-шароитларни билиши зарур бўлади. Зарарли оқибатларни олдиндан кўра билишга шахснинг бажарадиган хизмат вазифалари хусусиятлари ва яшаш қоидалари, масалан, олов билан эҳтиётсизларча муносабатда бўлиши натижасида ўрмоннинг йўқ бўлиши ёки шикастланиши вақтидаги хизмат

вазифалари ва хусусиятлари ҳамда яшаш қоидалари талаблари боғлиқ бўлиши мумкин. Шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни олдиндан кўра билиши лозим эмаслиги маълум бўлган ҳолларда, унинг маъмурий жавобгарлиги ҳақидаги масалага ўрин қолмайди ва шахс бу оқибатларни олдиндан кўра билиши лозимми ёки лозим эмаслигини аниқлашга эҳтиёж бўлмайди. Агар шахс зарарли оқибатлар келиб чиқишини олдиндан кўра билиши лозим бўлса, унинг бу ишни қила олишини аниқлаш талаб этилади. Бу ҳақда тўғри хулоса чиқариш учун ҳуқуқбузар шахснинг муайян ўзига хос хусусиятлари: *унинг ҳаётий тажрибасини, маълумотини, касбини, иш стажини, кўникмаларини, саломатлиги ҳолларини, руҳиятини, шахс ҳаракат қилган вазиятини* ва шу кабиларни ҳисобга олиш керак бўлади.

Эҳтиётсизлик билан қилинган айбдан шахс жавобгар бўлмайдиган чигал иш ёки ҳодисани фарқлаш керак. Бу кейинги ҳолат учун шахс амалга оширган ҳаракат натижасида келиб чиққан зарарли оқибатларни олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин эмаслиги хосдир. Бу ҳолатларга транспортдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида дуч келиш мумкин.

Шундай қилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатга олиб келиши мумкинлигига кўзи етса-да, лекин калтабинлик билан унинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигига олдиндан кўзи етиши лозим ва мумкин бўлган ҳолда олдиндан кўзи етмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб ҳисобланади. Ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этишда айби мавжуд бўлганида, уни жавобгарликка тортиш мумкин бўлади. Айб – бу содир этилган қилмишга нисбатан шахснинг руҳий муносабатидир. Айб икки шаклда: *қасд* ва *эҳтиётсизликда* ифодаланган бўлиши мумкин. Айб – маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектив томонининг мажбурий хусусияти ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони – бу ҳуқуқбузарлик субъекти (жисмоний шахс)нинг ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳамда унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабати ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик айбнинг икки шаклида ҳам, яъни *қасддан* ва *эҳтиётсизликдан* содир этилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 11-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик *қасддан* содир этилган деб ҳисобланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61-моддасида мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкани ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ушбу қилмиш қасддан содир этилади. Ҳуқуқбузар молмулкани ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата

қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш каби ҳаракатларнинг ҳуқуққа хилоф эканлигини билади, уни содир этиш орқали корхонага зарар етказилишига кўзи етади ва унинг юз беришини истади. Шунингдек, ушбу ҳуқуқбузарлик устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкани уларнинг ходими томонидан ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан содир этилган оз миқдорда талон-торож қилиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни қасддан содир этиш икки кўринишда бўлиши мумкин:

а) тўғри қасд, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билади, унинг зарарли оқибатларига кўзи етади ва унинг юз беришини истади;

б) эгри қасд, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билади, унинг зарарли оқибатларига кўзи етади ва бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 12-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик *эҳтиётсизлик орқасида* содир этилган деб ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш куйидаги шаклларда намоён бўлади:

а) ўзига ишониш – шахснинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлайди;

б) бепарволик – шахснинг қонунда кўрсатилган оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда уларни олдиндан кўра билмагани.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик натижасида содир этишдан *айбсиз зарар келтиришни* фарқлаш лозим. Айбсиз зарар келтириш жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг аксарият моддаларида айб шакллари тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилмаган ҳамда маъмурий жавобгарлик айб шаклидан қатъи назар вужудга келади. Масалан, МЖТК 88-моддасига биноан қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмаларсиз очиқ аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик қасддан содир

этилганми ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилганми, маъмурий жавобгарликка асос бўлади.

Ушбу кодекснинг айрим моддаларида қасд тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилмаган бўлса ҳам, унинг қасддан содир этилганлиги қилмишнинг хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, 188-моддага биноан вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилиш – фақат қасддан содир этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг айрим моддаларида эса айб шакллари аниқ кўрсатиб ўтилади. Масалан, 52-модданинг биринчи қисмида эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш, иккинчи қисмида эса, қасддан енгил тан жароҳати етказиш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

МЖТКда маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *мақсад* ва *мотив* сингари факультатив белгилари ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, 141-моддага биноан ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қаршли транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш *мақсадида* фойдаланиши, маъмурий жавобгарликни вужудга келтиради. Бундай мақсаднинг бўлмаганлиги эса, жавобгарликка олиб келмайди. Ва аксинча, масалан, МЖТКнинг 56-моддасига биноан гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш *мақсадини кўзламай* оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш – маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Шундай қилиб, шахснинг содир этган қилмишини маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида таснифлаш учун *биринчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик хусусиятлари – ҳуқуққа хилофлик, айбнинг мавжудлиги, жазога сазоворлиги ва *иккинчидан*, юридик таркиби – маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти ва объектив томони, субъекти ва субъектив томони мавжуд бўлиши керак.

2-САВОЛ: МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК.

Маъмурий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида маъмурий жавобгарликнинг маъмурий мажбурлашнинг бир тури ҳамдир. Маъмурий жавобгарлик – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган, айбдор шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.

Маъмурий жавобгарлик қуйидаги хусусиятларга эга:

- бу давлат мажбурлови бўлиб, давлат фаолиятининг ҳар хил соҳаларида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланади;
- қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ваколатли органлар, мансабдор шахслар томонидан айбдор шахслар жавобгарликка тортилади;

– маъмурий жавобгарликка тортилганлар судланган ҳисобланмайди;

– енгил жазо берилади ва жазо муддати қисқа белгиланади;

– моддий жавобгарлик моддий зарар етказилгандагина қўлланади, маъмурий жавобгарликка моддий зарар етказилмаган бўлса ҳам тортиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг 13-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Айрим жиноят турларини содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга 14 ёшдан оқ йўл қўядиган жиноий қонун ҳужжатларидан фарқли ўлароқ, маъмурий ҳуқуқ кўп томонлама қоидага эгадир – фақат 16 ёшга тўлган шахсларгина маъмурий жавобгарликка тортилади, бунда ишни кўриб чиқиш ёки иш бўйича қарорни бажаришнинг бошланиш пайтида эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган пайтга келиб мазкур ёшга етган шахслар шу жавобгарликка тортилади. Тахмин қилинишича, айти 16 ёшга тўлган ёшлар маъмурий ҳуқуқбузарлик нимадан иборат эканлигини тўла англаб етишга, уларни содир этишга йўл қўйиб бўлмаслигини тушунишга ва шунинг учун уларни содир этганлик учун шахсан жавобгар бўлишга қодир бўладилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланади. Ана шу шахслар мазкур кодекснинг 61, 125, 125¹, 126 – 128⁶, 129 – 136, 138, 183, 184, 185, 194, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларга нисбатан (Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 194-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар бундан мустасно) ишлар Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи шаҳар, туман, шаҳарлардаги туман комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг ишлари эса шу комиссияларга берилиши лозим.

Келтирилган рўйхат тугалланган рўйхат бўлиб, уни кенгайтирилган ҳолда талқин қилишга эҳтиёж йўқ. У фақат қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда ўзгартирилиши мумкин, шу билан бирга, бу масалаларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикасининг махсус ваколатларига киритилган. Ножўя хаттиҳаракатлар содир қилган 16 ёшгача бўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 14-моддаси иккинчи қисми вояга етмаганларга нисбатан жавобгарлик ҳолларини катта ёшдагилар билан умумий асосларда белгилар экан, бундай ҳолларда ҳам ишларни Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларга бериш имкониятини

истисно қилмайди (194- моддадан ташқари). Оз миқдорда талон-торож тўғрисидаги ишлар (61-модда), одатда, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларга кўриб чиқиш учун берилиши керак. Ишларни комиссияларга юбориш ҳақидаги масалалар ҳал қилинаётганда ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг шахси, яъни ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий зарарлилик даражаси, айбнинг англаб етилганлиги, жазолаш чорасидан кўра тарбиялаш чорасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, ҳуқуқбузарнинг хулқ-атвори, иши ёки ўқиши устидан, бўш вақтни қандай ўтказиши устидан доимий назорат ўрнатилиши зарурлиги ҳисобга олинади. Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия ўз навбатида ўсмирнинг турмуш шароити ҳақидаги, оналарининг уни тарбиялаш соҳасидаги бурчларни бажаришлари тўғрисидаги, оиланинг моддий-маиший шароити, балоғатга етмаганларнинг хулқ-атвори, уларнинг яқин кишилари ва бошқа иштирокчилар ҳақидаги маълумотларни, ўсмир илгари ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун жавобгарликка тортилган-тортилмаганлиги, тарбиявий ишда қандай камчиликларга йўл қўйилганлиги ва шу қабилар тўғрисидаги маълумотларни тўплаши лозим. Башарти, ҳуқуқбузарлик алкоғолли ичимликларга қарши қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда спиртли ичимликларни харид қилиш манбалари, уларни истеъмол қилиш шарт-шароитлари аниқланади.

Мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига қирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим. Мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади.

Мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликнинг махсус субъектлари ҳисобланади. Модданинг моҳиятидан келиб чиқиб, мансабдор шахсларнинг маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлари бир нечта турда бўлиши мумкин. Мансабдор шахсларнинг, *биринчидан*, ўз ҳаракатлари билан белгиланган қоидаларни бузишлари билан; *иккинчидан*, ўз қўл остидагиларга ана шу қоидаларга зид келадиган кўрсатмалар беришлари билан; *учинчидан*, ўзлари бўйсунувчи шахсларнинг қоидаларига риоя қилишини таъминлаш юзасидан (башарти бу қоидаларга риоя қилишни таъминлаш муайян мансабдор шахснинг хизмат вазифаларига кирса) чоралар кўрмаганлиги билан ғайриҳуқуқийдир ва жавобгарликка тортилади. Мансабдор шахслар кодекснинг кўпгина моддаларида жавобгарликнинг эҳтимол тутилган субъектлари сифатида тилга олинади. Бироқ бу моддаларда мазкур шахсларнинг рўйхати келтириб ўтилмайди. Мансабдор шахсга таъриф МЖТК 15-моддасининг иккинчи қисмида берилган. *Мансабдор шахсга таъриф беришда:*

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс корхона, муассаса ва ташкилотда бирор лавозимни эгаллаб турган бўлишини;
- унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат қилиш вазифалари юклатилган бўлишини;
- унга моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ вазифалар юклатилган бўлишини аниқлаб олиш зарур.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазонинг фақат битта тури – жарима татбиқ этилиши мумкин. Мансабдор шахсларнинг ғайриҳуқуқий хаттиҳаракати, башарти уларда давлат-ҳокимият ваколатлари мавжуд бўлса, бошқа шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликларига нисбатан кўпроқ зарар етказиши мумкин, шунинг учун маъмурий ножўя хатти-ҳаракат учун мансабдор шахсларга жарима солиш тарзидаги оширилган жавобгарлик белгиланади. Жариманинг эҳтимол тутилган миқдорларини мустаҳкамлайдиган умумий норма МЖТКнинг 25-моддасида келтирилган.

Мансабдор шахслар айбли бўлган тақдирдагина маъмурий жавобгарликка тортилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик, одатда, эҳтиётсизлик орқасида содир этилади: мансабдор шахслар ўз ҳаракатларининг зарарли оқибатларга олиб келишини олдиндан кўра билсалар ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлайдилар ёки бўлмаса, бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билмайдилар, ҳолбуки буларни кўра билишлари лозим ва мумкин эди.

Мансабдор шахсларнинг маъмурий ножўя хатти-ҳаракати, айтилиши вақтда, унинг хизмат қоидаларини бузиш ҳам ҳисобланади, яъни интизомий хатти-ҳаракат ҳисобланади. Айбдор шахсга бирданига иккита жазо – маъмурий ва интизомий жазо берилишига йўл қўйиб бўлмайди. Мансабдор шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги натижасида қандайдир моддий зарар етказилган бўлса, уларнинг маъмурий ва моддий жавобгарлигини бирга қўшиш тўғрисидаги масала бошқачасига ҳал қилиниши лозим. Ҳуқуқбузарга моддий зарар ҳам етказган тақдирда бир вақтнинг ўзида айтилиши битта хаттиҳаракат учун ҳам маъмурий, ҳам моддий жавобгарлик татбиқ этилиши мумкин. Моддий жавобгарлик маъмурий жавобгарликдан фарқ қилиб, фақат ҳуқуқни тиклаш вазифасини бажаради. Мансабдор шахсларга маъмурий жазо қўлланиш тартиби бошқа фуқароларга қўлланган жазодан бирор муҳим томони билан фарқ қилмайди.

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар жумласига кирмайдиган, интизом уставлари ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ

этиладиган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим. Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 20-моддасига биноан эса, ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок қила олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Демак, умумий қоидага кўра, *маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти* – бу 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахсдир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида маъмурий жавобгарликнинг субъектлари уч гуруҳга бўлинган: *умумий субъект* – ҳар қандай 16 ёшга тўлган жисмоний шахс. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 13-моддасида маъмурий жавобгарлик субъекти умумий ҳолда кўрсатиб ўтилган; *махсус субъект* – умумий субъектларга қараганда ўзига хос хусусиятларга (*қўшимча белгиларга*) эга бўлган субъектлардир. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг махсус субъектига – мансабдор шахсларни, ҳайдовчиларни, вояга етмаганларни ва бошқаларни киритиш мумкин. Мазкур шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва уларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик ўзига хос хусусиятларга эгадир. Масалан, мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар уларнинг эгаллаб турган лавозими ёки мансаби билан ёхуд улар зиммасига юкланган вазифалар (мажбуриятлар)нинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги билан боғлиқ ҳолда содир этилади. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги фуқароларга (*умумий субъект*) қараганда юқори бўлади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 175⁴-моддасига биноан иш ҳақини тақиқланган шаклларда тўлаш учун фақатгина мансабдор шахсларгина жавобгарликка тортилиши мумкин. Чунки ходимларга иш ҳақини бериш мажбурияти корхона, муассаса ва ташкилотнинг мансабдор шахси зиммасига юкланган.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 125-моддасига биноан фойдаланиш ман этиладиган даражада носозлиги бўлган транспорт воситаларини бошқариш учун фақатгина ҳайдовчилар жавобгарликка тортилиши мумкин. Чунки, ҳайдовчигина транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлади.

Маъмурий жавобгарлик 16 ёшга тўлган фуқароларга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Лекин 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар

вояга етмаганлар тоифасига киришини ҳам унутмаслик керак. Уларнинг маъмурий жавобгарлиги, одатда махсус қоидалар билан тартибга солинади; *алоҳида субъект* – интизом уставлари ёки хизмат тўғрисидаги

низомлар татбиқ қилинадиган шахслар, масалан, ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг алоҳида субъектлари – махсус субъектларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этади. Алоҳида субъектлар ҳам, махсус субъектлар сингари ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг у ёки бу субъектлари доирасига қаратилган жавобгарликнинг қўшимча асослари ёки унинг юқори ҳажми, бошқаларига нисбатан эса маъмурий жавобгарликни қўллашда чекланишлар кўрсатиб ўтилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 53-моддасига биноан санитария қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузиш, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 16-моддасига биноан муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида *хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг* маъмурий жавобгарлиги ҳам назарда тутилган. Бу тоифадаги шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектларининг қайси гуруҳига киради, деган савол вужудга келиши мумкин. Агар, хорижий фуқаролар дипломатик иммунитет ҳуқуқидан фойдаланмаса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари умумий асосларда жавобгарликка тортилади. Агар, бундай ҳуқуққа эга бўлса, уларнинг жавобгарлик масаласи халқаро шартномаларда (ёки давлатлар ўртасида тузилган халқаро битимларда) назарда тутилган тартибда ҳал қилинади. Демак, улар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ҳам умумий субъекти, ҳам махсус субъекти сифатида намоён бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга қаратилган жавобгарликни назарда тутган бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 225-моддасида Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий рўйхатга туриш, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги учун хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги назарда тутилган.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси МЖТКга биноан, фақатгина жисмоний шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши

мумкин. Айрим давлатларда эса, масалан, Россия Федерациясида, маъмурий жавобгарликка юридик шахслар ҳам тортилади.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти сифатида юридик шахсларнинг намоён бўлиши ҳолати ҳам мавжуд.

Маъмурий ҳуқуқ маъмурий жавобгарликни қўллашни кўзда тутган ҳолда баъзи бир сабабларга кўра *маъмурий жавобгарликдан озод қилиш асосларини* белгилайди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 18, 19, 20-моддаларига кўра бирор шахс маъмурий хатти-ҳаракат содир этган бўлиб, лекин у бу ҳаракатни ўта зарурат юзасидан, яъни давлат ёки жамоат тартибига, мулкка, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ва бошқарув юзасидан белгиланган тартибга таҳдид қилувчи хавфни бартараф этиш учун қилган бўлса, башарти бу хавф мавжуд аҳволда бошқа воситалар билан бартараф этилиши мумкин бўлмаган тақдирда ва етказилган зарар олди олинган зарардан анча кам бўлса, бундай шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Шахс маъмурий нормаларда тақиқланган хатти-ҳаракатни содир этган бўлса, лекин у бу ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида, яъни давлат ёки жамоат тартибини, мулкни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, бошқарув юзасидан белгиланган тартибни ғайриқонуний тажовузлардан, шундай тажовуз қилмоқчи бўлган шахсга зарар етказиб бўлса ҳам ҳимоя қилиш вақтида зарурий мудофаа чегарасидан ўтиб кетмаган ҳолда содир этган бўлса, бундай шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги ҳақида хулосага келса, иш ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун МЖТКнинг 308¹-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади (МЖТК 21-м.).

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари киради.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқирилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни,

фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун МЖТК қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги **принципларга** асосланади:

- қонунийлик;
- фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;
- демократизм;
- инсонпарварлик;
- одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Қонунийлик – давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя қилишидир. Ўзбекистон Республикаси МЖТК бир неча нормаларида бевосита ушбу принципнинг талаблари белгилаб қўйилган. Жумладан, МЖТКнинг 8-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига торттилиши мумкин эмас.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Демократизм принципи. Ушбу принципнинг мазмуни шундан иборатки, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш очик кўрилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида кўриб чиқилиши мумкин.

Инсонпарварлик принципи. Ваколатли орган (мансабдор шахс) маъмурий жазо чораларини қўллашда жавобгарликнинг енгиллаштирувчи ҳолатларига, ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволига эътибор берган ҳолда айрим ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган санкциядан ҳам енгилроғини қўллайди ёки огоҳлантириш билан кифояланади.

Одиллик принципи. Ушбу принцип ваколатли органлар (мансабдор шахс) ҳар бир ишни ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқиши, ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этилишини, маъмурий таъсир чораларини қўллашда қонунда белгиланган қоидаларга амалга қилган ҳолда ҳуқуқбузарликнинг хусусиятини, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва бошқа ҳолатларни тўла ўрганиб жазо қўллашини аниқлатади.

Айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини Содир этилган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат учун қонун белгиланган муддатларда, инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни,

ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш мақсадида маъмурий таъсир чораларини қўлланилиши англатади.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарликни либераллаштириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида либераллаштириш концепциясини илгари суриб, «ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келинаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини қайта кўриб чиқишимиз зарурлиги»ни таъкидлаб ўтди². Ушбу тарихий санада Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2001 йил 29 август қонуни қабул қилинди³. Ушбу қонун асосида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61, 164, 174, 176-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, МЖТКнинг 61-моддасида талонторож қилинган мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошгандагина Жиноят кодексининг 167-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, бир неча жиноий хатти-ҳаракатларнинг биринчи маротаба содир этилиши учун маъмурий жавобгарлик (маъмурий преюдиция) белгиланди.

Юқорида қайд этилган қонун республикамизда либераллаштириш концепциясининг дастлабки босқичини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берди. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган либераллаштириш концепцияси давомли узоқ муддатга мўлжалланган изчил ривожлантиришни талаб этадиган жараёнدير.

Давлатимиз раҳбарининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги 2005 йил 10 мартдаги қарорига мувофиқ амалдаги **қонун ҳужжатларини** такомиллаштиришга қаратилган бир неча тадбирлар қаторида: а) маъмурий жазо қўллайдиган органлар рўйхатини қисқартириш; б) жавобгарликнинг айрим турларини хўжалик юритувчи субъектлардан мансабдор шахсларга ўтказиш; в) эскирган ва асоссиз, оғир маъмурий ҳуқуқбузарлик турларини камайтириш; г) маъмурий санкция миқдорларини камайтириш ва уларни қўллаш тартибини такомиллаштириш; д) хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ўзида ифода этувчи янги таҳрирдаги *Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси* лойиҳасини ишлаб чиқилиши маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллашувида муҳим босқич бўлди.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –

Т.,2002. –Б.26.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – 9-10-сон. –165-м.

Шу билан бирга, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштириш асосида уни такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаш мумкин:

1) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш;

2) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини мунтазам мониторингини олиб бориш;

3) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини унификациялаш;

4) Маъмурий қонунчилик институтларини ривожлантириш;

5) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида либераллаштириш концепцияси негизда юзага келган ярашув, жамоатчилик назорати каби институтларини татбиқ этиш механизмини ишлаб чиқиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг қўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўяётганини ҳамда бу борадаги вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга оширишга қаратилган саккизта тақлифлардан олтинчисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

«Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси-нинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарур.

1994 йилда қабул қилинган амалдаги мазкур кодексга ўтган давр мобайнида 60 мартадан кўпроқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг қўламли тарзда акс эттириши лозим.

Бунда авваламбор жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бир хиллашувини таъминлайди.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ҳам мазкур кодексда кўзда тутиш лозим»⁴.

⁴ Каримов И. А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т.,2011. – Б. 123.

3-САВОЛ: МАЪМУРИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ.

Маъмурий жазо – мақсадига кўра маъмурий мажбурлов чораларининг бир тури ҳисобланади. Маъмурий жазо – маъмурий мажбурловнинг бошқа чораларидан фарқли равишда ҳуқуқбузар томонидан маъмурий қонун ҳужжатлари билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинганда, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилгандагина қўлланиладиган ўзига хос мақсадга эга бўлган жазо санкциялари бўлиб, маъмурий-процессуал тартибда амалга оширилади.

Маъмурий жазо – Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, маъмурий мажбурловнинг бошқа чоралари эса турли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22-моддасида маъмурий жазонинг мақсади тўлиқ ўз ифодасини топган ва унга кўра маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу боис жазолаш – маъмурий жазонинг асосий мақсади эмас, балки ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ушбу шахснинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуққа хилоф қилмишларнинг содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу билан бирга, маъмурий жазо, маълум бир маънода, жиноятларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Маъмурий жазо – маъмурий қонунчиликка асосан, ҳуқуқбузарлик содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан ваколатли орган мансабдор шахс томонидан қўлланадиган ва ҳуқуқбузарни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни вақтинча чеклашдан иборат мажбурлов чораси бўлса-да ҳуқуқбузарни қийноққа солиш, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этиш мақсадини кўзламайди.

Маъмурий жазони қўллаш асослари яна қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломатининг мавжудлиги;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс жавобгарликка тортиш ёшига етган бўлса;
- 3) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли расо бўлса;
- 4) шахс ҳаракатни зарурий мудофаа чегарасидан ёки охирги зарурат чегарасидан чиқиб кетган ҳолда содир этса;
- 5) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетмаган бўлса.

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи санкцияларда – жазо чораси ва унинг рухсат

этилган меъёрлари(ҳажми, миқдори)нинг энг ками ва энг юқориси кўрсатилган бўлади.

Маъмурий жазони қўллашда ваколатли орган (мансабдор шахс) маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг, яъни қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланиши шартдир.

Ўзбекистон Республикаси МЖТҚда маъмурий жазонинг қўлланилишига бағишланган алоҳида 4-боб ажратилган бўлиб, унинг 30-моддасида маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидалари ўз аксини топган. Мазкур маъмурий-ҳуқуқий нормага мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади.

Ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий жазони қўлланиши чоғида:

- содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти;
- ҳуқуқбузарнинг шахси;
- унинг айбдорлик даражаси;
- мулкӣ аҳволи;
- жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар;
- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Маъмурий жазо қўллашнинг мазкур умумий қоидаларига барча ваколатли органлар ва мансабдор шахслар рӯя қилишлари шарт.

Бундан ташқари, маъмурий жазони қўллашда жазони индивидуаллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади, яъни маъмурий ҳуқуқда содир этилган қилмишнинг хусусияти, айбдорлик даражаси, ҳуқуқбузарнинг шахси ҳамда қонун билан кўзда тутилган жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган санкциялар чегарасида ҳуқуқбузар шахсга жазо тайинлашдир.

Ваколатли орган (мансабдор шахс) жазони индивидуаллаштириб, аввало содир қилинган қилмишнинг хусусияти, даражаси ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олади. Бунда қилмишни қандай усулда, ким билан биргаликда содир қилинганлиги, қайси босқичгача олиб борилгани: тайёргарлик ёки тугалланганлиги; ҳуқуқбузар шахснинг вояга етмаган ёки етганлиги; ҳуқуқбузарликни биринчи бор ёки такроран содир этиши; ҳуқуқбузарликни қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этиши ва ҳоказолар эътиборга олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун мақсадга мувофиқ, асосланган ва адолатли ҳамда самарали маъмурий жазо қўллашда маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 31-моддасига кўра, маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;

2) айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатларини олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;

3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;

4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;

5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;

б) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 33-моддасига асосан суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, МЖТКнинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда, енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ишни МЖТКнинг 308¹-моддасида белгиланган тартибда судга юборади. Бу ҳолатни маъмурий жарима жазоси мисолида кўрадиган бўлсак, фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори – энг кам иш ҳақининг эллиқдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса – энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Ҳуқуқбузар шахс томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколати бўлган орган, мансабдор шахс ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин. Мазкур маъмурий-ҳуқуқий нормалар ўзида инсонпарварлик принципини тўла ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 32-моддасида эса маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга қуйидагилар киритилган:

1) ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;

2) маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек ҳуқуқбузарликни илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;

3) вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш (жалб қилиш);

4)хуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;

5)хуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;

б)хуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс)ларга мазкур ҳолатлардан ташқари бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиш ваколати берилмаган. Улар фақат ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб, ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши ҳолатини айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

Маъмурий қонун ҳужжатларида бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун маъмурий жазо қўллаш қоидалари ҳам белгиланган.

Бир шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракат(ҳаракатсизлик)лар содир этган бўлса, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айна бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқиладиган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади. Бу ҳолда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин.

Башарти шахс Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг Махсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўғрисидаги ишларни ҳар хил орган (мансабдор шахс) кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади. Бу ҳолда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин.

Маъмурий қamoқ ва махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш маъмурий жазо чораларини қўллаш учун муддатларни ҳисоблаш қуйидагича белгиланган: маъмурий қamoқ муддати суткалар билан (энг кўпи 30 сутка фақат МЖТКнинг 205-моддаси бўйича, яъни фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш), махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати эса – кунлар, ойлар, йиллар билан ҳисобланади ва энг кўпи 3 йилгача муддатга қўлланилади.

Маъмурий жазо – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб *икки ойдан* кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб *бир ойдан* кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Мазкур муддатлар ашёларни божхонага доир қонун ҳужжатлари асосида мусодара қилиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 37-моддасига мувофиқ, маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади. Мазкур бир йиллик муддат ўтгач ушбу шахс томонидан худди шундай маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиши уни ҳуқуқбузарликни такроран содир этган деб квалификация қилиниши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни қоплаши шарт.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкӣ зарар белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаса, орган (мансабдор шахс) жазо қўлланиш пайтида айбдор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир, маъмурий ишлар бўйича судья эса – бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар ҳал қилаверади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун куйидаги **маъмурий жазо чоралари** қўлланилиши мумкин:

1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш.

б) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

Маъмурий жаримадан ташқари барча маъмурий жазо чоралари, фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ажнабий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, маъмурий жазо – *асосий* ва *қўшимча* маъмурий жазо чораларига бўлинади.

Асосий маъмурий жазо чоралари – маъмурий жазо чораларини бошқа маъмурий жазо чораларининг турларига қўшимча равишда айна вақтда тайинланиши мумкин бўлмаган жазо чораларидир. Мисол учун жарима, муайян шахсни махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш, маъмурий қамоқ каби

чоралар фақат асосий маъмурий жазо чоралари сифатида қўлланилиши мумкин.

Қўшимча маъмурий жазо чоралари – маъмурий жазо чорасига қўшимча равишда тайинланиши мумкин бўлган маъмурий жазо чораларидир. Масалан, ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш қўшимча жазо чораларидир. Бироқ, улар ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин. Қўшимча маъмурий жазо чораларининг яна бир ўзига хос хусусияти бу уларнинг содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун алоҳида, мустақил равишда қўлланилишининг мумкин эмаслиги, яъни улар фақат асосий маъмурий жазо чораларига қўшимча жазо чораси сифатида тайинланиши мумкин.

Демак, бир маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин. Лекин бир вақтнинг ўзида иккита асосий ёки иккита қўшимча жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас.

Юқорида кўрсатилган маъмурий жазо чораларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Жарима – маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланади. Бошқача айтганда, жарима – маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун МЖТКнинг Махсус қисми моддаларининг санкцияларида белгиланган ҳолларда қўлланади.

Жарима – моддий хусусиятга эга бўлган маъмурий жазо чораси бўлиб, айбдор шахслардан давлат ҳисобига ундириб олинадиган муайян бир пул миқдорида ифодаланади. Жарима тарзидаги маъмурий жазо чораси ҳуқуқбузарнинг онгига таъсир кўрсатиб, аввало, унинг моддий манфаатларига зарар етказди. Шу боис маъмурий жарима самарали жазо чораларидан бири ҳисобланади.

Жарима маъмурий жазо чорасининг асосий тури ҳисобланади. У бошқа жазо чораларининг ўрнига татбиқ этилиши мумкин эмас. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жарима қўшимча маъмурий жазо чораси билан биргаликда солиниши мумкин (масалан, ашённи ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш).

Жариманинг миқдори – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса у аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жарима солиш объектларига кўра, 2 турга бўлинади: фуқароларга (жисмоний шахсларга) ва мансабдор шахсларга солинадиган жарималар, улар миқдорига кўра фарқланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори – энг кам ойлик иш ҳақининг эллиқдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса – ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори – энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда

баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача ва мансабдор шахсларга – юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори ушбу кодекснинг 6-моддасига биноан фуқароларга – энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ошмаслиги керак.

Жарима – маъмурий жавобгарликнинг самарали чораларидан бири сифатида, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли барча орган(мансабдор шахс)лар томонидан ўрнатилган маъмурий-процессуал тартибда қўлланилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг муайян турлари учун жавобгарликни назарда тутувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар санкцияларида жариманинг миқдорлари ҳуқуқбузарликларнинг даражасидан келиб чиқиб аниқлаштирилади. Бунда жарима миқдорлари маъмурий жазо чорасининг ушбу тури учун белгиланган энг кўп ва энг кам миқдорлар чегарасидан чиқиб кетмаслиги шарт. МЖТКнинг Махсус қисмида назарда тутилган маъмурий-ҳуқуқий нормалар санкцияларининг кўпчилигида маъмурий жариманинг энг кўп миқдори, айрим санкцияларда эса, жариманинг энг кўп ва энг кам миқдори кўрсатилади. Бу ҳол ваколатли орган (мансабдор шахс)га жарима миқдорини белгилашда содир этилган ҳуқуқбузарликни ва айбдорнинг шахсини тавсифловчи барча ҳолатларни ҳисобга олиш ҳамда адолатли жазо қўллаш имконини беради.

Жарима солиш тўғрисида орган (мансабдор шахс)нинг қарори чиқарилади. Фақат Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 283-моддасида назарда тутилган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида баённома тузилмасдан жарима солинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш – маъмурий жазонинг тури сифатида фақат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёлар учунгина татбиқ этилади. Мазкур жазо чораси мулкий хусусиятга эга бўлган маъмурий жазо чораси бўлиб, фақат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса сифатида фойдаланилган ашёлар эгасига нисбатангина қўлланилиши мумкин. Лекин ҳуқуқбузарга тегишли бўлмаган ашёларни (масалан, ғайриқонуний ов қилиш, балиқ тутиш натижасида қўлга киритилган маҳсулотлар: ёввойи ҳайвонлар, балиқлар) ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш маъмурий жазо чораси ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 26-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш – шу ашёни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатдир.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларнинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш – маъмурий жазонинг тури сифатида фақат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёлар учунгина татбиқ этилади. Мазкур маъмурий жазо чораси МЖтКнинг 27-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш – шу ашёнинг ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат.

Мазкур мусодара қилиш чораси:

туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш – ҳуқуқбузарнинг белгиланган фаолият билан шуғулланишни, махсус ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқини вақтинчалик чеклашдан иборат бўлган маъмурий жазонинг туридир. Қонун чиқарувчи бу жазо чорасини қўллашни фақат транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан ва ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳоллари билангина чеклайди.

Турли транспорт воситаларини бошқариш ҳамда овчилик билан шуғулланиш – белгиланган ёшга тўлган шахсда **махсус ҳуқуқ** (тегишли транспорт воситасини бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси, талони, шунингдек овчилик билети)нинг мавжуд бўлишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКда махсус ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг энг кўп ва энг оз муддатлари ҳамда мазкур жазони қўлловчи орган (мансабдор шахс) белгиланган бўлиб, махсус ҳуқуқдан маҳрум этишни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидангина айбдор шахс ўзига берилган махсус ҳуқуқ (транспорт воситаларини бошқариш, ов қилиш ҳуқуқи)дан фойдаланиш тартибини қўпол бузса ёки мунтазам бузиб келса, шу ҳуқуқдан ўн беш кундан уч йилгача муддатга маҳрум қилиш жазо чораси қўлланиши мумкин.

Мазкур жазо чорасини айрим шахсларга нисбатан қўллашда чекловлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

– ногиронлиги сабабли ана шундай транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилмайди;

– ов қилиш асосий тирикчилик манбаи бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси қўлланилмайди.

Бироқ, МЖтКнинг 28-моддасида белгиланган ҳолларда, яъни МЖтКнинг 128³-моддасининг тўртинчи қисмида (Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан

ортиқ катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун уч марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши), 128⁴-моддасининг учинчи қисмида (Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтиши ҳуқуқбузарлигини икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса), 131-моддасининг биринчи қисмида (Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши), 136-моддасининг биринчи қисмида (Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлиги ёки маст эмаслигини белгиланган тартибда аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган ҳолларида ногиронларга ҳам мазкур жазо чораси қўлланилади.

Маъмурий қамоққа олиш – ҳуқуқбузар шахсга нисбатан унинг шахсий эркинлигини маълум бир муддатга (уч суткадан ўн беш суткагача, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун – ўттиз суткагача) вақтинчалик чеклаш ва жамиятдан ажратиб қўйишдан иборат бўлган қаттиқ маъмурий жазо туридир.

Маъмурий қамоққа олиш фақат туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан қўлланилиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 29-моддаси иккинчи қисмида маъмурий қамоққа олиш жазо чорасини қўллаб бўлмайдиган шахслар рўйхати белгиланган бўлиб, ушбу маъмурий ҳуқуқий нормага асосан ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яққа ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига ҳамда кодекснинг 16-моддасида кўрсатилган ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш жазо чораси қўлланилиши мумкин эмас.

«281-модда. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш ҳуқуқбузарни ижтимоий фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий равишда жалб этишдан иборат бўлиб, у судлар томонидан саккиз соатдан

икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланади. Агар ҳуқуқбузар ўқиётган бўлса, жамоат ишлари ўқишдан бўш вақтда бажарилади.

Ҳуқуқбузарлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг турлари мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар — ички ишлар органларининг пробация бўлинмалари томонидан белгиланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, доимий ишга эга шахсларга, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар иш ҳақининг эллик фоизи алимент мажбуриятлари бўйича қарзни тўлашга йўналтирилади.

Ҳуқуқбузар жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг ўталмаган муддатини ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг тўрт соати учун маъмурий қамоқнинг бир кунига тенг жазо билан ёхуд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг саккиз соати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг жарима билан алмаштиради. Бунда маъмурий қамоқнинг муддати ўн беш суткадан, жариманинг миқдори эса базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ошмаслиги керак.

Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди»;

Савол ва топшириқлар:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
2. Маъмурий ҳуқуқбузарликни қасдан содир этиш деганда нимани тушунасиз?
3. Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик орқасида содир этилишини тушунтиринг.
4. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг турларини айтинг.
5. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби қандай?
6. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони нима?
7. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони нима?
8. Маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти тўғрисида гапиринг.
9. «Маъмурий жавобгарлик» тушунчаси ва субъектларига изоҳ беринг.
10. Маъмурий жавобгарликдан озод қилишнинг асослари қайсилар?

2.2-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИНГ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ.

РЕЖА:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари
2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар
3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.

1-САВОЛ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ВАЗИФАЛАРИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонунчиликка мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар 269¹-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ишни кўриб чиқиш жараёнида орган (мансабдор шахс) томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар, шунингдек қоғозда расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида шакллантирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилганда ишда иштирок этувчи шахслар органга (мансабдор шахсга) ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли.

Ишлар электрон шаклда шакллантирилганда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан судга тақдим этилган ёзма ҳужжатлар ишга электрон шаклда кўшиб кўйилади, шундан сўнг ёзма ҳужжатлар уларни тақдим этган шахсларга қайтарилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, орган (мансабдор шахс) томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар тегишинча органнинг мажлисида раислик қилувчининг ва котибнинг ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шаклда бошқа органга топшириш ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги электрон шаклда шакллантирилган ишларнинг қоғоздаги кўчирма нусхалари бўлиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахсларнинг мурожаатлари 269²-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда ва муддатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан муурожаат қилишга ҳақли.

Муурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат шаклида юборилиши мумкин.

Иш ҳолатлари ҳужжатларнинг фақат асл нусхалари билан тасдиқланиши лозим бўлганда, шунингдек бошқа зарур ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) талаби билан ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби 270-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар 271-модда.

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

- 1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;
- 3) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса;
- 4) шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охири зарурат ҳолатида қилган бўлса;
- 4¹) шахс ҳаракатни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида қилган бўлса;
- 5) амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишни бекор қилса;
- 6) маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;
- 7) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;
- 8) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса;
- 9) шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса;
- 10) ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасида назарда тутилган бўлса;

11) агар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 164-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 165-моддасининг биринчи қисмида, 166-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 167-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 168-моддасида, 171-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 172, 173-моддаларида, 174-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 174¹-моддасининг биринчи — саккизинчи қисмларида, 175-моддасининг биринчи ва олтинчи қисмларида, 175¹-моддасининг биринчи қисмида, 175³, 175⁴-моддаларида, 175⁵-моддасининг биринчи қисмида, 176¹ — 176⁴-моддаларида, 177-моддасининг биринчи қисмида, 177¹-моддасининг биринчи қисмида, 177²-моддасининг биринчи қисмида, 178-моддасининг биринчи, учинчи — саккизинчи қисмларида, 178¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 179²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 179⁴-моддасининг биринчи қисмида, 179⁵-моддасида, 215-моддасининг биринчи қисмида, 215¹-моддасининг биринчи қисмида, 227⁸-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларида, 227¹⁴-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 227¹⁵-моддасининг биринчи қисмида, 227¹⁶-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида, 227¹⁸-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 227¹⁹-моддасининг биринчи қисмида, 227²¹-моддасида, 227²²-моддасининг биринчи қисмида, 227²³-моддасининг биринчи қисмида, 227²⁴, 227²⁵ ва 227²⁶-моддаларида, 227²⁷-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар йўл қўйилган бузилишларни ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддатда ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, бундан фуқароларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига зарар етказилган ҳоллар мустасно.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни фуқароларнинг тенглиги асосида кўриб чиқиш 272-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш барча фуқароларнинг жинси, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, ирқи, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида ва шу ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) олдида тенглиги асосида кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритиладиган тил 273-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади. Иш юритиладиган тилни билмайдиган иш иштирокчиларига таржимон орқали иш материаллари билан тўлиқ танишиш ва ишни моҳияти бўйича кўриб чиқиш чоғида қатнашиш ҳуқуқи, шунингдек ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг очик кўрилиши 274-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш очик кўрилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида кўриб чиқилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати 275-модда.

Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширар экан:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзғатишга;

иш материаллари билан танишиб чиқишга;

иш юритиш вақтида органлар (мансабдор шахслар)нинг ҳаракатлари қонунийлигини текширишга;

ишни кўриб чиқишда қатнашишга;

ишни кўриб чиқиш вақтида вужудга келган масалалар хусусида илтимосини баён этишга, хулосалар беришга;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун тегишли органлар (мансабдор шахслар) таъсир кўрсатиш чораларини тўғри қўлланганлигини текширишга;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга ёки шикоят юзасидан чиқарилган қарорга протест келтиришга;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар қилишга ҳақлидир.

Далиллар 276-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Ушбу модданинг **биринчи қисмида** назарда тутилган маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари ҳамда жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари), ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, аудио-, видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади.

Далилларга баҳо бериш 277-модда.

Орган (мансабдор шахс) далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив жамлаб текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга амал қилган ҳолда баҳо беради.

Материалларни прокурорга топшириш 278-модда.

Башарти ишни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят аломатлари бор деган хулосага келса, материалларни прокурорга топширади.

2-САВОЛ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШНИ ЮРИТИШДА ҚАТНАШУВЧИ ШАХСЛАР

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари 294-модда.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундн ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, шунингдек Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 309¹-моддасининг **биринчи қисмида** назарда тутилган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб кўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирок этиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда иштирок этишдан бўйин товлаган тақдирда, у жиноят ишлари бўйича суднинг ажримига биноан ички ишлар органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни ёки бошқа қимматликларни олиб ўтиш билан боғлиқ бўлиб, мусодара қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш алоҳида ҳолларда, агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса ёки унинг турган жойини аниқлаш имкони бўлмаса, бундай шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

Жабрланувчи 295-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказилган шахс жабрланувчи деб топилади.

Жабрланувчи ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқишга, кўрсатувлар беришга, далиллар келтиришга, илтимослар қилишга, ишни кўриб чиқиш пайтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимон хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Қонуний вакиллар 296-модда.

Вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний нуқсонлари ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги сабабли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз ҳуқуқини ўзи амалга оширолмайдиган — маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини улар учун мазкур шахсларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, эр ёки хотинлари, вояга етган болалари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ифодалашга ҳақлидирлар.

Қонуний вакиллар иш материаллари билан танишишга ва манфаатларини ўзлари ифода этаётган шахс номидан илтимослар қилишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидирлар.

Адвокат 297-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб адвокат қатнашиши мумкин.

Адвокат ишга оид материаллар билан танишиб чиқишга, уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан илтимослар қилишга ва иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Гувоҳ 298-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс шу иш юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин.

Ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан гувоҳ кўрсатилган вақтда келиши, ҳаққоний кўрсатувлар бериши, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериши ва қўйилган саволларга жавоб бериши шарт.

Эксперт 299-модда.

Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкин.

Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Эксперт маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан махсус билимларга зарурат туғилган ҳолларда тайинланади.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар эксперт сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

Эксперт: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг экспертиза предметиға оид материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) рухсати билан ишни кўриб чиқишда ҳозир бўлиш, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга экспертиза предметиға оид саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосасида нафақат ўзининг олдиға қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметиға оид ва иш учун аҳамиятға молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш; унинг хулосаси ёки кўрсатувлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишда иштирок этувчи шахслар томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомасиға киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш; агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш

ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахсинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт: ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва ҳолисона ёзма хулоса бериши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахсинг) чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқиляётганда тартибга риоя қилиши шарт.

Экспертнинг ёки экспертлар комиссиясининг хулосаси 299¹-модда.

Эксперт ёки экспертлар комиссияси эксперт текширувларини ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд экспертлар комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади.

Хулосада: экспертиза ўтказилган сана ва жой; экспертизани ўтказиш асоси; экспертизани тайинлаган орган (мансабдор шахс) тўғрисида маълумотлар; эксперт (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва экспертизани ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар; экспертнинг бида туриб нотўғри хулоса берганлиги, хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги; экспертнинг олдига қўйилган саволлар; экспертга тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари; экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар; қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда эксперт текширувларининг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу эксперт текширувлари, агар экспертлар комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги; эксперт текшируви натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар; иш учун аҳамиятга молик бўлган ва экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосада ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Эксперт текширувининг олиб борилиши, шарт-шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган материаллар давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотда қонунчиликда белгиланган муддатларда сақланади. Улар экспертизани тайинлаган органнинг (мансабдор шахсинг) талабига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

Агар тақдим этилган текшириш объектларининг, материалларнинг ёки экспертнинг махсус билимлари етарли эмаслиги эксперт текшируви давомида

маълум бўлиб қолса, хулоса айрим қўйилган саволларга жавоб беришни рад этиш асосини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Эксперт текшируви тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари экспертизани тайинлаган органга (мансабдор шахсга) юборилади.

Хулоса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) учун мажбурий эмас, бироқ унинг хулосага қўшилмаслиги асослантирилган бўлиши керак.

Агар эксперт қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ҳамда уни экспертизани тайинлаган органга (мансабдор шахсга) юборади.

Мутахассис 299²-модда.

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва кўникмага эга бўлган, ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган вояга етган шахс мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар мутахассис сифатида жалб қилиниши мумкин эмас.

Мутахассис: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг текшириш мавзусига доир материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва ўрганиш объектларини тақдим этиш тўғрисида илтимосномалар бериш; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритувида бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) рухсати билан ишни кўриб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга текшириш мавзусига тааллуқли саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз маслаҳатлари (тушунтиришлари) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахслар томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш баённомасига киритилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазалар билдириш; агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, она тилида маслаҳат бериш ва тушунтиришларини баён қилиш ҳамда бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритувида бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу мутахассиснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузса, мазкур органнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Мутахассис: ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган масалалар юзасидан асосли ва холисона маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериши; маъмурий

ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритувида бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан келиши; ўтказилган текшириш хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган маслаҳатларни (тушунтиришларни) тушунтириб бериш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; текшириш ўтказилиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектларининг ва иш материалларининг бут сақланишини таъминлаши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганда тартибга риоя этиши шарт.

Мутахассиснинг барча юзага келган масалалар бўйича маслаҳатлари судга ёзма шаклда тақдим этилиши керак, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганда мутахассис томонидан берилган тушунтиришлар эса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомасига киритилади.

Таржимон 300-модда.

Таржимон маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан тайинланади.

Таржимон мазкур органнинг (мансабдор шахснинг) чақириғига биноан келиши, ўзига топширилган таржимани тўла-тўқис ҳамда аниқ бажариши шарт.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларнинг қопланиши лозим бўлган харажатлари 301-модда. Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) ҳузурига келишлари муносабати билан уларнинг қилган харажатлари белгиланган тартибда қопланади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар сифатида чақирилган шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) ҳузурига келишлари муносабати билан улар ишда бўлмаган вақтда ўз иш жойидаги маоши белгиланган тартибда сақланади.

Эксперт, мутахассис ва таржимон хизмат топшириғи тартибда бажарилган ҳоллардан ташқари, ўзининг вазифаларини бажарганлиги учун мукофотланиш ҳуқуқига эгадир.

Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги сабабли фуқарога етказилган зарарни қоплаш 302-модда.

Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлик натижасида фуқарога етказилган зарар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан органнинг (мансабдор шахснинг) айбидан қатъи назар давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади.

Зарарни қоплаш ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилган тақдирдагина вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) фуқарога бузилган ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтириб бериши ва маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги натижасида фуқарога етказилган зарарни қоплаш учун қонунда назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

3-САВОЛ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрланиш 303-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс):

1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш кирмаслиги;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;

3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;

4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;

5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларини қайтариш 303¹-модда.

Маъмурий иш мазкур органга (мансабдор шахсга) тааллуқли бўлмаган (судловига тегишли бўлмаган) ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 281 ва 282-моддаларида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда юборилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган органга (мансабдор шахсга) қайтарилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жойи 304-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 113-моддасининг бешинчи қисмида, 119, 125, 125¹, 126, 127, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135¹, 136, 139, 140-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар транспорт воситалари рўйхатга олинган жойда кўриб чиқилиши ҳам мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар шундай ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқилади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқадилар.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бошқа жойда кўриб чиқилиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари 305-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51², 51³, 51⁴, 51⁵, 51⁶, 51⁷, 51⁸, 51⁹, 170, 180, 181, 183, 187, 194-моддаларида назарда тутилган

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бир сутка мобайнида кўриб чиқилади, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида, 164-моддасининг **иккинчи** ва **учинчи қисмларида**, 197⁵, 201, 202, 203, 204, 205-моддаларида назарда тутилган ишлар — уч сутка ичида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **61-моддасида** назарда тутилган ишлар эса — беш сутка ичида кўриб чиқилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 56, 57, 58-моддаларида, 61¹-моддаси **биринчи қисмида**, 94, 165¹, 184², 184³, 189, 189¹, 201, 202¹, 224¹-моддаларида, 225-моддасининг **биринчи — учинчи қисмларида**, 239, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар, улар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилганда, бир сутка мобайнида кўриб чиқилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 271-моддасининг **11-бандида** назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишнинг бошқа материаллари ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан олинган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тартиби 306-модда.

Ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни судда кўриб чиқиш чоғида суднинг ташаббусига ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви амалга оширилиши мумкин.

Ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисида ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эшитилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг хулосаси ўқиб эшиттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар 307-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси 308-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида тегишли орган баённома юритади. Унда:

- 1) мажлис бўлган сана ва жой;
- 2) ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркиби;
- 3) кўрилаётган ишнинг мазмуни;
- 4) ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳозир бўлган-бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;
- 5) ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг тушунтиришлари, уларнинг илтимослари ва бу илтимосларни кўриб чиқиш натижалари;
- 6) ишни кўриб чиқиш пайтида ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар;
- 7) қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттириш тўғрисидаги маълумотлар ва қарор устидан шикоят бериш тартиби ва муддатлари тушунтирилганлиги кўрсатилган бўлади.

Суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви амалга оширилган тақдирда, суд мажлисининг баённомасига фақат ушбу модда биринчи қисмининг 1 — 4, 6-бандларида назарда тутилган масалалар юзасидан ёзув киритилади, ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришларининг, гувоҳлар кўрсатувларининг, экспертлар ўз хулосалари юзасидан берган оғзаки тушунтиришларининг, музокараларнинг ҳамда прокурор фикрларининг бошланган ва тугаган вақти кўрсатилади, шунингдек суд мажлисини ёзиб олишнинг техник воситаларидан фойдаланилганлиги тўғрисида белги қўйилади. Электрон ёхуд бошқа аудио- ёки видеоёзувлар жамланган воситалар суд мажлиси баённомасига кўшиб қўйилади.

Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тақдирда, суд мажлисининг баённомасида ушбу модданинг **биринчи қисмида** назарда тутилган маълумотлардан ташқари:

суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилганлиги тўғрисидаги;

суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга кўмаклашаётган суднинг номи ҳақидаги;

ишда иштирок этувчи шахслар ва суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга кўмаклашаётган судга келган суд процессининг бошқа иштирокчилари тўғрисидаги;

суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга кўмаклашаётган суднинг ва ишни кўриб чиқаётган суднинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ходимлари ҳақидаги маълумотлар ҳам кўрсатилиши керак.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг, жабрланувчининг ва ўзга манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши қандай бораётганлиги ушбу модданинг **биринчи қисми** талабларига мувофиқ равишда юритилувчи баённомада акс эттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси тегишинча орган мажлисидаги раислик қилувчи ва котиб томонидан ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган ўз ҳисобидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома



2. Серия
3. Рақам
4. Сана 5. Вилоят, шаҳар/туман номи
(хун.ой.йил)

БАЁННОМАНИ ТУЗГАН ОРГАН (МАНСАБДОР ШАХС)

7. Орган
8. Жетон ёки гувоҳнома (серияси, рақами)
9. Баённомани тузган шахснинг имзоси
10. Сана
11. Ф.И.О
12. Лавозими 13. Унвони
Ваколатли орган рамзи Электрон имзо (хун.ой.йил)

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИ СОДИР ЭТГАН ШАХС

14. шахсга оид маълумотлар, мультибиометрик таққослаш орқали идентификация қилинган

15. Ф.И.О
16. Тугилган санаси 17. Телефон рақами
(йил.хун.ой.) +998 (___) _____
18. Тугилган жойи

19. Ҳужжатнинг серия ва рақами 20. Миллати 21. Фуқаролиги

22. Турар жойи

23. Иши жойи, машғулот тури, лавозими

24. Сугурта полиси (серияси, рақами, амал қилиш муддати)

25. Мастлик ҳолати

26. Транспорт воситаси ҳақида маълумот (русуми, давлат рақами белгиси, тури, ранги)

27. Аввал маъмурий жавобгарликка тортилгани ҳақида маълумотлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИДА КЎРСАТИЛГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛДИ

28. Ҳуқуқбузарлик содир этилган сана 29. Вақт 30. Сана
(хун.ой.йил)

31. Модда 32. Прим 33. қисм 34. қўшимча модда

35. қоидаларининг банд(лар)и бузилди

Баённома билан танишдим ва Ўзбекистон Республикасининг МЖТКнинг 294-моддасига асосан менинг ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунтирилди.

36. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг имзоси

37. Мен розиман СМС
38. Рози эмасман Почта
41. Сана:
(хун.ой.йил)

42. Маъмурий ҳуқуқбузарлик қаерда содир этилган ва қандай тартибда, тафсилоти

43. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг тушунтириш хати

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликни тасдиқловчи гувоҳ, ҳолислар ёки жабрланувчилар ЎзР МЖТКнинг 295 ва 298-моддалари талаблари билан таништирилди:

44. гувоҳ, ҳолис ёки жабрланувчининг Ф.И.О, тугилган санаси, телефони рақами ва яшаш манзили
45. шахснинг имзоси
46. Сана
(хун.ой.йил) Электрон имзо

47. гувоҳ, ҳолис ёки жабрланувчининг Ф.И.О, тугилган санаси, телефони рақами ва яшаш манзили
48. шахснинг имзоси
49. Сана
(хун.ой.йил) Электрон имзо

50. Етказилган зарар

51. Зарар миқдори (сўм)
XXX XXX,XX
(миқдори ёзув ҳўринида)

52. Олиб қўйилган ашёлар

53. Баённомага илова қилинган ҳужжатлар
Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жалб этилган таржимонга оид маълумотлар ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномаси, талон, сугурта ва бошқа ҳужжатлар

Маъмурий ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти тўғрисида оғохлантирилди

54. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг имзоси

55. СМС Почта
57. Сана
(хун.ой.йил)

ишни кўриб чиқиш тўғрисидаги баённоманинг кўчирма нусхасини, шунингдек суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзувини олишга ҳақли.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги масалани ҳал этиш тартиби308¹-модда.

Агар орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **Махсус қисмидаги** моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хулосага келса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома билан судга юборилади.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномада шахснинг маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши ёки унга нисбатан енгилроқ маъмурий жазо чораси қўллаш кераклигининг сабаблари ва асослари баён этилади.

Суд ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномани кўриб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **310-моддасида** назарда тутилган қарорлардан бирини чиқаради.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш судга келиб тушган кундан эътиборан уч сутка ичида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **303, 304, 306—309-**моддаларида назарда тутилган умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда кўриб чиқилади

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор 309-модда.

Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан қарор чиқаради.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи; иш кўриб чиқилган сана; иши кўриб чиқилаётган шахс хусусидаги маълумотлар; ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни; мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; иш юзасидан қабул қилинган қарор, шунингдек унинг устидан шикоят бериш муддати ва тартиби.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **308¹-моддасида** назарда тутилган ҳолларда қарорда ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномани

қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги тўхтам ҳам кўрсатилиши керак

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 242-моддасининг 1 ва 3-бандларида кўрсатиб ўтилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан маъмурий жазони қўлланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш пайтида айбдордан етказилган мулкый зарарни ундириб олиш масаласи ҳам ҳал этиладиган бўлса, иш юзасидан чиқарилган қарорда ундириб олиниши лозим бўлган шу зарарнинг миқдори, уни ундириб олиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек ушлаб турилган транспорт воситалари тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилган бўлиши лозим.

Қарор мажлисда иштирок этаётган коллегиял орган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор мансабдор шахс томонидан, органнинг қарори — мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш бўйича қарор ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида чиқарилиши ва ижро этиш учун юборилиши мумкин.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда жазо қўлланилганлиги тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомага тегишли ёзув ёзиб кўйилади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган ҳолларда жарима солиш тўғрисидаги қарор 309¹-модда.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарор маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз чиқарилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, юридик кучга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади ҳамда ушбу ҳужжатни тузган ваколатли шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, электрон ҳужжатни қоғоздаги ҳужжатга айлантириш йўли билан тайёрланади ҳамда мазкур қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида буюртма почта жўнатмаси тарзида ҳуқуқбузарга юборилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарилган сана ва жой; уни чиқарган органнинг номи, шахснинг лавозими ва фамилияси; маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой ва ҳолатлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс **Махсус қисмининг** мазкур

хуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси, моддасининг қисми кўрсатилган ҳолда; махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган транспорт воситасининг хуқуқбузарлик содир этилган пайтдаги давлат рақам белгиси билан туширилган тасвири; қабул қилинган қарор, тайинланган жаримани тўлаш тартиби ва муддатлари, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек жарима солиш тўғрисидаги қарор хусусида шикоят беришнинг процессуал тартиби.

Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг турлари 310-модда.


Орган (мансабдор шахс) маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида;
- 2) ишни юритишни тугатиш тўғрисида.

Ишни юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда чиқарилади.

Суд томонидан ишни юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор огоҳлантириш эълон қилинганда ҳам чиқарилади.

GA 0000000000 — рақамли Жарима солиш тўғрисидаги қарор

(қарор чиқарилган сана)	(қарор чиқарилган жой)
Мен, _____ (қарорни чиқарган орган номи, мансабдор шахснинг лавозими, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)	
махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қондаларини бузилиши тафсилотларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни АНИҚЛАДИМ :	
20__ йил _____ кун соат _____ да «_____» кўчалари (чоррахаси)да,	
	
GA 0000000000	
Транспорт воситасининг мулкдори Ф.И.О. Яшаш манзили	
_____ да рўйхатда турувчи фуқаро /юридик шахс _____ га тегишли бўлган давлат рақам белгили транспорт воситасида хайдовчи (хуқуқбузарликнинг тафсилоти), бу билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг _____ моддаси _____-қисмида назарда тутилган хуқуқбузарликни содир этган.	

Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни эълон қилиш ва унинг нусхасини бериш 311-модда.

Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ дарҳол эълон қилинади ва у чиқарилган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради.

Қарорнинг нусхаси уч кун ичида устидан шу қарор чиқарилган шахсга, шунингдек ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки жўнатилади.

Қарорнинг нусхаси тилхат билан берилади, башарти қарорнинг нусхаси жўнатиlsa, бу ҳақда ишга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Ўқотар қуроллар, шунингдек ўқ-дорилар хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан ишониб топширилган ёки корхона, муассаса, ташкилот томонидан вақтинча фойдаланиш учун берилган шахсларга нисбатан

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185-моддасида, 220-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорнинг нусхаси маълумот учун тегишли корхона, муассаса ёки ташкилотга, мазкур шахснинг ўқотар қуролдан фойдаланишини тақиқлаш масаласини кўриб чиқиш учун эса ички ишлар органига юборилади.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхона, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахслар эътиборига етказиш 312-модда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61, 131, 140, 183, 187, 233, 237-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш ҳақида чиқарилган қарорни шу ҳуқуқбузар ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият эътиборига етказди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) қабул қилинган қарор тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган мансабдор шахснинг эътиборига етказди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги такдимнома 313-модда.

Ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий

Кўчирма

**ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА
UZ-__-СЕРИЯЛИ __-РАҚАМЛИ
БАЁННОМА**

20__ йил «__» _____ кунни соат _____ _____
(хуқуқбузарнинг)

Ушбу баённомани мен, _____ кўкрак нишон белгиси, _____

(таълим, уқув, фамиласи, исми, отасининг исми)

туздим. Фуқаро

(фамиласи, исми, отасининг исми)

Гувоҳ ёки ҳолислар: МЖТКнинг 298-моддаси талаблари билан таништирилди.

1. _____
(фамиласи, исми, отасининг исми, туғилган йили)

(илми маълум)

(илми)

2. _____
(фамиласи, исми, отасининг исми, туғилган йили)

(илми маълум)

(илми)

Баённома билан танишдим, унинг мазмуни бўйича қуйидагиларни билдираман:

(хуқуқбузарнинг тушунтириш бергани)

(хуқуқбузарнинг имзоси)

ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш

юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдим келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

1. Электрон маъмурий баённома серия ва рақами:

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарор

2. Серия 3. Рақам 4. Қарор чиқарилган санаси 5. Вақти

6. Қарор чиқарган вилоят, шаҳар/туман номи



ҚАРОР ЧИҚАРГАН ОРГАН (МАНСАБДОР ШАХС)

8. Орган
 Ваколатли орган рамзи
 12. Ф.И.О

9. Жетон ёки гувоҳнома (серияси, рақами)

10. Қарор чиқарган шахснинг имзоси

11. Сана

13. Лавозими

14. Унвони

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХС

шахсга оид маълумотлар, мультибиометрик таққослаш орқали идентификация қилинган

15. Ф.И.О
 16. Туғилган сана
 17. Туғилган жойи

18. Ҳужжат серияси ва рақами 19. Миллати 20. Фуқаролиги

21. Турар жойи

22. Иши жойи, машғулот тури, лавозими

23. Сўғурта полиси (серияси, рақами, амал қилиш муддати)

24. Мастлик ҳолати

25. Транспорт воситаси ҳақида маълумот (русуми, давлат рақами белгиси, тури, ранги)

26. Шахсга оид қўшимча маълумотлар

27. Аввал маъмурий жавобгарликка тортилгани ҳақида маълумотлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МҲТКНИНГ 269¹, 304, 305, 306, 307 ҲАМДА 309, 311-МОДДАЛАРИГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА ҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг

28. Модда 29. Прим 30. Қисм 31. Қўшимча модда

32. қоидаларининг банд(лар)и бузилди

Маъмурий жазонинг қўлланилиши 33. 33-модда 34. 34-модда

35. Ҳолат юзасидан олинган фотосурат Ҳолат юзасидан олинган фотосурат

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИ СОДИР ЭТГАН ШАХС УЧУН ТАЙИНЛАНГАН ЖАЗО ЧОРАСИ

36. Жарима миқдори (сўм) 37. Зарар миқдори (сўм) 38. Қўшимча жазо чораси

XXX XXX,XX XXX XXX,XX

(миқдори ёзув кўринишида) (миқдори ёзув кўринишида)

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни олдим

39. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг имзоси

40. СМС 42. Мен розиман 45. Сана
 41. Почта 43. Рози эмасман
 44. Адвокат хизматидан фойдаланди

Ҳуқуқ ва мажбуриятларингиз:

Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби.
 Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 (ун беш) кун ичида жарима миқдорининг 70 (етмиш) фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мустасно. ЎзР МҲТКнинг 332-модда прим 1

Маъмур электрон қарор устидан эътирозингиз бўлса, туман (шаҳар) маъмурий ишлар бўйича суд органларига қарор нусхасини олган кунингиздан бошлаб 10 (ун) кун ичида шикоят ёки протест келтиришингиз мумкин. Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилинган орган (мансабдор шахс) ёки бевосита шикоят йўллаган судга юборилади.

ХАБАРНОМА ТУЛОВ РАҚАМИ <input type="text"/> Хазиначи	Орган номи <input type="text"/>	Банк номи <input type="text"/>	Банк коди XXXXX	СТИР XXX XXX XXX
	Олувчининг ҳисоб рақами XXXX XXXX XXXX XXXX	Газна ҳисоб рақами XXXX XXXX XXXX XXXX		
	Туловчининг Ф.И.О <input type="text"/>	Туғилган сана <input type="text"/>		
	Туловчининг яшаш манзили <input type="text"/>	СТИР XXX XXX XXX		
	Тулов номи Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима	Қарор санаси <input type="text"/>	Пул миқдори (сўм) XXX XXX,XX	(миқдори ёзув кўринишида)
	Тулов номи ЎзР МҲТКнинг XXX-модда пр.Х асосида 70%	Сана гача <input type="text"/>	Пул миқдори (сўм) XXX XXX,XX	(миқдори ёзув кўринишида)

ПАТТА ТУЛОВ РАҚАМИ <input type="text"/> Хазиначи	Орган номи <input type="text"/>	Банк номи <input type="text"/>	Банк коди XXXXX	СТИР XXX XXX XXX
	Олувчининг ҳисоб рақами XXXX XXXX XXXX XXXX	Газна ҳисоб рақами XXXX XXXX XXXX XXXX		
	Туловчининг Ф.И.О <input type="text"/>	Туғилган сана <input type="text"/>		
	Туловчининг яшаш манзили <input type="text"/>	СТИР XXX XXX XXX		
	Тулов номи Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима	Қарор санаси <input type="text"/>	Пул миқдори (сўм) XXX XXX,XX	(миқдори ёзув кўринишида)
	Тулов номи ЎзР МҲТКнинг XXX-модда пр.Х асосида 70%	Сана гача <input type="text"/>	Пул миқдори (сўм) XXX XXX,XX	(миқдори ёзув кўринишида)

6-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка киритилган ярашув институтининг мазмуни ва моҳияти.
2. Маъмурий ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг процессуал тартиби, ўзига хос хусусиятлари ва расмийлаштириладиган ҳужжатлар.

1-САВОЛ. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИККА КИРИТИЛГАН ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ.

Ўзбекистон республикаси миллий ҳуқуқий тизимида низоларни ҳал қилишнинг янги механизмлари жорий қилинаётгани, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигида ярашув институти самарали қўлланилиб келинаётгани жамиятимизда ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, инсонпарварлик тамойилини кучайтишига олиб келди.

Мазкур суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2021 йил 4 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-720-сон янги қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “Ярашув институти” жорий этилди.

Ушбу қонунни қабул қилинишида қуйидагиларга таянилди, жумладан, мамлакатимизда 2001 йилдан бошлаб жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигида ярашув институти самарали қўлланилиб суд-ҳуқуқни қўллаш амалиётида ўзини оқлаганлиги ва бугунги кунда ҳам самарали фойдаланиб келинаётганлиги шунингдек, эр-хотин, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, таниш-билишлар ўртасида ўзаро келишмовчилик юзага келиши ҳаётда учраб туради. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида, шу вақтгача, фуқароларнинг мол-мулкига зиён етказиш билан боғлиқ бўлган ёхуд биринчи марта маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан ўз вақтида жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар қопланганида, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганида ҳамда жабрланувчи билан ярашган тақдирда ҳам унга нисбатан “Ярашув институти”ни қўллашнинг ҳамда маъмурий жавобгарликдан озод қилиш механизми мавжуд эмаслиги кабилар.

Яъни, ҳуқуқбузарликлар учун (ижтимоий хавфли қилмиш) жиноий жавобгарликни назарда тутувчи қонунчиликда ярашув институти мавжуд бироқ, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда бундай институтнинг мавжуд эмаслиги ҳам мантиқ нуктаи назардан тўғри эмаслигидан далолат беради.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш амалиёти бўйича статистик маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 8 ойида 11 минг 477та маъмурий ҳуқуқбузарлик айнан оилада, яъни эр-хотин, қайнона-келинлар ўртасида содир бўлиб, уларнинг барчаси, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда яраштирув институти мавжуд бўлмаганлиги боис, профилактика инспекторлари томонидан маъмурий баённомалар тузилиб, қонуний қўриб чиқилиши учун судларга юборилган.



2021 йил 4 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-720-сон қонуни талабларига биноан эндиликда қонунчилигимизда “Ярашув институти”нинг

жорий этилиши юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олади, ортиқча оврагарчиликка чек қўяди.

Қолаверса, эр-хотин, яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар ўртасидаги келишмовчилик ўзаро адоватга айланиб кетишининг олди олинади, оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарликлар камайишига эришиш мумкин бўлади.

Мазкур қонунга кўра, **12 турдаги** маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс **ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, суд уни маъмурий жавобгарликдан озод** этиб ишни тугатиши мумкин бўлади.

Ушбу қонун билан амалдаги МЖТК қуйидаги мазмундаги 21²-модда билан тўлдирилди.

«21²-модда. Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш

Ушбу Кодекснинг 40-моддасида (туҳмат), 41-моддасида (ҳақорат қилиш), 45-моддасида (фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш), 46-моддасида (фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш), 46¹-моддасида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 52-моддасида (енгил тан жароҳати етказиш), 61²-моддасида (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 104-моддасида (экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш), 133-моддасида (транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл

ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча микдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши), 134-моддасида (ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши), 183-моддасида (майда безорилик) ҳамда 200-моддасида (ўзбошимчалик) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, маъмурий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) тарафларнинг ярашуви муносабати билан ишни судга юбориш тўғрисида **қарор** чиқаради ва маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун иш материалларини ушбу Кодекснинг 313¹-моддасида белгиланган тартибда **судга** юборади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни бир йил ичида **такроран содир этган шахс** томонларнинг ярашуви муносабати билан маъмурий жавобгарликдан **озод қилинмайди**».

21²-модда. Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш

Тўр	Маъмурий ҳуқуқбузарликлар моддаси ва тури
1.	40-модда. Тухмат.
2.	41-модда. Ҳақорат қилиш.
3.	45-модда. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш
4.	46-модда. Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш
5.	46 ¹ -модда. Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш
6.	52-модда. Енгил тан жароҳати етказиш
7.	61 ² -модда. Мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш
8.	104-модда. Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш
9.	133-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча микдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши
10.	134-модда. Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши
11.	183-модда. Майда безорилик
12.	200-модда. Ўзбошимчалик
<p>Мазкур 12 та моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, маъмурий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.</p>	

Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 248-моддаси 4 бандида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни бевосита кўриб чиқиш ва жазо қўллаш ваколатидан ташқари МЖТКнинг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколати бўлган шахслар деб номланган 280-моддасига биноан бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва (ёки) назорат қилиш қонунчилик билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси сифатида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузадилар.

Шу боис, МЖТКга янги киритилган Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш деб номланган 21²-модда назарда тутилган 12 та турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлардан иккитаси (133-134-м.)дан ташқари 10 таси бўйича маъмурий-процессуал ҳужжатларни расмийлаштириб агар ҳуқуқбузар ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, тарафларнинг ярашуви муносабати билан ишни судга юбориш тўғрисида **қарор** чиқаради ва маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун иш материалларини ушбу Кодекснинг 313¹-моддасида белгиланган тартибда судга юборади.

Шунингдек, мазкур қонун билан МЖТКнинг 248-моддаси 4 бандида Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқиш ва жазо қўллаш ваколатларига тааллуқли бўлган амалдаги 14 та моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тоифаси кенгайтирилди ҳамда жами 24 та моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш ваколати берилди. 248-модданинг иккинчи қисми нинг 4-банди қуйидаги тахрирда баён этилди:

«4) ушбу Кодекснинг 47-моддаси биринчи қисмида, 47³, 54, 56¹-моддаларида, 110-моддасининг биринчи қисмида (фуқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114, 122, 123-моддаларида, 127-моддасида (товуш сигналини сабабсиз беришга доир қисмида), 128⁶-моддасида, 147-моддасининг биринчи қисмида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратганлик, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаганлик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун), 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун), 161-моддасида (фуқароларга нисбатан), 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188², 192, 221-моддаларида, 223-моддасининг биринчи қисмида, 223¹, 223³-моддаларида, 224-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари».

**Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 248-моддаси 4-бандига
биноан Ички ишлар органлари таянч пунктларининг
профильактика катта инспекторлари ва инспекторлари жами 24 та
моддада белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликларни – кўриб чиқиш ва
жазо қўллашга ваколатлидир.**

Т/р	Маъмурий ҳуқуқбузарликлар моддаси ва турлари
1.	47-модда. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик. 1-қ.
2.	47 ³ -модда. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш
3.	54-модда. Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш
4.	56 ¹ -модда. Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш
5.	110-модда. Ит ва мушук боқиш қоидаларини бузиш. 1-қ. (фуқароларга нисбатан)
6.	111-модда. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш. 1-қ.
7.	113-модда. Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш. 1, 2, 4 ва 5-қисмлари.
8.	114-модда. Темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш.
9.	122-модда. Тамаки маҳсулотини транспортда белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш.
10.	123-модда. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш.
11.	127-моддасида (товуш сигналини сабабсиз беришга доир қисмида) Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш.
12.	128 ⁶ -модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши.
13.	147-модда. 1-қ. (автомобиль йўлларида ўзбошимчалик билан қазилар, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратганлик, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаганлик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун),
14.	148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун),
15.	161-модда. Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш (фуқароларга нисбатан)
16.	187-модда. Жамоат жойларида алкоғоль маҳсулотини истеъмол қилиш. 1-қ.
17.	188-модда. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш.
18.	188 ² -модда. Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш.
19.	192-модда. Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш.
20.	221-модда. Ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш.

21.	223-модда. Паспорт тизими қоидаларини бузиш. 1-қ.
22.	223 ¹ -модда. Паспортдан ғайриқонуний фойдаланиш.
23.	223 ³ -модда. Фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш.
24.	224-модда. Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш. 1-қ.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-



720-сон қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг “**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар**” деб номланган 271-моддаси 10¹-банд билан тўлдирилди. Унга қўра, ҳуқуқбузар ярашув институти таъсир

доирасига тушадиган ишлар бўйича жабрланувчи билан ярашган бўлса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши қайд этилди.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни ҳар бир ички ишлар органи ходимлари мустаҳкам ўзлаштириб олишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

2-САВОЛ. МАЪМУРИЙ ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР.

2021 йил 4 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-720-сон қонуни билан мамлакатимизда илк бора маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка “Ярашув институти”, яъни ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш асослари киритилди.

Шу билан бир қаторда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш» деб номланган Тўртинчи бўлими бешта моддани ўз ичига олган «**Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш**» деб номланган янги XXIII¹ боб билан тўлдирилди.

Мазкур «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш» деб номланган янги XXIII¹ бобда қуйидаги моддалар ўз аксини топган:

1) **313¹-модда.** Ярашилганлиги муносабати билан кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар.

2) **313²-модда.** Ярашув тўғрисидаги ариза.

3) **313³-модда.** Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни судга юбориш тартиби.

4) **313⁴-модда.** Суд муҳокамаси.

5) **313⁵-модда.** Суд қарори.

Мазкур моддаларни кўриб чиқадиган бўлсак, МЖТКга киритилган

313¹-моддада Ярашилганлиги муносабати билан кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар – ярашилганлиги муносабати билан МЖТКнинг фақат 21²-моддасида назарда тутилган 12 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин.

313²-моддада Ярашув тўғрисидаги ариза мазмунини қайд этилган. Жабрланувчи ёхуд унинг қонуний вакили ярашув тўғрисидаги аризани иш ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан кўриб чиқилиши вақтида, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд қарор чиқаргунигача қадар бериши мумкин.

Аризада етказилган зарар бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши керак.

Агар ярашув ҳақидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш чоғида ваколатли орган (мансабдор шахс) ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

313³-моддада Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни судга юбориш тартиби белгиланган.

Ваколатли орган (мансабдор шахс) жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, уч кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳуқуқбузарнинг розилигига кўра ишни тарафларнинг ярашуви муносабати билан судга юбориш ҳақида қарор чиқаради ҳамда ишни тегишлилиги бўйича судга юборади.

Қарорнинг тавсиф қисмида:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритиш учун асос;

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва улар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар;

ярашув тўғрисидаги аризининг мазмуни ҳамда ҳуқуқбузарнинг аризага нисбатан муносабати кўрсатилади.

Қарорнинг қарор қисмида:

ишни судга юбориш ҳақидаги қарор;

ашёвий далиллар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар иш бўйича ҳуқуқбузар сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, уларнинг барчаси билан ярашувга эришилмаган бўлса, ярашувга эришилмаган ҳуқуқбузарларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар ваколатли органнинг (мансабдор шахснинг) ишни тарафларнинг ярашуви муносабати билан судга юбориш ҳақидаги қарорида кўрсатилиши керак.

313⁴-моддада Суд муҳокамаси тартибга солинган.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси иш судга келган пайтдан эътиборан уч кундан кечиктирмай ўтказилиши керак.

Суд мажлисида: ҳуқуқбузар, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ва, агар ишда қатнашаётган бўлса, адвокат иштирок этади.

Ярашув ҳақидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жабрланувчининг ярашув ҳақидаги аризасини ўқиб эшиттириш билан бошланади.

Суд ҳуқуқбузарнинг ва жабрланувчининг содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги сўзларини эшитади.

Суд:

- ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабабларини;
- ҳуқуқбузар ўз айбига ихтиёрий равишда иқрор бўлганлигини;
- ҳуқуқбузар ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини ва етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини;
- жабрланувчига ёки ҳуқуқбузарга бирон-бир тазйиқ бўлган-бўлмаганлигини;
- етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни;
- ҳуқуқбузарнинг, жабрланувчининг ва уларнинг қонуний вакилларининг ярашувга розилиқларини аниқлайди.

Шундан кейин, агар суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, адвокатнинг фикрини эшитади.

Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқрор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарнинг ўрнини қоплашни рад этиш ҳоллари аниқлангудек бўлса, суд тарафларнинг ярашуви муносабати билан ишни судга юбориш тўғрисидаги қарорни бекор қилади ва ишни умумий асосларда кўриб чиқади.

Бироқ, содир этилган қилмишда *бошқа турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят таркиби белгилари мавжуд бўлса, суд тарафларнинг ярашуви муносабати билан ишни судга юбориш ҳақидаги қарорни бекор қилади* ва ишни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги *баённомани расмийлаштирган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни қўзгатган органга умумий асосларда кўриб чиқиш учун ёки терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш учун юборади.*

Суд муҳокамасининг натижалари бўйича суд қонунда белгиланган тартибда **қарор чиқаради.**

Суд мажлиси вақтида МЖТКнинг 308-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан баённома юритилади.

313⁵-моддада Суд қарори мазмуни ва тузилиши қайд этилган.

Суд қарорининг *кириш қисмида*:

- ✓ қарор чиқарилган вақт ва жой;
- ✓ қарор чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, агар ишда иштирок этаётган бўлса, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;

- ✓ ҳуқуқбузарнинг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, иш жойи, машғулотининг тури, маълумоти ва иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд қарорининг *тавсиф-асослаш қисмида* ярашув учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади, МЖТКнинг 313⁴-моддасида санаб ўтилган масалаларга жавоблар ифодаланади.

Суд қарорининг *қарор қисмида* суд куйидаги масалаларни ҳал этади:

- ✓ маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни тарафларнинг ярашуви муносабати билан ёки ушбу Кодекснинг 310-моддасида кўрсатилган бошқа асослар бўйича тугатиш ҳақидаги, маъмурий жазонинг қўлланилиши тўғрисида ёхуд уни маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомани расмийлаштирган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатган органга юбориш ҳақидаги;

- ✓ ашёвий далиллар тўғрисидаги;
- ✓ зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги.

Суднинг қарорига ҳуқуқбузар, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат томонидан шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин».

Х У Л О С А

Республикада изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг пировард мақсадлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш адолатни қарор топтириш ҳамда тинчлик осоишталикни таъминлашдан иборат. Шу боис, қонунчиликдаги ўзгаришлар инсон манфаатлари учун хизмат қилади. Маълумки, ярашганлик муносабати билан жазодан озод қилиш амалиёти 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят процессуал кодексларга киритилган эди. Бироқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бундай институт киритилмаган эди.

Илгари тарафлар ярашган, ўзаро келишган, зарарлар қопланиб, ўртада адоват қолмаган ҳолатларда ҳам суд маъмурий жазога тортишга мажбур эди.

Эндиликда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган тарафларнинг ярашуви муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун иш материалларини судга юборади. Судда бу масала кўриб чиқилиб, тарафлар ярашганлиги исботланса тарафларни жазодан озод қилиб, ишни яқунлайди. Бироқ, ярашувга тушувчи

хуқуқбузарлик бир йил ичида такроран содир этган шахс яна ярашув муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилинмайди.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

Ўқув машғулотнинг саволлари кичик саволларга бўлиниб “Баҳс-мунозара”, Кластер”, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўтказилади.

1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка киритилган ярашув институтининг ўзига хос хусусиятлари?

(Ушбу саволни ёритишда “Баҳс-мунозара” методдан фойдаланилади)

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги; -
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида — “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси “Баҳс мунозара саволлари”:

1. Ярашилганлиги муносабати билан кўриб чиқиладиган маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар қайси моддада тўлиқ кўрсатилган?
2. Ярашув тўғрисидаги аризанинг мазмуни қандай?
3. Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни судга юбориш тартиби қандай?

4. Суд муҳокамасида нималар амалга оширилади?

5. Суд қарорининг мазмун моҳияти?

6. Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсадаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсада фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бирбиридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



Гуруҳларга саволлар:

1. Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тартиби МЖТКнинг қандай ҳуқуқбузарликлари учун қўлланиши мумкинлигини кўрсатиб беринг.

2. Ярашув тўғрисидаги ариза. Аризани қабул қилиш тартиби ва аризада кўрсатилиши лозим бўлган вазларни гапириб беринг.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни тарафларнинг ярашуви муносабати билан судга юбориш тартиби ва қарорда акс этирилиши лозим бўлган маълумотларни кўрсатиб беринг.

4. Маъмурий ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси. Суд мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган ҳолатларни кўрсатиб беринг. Маъмурий ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарори ва қарорда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотларни тўлиқ кўрсатиб беринг.

Изоҳ: Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавобларини беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволларига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

Мустақил таълим машғулоти учун саволлар.

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил таълим машғулотига 2021 йил 4 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-720-сон қонунини тўлиқ ўрганадилар ва тегишли модда ҳамда бандларини конспектлаштириб оладилар.

1. Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш.

2. Ярашув тўғрисидаги ариза мазмуни.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни судга юбориш тартиби.

МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР:

1. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?

2. Қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?

3. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш жинояти субъекти ким бўлиши мумкин?

4. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қийноқ ва зўравонликка йўл қўйиш қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

5. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-моддаси) жиноятининг жабрланувчилари кимлар бўлиши мумкин?

6. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати қачондан бошланади?

7. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатини аниқланг?

8. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш натижасида келиб чиққан оғир оқибатларга қандай бўлиши мумкин?

9. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш қандай процессуал ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

10. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида шахсларни қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қийноқ ва зўравонликни қўллаш меҳнат ёки хизмат интизоми билан боғлиқ қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

2.4-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИККА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР РЕЖА:

1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка 2020-2022-йилларда киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар таснифи.

2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка 2023-йил киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларнинг амалдаги нормаларга таъсири.

1-САВОЛ. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИККА 2020-2022-ЙИЛЛАРДА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР ТАСНИФИ.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси. Хужжат техник регламентларга риоя қилиш устидан самарали давлат назоратини таъминлаш, маҳсулотни мажбурий сертификатлаштириш қоидалари сертификатлаштириш органлари ва аккредитация қилинган синов



лабораториялари томонидан бузилмаслиги учун уларнинг масъулиятини оширишга йўналтирилган. Таклиф этилаётган ўзгартиришлар «Техник жихатдан тартибга солиш тўғрисида»ги ва «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунларнинг нормаларини тўлақонли амалга оширишни таъминлайди.

«Ташувчининг

фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси. Лойиҳа депутатларнинг ижтимоий тармоқлардаги шахсий саҳифаларида ҳар тарафлама муҳокама қилиш учун жойлаштирилган бўлиб, бу сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ҳисобга олиш имконини берди. Хужжатга қўшилган нормага мувофиқ, фаолияти лицензияланадиган, транспортда йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкни тижорат асосида ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган юридик шахсларга

ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини уч ойдан бир йилгача муддатга тузиш ҳуқуқи берилмоқда. Ушбу норманинг қўшилиши ташувчиларга лицензияларнинг амал қилиш муддатига қадар суғурта шартномасини тузиш, лицензияларни бекор қилиш ва қайтадан рўйхатга олиш учун ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик имконини беради.

«Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси. Хужжат Президентнинг «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Хорижий давлатларда кўргазма тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган товарларни олиб чиқиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Божхона кодексининг 32 ва 245-моддаларига товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини, бундан янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари мустасно, амалга ошириш ҳуқуқини, «вақтинча олиб кириш» божхона режимида турган товарларни реэкспорт қилишга давлат божхона хизмати органлари томонидан рухсатнома берилиши бўйича талабни бекор қилишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.



Шунингдек, киритилган қўшимчаларга кўра, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат чегараси режимини бузиб ўтганда (224-1-модда) қўлланган жаримани тўламаса, Ўзбекистон ҳудудидан маъмурий тарзда

чиқариб юборилади. Илгари жарима тўлашидан қатъи назар, мамлакатдан чиқариб юборилган.

Шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юборилганда кейинчалик кириш ҳуқуқи чекланиш муддатини қўллашга аниқлик киритилди. Шунга кўра, давлат чегараси режимини биринчи марта бузиб ўтганда 1 йил, иккинчи марта содир этилганда 3 йил муддатда кириш ҳуқуқи чекланади.

Қонун билан, бундан ташқари, қуйидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари кўриб чиқиши белгиланди:

- чегара зонасига, шунингдек, фуқароларнинг кириши ва бўлишида вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш (224-модда);
- Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш (224-1-модда 1-қисми).

Маълумот учун, маъмурий тарзда чиқариб юбориш жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланади.

Аввалроқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қайта номланиши **хабар қилинганди**. Шунингдек, Меҳнат кодекси ва пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритилаётгани **айтилган**.

Қонун (ЎРҚ–753-сон, 15.02.2022 й.) билан киритилган қўшимчаларга кўра, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат чегараси режимини бузиб ўтганда (224-1-модда) қўлланилган жаримани тўламаса, Ўзбекистон ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юборилади.

Илгари жарима тўлашидан қатъи назар Ўзбекистондан чиқариб юборилган.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юборилганда кейинчалик Ўзбекистонга кириш ҳуқуқи чекланиш муддатини қўллашга аниқлик киритилди. Бу ҳақда Адлия вазирлиги хабар берди.

Шунга кўра, давлат чегараси режимини биринчи марта бузиб ўтганда 1 йил муддат, иккинчи марта содир этилганда 3 йил муддат Ўзбекистонга кириш ҳуқуқи чекланади.

Қонун билан шунингдек, қуйидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари кўриб чиқиши белгиланди:

— чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига



вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш (224-модда);

— Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш (224-1-модда 1-қисми).

Эслатиб ўтамиз, маъмурий тарзда чиқариб юбориш жиноят ишлари

бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилади.

«17²-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги

Ушбу Кодекс 227¹⁰-моддасининг иккинчи қисмида ва 227¹³-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, декларант ёхуд унинг ишончли вакили маъмурий жавобгарликка тортилади.

Ушбу Кодекс 227¹⁶-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, божхона органи олдидаги мажбуриятни ўз зиммасига олган шахс маъмурий жавобгарликка тортилади.

Ушбу Кодекс 227²²-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, декларацияловчи шахс маъмурий жавобгарликка тортилади, бунда, агар мазкур ҳуқуқбузарлик божхона расмийлаштируви учун тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ахборот кўрсатилганлиги оқибатида содир этилган бўлса, тегишли ҳужжатларни ва ахборотни тақдим этган декларант ёхуд унинг ишончли вакили маъмурий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилганлигига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишда ҳуқуқбузарлик такрорий содир этилганлиги эътиборга олинмайди, бундан ушбу Кодекс 321-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно»;

2) қуйидаги мазмундаги 21²-модда билан тўлдирилсин:

«21²-модда. Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш

Ушбу Кодекснинг 40-моддасида (туҳмат), 41-моддасида (ҳақорат қилиш), 45-моддасида (фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш), 46-моддасида (фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш), 46¹-моддасида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 52-моддасида (енгил тан жароҳати етказиш), 61²-моддасида (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 104-моддасида (экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш), 133-моддасида (транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши), 134-моддасида (ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши), 183-моддасида (майда безорилик) ҳамда 200-моддасида (ўзбошимчалик) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, маъмурий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) тарафларнинг ярашуви муносабати билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун иш материалларини ушбу Кодекснинг 313¹-моддасида белгиланган тартибда судга юборди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни бир йил ичида такроран содир этган шахс томонларнинг ярашуви муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилинмайди»;

3) 227¹⁰-модда иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

4) 227¹³-модда:

номининг ўзбекча матнидаги «қўйиш» деган сўз «жойлаштириш» деган сўз билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарларни сақлаш учун жойлаштиришнинг белгиланган талаблари ва шартларига, уларни сақлаш тартибига, худди шунингдек божхона омборларида ҳамда эркин омборларда товарларга доир операциялар ўтказиш тартибига риоя этмаслик, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида, ушбу Кодекснинг 227⁴, 227⁸, 227⁹ ва 227¹¹-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Товарларни божхона режимида сақлаш муддатларига риоя этмаслик, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

5) 227¹⁶-модда биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

6) 227²²-модда иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

7) 248-модданинг:

биринчи қисмидаги:

«54, 56¹-моддаларида» деган сўзлар «47-моддасининг биринчи қисмида, 47³, 54, 56¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«147, 156, 161, 183-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида, 192, 204, 205-моддаларида» деган сўзлар «147-моддасида, 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун), 156, 161, 183-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188², 192, 204, 205-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришга ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга божхона органларининг божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга оширадиган бош инспекторлари, катта инспекторлари (инспекторлари) ҳақлидир»;

10) 271-модда қуйидаги мазмундаги 10¹-банд билан тўлдирилсин:

«10¹) ҳуқуқбузар ушбу Кодекснинг 21²-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчи билан ярашган бўлса»;

11) 283-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Транспорт воситасидан фойдаланган ҳолда йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган, шунингдек божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди»;

12) 294-модданинг иккинчи қисмидаги «309¹-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар «309¹-моддасининг биринчи қисмида ва 309²-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) қуйидаги мазмундаги 309²-модда билан тўлдирилсин:

«309²-модда. Божхона тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилганлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган ҳолларда жарима солиш тўғрисидаги қарор

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган божхона тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишлари бўйича жарима солиш ҳақидаги қарор маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз чиқарилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор юридик кучга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади ҳамда ушбу ҳужжатни тузган ваколатли шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида ҳуқуқбузарга электрон шаклда юборилади ёки қоғоз шаклида топширилади ёхуд почта орқали топширилганлиги маълум қилинадиган бюртма хат билан юборилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак: қарор чиқарилган сана ва жой; уни чиқарган органнинг номи, шахснинг лавозими ва фамилияси; маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган (аниқланган) вақт, жой ва ҳолатлар, ушбу Кодекс Махсус қисмининг мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси ушбу модданинг қисми кўрсатилган ҳолда; қабул қилинган қарор, тайинланган жаримани тўлаш тартиби ва муддатлари, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят беришнинг процессуал тартиби»;

14) қуйидаги мазмундаги ХХШ¹ боб билан тўлдирилсин:

«ХХШ¹ боб. ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

313¹-модда. Ярашилганлиги муносабати билан кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар

Ярашилганлиги муносабати билан ушбу Кодекснинг 21²-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин.

313²-модда. Ярашув тўғрисидаги ариза

Жабрланувчи ёхуд унинг қонуний вакили ярашув тўғрисидаги аризани иш ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан кўриб чиқилиши вақтида, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд қарор чиқаргунига қадар бериши мумкин.

Аризада етказилган зарар бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши керак.

Агар ярашув ҳақидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш чоғида ваколатли орган (мансабдор шахс) ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

313³-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни судга юбориш тартиби

Ваколатли орган (мансабдор шахс) жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, уч кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳуқуқбузарнинг розилигига кўра ишни тарафларнинг ярашуви муносабати билан судга юбориш ҳақида қарор чиқаради ҳамда ишни тегишлилиги бўйича судга юборади.

Қарорнинг тавсиф қисмида:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритиш учун асос;

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва улар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар;

ярашув тўғрисидаги аризанинг мазмуни ҳамда ҳуқуқбузарнинг аризага нисбатан муносабати кўрсатилади.

Қарорнинг қарор қисмида:

ишни судга юбориш ҳақидаги қарор;

ашёвий далиллар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар иш бўйича ҳуқуқбузар сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, уларнинг барчаси билан ярашувга эришилмаган бўлса, ярашувга эришилмаган ҳуқуқбузарларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар ваколатли органнинг (мансабдор шахснинг) ишни тарафларнинг ярашуви муносабати билан судга юбориш ҳақидаги қарорида кўрсатилиши керак.

313⁴-модда. Суд муҳокамаси



Ярашув

тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси иш судга келган пайтдан эътиборан уч кундан кечиктирмай ўтказилиши керак.

Суд мажлисида: ҳуқуқбузар, жабрланувчи, уларнинг

қонуний вакиллари ва, агар ишда қатнашаётган бўлса, адвокат иштирок этади.

Ярашув ҳақидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жабрланувчининг ярашув ҳақидаги аризасини ўқиб эшиттириш билан бошланади.

Суд ҳуқуқбузарнинг ва жабрланувчининг содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги сўзларини эшитади.

Суд:

ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабабларини;

ҳуқуқбузар ўз айбига ихтиёрий равишда иқдор бўлганлигини;

ҳуқуқбузар ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини ва етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини;

жабрланувчига ёки ҳуқуқбузарга бирон-бир тазйиқ бўлган-бўлмаганлигини;

етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни;

ҳуқуқбузарнинг, жабрланувчининг ва уларнинг қонуний вакилларининг ярашувга розиликларини аниқлайди.

Шундан кейин, агар суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, адвокатнинг фикрини эшитади.

Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқроор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарнинг ўрнини қоплашни рад этиш ҳоллари аниқлангудек бўлса, суд тарафларнинг ярашуви муносабати билан ишни судга юбориш тўғрисидаги қарорни бекор қилади ва ишни умумий асосларда кўриб чиқади.

Бирок, содир этилган қилмишда бошқа турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят таркиби белгилари мавжуд бўлса, суд тарафларнинг ярашуви муносабати билан ишни судга юбориш ҳақидаги қарорни бекор қилади ва ишни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани расмийлаштирган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни қўзғатган органга умумий асосларда кўриб чиқиш учун ёки терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш учун юборади.

Суд муҳокамасининг натижалари бўйича суд қонунда белгиланган тартибда қарор чиқаради.

Суд мажлиси вақтида ушбу Кодекснинг 308-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан баённома юритилади.

313⁵-модда. Суд қарори

Суд қарорининг кириш қисмида:

қарор чиқарилган вақт ва жой;

қарор чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, агар ишда иштирок этаётган бўлса, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;

ҳуқуқбузарнинг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, иш жойи, машғулотининг тури, маълумоти ва иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд қарорининг тавсиф-асослаш қисмида ярашув учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади, ушбу Кодекснинг 313⁴-моддасида санаб ўтилган масалаларга жавоблар ифодаланади.

Қарорнинг қарор қисмида суд қуйидаги масалаларни ҳал этади:

маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни тарафларнинг ярашуви муносабати билан ёки ушбу Кодекснинг 310-моддасида кўрсатилган бошқа асослар бўйича тугатиш ҳақидаги, маъмурий жазонинг қўлланилиши тўғрисида ёхуд уни маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомани расмийлаштирган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатган органга юбориш ҳақидаги;

ашёвий далиллар тўғрисидаги;

зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги.

Суднинг қарорига ҳуқуқбузар, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат томонидан шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин»;

15) 321-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилишларига доир иш ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган божхона тўғрисидаги

қонунчилик бузилишларига доир иш янгитдан кўриб чиқиш учун юборилиб, қарор бекор қилинган тақдирда, мазкур иш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у илгари содир этган ҳуқуқбузарликларнинг такрорийлиги инобатга олинган ҳолда умумий асосларда кўриб чиқилиши лозим».

2-САВОЛ: 2023-ЙИЛ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИККА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга, болалар орасида назоратсизликнинг ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга, шунингдек ногиронлиги бўлган болаларни ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмаган, хотин-қизларни шилқимлик ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари мавжуд эмас, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордернинг амал қилиш муддати (ўттиз кун) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини бермайди, алиментларни тўламаганлик учун жазо сифатида жарима солиниши янада кўпроқ молиявий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) идоралараро комиссияларининг фаолияти ислоҳ этилиб, улар тегишинча Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) комиссиялари этиб қайта ташкил этилди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси қонунларига хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳада ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга оширишида қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни назарда тутувчи, шунингдек болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўювчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун хотин-қизлар ва болаларга нисбатан шилқимлик ҳамда зўравонликнинг олдини олишга, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашга, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади, шунингдек Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) комиссиялари фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратади.

23-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 4-1-банд билан тўлдирилсин:

"4-1) ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш";
қуйидаги мазмундаги 28-1-модда билан тўлдирилсин:

"28-1-модда. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига
мажбурий равишда жалб этиш

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш ҳуқуқбузарни ижтимоий фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий равишда жалб этишдан иборат бўлиб, у судлар томонидан саккиз соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланади. Агар ҳуқуқбузар ўқиётган бўлса, жамоат ишлари ўқишдан бўш вақтда бажарилади.

Ҳуқуқбузарлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг турлари мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар - ички ишлар органларининг пробацация бўлинмалари томонидан белгиланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари пенция ёшига етган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, доимий ишга эга шахсларга, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар иш ҳақининг эллик фоизи алимент мажбуриятлари бўйича қарзни тўлашга йўналтирилади.

Ҳуқуқбузар жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг ўталмаган муддатини ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг тўрт соати учун маъмурий қамоқнинг бир кунига тенг жазо билан ёхуд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг саккиз соати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг жарима билан алмаштиради. Бунда маъмурий қамоқнинг муддати ўн беш суткадан, жариманинг миқдори эса базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ошмаслиги керак.

Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди";

29-1-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

"Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тартибда чиқариб юбориш Ўзбекистон Республикаси фуқаросига алимент тўлаш бўйича мажбуриятларга эга бўлган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди";

б) қуйидаги мазмундаги 41-1-модда билан тўлдирилсин:

"41-1-модда. Шаҳвоний шилқимлик қилиш

Шаҳвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта қўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади";

7) 47-4-модда биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки бир юз йигирма соатгача ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этишга ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жазоларнинг мазкур турлари қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади";

8) 47-5-модда биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки бир юз йигирма соатгача ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этишга ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жазоларнинг мазкур турлари қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади";

9) қуйидаги мазмундаги 47-7-модда билан тўлдирилсин:

"47-7-модда. Ота-онанинг ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш бўйича мажбуриятларини бажармаслиги

Ота-она яшаш жойида вақтинча бўлмаганда ёхуд улар ўз ота-оналик мажбуриятларини бажара олмайдиган давр учун вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш бўйича мажбуриятларини бажармаслиги, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";

10) 52-модда иккинчи қисмининг диспозицияси "башарти ушбу Кодекснинг 59-2-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлмаса," деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) қуйидаги мазмундаги 59-2-модда билан тўлдирилсин:

"59-2-модда. Оилавий (маиший) зўравонлик

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни, қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, башарти жиноят аломатлари, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар аломатлари мавжуд бўлмаса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади";

12) 189-1-модданинг:

номидаги "Зўравонликни ёки шафқатсизликни" деган сўзлар "Тазйикни, зўравонликни ёки шафқатсизликни" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

диспозициясидаги "Зўравонликни ёки шафқатсизликни" деган сўзлар "Тазйикни, зўравонликни ёки шафқатсизликни" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

санкциясидаги "зўравонликни ёки шафқатсизликни" деган сўзлар "тазйикни, зўравонликни ёки шафқатсизликни" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 242-модданинг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"3) болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари";

14) 243-модданинг:

номидаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг" деган сўзлар "Болалар масалалари бўйича комиссияларнинг" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар" деган сўзлар "Болалар масалалари бўйича комиссиялар" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 304-модданинг тўртинчи қисмидаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар" деган сўзлар "Болалар масалалари бўйича комиссиялар" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

1) 80-модданинг иккинчи қисмидаги "вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар" деган сўзлар "болалар масалалари бўйича комиссиялар" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 170-модданинг матнидаги "вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар" деган сўзлар "болалар масалалари бўйича комиссиялар" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ЎРҚ-139-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, N 1, 1-модда; 2009 йил, N 12, 471-модда; 2016 йил, N 12, 383-модда; 2017 йил, N 6, 300-модда; 2018 йил, N 7, 431-модда; 2019 йил, N 12, 881-модда; 2020 йил, N 3, 199-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, N 5, 464-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 3-модданинг ўн тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола - ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги ёки чекланганлиги, бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги ёхуд муомалага лаёқати чекланганлиги, болани тарбиялашдан ёки унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганлиги, шу

жумладан, узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортганлиги ёхуд ота-она қарамоғи мавжуд бўлмаган бошқа ҳолатлар сабабли ота-она ёки ягона ота (она) қарамоғидан маҳрум бўлган бола";

2) 10-модда куйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

"Қўлланилган жазо чорасидан, судланганлик ҳолати тугатилганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ҳамда ўзига нисбатан амнистия ёки афв этиш акти қўлланилганлигидан қатъи назар, қасддан одам ўлдирганлик, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахснинг номусига текканлик ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирганлик, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда жинсий алоқа қилишга мажбур этганлик, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлик ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирганлик ёхуд унга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилганлик, вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлик, худди шунингдек уни тайёрлаганлик, тарқатганлик, реклама қилганлик, намойиш этганлик ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этганлик, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилганлик, фоҳишахоналар ташкил этганлик ёки сақлаганлик, терроризм учун илгари ҳукм қилинган шахсларнинг таълим, тарбия, болалар соғломлаштириш, спорт ва ижодий ташкилотларида ишлаши ҳамда болалар билан бевосита ишлашни назарда тутувчи фаолият турлари билан шуғулланиши тақиқланади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг реестрини шакллантириш ва юритиш, шунингдек ундан ахборот олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади".

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги ЎРҚ-263-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, N 9, 343-модда; 2016 йил, N 12, 383-модда; 2017 йил, N 9, 510-модда; 2018 йил, N 7, 431-модда; 2019 йил, N 5, 267-модда, N 9, 592-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, N 1, 5-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

"9-модда. Болалар масалалари бўйича комиссиялар";

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар" деган сўзлар "Болалар масалалари бўйича комиссиялар" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар" деган сўзлар "Болалар масалалари бўйича комиссиялар" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг" деган сўзлар "Болалар масалалари бўйича комиссияларнинг" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги "вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия" деган сўзлар "болалар масалалари бўйича комиссия" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги "вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг" деган сўзлар "болалар масалалари бўйича комиссиянинг" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги "вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия" деган сўзлар "болалар масалалари бўйича комиссия" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги "вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга" деган сўзлар "болалар масалалари бўйича комиссияга" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги "вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия" деган сўзлар "болалар масалалари бўйича комиссия" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 31-модданинг иккинчи хатбошисидаги "вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия" деган сўзлар "болалар масалалари бўйича комиссия" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январда қабул қилинган "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги ЎРҚ-364-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, N 1, 1-модда; 2016 йил, N 12, 383-модда; 2017 йил, N 6, 300-модда; 2018 йил, N 7, 431-модда; 2020 йил, N 1, 3-модда, N 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, N 10, 970-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 7-модда:

биринчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги";

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари томонидан - вояга етмаганларга нисбатан";

2) 8-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"васийлик ва ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлигини ҳамда мол-мулкани ҳисобга олишнинг электрон ахборот тизимини (бундан буён матнда ахборот тизими деб юритилади) ташкил этиш ва юритиш тартибини ҳамда унга киритиладиган маълумотлар рўйхатини белгилайди";

3) 9-модда:

номи ва биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"9-модда. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида";

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин";

4) 10-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги еттинчи - ўнинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

"ахборот тизимини юритади;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этади;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш механизмларини яратади ва такомиллаштиради;

оилага тарбияга олинган (патронат) болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини мониторинг қилади;

етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун назарда тутилган маблағларнинг тақсимланиши ҳамда уларнинг ўз эгаларига берилиши устидан назорат ўрнатади";

5) 12-модда:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"12-модда. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари

болаларни ҳимоя қилиш шуъбаларининг васийлик

ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари";

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари ўз ваколатлари доирасида";

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот базасини юритади, шунингдек давлат статистика ҳисоботини тегишли давлат статистика органига қонунчиликда белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этади";

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимида киритади";

тўққизинчи хатбошисидаги "туман, шаҳар ҳокими хулоса беради" деган сўзлар "туман, шаҳар ҳокими учун хулоса тайёрлайди" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин";

6) 13-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги "давлат реестрига" деган сўзлар "ахборот тизимида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 15-модданинг:

номидаги "Давлат реестрига" деган сўзлар "Ахборот тизимида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Васийлик ва ҳомийлик органлари васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотларни ҳар ойда ахборот тизимига киритади";

иккинчи қисмидаги "туман, шаҳар ҳокимлигини" деган сўзлар "туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбаларини" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 16-модданинг биринчи қисми "маълумотларни" деган сўздан кейин "ахборот тизими орқали ёки" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) 17-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги "давлат реестрига киритиш учун улар ҳақиқатда турган жойдаги туман, шаҳар ҳокимлигига" деган сўзлар "ахборот тизимига киритиш учун улар ҳақиқатда турган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбасига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 18-модданинг:

номи ва биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"18-модда. Ахборот тизимини юритиш

Ахборот тизимини туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари юритади";

иккинчи қисмидаги "Давлат реестрига" деган сўзлар "Ахборот тизимига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги "Давлат реестрини" деган сўзлар "Ахборот тизимини" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 20-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ота-она уч ойдан ортиқ муддатга яшаш жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб кетаётганида ушбу Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ ўз боласига васий ёки ҳомий тайинлаш чораларини кўриши шарт.

Ота-она уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга яшаш жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб кетаётганида ўз боласини қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назорати остида қолдириши шарт. Бу ҳолда васийлик ёки ҳомийлик агар боланинг манфаатлари учун зарур бўлса, белгиланади.

Ота-она уч ойдан ортиқ муддатга яшаш жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб кетишидан камида бир ой олдин ўз боласига васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризани ўзи вақтинча ёки доимий яшаётган ҳудуднинг васийлик ва ҳомийлик органига бериши керак.";

12) 36-модданинг бешинчи қисмидаги "давлат реестрига тегишли маълумотларни киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига" деган сўзлар "ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбасига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 40-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Васийнинг ёки ҳомийнинг ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминотига доир харажатларининг ўрни васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс маблағлари ҳисобидан қопланади, бу маблағлар етарли бўлмаган тақдирда эса, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг таъминоти учун васий ва ҳомийга қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тайинланиши мумкин".

4) 23-модда:

номидаги "ва унинг муддатини узайтириш" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

"Агар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи ҳамда тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс бир жойда ишласа ёки ўқиса, тегишли ҳудудда тазйиқ ва зўравонликнинг яқка тартибдаги профилъактиказини амалга оширувчи ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан жабрланувчига ҳимоя ордери берилганидан кейин бир иш куни ичида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг иш ёки ўқиш жойига, агар тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ташкилот раҳбари бўлса, юқори турувчи органга, жабрланувчи ва тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ўртасидаги бевосита алоқани тақиқлаш тўғрисида тақдимнома юборилади.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи ишлаётган ёки таълим олаётган ташкилот раҳбари тақдимномани олганидан кейин, уч иш куни ичида жабрланувчи ҳамда тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ўртасидаги бевосита алоқани бартараф этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширади";

бешинчи - саккизинчи қисмлари тегишинча еттинчи - ўнинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

еттинчи қисмидаги "ўттиз кунгача" деган сўзлар "бир йилгача муддатга жинойт ишлари бўйича суд томонидан" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги "узайтириш" деган сўз чиқариб ташлансин;

тўққизинчи қисмидаги "уни берган" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) қуйидаги мазмундаги 23-1-модда билан тўлдирилсин:

"23-1-модда. Ҳимоя ордерининг амал қилиш

муддатини узайтириш

Тазйиқ ва зўравонлик ёки уларни содир этиш хавфи бартараф этилмаган тақдирда, тегишли ҳудудда тазйиқ ва зўравонликнинг яқка тартибдаги профилъактиказини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг аризасига кўра, бир иш куни ичида ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича материаллар тайёрланади ҳамда ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома расмийлаштирилган ҳолда жабрланувчининг яшаш жойидаги жинойт ишлари бўйича туман (шаҳар) судига юборилади.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида ёпиқ суд мажлисида жабрланувчи ҳамда тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ҳозирлигида кўриб чиқилади.

Илтимосномани судда кўришда адвокат иштирок этиши мумкин.

Жабрланувчининг ҳамда тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахснинг суд мажлисида келиши ички ишлар органи ходими кузатуви остида амалга оширилади.

Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахснинг суд мажлисида узрсиз сабабларга кўра ҳозир

бўлмаганлиги ишни кўриб чиқишга монелик қилмайди. Агар суд мазкур шахснинг судда ҳозир бўлишини шарт деб топса, суд уни мажбуран олиб келиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Судья иш материаллари билан танишиб чиққанидан кейин ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ёки ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор чиқаради.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақт ва жой ҳақидаги маълумотлар, қарорни қабул қилган суднинг номи, судьянинг, тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, машғулотининг тури ҳамда яшаш жойи;

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар;

тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга нисбатан қўлланилган, ушбу Қонуннинг 26-моддасида назарда тутилган чекловларнинг рўйхати.

Суднинг ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга кирази ва ички ишлар органлари томонидан дарҳол ижро этилади.

Судья тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга қарор устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатини, шунингдек ҳимоя ордери талабларини ҳамда уларни бажармаслик оқибатларини тушунтиради.

Қарорнинг кўчирма нусхаси тазйиқ ва зўравонликнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахсига, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига, шунингдек тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга дарҳол топширилади.

Агар улар суд мажлисига келмаган бўлса, қарорнинг кўчирма нусхаси бир сутка ичида почта орқали тарафларга юборилади.

Суднинг ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ёки ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қарори устидан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи, тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс, агар ишда иштирок этган бўлса, уларнинг адвокати, қонуний вакили томонидан 72 соат ичида апелляция тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиниши унинг ижро этилишини тўхтатиб турмайди.

Ҳимоя ордери талабларининг бажарилиши устидан назорат ички ишлар органи томонидан амалга оширилади"

Савол ва топшириқлар:

1. Маъмурий жавобгарликка тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритишнинг аҳамияти?

2. Маъмурий жавобгарликка тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартиш киритиш деганда нимани тушунасиз?

3. Маъмурий жавобгарликка тўғрисидаги қонунчиликка қўшимчалар киритишни тушунтиринг.

4. Маъмурий жавобгарлик турларини айтинг.

5. Маъмурий жавобгарлик ёшлари?

3.1-МАВЗУ: ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ, ТАРКИБИ ВА ТУРЛАРИ.

РЕЖА:


1. Жиноятқонуни, тушунчаси ва белгилари.
2. Жиноят таркиби ва жиноятларни таснифлаш.

1-САВОЛ: ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ.

Мустақил мамлакатимизнинг Жиноят кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги ўн олтинчи сессиясида қабул қилиниб, 1995 йилнинг 1 апрелидан қонуний кучга киритилди.

«Жиноят» тушунчаси жиноят ҳуқуқининг асосий тушунчаларидан биридир. У одамларнинг қайси қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) ҳуқуққа хилоф ва нега улар жазо таҳдиди орқали жиноят қонуни билан тақиқланган, деган саволларга жавоб беради.

Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга зарар етказилган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасидаги таърифдан кўришиб турибдики, жиноят, энг аввало, ижтимоий хавфли қилмишдир. Қилмиш эса кишиларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсиз шаклдаги хулқи (хатти-ҳаракати)дир. Жинойий қилмиш инсонга хос хатти-ҳаракатларнинг бир кўриниши сифатида, аввало, уларнинг психологик

мазмунининг барча аломатларига эга бўлмоғи лозим.

Жиноят кодексининг 14-моддасига кўра, жиноят таърифининг асосий белгилари:

- 1) ижтимоий хавфлилик;
- 2) ҳуқуққа хилофлик;
- 3) айблилик;
- 4) жазога лойиқлик ҳисобланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинган ва қафолатланган муҳим ижтимоий қадриятларга тажовуз қилиш билан аниқланади.

Жиноят кодексининг 14-моддаси 2-қисмига мувофиқ, қонун билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Жиноят сифат ва миқдор кўрсаткичларига эга. Жиноятнинг сифатга кўра ўзига хослиги ижтимоий хавфнинг табиатида намоён бўлади. Жиноятнинг миқдорий тавсифи ижтимоий хавф даражасида ифодаланади.

Ижтимоий хавфнинг табиати ижтимоий муносабатлар мазмуни, уларнинг қадриятлар тизимидаги ўрни, объектга етказган зарарининг мазмуни, айбнинг шакл билан аниқланадиган муайян тур ёки кўринишдаги жиноятнинг ижтимоий хоссасидир.

Ижтимоий хавфлилик даражаси бир хил хусусиятдаги ижтимоий хавфли қилмишнинг қиёсий хавфлилиги ифодасидир.

Ижтимоий хавфлилик даражаси зарарнинг катталиги, қасд ва эҳтиётсизлик турига, мотив ва мақсадлар мазмунига, жиноятнинг содир этилиш жойи, вақти, усули, вазияти, қуроллари ва бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Ҳуқуққа хилофлик жиноятнинг ижтимоий объектив аломатлари ижтимоий хавфлилик ва айбдорликдан фарқли ўлароқ, жиноятни баҳолаш норматив белгиси бўлган жиноят қонунидаги ижтимоий хавфнинг юридик ифодасидир.

Айб – бу шахснинг ўзи содир этадиган қилмишига қасд ёки эҳтиётсизлик тарзида ифодаланган ижтимоий ахлоқ ва қонун билан қораланадиган руҳий муносабатлардир.

Жиноят – жазога лойиқ қилмиш. Шунга кўра, қилмишнинг жиноят сифатидаги энг муҳим белгиси



унинг жазога лойиқлигидир. Жиноят қонуни жиний жазо қўллаш таҳдиди билан у ёки бу ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат содир этишни тақиқлайди. Фақатгина жазога тортиладиган бундай ижтимоий қилмишлар жиноят ҳисобланади. Жиноят

кодексининг Махсус қисмидаги моддаларнинг диспозицияларида нафақат у ёки бу жиноят аломатлари кўрсатилган, балки уларни содир этганлик учун санкциялар – жазонинг ҳажми ва аниқ кўринишлари ҳам белгиланган. Бундай ҳолларда жазонинг ўлчови ва хусусияти муайян жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос келади. Бироқ, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида белгиланган санкциялардаги жазолар ҳар доим ва ҳамма ҳолатларда ҳам қўлланилади дегани эмас. Жиноят кодекси жазодан озод қиладиган ҳолатларни ҳам назарда тутаяди. Кўпинча, бу ижтимоий хавфи ката бўлмаган жиноятларга тааллуқлидир.



Жиноятнинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқлари. Айрим ҳолларда маъмурий, фуқаролик, солиқ, божхона ёки ҳуқуқнинг бошқа тармоқларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар сиртдан қаралганда жиноятни эслатади. Шунга қарамасдан, жиноят ҳуқуқбузарликнинг бошқа кўринишларидан тубдан фарқ қилади. Жиноят ва жиноий бўлмаган ҳуқуқбузарликни фарқлаш уч асосий белгисига кўра амалга оширилади:

- 1) объекти;
- 2) ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти;
- 3) ғайриҳуқуқийлик кўриниши. Жиноятларнинг умумий объекти маъмурий, интизомий ва фуқаролик ҳуқуқбузарликларининг объектидан кенгрокдир. Жиноятнинг умумий объектига шундай ижтимоий манфаатлар кирадик, уларга тажовуз қилиш фақат жиноят қонуни билан тартибга солинади (давлат асослари, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи). Барча ижроия-бошқарув фаолиятига оид манфаатлар, мулкӣ муносабатлар ва давлат интизоми, шунингдек, бошқа ижтимоий муносабатлар ҳам умумий объектга киреди.

2-САВОЛ: ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ВА ЖИНОЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ.

ЖК 15-моддаси ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига асосланган моддий белгига кўра жиноятларни турларга ажратади.

Жиноятларни таснифлаш айбдор томонидан содир қилинган қилмишни Махсус қисм моддаларидаги юридик ва фактик аломатлар билан солиштирган ҳолда, ижтимоий хавфлилик нуқтаи назаридан жиноятларни характерлаш имкониятини беради.

ЖК 15-моддаси кўрсатилган жиноятларни аниқ таснифлашга, яъни ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра уларни тўрт турга ажратишга ёрдам беради.

Яна бир бор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти унинг сифат белгисини ифодалайди. Уни аниқлашнинг асоси сифатида тажовуз объектининг аҳамияти, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш натижасида юзага келадиган оқибатлар (моддий, жисмоний, маънавий ва бошқалар) хизмат қилади.

Масалан, бир турдаги жиноят объектига тажовуз қилувчи жиноий қилмишнинг хусусияти ҳам бир хилдир (масалан, шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматиға ёки давлат хавфсизлиги ва конституциявий тузумға қарши жиноятлар).

Ижтимоий хавфлилик даражаси — бир хусусиятдаги жиноятлар ижтимоий хавфлигининг миқдор кўрсаткичидир. Уни аниқлашда етказилган зарар миқдори, жиноят содир этиш усули, айб шакли, мотив ва мақсад ҳамда бошқа ҳолатлар ҳисобға олиниши мумкин.

Ушбу икки аспектнинг битта жиноят-ҳуқуқий мезонға бирлашиши ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларни таснифлашға ёрдам беради. Булар: ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар (ЖК 15-моддаси 1-қисми).

Ижтимоий хавфлиликнинг даражаси ва хусусияти фақатгина жиноятларни таснифлаш асоси бўлибгина қолмасдан, балки улар қилмишни жиноят сифатида баҳоловчи белги ҳам ҳисобланади, шунингдек, улар судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида ҳисобга олиниши керак.

Жазога сазоворликни жиноятнинг мустақил белгиси сифатида қуйидаги иккита жиҳат билан характерлашимиз мумкин: 1) ижтимоий хавфли қилмиш жазо қўллаш таҳдиди билан қонун чиқарувчи томонидан тақиқланади; 2) ушбу тақиқни бузган шахс қоидага кўра жазога тортилади.

Таснифлаш содир этилган қилмишнинг у ёки бу белгилари, хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратиш демакдир. Жиноятлар турли асосларда таснифланади. Масалан: тажовуз объектига; ижтимоий хавфлилик даражасига; қилмишнинг ҳолатига (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик); айбдорлик хусусиятига (қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида); криминалогик ва криминалистик хусусиятларига кўра ва бошқалар. Жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифланиши, айниқса, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш, жазони тайинлаш масалаларини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик принципларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

Жиноят кодексининг 15-моддасида жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: 1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган; 2) унча оғир бўлмаган; 3) оғир; 4) ўта оғир жиноятларга бўлинади, деб қайд қилинган.

Жиноят таркиби бу - жиноят қонунчилигида аниқ бир ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб таърифловчи энг кам ва етарли объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидир.

Жиноят таркибининг тузилиши.

Жиноят таркиби тузилиши буйича тўрт элементдан иборат:

1. Жиноятнинг объекти.
2. Жиноятнинг объектив томони.
3. Жиноятнинг субъекти.
4. Жиноятнинг субъектив томони.

Жиноят таркибининг турлари.

Жиноят таркибини ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тўрт турга ажратиш мумкин:

1. Асосий таркибли жиноят.
2. Енгиллаштирувчи таркибли жиноят.
3. Оғирлаштирувчи таркибли жиноят.
4. Алоҳида оғирлаштирувчи таркибли жиноятларга ажратилади.

Асосий таркибли жиноят деб - аниқ турдаги ҳар бир жиноят учун зарур ва енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи белгилардан мустасно бўлган белгилар йиғиндисидан ташкил топади. Бу таркиб фақат шу жиноят турига мансуб муҳим ва ўзига хос белгилардан иборат бўлади. Масалан: 169-модданинг 1- қисми.

Енгиллаштирувчи (имтиёзли) таркибли жиноят деб - асосий таркибга

қўшилиб, ушбу турдаги жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирувчи ҳолатлардан иборат таркибдир.

Оғирлаштирувчи таркибли жиноят деб - асосий таркиб белгилари билан бир қаторда, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширадиган ҳолатлар мавжуд бўлади. Бундай ҳолатлар бир нечта, шу билан бирга, улар жиноят таркиби элементларининг барчасига ёки ҳаммасига тааллуқли бўлиши мумкин.

Алоҳида оғирлаштирувчи таркибли жиноят деб - асосий таркибнинг ўзида оғирлаштирувчи ҳолатларни акс эттиради. Бунда ижтимоий хавфлилик даражаси оғирлаштирувчи таркибдан ҳам юқори бўлади.

Жиноят таркиби белгилари қонун чиқарувчи қабул қилган баён қилиш услубига қараб оддий ва мураккабга ажратилиши мумкин.

Оддий таркибли жиноятлар - қонунда таърифланганда ҳар бир таркиб белгиси биттадан кўрсатилади: битта объект, битта ҳаракат, битта оқибат, битта айб шакли.

Мураккаб таркибли жиноятлар - шундай таркибга эгаки, унда икки ёки ундан кўп объект, икки ёки ундан кўп қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), бир неча муқобил белгилар, битта таркибга мансуб бир қатор оддий таркиблар ёки айбнинг икки шакли мавжуд бўлади.

Ушбу тушунчага асосланиб махсус адабиётларда мураккаб таркибли жиноятлар куйидаги турларга ажратилади :

- кўп объектли жиноятлар,
- бир неча қилмишдан ёки бир неча оқибатдан иборат жиноят таркиблари,
- муқобил таркиблар,
- таркибли таркиблар,
- икки айб шаклидан иборат таркиб.

Кўп объектли таркиб - икки ёки ундан кўп объектларга тажовуз қилувчи қилмишдан иборат жиноят таркиблари киради.

Бир неча қилмишдан иборат жиноят таркиби - икки ёки ундан ортиқ қилмишлар йиғиндиси, ягона жиноят таркибини вужудга келтирадиган таркиблар киради.

Муқобил таркиб - бир неча қилмиш ёки бир неча жиноий оқибатлардан иборат бўлиб, жиноят таркиби мавжуд деб ҳисоблаш учун шулардан камида биттасининг борлиги кифоя қилади.

Икки айб шакли мавжуд бўлган жиноят таркиби - бу шундай таркибки, уларда айбдор ўз қилмишига (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ва унинг натижасида келиб чиққан оқибатга турли руҳий муносабатда бўлади.

Жиноий жазо турлари.

Жазо – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир (ЎЗР ЖК 42-м.1-қ).

Жазо – маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Жиноий жазо турлари (ЖК 43-м.):

- Жарима (ЖК 44-м.);
- Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш (ЖК 45-м.);
- Мажбурий жамоат ишлари (ЖК 45¹-м.);
- Ахлоқ тузатиш ишлари (ЖК 46-м.);
- Хизмат бўйича чеклаш (ЖК 47-м.);
- Озодликни чеклаш (ЖК 48¹-м.);
- Интизомий қисмга жўнатиш (ЖК 49-м.);
- Озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 50-м.);
- Умрбод озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 51-м.).

Қўшимча жазо тури:

- Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш (ЖК 52-м.).

1. Жарима – айбдордан давлат даромадига жиноят кодексда белгиланган миқдорда пул ундиришдир.

Жарима – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланади.

Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда мажбурий жамоат ишларининг икки ярим соати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга, ахлоқ тузатиш ишларининг, хизмат бўйича чеклашнинг, озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир оyi базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.



2. Шахснинг муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш – Шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд

томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади.

3. Мажбурий жамоат ишлари –

Мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади.

Мажбурий жамоат ишлари бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.



4. Ахлоқ тузатиш ишлари –

Ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа

жойларда ўталади.

5. Хизмат бўйича чеклаш – Ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир.

Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси жиноят кодекс махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин.

6. Озодликни чеклаш – Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига



қуйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин:

- муайян жойларга бормаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;
- муайян фаолият билан шуғулланмаслик;
- муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;
- транспорт воситасини бошқармаслик;
- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;
- муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;
- алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;
- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

7. Интизомий қисмга жўнатиш – Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишдир.

Интизомий қисмга жўнатиш жазоси жиноят кодекс махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда уч ойдан бир йилгача муддатга қўлланилади. Суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.



8. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси

– Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир. Озодликдан маҳрум қилиш бир ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

9. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш – Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро



этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйи**1-ўқув саволи: Жиноят-процессуал қонунчилиги тизими, тузилиши.**шдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан

одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркекка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Қўшимча жазо тури: Ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин.

Қўшимча жазо шундай жазоки, у мустақил равишда қўлланилмай, қайсидир асосий жазо билан биргаликда белгиланади. Қонунда фақат бир турдаги жазо, яъни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш қўшимча жазо турига киритилган. Қўшимча жазолар ёрдамчи хусусиятга эга бўлиб, судга содир этилган жиноят оғирлигига мос жазо чорасини индивидуаллаштириш ва умумий ҳамда махсус мажбурулов таъсирига эришиш имконини беради.

Мустақил таълим учун топшириқ:


1. Жиноят қонуни нима ва унинг тузилиши қандай?
2. Жиноят тушунчаси ва ва ижтимоий хавфли қилмиш тушунчаларига таъриф беринг?
3. Жиноятларни таснифлаш мезонлари қандай?
4. Жиноят таркиби нималардан иборат?
5. Жиноятнинг объекти нимани тушунаси?
6. Жиноятнинг субъекти нимани тушунаси?
7. Жиноятнинг объектив томони нимани тушунаси?
8. Жиноятнинг субъектив томони нимани тушунаси?
9. Жиноий жазо турлари ва уларнинг аҳамияти?

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

Ушбу ўқув машғулоти “*Дебат*” методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Дебат» (французча «дебаттере» сўздан олинган бўлиб, «дебац» – «баҳслашмоқ») технологияси йиғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув машғулотида дебат қуйидаги тартибда уюштирилади:



Ўқув машғулотининг муаммоли саволлари:

1-муаммо. Дубайда содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топиладими?

2-муаммо. Депутат ва сенат аъзолари томонидан жиноят содир этилган тақдирда улар бошқа жисмоний шахслардан ҳар хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонунда уларга нисбатан енгиллаштирувчи ҳолатлар белгиланганми?

3-муаммо. Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эгами?.

Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганди гуруҳнинг дарс машғулотидидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Жинойт қонунчилигининг қандай принциплари мавжуд?
2. Жинойт қонунининг вақт бўйича амал қилиши деганда нимани тушунасиз?
3. Жинойт қонунининг макон бўйича амал қилиши қандай аниқланади?
4. Жинойтлар қандай мезонлар билан таснифланади?
5. Жинойт учун жавобгарликнинг норматив ва фактик асосларини конспеклаштиринг.
6. Жинойт таркибининг элементлари ва уларнинг белгиларини конспеклаштиринг.
7. Жинойт таркибининг турларини конспеклаштиринг.

3.2. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ.

РЕЖА:

1. Жиноят учун жавобгарлик тушунчаси, моҳияти ва асослари.
2. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тушунчаси ва турлари.

1-САВОЛ. ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ, МОҲИАТИ ВА АСОСЛАРИ

«Жиноят учун жавобгарлик» - жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо қўллашда ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир (ЎзРЖКнинг 16-м).

Мазкур тушунчада жиноий жавобгарликни ташкил этган бир қатор муҳим белгилар ўз аксини топган.

Жиноий жавобгарликнинг белгилари.

- 1) ўзининг юридик мазмунига кўра, жиноятнинг ҳуқуқий оқибатидир;
- 2) ижтимоий хавfli ва айбли қилмиш оқибатида юзага келади;
- 3) ҳукм қилиш шаклидаги давлат мажбуруловида ифодаланиб, жиноий жазони қўллаш ёки қўлламаслик ёхуд жиноят ҳуқуқига оид таъсирнинг жиноий жазо бўлмаган бошқа таъсир чораларида ўз аксини топади;
- 4) жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар вужудга келади, амалга оширилади ва яқунланади;
- 5) фақат суд томонидан тайинланади.

«Жиноий жавобгарлик»нинг асослари. ЖК 16-моддасининг 2-қисмида жиноий жавобгарликнинг умумий асослари белгиланган бўлиб, унда *фактик* ва *норматив* асослар ўз аксини топган.

Фактик асос. Жиноий жавобгарликнинг *фактик асоси* шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавfli қилмиш ҳисобланади. Айнан шу сабабдан юридик далил сифатида жиноят ҳуқуқига оид муносабат юзага келиб, унинг таркибий элементи жиноий жавобгарлик ҳисобланади.

Норматив асос. Бинобарин, жиноий жавобгарликнинг *норматив асоси* Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркиби тушунилади, яъни ЖКнинг 16-моддаси 2-қисмига мувофиқ, жиноят қонунчилигида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бундан кўриниб турибдики, жиноят қонунчилигида кўрсатилган жиноят таркиби жиноий жавобгарликка тортишнинг норматив асоси ҳисобланади. Ижтимоий хавfli қилмиш фақат жиноят қонунда кўрсатилган жиноят таркибининг белгилари мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ҳисобланади.

Жиноят учун жавобгарликнинг вужудга келиши. Жиноий жавобгарлик суднинг айблов ҳукми чиққан пайдан бошлаб вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигига асосан жиноий жавобгарлик фақатгина жиноий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида мавжуд бўлади.

Жиноий жавобгарликни амалга оширилиши. Жиноий жавобгарликни

амалга ошириш шакллари қуйидагилардан иборат:

1. Айбдорни жазо қўлламаздан ҳукм қилиш (ЖКнинг 70, 71-м.).
2. Айбдорга жазо белгилаб, аммо уни реал ижро этишдан озод қилган ҳолда ҳукм қилиш (ЖКнинг 72-м.).
3. Айбдорга жазо белгилаб, уни ижро этган ҳолда ҳукм қилиш.
4. Айбдорга жазо ёки бошқа тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаб, шунингдек уларни реал ижро этиш билан ҳукм қилиш (ЖКнинг 91-м.).
5. Вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш йўли билан ҳукм қилишдан иборатдир (ЖКнинг 87-м. 2-к.).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50, 51-моддаларида белгиланган имтиёزلарни қўллашда судлар эркин судланувчининг ҳукм чиқарилаётган ёки иш апелляция босқичида кўрилаётган кунда 60 ёшга тўлганлигини инобатга олишлари лозим⁵.

Жиноят учун жавобгарлик қуйидаги ҳолларда тугатилади. Жиноий-ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги ҳолатларда тугайди:

- 1) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш;
- 2) шахс устидан ҳукм чиқариш:
 - а) жазони қўлламаган ҳолда;
 - б) вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда;
- 3) жиноий жавобгарликдан тўлиқ озод этиш;
- 4) жиноий жазодан тўлиқ озод этиш;
- 5) судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши;
- 6) ижтимоий хавфли жиноят содир этган шахснинг ўлими.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига янги киритилган 66-моддасидаги ярашув институтини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади.

2-САВОЛ: ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ.



Суд амалиётида курилиб, жиноий жавобгарликка тортиладиган ишлар ўзининг объектив ва субъектив белгиларига кура жиноий қилмишидан иборат булади. Аммо айрим ҳолларда бундай қилмишлар ижтимоий хавфли булмасдан, балки ижтимоий фойдали булиши ҳам мумкин. Бундай ҳаракатларни

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари тўплами 1991 - 2006.Т., 2006. 2- жилд. 109 б.

жиноят ҳуқуқида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар дейилади.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган қоидаларининг турлари курсатилган.

Буларда:

1. Кам амиятли қилмишлар (36 – модда)
2. зарурий мудофаа (37 – модда)
3. Охирги зарурат (38 – модда)
4. Ижтимоий хавли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (39 – модда)
5. Буйруқ ёки бошка вазифани ижро этиш (40 – модда)
6. Касб ёки хужалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик (41 – модда)

1. Кам ахамиятли қилмиш - Тергов суд амалиётида шундай қилмишлар учрайдики, унда қонунда назарда тутилган аломатлари мавжуд бўлса, ўзининг кам ахамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфлилиги жуда кам бўлади, жабрланувчи учун келтирилган зарарнинг миқдори деярли ахамиятга эга бўлмайди. Шунинг эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 36 – моддасида кам ахамиятли қилмишлар тушунчаси берилиб, бундай ҳаракатлар қилмишнинг жиноийлигини истисино қиладиган ҳолатлар туркумига киритилган.

2. Зарурий мудофаа - Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 37 – моддасида: «зарурий мудофаа ҳолатида соир эитлган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошка кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга ҳилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмади», дейилади.

Зарурий мудофаа ҳолатида қилинган ҳаракат ҳуқуққа ҳилоф ҳисобланмайди, чунки ҳаётга, соғлиққа, жинсий озодликка, мулкка ва бошка жиноят қонуни билан қурикланадиган объектларга қилинган тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳар бир Фуқаронинг бурчи ҳисобланади ва зарурий мудофаа ҳолатида тажовузчига зарар етказиш жиноят ҳисобланмайди.

Ҳар бир Фуқаронинг ўзини, бошка шахсларни, давлат манфаатларини қонун билан қурикланадиган ҳар қандай бошка ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси конституциясида мустаҳкамлаб қуйилган.

Зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартлари икки хил:

- Тажовузга нисбатан
- Мудофаага нисбатан

3. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсининг ушлаш вақтида зарар етказиш - шахс, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ҳокимияти органлари, маҳалла кумиталари, бошка шахслари ва ҳокозоларга ёрдам сураб мурожаат қилиш имконияти мавжудлигидан катъи назар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаб бериш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 39 – моддаси 4 – қисмида : «Маҳсус ваколатли шахслар билан бирга жабрланувчи ва бошка Фуқаролар ҳам ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига

эгадирлар» деб таъкидланади.

Шунинг учун ҳар бир конкрет ҳолда ушлаш учун жиноятчини жиноят содир этаётган жойда ёки жиноят содир қилиниб бўлгандан кейин ушлаш, жиноят содир бўлганлигини курган шахслар томонидан уни содир этган шахсни тўғридан - тўғри курсатишлари гумон этилаётган жиноятчида ёки унинг кийимида жиноят излари, шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиш учун асос була оладиган далиллар бўлганлиги, унинг ҳаракат қилганлиги, доимий яшаш жойига эга эмаслиги ёки шахсининг номъалум эканлиги асос бўлиб хизмат қилади.

Албатта ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлик даражасини белгиловчи бир канча шартлар бор:

Биринчи шарт. Ижтимоий қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш. Жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида унга зарар етказса ёки уч олиш мақсадида содир этилган булса, бундай ҳолларда ушлаб берган шахс келтирган зарари учун умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

Иккинчи шарт. Ушланаётган шахснинг соғлиғига ёки мулкига муайян зарар етказишга йўл қуйиш. Албатта шахсни ушлашда уни хаётидан махрум этиш мумкин эмас, ушлашдан мақсад жиноятчини тегишли ҳокимият органларига топширишдир.

Учинчи шарт. Ушлаш вақтида зарар етказиш жиноятчини қочишга йўл қуймайдиган ягона восита булиши лозим. Агар шахсни ушлашда бошқа имкониятлар бўлган булсаю, имкониятлардан фойдаланмасдан туриб унга зарар етказса, унинг ҳаракатлари ЖК нинг 39 – моддаси 1 – қисмида курсатилган ҳолатларга тўғри келмайди.

Туртинчи шарт. Ушлаш зарарлар нисбати тенг бўлган ҳолдагина қонуний ҳисобланади, яъни ушлаш вақтида етказилаган зарари содир этган жиноятчининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва ҳарактерига ушлаш ҳолатига нисбатан тўғри келмаслиги мумкин эмас.

4. Охирги зарурат - Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 38 – моддасида: «охирги зарурат ҳолатида, шахснинг ёки бошқа Фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни кайтариш учун қонун билан курикланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, шу хавфни уша ҳолатда бошқа чоралар билан кайтаришнинг иложи булмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга караганда камрок булса, жиноят деб топилмайди» деб курсатилган.

5. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш - Республика ЖК нинг 40 – моддасида «шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли зарар етказилган булса, жиноят деб топилмайди» деб курсатилган.

Буйруқ деганда бирор ҳокимият органи, ташқилот, корхона, идора бошлигининг уз ваколатлари доирасида муайян бир ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик тўғрисида буйруқ беришлик тушунилади.

Х У Л О С А:

Буйруқ ёки бошқа бир топшириқни (жиноййиги яққол кўриниб турган)бажариш ёхуд келаётган хавфга номутаносиб равишда ўзини ҳимоя қилиш ёхуд деганда бирор ҳокимият органи, ташкилот, корхона, идора бошлигининг уз ваколатлари доирасида муайян бир ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик тўғрисида буйруқ беришлик тушунилади.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

1. Жиноят учун жавобгарлик тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи қандай ҳолатлар мавжуд.
3. Зарурий мудофаа ва охириги зарурат чегарасидан четга чиқишни изоҳлаб беринг.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ:

ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР

Ўқув машғулотнинг саволлари кичик саволларга бўлиниб “Баҳс-мунозара”, “кичик гуруҳларга бўлиш”, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Жиноят учун жавобгарлик тушунчаси, моҳияти ва асослари?



(Ушбу саволни ёритишда “Баҳс-мунозара” методдан фойдаланилади)

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол

бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги; -
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида — “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс мунозара саволлари”:

1. Жиноят учун жавобгарлик тушунчаси?
2. Жавобгарликнинг юзага келиши?
3. Жавобгарликнинг тугаши?
4. Жавобгарликдан озод қилиш шартлари?

3.3-МАВЗУ: ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШДАГИ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР

РЕЖА:

1. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишни ташкил этиш ва муҳокама қилиш тартиби.
2. Жиноятларни муҳокама қилишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ички ишлар органларининг ўзаро ҳамкорлиги.
3. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасини ўтказиш ва уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тартиби.

1-САВОЛ: ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МУҲОКАМА ҚИЛИШ ТАРТИБИ.



Республикамызда содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни «Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати» тизими асосида жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар

профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 10 сентябрь куни “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 565-сон Қарори қабул қилинди, унга кўра:

Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар иштирокида жиноятларнинг сабабларини ўрганиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларини жойига чиққан ҳолда «маҳаллабай» ва «соҳабай» муҳокама қилиш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, ушбу қарор билан жиноятчилик муҳокамаси қуйидаги тартибда ўтказилиши белгилаб берилди, яъни:

а) жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси:

содир этилган жиноят ҳолати бўйича - жиноят содир этилган ҳудуддаги маҳаллада жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб 3 кун ичида;

жиноят содир этган шахс бўйича - унинг яшаш жойидаги маҳаллада суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми ички ишлар органларига келиб тушган кундан бошлаб 3 кун ичида ўтказилади;

б) оғир ва ўта оғир жиноятлар сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасидаги, унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар - туман (шаҳар) даражасидаги секторлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан жамоатчилик вакиллари иштирокида амалга оширилади;

в) жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси жараёнида содир этилган жиноят ҳолати бўйича жиноят иши мазмуни, жиноятга алоқадор бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ошкор этишга, шунингдек, шахснинг жиноят содир этилишида айблилик масаласини муҳокама қилишга ҳамда улар муҳокамада иштирок этишига йўл қўйилмайди.



Вазирлар
Маҳкамасининг 2021 йил
10 сентябрдаги 565-
сон қарорига илова
қилинган Низомда
қуйидаги асосий
тушунчалардан
фойдаланилади:

жиноят содир этган
шахс - жиноят содир
этганлиги учун суднинг

қонуний кучга кирган ҳукми билан айбдор деб топилган шахс;

жиноятнинг сабаблари - жиноят содир этилишига олиб келган ижтимоий, руҳий ва моддий омиллар мажмуи;

жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чоралари - келгусида жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий, тарбиявий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи;

жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар - жиноят содир этилишига имкон берадиган, шахс ва жамиятга боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келувчи, танқидий жиҳатдан баҳоланувчи вазиятлар.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишнинг асосий мақсади жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишдан иборат.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар (кейинги ўринларда — масъул ташкилотлар) ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

- жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, аниқлаш ва бартараф этиш амалиётини йўлга қўйиш;

- жиноятдан жабрланувчини, ғайриижтимоий хулқ-атворли, жиноят содир этишга мойил бўлган, жиноят содир этган шахсларни ижтимоий мослаштириш чораларини кучайтириш;

- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, жиноятларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

- фуқароларнинг жиноятдан жабрланиш хавфини камайтириш (виктимологик профилактика);

- содир этилган жиноятлар бўйича жамоатчиликда холис фикрни шакллантириш.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш қонунийлик, ошкоралик, жамоатчилик иштирокини таъминлаш, одиллик, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, тизимлилик, айбсизлик презумпциясига риоя этиш, ишонтириш усулининг устуворлиги каби принциплар асосида амалга оширилади.

Қуйидаги жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокама қилинишига йўл қўйилмайди:

- алоҳида муҳим ёки тоифаланган объектлар (ҳарбий қисм, жазони ижро этиш муассасаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бинолари ва бошқалар) ҳудудида содир этилган жиноятлар;

- ошкор этилиши давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган жиноятлар;

- чет давлат фуқаролари томонидан содир этилган жиноятлар;

- таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятлари;

- жинсий эркинликка қарши жиноятлар;

- фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш билан боғлиқ жиноятлар;

- ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш, шунингдек, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсга моддий қимматликлар бериш ёхуд уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш жиноятлари;

- жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошлари хавфсизлигини таъминлашни тақозо этувчи жиноят ишлари.

Жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокама қилинадиган жиноятлар тақсимоти қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

* оғир ва ўта оғир жиноятлар — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасидаги;

* унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар — туман (шаҳар) даражасидаги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда — сектор) ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари содир этилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ва ҳисобини юритиш бўйича ишчи орган ҳисобланади.

Ишчи орган ҳар куни қуйидаги ахборотларни жамлаб боради:

- суриштирув ва дастлабки тергов органларининг содир этилган жиноятлар тўғрисидаги бирламчи ахборотлари;

- судлар томонидан тақдим этилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги ахборотлар. Ишчи орган томонидан ахборотлар умумлаштирилган маълумотнома шаклида шу куннинг ўзида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига электрон тарзда юборилади.

Маълумотномада жиноятнинг мазмуни, суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар, тегишли туман (шаҳар) даражасидаги сектор ҳамда масъул давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда профилактика (катта) инспектори тўғрисидаги маълумотлар батафсил кўрсатилиб, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари (бунда сабабнинг давомий ёки воқеа даврида тўсатдан юзага келганлигига алоҳида эътибор қаратилади) ҳамда бунга имкон берган шарт-шароитлар ҳақидаги бирламчи маълумотлар асосида баён этилади.

Ишчи орган:

- жиноят муҳокамасига масъул давлат органлари ва ташкилотлардан белгиланган тартибда зарур маълумотларни сўраб олади;

- жиноят муҳокамалари бўйича юритилган ҳисоботларни мониторинг қилиб боради ва ҳаққонийлигига баҳо беради;

- жиноят муҳокамалари якунида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажармаган мансабдор шахслар фаолиятини ўрганиб, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўриш ҳақида таклифлар киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар куни:



- ишчи орган томонидан тақдим этилган маълумотнома билан танишади;
- маълумотномада кўрсатилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахсларнинг келгусида муҳокамасини ташкил қилиш учун тегишли туман (шаҳар) даражасидаги сектор ҳамда масъул давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига ёзма топшириқлар бериб, уларни маҳаллий ҳокимликнинг ташкилий-назорат гуруҳи (бошқармаси) томонидан дарҳол етказилишини таъминлаб боради.

Сектор раҳбарлари:

- сектор ҳудудидаги жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар юзасидан муҳокама қилиш бўйича масъул ҳисобланади;

- жиноят муҳокамаларини шахсан ўтказиши ва муҳокама йиғилишларига раислик қилади;

- жиноят муҳокамаларини ўтказиш жойи ва вақтини белгилайди;

- жиноят муҳокамаларида масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирокини таъминлайди;

- жиноят бўйича асоссиз шов-шувларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кўради.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси жараёнида:

- содир этилган жиноят ҳолати бўйича - жиноят иши мазмуни, шунингдек, жиноятга алоқадор бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ошқор этишга, шахснинг жиноят содир этилишида айблилик масаласини муҳокама қилишга ҳамда улар муҳокамада иштирок этишига йўл қўйилмайди;

- жиноят содир этган шахс бўйича - суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахс (озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар бундан мустасно) ҳамда унинг ота-онаси, ота-онаси ўрнини босувчи шахслар ёки бошқа яқин қариндошларининг иштироки таъминланади.

2-САВОЛ. ЖИНОЯТЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ҳамкорлик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиши лозим.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, жиноятни аниқлаш, унинг негизини топиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уни жиловлash мутасаддийларнинг энг асосий вазифасидир. Жиноятчига жазо беришдан кўра, жиноятни олдини олиш барча нарсадан афзалдир. Бу йўналишда ҳамкорликни кучайтириш



лозим бўлади. Жиноятчиликка қарши кураш нафақат ҳуқуқ-тартибот органларининг, балки барчамизнинг фаолиятимиз мезони бўлиши керак. Жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳам жиноятчиликни олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 14 февраль кундаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сон Қарорининг устувор йўналишларини биринчиси ҳам тараққий этаётган пойтахт хавфсизлигининг гарови сифатида ҳаракатлар яқдиллиги асосида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг амалий механизминини жорий этиш белгилаб берилган.

Суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унга содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шасхга ана шу сабаб ва шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимномани нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

Тақдимнома тегишли давлат органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шасхга киритилганидан сўнг, ички ишлар органи ходимлари билан тегишли давлат органи ва жамоат бирлашмалари ҳамкорликда жиноят содир этилган жойда ёки жиноятни содир этган айбдор шахсни яшаш маҳалласида содир этилган жиноятни муҳокамаси ҳамкорликда ўтказилади. Лекин минг афсуски ханузга қадар киритилган тақдимномага асосан жойларда ўтказилаётган жиноятчиликнинг муҳокамаси номигагина ва юзаки равишда ўтказилиб келинмоқда. Ана шу муҳокамалар ҳам ўрнатилган тартиб ва талаб даражасида сифатли ўтказилса, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида тарғибот ишлари янада кўпайтирилса, жиноятчилик содир этилишининг асосий сабабларини бартараф этиш имконини берар эди.

Жиноятларнинг тури, соҳаси ҳамда хусусиятларидан келиб чиқиб, куйидаги давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари муҳоқамада иштирок этиши шарт:



- хотин-қизлар томонидан ёки уларга нисбатан, шунингдек, одоб-ахлоқ ва оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги;

- ишсиз, бандлиги таъминланмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;
- руҳий ҳолати бузилган, наркологик касалликларга чалинган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги;
- ички ишлар органларида профилъактик ҳисобга олинган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаётган, маъмурий назоратда турган, илгари судланган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- жамоат жойларида содир этилган жиноятлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги;
- транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлиги юзасидан жиноятлар бўйича - ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари;
- бевосита давлат органлари ва ташкилотлар ҳудудида содир этилган жиноятлар бўйича - давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари.

Жиноят муҳокамаларида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари қатнашиши мумкин.

Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни

бартаф қилиш
тўғрисидаги
тақдимнома
юборилган давлат
органи,
фуқароларнинг
ўзини-ўзи боршқариш
органи, жамоат
бирлашмаси, жамоа
ёки мансабдор шахс
зарур чораларни
кўриши ва кўрилган



чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишинча суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки судни хабардор қилиши шарт.

Тақдимномани ижроси бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади. Мисол учун:

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси:

196-модда Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик

Ҳуқуқбузарликни содир этиш сабабларини ҳамда уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

3-Савол: Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасини ўтказиш ва уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тартиби.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасида ички ишлар органлари раҳбарлари, профпактика (катта) инспекторлари, тегишли бўлинмаларнинг ходимлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг иштироки таъминланиши шарт.



Муҳокамада содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишда масъул ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўриляётган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига баҳо берилади ҳамда келгусида шу каби ҳолатлар олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланади.

Муҳокама яқуни бўйича йиғилиш баёни расмийлаштирилади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади. Йиғилиш баёнида қуйидагилар кўрсатилади:

- баён тузилган сана ва жой;
- қатнашувчилар ва таклиф этилганлар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими);
- иштирок этганлар сони;
- кун тартиби;
- содир этилган жиноятнинг мазмуни, суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахс тўғрисидаги маълумотлар, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар таҳлили;
- вазирлик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарлари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакилларининг муҳокама қилинаётган жиноят ва жиноят содир этган шахслар бўйича фикр ва мулоҳазалари;

- муҳокама қилинган жиноят келиб чиқишининг барвақт олдини олиш чораларини кўрмаган масъул ташкилотлар раҳбарлари ёки ходимларига интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича таклифлар;

- муҳокама қилинган жиноятнинг келгусида олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ва вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш муддатлари ва масъул ижрочилари.

Йиғилиш баёнида белгиланган чора-тадбирлар ижроси устидан назорат бевосита тегишли ҳудуд даражасидаги сектор раҳбарлари томонидан таъминланади.

Муҳокама жараёнлари фотосуратга ёки видеотасвирга олинishi мумкин. фотосурат ёки видеотасвир йиғилиш баёни нусхалари билан бирга ишчи органга ҳамда тегишли ҳокимлик ташкилий-назорат гуруҳига электрон тарзда юборилади.

Муҳокама якунида суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахснинг фотосурати у томондан содир этилган жиноят тўғрисидаги маълумот билан бирга маҳалла фуқаролар йиғинидаги барчага кўринадиган эълонлар тахтасига бир ойлик муддатга жойлаштирилади.

Суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахс суднинг оқлов ҳукмини тақдим қилган тақдирда, унинг фотосурати ва содир этилган жиноят тўғрисидаги маълумот профилактика (катта) инспектори томонидан маҳалла фуқаролар йиғинидаги эълонлар тахтасидан дарҳол олиб ташланади, шунингдек, ушбу ҳолат бўйича аввал ўтказилган муҳокама юзасидан уч кун муддатда раддия тайёрланиб, эълонлар тахтасига бир ойлик муддатга жойлаштирилади.

Ишчи орган:

- йиғилиш баёнларида қайд этилган маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қилади ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда уларнинг ягона ҳисобини юритади;

- ўтказилган муҳокамаларни ҳар ой якуни бўйича таҳлил қилиб, кейинги ойнинг 5-санасига қадар тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ахборот киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

- ўтказилган муҳокамалар тўғрисидаги ахборотлар асосида туман (шаҳар) ҳокимлари, давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига нисбатан ўз ваколати доирасида чоралар кўради ёхуд таъсир чораларини қўллаш юзасидан ваколатли давлат органларига асослантирилган таклифлар киритади;

- жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилишда давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмаларини жалб қилиш ҳамда уларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш борасида таъсирчан чора-тадбирларни кўриб, мазкур йўналишда шахсий назорат ўрнатади.

Туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга оширилган ишлар натижаларининг таҳлили асосида ҳар ойда

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари мажлисларида тегишли ҳудудда содир этилган жиноятлар, давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича манзилли таклифларни ишлаб чиқиш билан бирга кўрилаётган чора-тадбирларнинг аҳволи танқидий муҳокама қилинади.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг муҳокамаси жараёни ва натижалари Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва медиаресурслар орқали ёритиб борилади, кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари жалб қилинади.

Мустақил бажариш учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа Маърузаларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил таълим машғулотида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрь кундаги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 565-сон Қарори тўлиқ ўрганадилар ва тегишли модда ҳамда бандларини конспектлаштириб оладилар.

(Мустақил иш жараёнида тингловчилар кўйидаги саволларга жавобларни конспектлаштиришлари, ҳамда ўзлаштириб олишлари лозим)

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Жиноят муҳокамаси жараёнида нималарга йўл қўйилмайди?
2. Жиноятларни муҳокама қилишнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Қайси турдаги жиноятларнинг муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилмайди?
4. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш қайси принципларга асосланган?
5. Нима сабабдан жинсий эркинликка қарши жиноятларни муҳокама қилинишига йўл қўйилмайди?
6. Нима сабабдан фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш билан боғлиқ жиноятларни муҳокама қилинишига йўл қўйилмайди?
7. Жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокама қилинадиган жиноятлар тақсимооти қайси мезонлар асосида амалга оширилади?
8. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимномага қанча вақтда жавоб берилиши шарт?
9. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасини ўтказиш ва уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тартиби?

10. Жиноятларни муҳокама қилишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ички ишлар органларининг ўзаро ҳамкорлиги?

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ
8-МАВЗУ: ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМҚОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ
МУҲОКАМА ҚИЛИШДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ
ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ
ЎЗАРО ХАМКОРЛИГИ.

Маърузанинг саволлари кичик саволларга бўлиниб “Бахс-мунозара”, “кичик гуруҳларга бўлиш”, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсадаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсада фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бирбиридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим

олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.

Гуруҳларга саволлар:

1. “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисида”ги 565-сон низом ва унинг иловаларини мазмун мохиятини ўрганиш?

2. Жиноят процесс қонунчилигида жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби бўйича қайси моддаларда кўрсатиб ўтилган.

3. МЖТКнинг жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби бўйича қайси моддаларда кўрсатиб ўтилган?

4. Оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг муҳокамаси қандай даражада ўтказилиши белгилаб қўйилган?

Изоҳ: Ушбу метод қўлланилганида ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволларига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Ҳар бир гуруҳларнинг жавоби тингланади, умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

3.4-МАВЗУ: ИЧКИ ИШЛАР БИНОЛАРИДА СЎРОВХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШДА МАСЪУЛ РАҲБАРЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. Ички ишлар органлари сўровхоналарида процессуал ҳаракатларни аудио ва видео тасвирга қайд этиш бўйича масъул раҳбарларнинг вазифалари.

2. ИИО тергов бўлинмалари хизмат хоналарида процессуал ҳаракатларни аудио- ва видео тасвирга қайд этиш бўйича масъул раҳбарларнинг вазифалари.

3. Сўровхоналарида ҳамда тергов бўлинмалари хизмат хоналарида процессуал ҳаракатларни аудио ва видеога қайд этиш тартибининг жорий этилиши асосида Ўз.Р ЖПК га киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

1-САВОЛ: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ СЎРОВХОНАЛАРИДА ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ АУДИО- ВА ВИДЕО ТАСВИРГА ҚАЙД ЭТИШ БЎЙИЧА МАСЪУЛ РАҲБАРЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 09.06.2021 йилдаги 191-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан ИИО сўровхоналарида процессуал ҳаракатларни аудио ва видео тасвирга қайд этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланган.

1-илова: 6 та боб ва 26 банддан иборат бўлиб булар:

1-§. Умумий қоидалар

2-§. Сўровхона ташкил этиш, ундан фойдаланиш ва назорат қилиш

3-§. Сўровхонада сўров қилинган шахсларни ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳужжатларини юритиш тартиби

4-§. Сўровхонада сўров ёки процессуал ҳаракат ўтказиш ва аудио- ва видеога қайд этиш тартиби

5-§. Сўровхоининг жиҳозланиши ва унга қўйиладиган талаблар

6-§. Якуний қоидалар

Асосий тушунчаларнинг тавсифи:

Сўров - терговга қадар текширув ва ошкора сўров тезкор - қидирув тадбири даврида иш учун аҳамиятга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни билган ёки билиши мумкин бўлган шахс билан бевосита мулоқотда бўлиш жараёнида ариза ёки тушунтириш олиш орқали ахборотга эга бўлиш мақсадида ўтказиладиган суҳбат;

Сўровхона - қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр - қимматни камситувчи муомала қилинишини олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари маъмурий биноларига олиб келинган шахслар билан терговга қадар текширув ва ошкора сўров тезкор - қидирув тадбири, шу

жумладан ушлаб туришни расмийлаштириш ҳамда бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиш учун мўлжалланган, белгиланган тартибда жиҳозланган махсус хона;

Сўровхонада суҳбат ўтказилганлигини қайд этиш китоби - ички ишлар органлари маъмурий биноларига олиб келинган шахслар билан сўров ўтказилганлигини тасдиқловчи, ўтказилган сўров бўйича белгиланган маълумотлар киритиладиган, сўровхонада юритилувчи (электрон)китоб;

Ички ишлар органлари маъмурий биноларига олиб келинган шахс - иш учун ахамиятга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни билган ёки билиши мумкин бўлган шахс;

NVR хотира - (Network Video Recorder) IP видеокузатув тизимларида ишлашга мўлжалланган видео (овозли) маълумотлар сақлаш



учун мўлжалланган қурилма. Ундаги маълумотлар техник имкониятидан келиб чиқиб, қоида тариқасида 30 кун сақланади;

Тунги вақт - сўровхонада терговга қадар текширув ва ошқора сўров тезкор - қидирув тадбири, шу жумладан ушлаб туришни расмийлаштириш ҳамда бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказилиши тақиқланган кеч соат 22-00 дан эрталаб соат 6-00 гача бўлган вақт.

Ички ишлар органларининг маъмурий биносига олиб келинган шахслар билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга ошириш Ўзбекистан

Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоравий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Сўровхона ташкил этиш, ундан фойдаланиш ва назорат қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси ИИБ соҳавий хизматлари (терговга қадар текширувни амалга оширувчи), Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБлари бошлиқлари, бошқарма бошлиқ ўринбосарлари, Жиноят қидирув бўлимлари бошлиқлари, НҚ тезкор навбатчиси, терговга қадар текширувни ўтказувчи ҳар бир ички ишлар органи ходими бевосита маъсул ҳисобланади ва сўровхонада процессуал ҳаракатларни ўтказиш ҳамда далилларни қайд этишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят - процессуал кодексининг 91-моддасида белгиланган талабларга қатъий риоя қилади.

Процессуал ҳаракатлар ўтказиб бўлинганидан сўнг дарҳол Навбатчилик қисми навбатчисига китобни қайта топшириши шарт (бунда, ходим томонидан олиб келинган шахслар кўпчилиқни ташкил этган тақдирда, охириги иштирокчи билан боғлиқ процессуал ҳаракат яқунланганидан сўнг китобни топширишга юл қўйилади).

Жиноят иши буйича гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчилар билан сўров ўтказишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма руҳсатига асосан, фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширади (белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно).



Ички ишлар органларининг Навбатчилик қисмлари томонидан сўров қилинган шахсларни ҳисобга олиш, руйхатдан ўтказиш буйича сўровхонада

сухбат ўтказилганлигини қайд этиш китоби (кейинги ўринларда - китоб) юритилади.

Сўровхонада ўтказилган процессуал ҳаракатлар ва бошқа ҳолатлар юзасидан амалга оширилган тадбирлар ва уларнинг натижалари буйича терговга қадар текширувни амалга оширувчи бўлинмалар томонидан белгиланган шаклдаги ҳисоботлар ҳар ойнинг якуни буйича кейинги ойнинг **биринчи санасигача** ИИБ - ИИББ - ИИВ тааллуқли бошқармаларига такдим этилади. Маълумотлар умумлаштирилиб, кейинги ойнинг учинчи санасидан кечиктирмасдан ИИВ Ташкилий департаментига юборилади.

Сўровхонада сўров ёки процессуал ҳаракат ўтказиш шунингдек аудио ва видеога қайд этиш тартиби

Ички ишлар органларига келтирилган ҳар бир шахсни назорат ўтиш пунктида шахсига оид ҳужжатлари текширилиб, тегишли китобга қайд қилинган ушбу шахс билан боғлиқ терговга қадар текширувни бевосита амалга оширувчи ходим бу ҳақда дарҳол Навбатчилик қисми навбатчисига хабар беради ва шахснинг келтирилиш (мурожаат) сабаби ва асослари туғрисида қисқача ахборот беради.

Тегишли раҳбар руҳсати билан ушбу шахслар терговга қадар текширувни бевосита амалга оширувчи ходим кузатувида сўровхонага таклиф этилади.

Сўровхонада дастлаб аудио- ва видеога қайд этиш воситалари соз ҳолдалиги текширилгач, ушбу шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўтказилиши режалаштирилаётган у билан боғлиқ процессуал ҳаракатнинг моҳияти ҳамда мазкур ҳаракат аудио- ва видеога қайд этилиши тушунтирилади, шундан сўнг сўров ёки тегишли процессуал ҳаракатни ўтказиш бошланади.

Сўровхонадаги ҳар бир ҳаракат бошланишидан тугагунига қадар аудио ва видеога қайд этиб борилиши шарт.


Ушбу жараён Навбатчилик қисми навбатчиси (навбатчи ёрдамчиси) томонидан кузатиб борилади. Ўтказилаётган сўров ёки процессуал ҳаракат давомида шахсга нисбатан руҳий ёки жисмоний тазик ўтказилаётганлиги ёки бошқа ноқонуний ҳаракатлар аниқланган тақдирда зудлик билан ИИО бошлиғига ёки ИИО бошлиғининг биринчи ўринбосарига ёхуд ИИО буйича масъул бўлган ўринбосарига ҳамда терговга қадар текширувни амалга ошираётган ходимнинг бевосита раҳбарига хабар қилади.

Сўров ёки процессуал ҳаракат якунлангач бу ҳақда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, имзолангандан кейин, терговга қадар текширувни бевосита амалга оширувчи ходим томонидан ички ишлар органи

маъмурий биноларига олиб келинган шахс билан сўровхонада суҳбат ўтказилганлиги ҳақида китобга тегишли маълумотлар қайд этилади ва имзоланади. Шундан сўнг ходим томонидан ушбу шахс назорат ўтиш пунктига кузатиб қўйилади.

Сўровхонада аниқланган ҳар қандай қонунбузиш ҳолатлари буйича ўрнатилган тартибда ИИБ - ИИББ - ИИВга ахборот берилиб, тегишли чоратадбирлар кўрилади.

Сўровхонада ёзиб олинган аудио- ва видеога қайд этиш мосламаларидан кўчирмалар олиш тўғрисида келиб тушган мурожаатлар, тегишлилиги буйича терговга қадар текширувни амалга оширган ходим томонидан куриб чиқилади ва ўрнатилган тартибда ҳал этилади. Сўровхонада ёзиб олинган аудио- ва видеога қайд этиш мосламаларидан кўчирмалар олиш ИИО бошлиғи розилиги билан тегишли соҳавий хизмат раҳбари билан келишилган ҳолда масъул ходимлар иштирокида, Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бўлинмалари ходимлари томонидан амалга оширилади.



Тунги вақтларда сўровхонадан фойдаланиш тақиқланади. Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига юл қўймаслик зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно. Сўровхонадан

бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

Сўровхонанинг жиҳозланиши ва унга қўйиладиган талаблар.

Сўровхона ички ишлар органларининг маъмурий биносининг биринчи каватида, имкон қадар Навбатчилик қисми яқинида, бошқа хизмат хоналаридан алоҳида ажратилган ҳолда булиши лозим.

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр - қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўлланилишини олдини олиш, шунингдек сўров ўтказаетган ҳамда ички ишлар органлари маъмурий биноларига олиб келинган шахсларнинг ҳуққ-атвори тўғрисида зарур ахборот олиш учун назорат ва текширувнинг аудиовизуал, электрон ва бошқа техник воситалардан фойдаланилади.

Сўровхонага ўрнатилган аудио- ва видеоёзув мосламалари орқали олинган видеотасвирлар умумий тарзда ягона NVR хотираларда сақланишига юл қўйилмай алоҳида NVR хотираларда сақланиши, аудио- ва видеоёзув

мосламалари ҳамда NVR хотира муқобил Электр тармоғига уланган бўлиши, шунингдек химоя пароли ўрнатилган ҳолда Навбатчилик қисмларида сақланиши шарт бўлиб, сўровхонага ўрнатилган видеокузатув мосламаси орқали олинаётган видеотасвирларни реал вақт режимида (онлайн) тегишлича туман (шаҳар) ИИБ Навбатчилик қисми навбатчиси, ички ишлар бўлинмаси бошлиғи ва унинг биринчи ўринбосари томонидан кузатиб туриш имкониятини яратиш лозим.

Сўровхонадан фойдаланиш тартибига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш буйича белгиланган тартибга риоя қилмаган, шунингдек мазкур юналишда зиммасига юклатилган хизмат вазифаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган раҳбар ва ходимлар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

2-САВОЛ: ИИО ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИ ХИЗМАТ ХОНАЛАРИДА ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ АУДИО- ВА ВИДЕО ТАСВИРГА ҚАЙД ЭТИШ БЎЙИЧА МАСЪУЛ РАХБАРЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят - процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киригиш тўғрисида”ги ЎРҚ-617-сон қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд - тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора - тадбирлари тўғрисида” ПФ-6041-сон Фармонида мувофиқ тергов бўлинмалари хизмат хонасида суриштирувчи ва терговчилар томонидан терговга қадар текширув материаллари ёки жиноят иши буйича процесс иштирокчилари билан процессуал ҳаракатларни ўтказиш тартиби, хизмат хоналарнинг жиҳозланишига қўйиладиган талаблар, суҳбат ўтказилганлигини қайд этиш ҳамда назорат қилиш тартибини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг мазкур буйруғи ишлаб чиқилган ва буйруқнинг иккинчи иловаси “Ички ишлар органлари тергов хизмат хоналарида процессуал ҳаракатларни аудио- ва видео тасвирга қайд этиш тартиби”га бағишланади.

2 илова: 5 та боб ва 15 банддан иборат бўлиб булар:

1-§. Умумий қоидалар;

2-§. Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари хизмат хоналарида процессуал ҳаракатларни аудио- ва видеога қайд этиш ва назорат қилиш;

3-§. Тергов бўлинмалари хизмат хоналарида аудио- ва видеога қайд этиш мажбурий бўлган процессуал ҳаракатлар, уларни расмийлаштириш тартиби;

4-§. Тергов бўлинмалари хизмат хоналарини жиҳозланиши ва унга қўйиладиган талаблар;

5-§ Якуний қоидалар;

Асосий тушунчаларнинг тавсифи:

процессуал ҳаракатлар - терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов даврида иш учун аҳамиятли бўлган далилларни тўплаш мақсадида жиноят иши қўзғатилгунга қадар ёки иш қўзғатилгандан сўнг амалга ошириладиган жиноят - процессуал қонунчилигида назарда тутилган ҳаракатлар, процессуал - мажбурлов чоралари ва тергов ҳаракатлари;

хизмат хонаси - тергов бўлинмалари ходимларининг кундалик хизмат фаолиятини олиб боришига мўлжалланган, аудио- ва видео қайд этиш мосламалари билан жиҳозланган хона;

процесс иштирокчилари — жиноят ва ҳодисалар ҳақида ариза билан мурожаат қилгап ёки ўзига нисбатан терговга қадар текширув олиб борилаётган, шунингдек жиноят ишида қонун билан процессуал мақоми белгилаб қўйилган шахслар;

Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари хизмат хоналарида процессуал ҳаракатларни аудио- ва видео қайд этиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоравий ҳужжатлари ҳамда ИИВнинг 191 сонли буйруғи билан тасдиқланган йўриқномага асосан амалга оширилади.

Тергов бўлинмалари хизмат хоналарида процессуал ҳаракатларни аудио- ва видеога қайд этиш ва назорат қилиш борасида ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБлари ҳузуридаги Тергов бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, кадрлар бўлимлари, ҳудудий тергов бўдлыми бошлиқлари суриштирувчи ва терговчилар бевосита маъсул ҳисобланади.

Процессуал ва тергов ҳаракатларининг баъзилари тергов бўлинмалари хизмат хоналарида аудио ва видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланган.

Ҳимоячидан воз кечиш ва гумон қилинувчига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш процессуал ҳаракатлари тергов бўлинмалари

биносиди амалга оширилаётган тақдирдагина тергов бўлинмалари хизмат хоналарида аудио- ва видеоёзув орқали мажбурий қайд этилади.

Аудио- ва видеоёзув орқали қайд этилган процессуал ҳаракатлар баённомада қайд этилганидан кейингина ундан далил сифатида фойдаланиш мумкин, ушбу вазифа суриштирувчи ва терговчи зиммасига юклатилган бўлиб, баённомаларга далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўлланилгани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи акс эттирилиши шарт.

Процессуал ҳаракатнинг бориши ва натижалари акс эттирилган аудио- ва видеоёзувлар баённомага илова қилинади.

Тергов бўлинмалари хизмат хоналарини жихозланиши ва унга қўйиладиган талаблар

Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари хизмат хоналаридан терговга қадар текширувни амалга оширувчи бошқа соҳавий хизмат ходимларининг фойдаланиши, жумладан ички ишлар органлари маъмурий биносига келтирилган шахслар билан сўров ўтказиши тақиқланади.

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки кадр - кимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўлланилишини олдини олиш, шунингдек процессуал ҳаракатларни ўтказиётган ҳамда ички ишлар органлари тергов бўлинмаларига олиб келинган шахсларнинг ҳуқуқ-атвори туғрисида зарур ахборот олиш учун назорат ва текширувнинг аудиовизуал, электрон ва бошқа техник воситалардан фойдаланилади.

Хизмат хонасига ўрнатилган аудио ва видеога қайд этиш мосламаси орқали олинган видеотасвирлар умумий тарзда ягона NVR хотираларда сақланишига юл қўйилмайди.

Мазкур олинган видеотасвирлар тергов бўлинмаларида мавжуд бўлган алоҳида NVR хотираларда, муқобил электр тармоғига уланган ва ҳимоя пароли ўрнатилган ҳолда сақланиши шарт.

Тергов бўлинмалари хизмат хоналарига ўрнатилган аудио ва видео қайд этиш мосламаси орқали олинган видеотасвирлар реал вақт режимида (онлайн) тегишинча тергов бўлинмаси бошлиғи ва юқори турувчи тергов бошлиқлари томонидан кузатиб туриш имкониятини яратиш лозим.

Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари хизмат хоналарида процессуал ҳаракатларни аудио- ва видеога қайд этиш тартибига риоя қилмаган, шунингдек мазкур йўналишда зиммасига юклатилган хизмат вазифаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган раҳбар ва ходимлар қонунчилиқда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**3-САВОЛ: СЎРОВХОНАЛАРИДА ҲАМДА ТЕРГОВ
БЎЛИНМАЛАРИ ХИЗМАТ ХОНАЛАРИДА ПРОЦЕССУАЛ
ҲАРАКАТЛАРНИ АУДИО ВА ВИДЕОГА ҚАЙД ЭТИШ
ТАРТИБИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ АСОСОСИДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР.**

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖПК нормаларига куйдагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

52-модда Ҳимоячидан воз кечиш

биринчи қисми:

«Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритишнинг исталган пайтида ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имконият мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади, бунда адвокат ўз ҳимояси остидаги шахс билан холи учрашганидан кейин ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди. Ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилиши шарт. Ҳимоячидан воз кечганлик ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриштирувчичи ёки терговчи томонидан имзоланадиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади. Видеоёзув материаллари баённомага илова қилинади. Бунда ҳимоячининг ҳимоя остидаги шахс билан холи учрашиши видеоёзув орқали қайд этилмайди»;

91-модда Далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар. Баённомага иловалар

Далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, суд далилларни мустаҳкамлашнинг бу усулларини қўлланишга кўмаклашиш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи, суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўллангани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Тергов ёки суд ҳаракатининг бориши ва натижалари акс эттирилган фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, кинотасвирлар, қолиплар, нусхалар, режалар, схемалар ва бошқалар баённомага илова қилинади. Ҳар

қайси иловада тергов ёки суд ҳаракатининг номи, ўтказилган жойи, санаси кўрсатилган изоҳловчи матн бўлиши лозим. Бу изоҳловчи матнни суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ёки терговчи ва холислар, судда эса, раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби ўз имзолари билан тасдиқлайдилар.

Тўртинчи қисмига ўзгартириш киритилган:

«Қуйидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт:

1) ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;

2) тинтув;

3) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;

4) тергов эксперименти;

5) шахсни ушлаш;

6) ҳимоячидан воз кечиш;

7) шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда тўртинчи қисмининг 5, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни видеоёзув орқали қайд этиш ушбу Кодексада белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади»;

217-модда: Процессуал мажбурлов чораси қўлланилгани ҳақида хабар қилиш

«Суриштирувчичи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш тарзидаги, суд эса қамоққа олиш, уй қамоғи ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаганида шахсга нисбатан қўлланилган процессуал мажбурлов чораси ҳамда унинг ушлаб турилган жойи тўғрисида дарҳол оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши шарт.

Ушлаб турилган, қамоққа олинган, уй қамоғига ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар берилиши шарт. Хабарноманинг кўчирма нусхаси ишга илова қилинади»;

224-модда: Жиноят иши кўзгатишга қадар ушлаб туриш тартиби

«Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита аниқласа ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа:

1) ўзини таништириши ва ушлаб турилган шахснинг талабига кўра ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши;

2) гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини маълум қилиши;

3) ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига тельефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши;

4) ушлаб турилган шахсга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши;

5) ушлаб турилган шахсдан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт.

Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув ёки олиб қўйишни амалга оширишга ҳақлидир. Шахсий тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг холислар ҳозирлигида тузилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни бажаришни кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, уларни видеоёзув орқали қайд этмасдан амалга оширишга йўл қўйилади. Мазкур қоида ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган биносида амалга ошириладиган ушлаб туришга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шахсни ушлаш видеоёзув орқали қайд этилмаган ҳолда, ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахс яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келинганидан сўнг видеоёзудан фойдаланган ҳолда унинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириши шарт. Ушлаб турилган шахсга видеоёзув уни намоёйиш қилиш орқали таништирилади.

Шахсни яланғочлаш билан боғлиқ шахсий тинтувни видеоёзув орқали қайд этиш тақиқланади.

Ушлаб туриш, шахсий тинтув қилиш ёки олиб қўйиш баённомасига процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилганлиги ҳақида ёзиб қўйилиб, видеоёзув материаллари баённомага қўшиб қўйилади.

Агар ушланган шахс иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, гумон қилинувчининг ҳуқуқлари унга таржимон иштирокида биринчи сўроққа қадар тушунтирилиб, бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

Ваколатли шахслар ва фуқаролар қонунга хилоф ёки асоссиз ушлаб турганлик ёхуд ушлаш вақтида ваколатлари доирасидан четга чиққанлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади»;

225-модда. Ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослилигини текшириш

биринчи қисмига ўзгартириш киритилган:

1) «Ушлаб турилган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг навбатчиси ёки бошқа ходими ушлаб туриш баённомасини бошлиқнинг кўрсатмасига биноан дарҳол тузиши, унда қуйидагиларни кўрсатиши керак:

1) баённома тузилган жой ва вақтни;

2) ушбу шахснинг кимлиги, ким томонидан, қачон, қандай ҳолатларда, қонунда кўрсатилган қандай асосларга кўра ушланганлигини;

3) ушланган шахс қандай жиноятни содир этганликда гумон қилинаётганлигини;

4) ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга қайси вақтда олиб келинганлигини;

5) шахсий тинтув қилиш ва олиб қўйиш натижаларини (улар ўтказилган бўлса);

б) ушлашнинг видеоёзув орқали қайд этилганлиги (у ўтказилган бўлса), ушланган шахснинг видеоёзув материаллари билан танишганлиги, шунингдек шахсни ушлаш вақтида фойдаланилган воситаларнинг техник

хусусиятларини. Баённомани ушлаб туришнинг асослилигини текшириш вазифаси топширилган ички ишлар органи ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими, ушлаб келтирган ваколатли шахс ёки фуқаро, ушланган шахс ва холислар имзо чекиб, тасдиқлайди».



2) Ички ишлар органи ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органнинг ходими амалга оширилган ушлаб туриш ҳақида ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан эътиборан ўн икки соат ичида прокурорга ёзма шаклда хабар бериши шарт.

3) Ушлаб туришнинг асосли эканлигини текшириш, ҳужжатларни талаб қилиш ва кўздан кечириш ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соатдан кечиктирмай ўтказилиши лозим.

4) Ушлаб туришга асос бўлмаган тақдирда, ички ишлар органи бўлинмасининг бошлиғи ёки бошқа ваколатли шахс ушланганни озод қилиш тўғрисида қарор чиқаради. Қарорнинг нусхаси дарҳол прокурорга юборилади.

5) Шахс амалда ушланган ёки уни жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири амалда яқунланган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар унинг ҳимоячи билан холи учрашиши таъминланади. Бу ҳақда баённома тузилади.

6) Ушлаб туриш, жиноят иши қўзғатиш, ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорлар дарҳол гумон қилинувчига эълон қилинади, айтилиш вақтида унга ушбу Кодекснинг [48-моддасида](#) назарда тутилган ҳуқуқлари тушунтирилади ва танланган ёки тайинланган ҳимоячига танишиб чиқиш учун тақдим этилади. Қарор билан таништирилгани ва ҳуқуқлари тушунтирилгани қарорда қайд этилиб, ваколатли шахс ва ушланган шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланади. Бунда ушланган шахс ушлаб келтирилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай сўроқ қилиниши лозим.

Х У Л О С А

Республикамизда изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг пировард мақсадлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш адолатли қарор топтириш ҳамда тинчлик осоишталикни таъминлашдан иборат. Шу боис, қонунчиликдаги ўзгаришлар инсон манфаатлари учун хизмат қилади. Маълумки, ярашганлик муносабати билан жазодан озод қилиш амалиёти 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят процессуал кодексларга киритилган эди. Бироқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бундай институт киритилмаган эди.

Илгари тарафлар ярашган, ўзаро келишган, зарарлар қопланиб, ўртада адоват қолмаган ҳолатларда ҳам суд маъмурий жазога тортишга мажбур эди.

Эндиликда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган тарафларнинг ярашуви муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун иш материалларини судга

юборади. Судда бу масала кўриб чиқилиб, тарафлар ярашганлиги исботланса тарафларни жазодан озод қилиб, ишни якунлайди. Бироқ, ярашувга тушувчи ҳуқуқбузарлик бир йил ичида такроран содир этган шахс яна ярашув муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилинмайди.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

Ўқув машғулотнинг саволлари кичик саволларга бўлиниб “Баҳс-мунозара”, “кичик гуруҳларга бўлиш”, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўтказилади.

1. Ички ишлар биноларида сўровхоналарни ташкил этиш ва назорат қилиш ?

(Ушбу саволни ёритишда “Баҳс-мунозара” методдан фойдаланилади)

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;

- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;

- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги; -

- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида — “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.

“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс мунозара саволлари”:

1. Сўровхона ташкил этиш, ундан фойдаланиш ва назорат қилиш тартибини қандай?

2. Сўровхонада сўров қилинган шахсларни ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳужжатларини юритиш тартиби қандай?

3. Сўровхонада сўров ёки процессуал ҳаракат ўтказиш ва аудио- ва видеога қайд этиш тартиби қандай?

4. Сўровхонанинг жихозланиши ва унга қўйиладиган талабларини кўрсатиб беринг?



“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бирбиридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



Гуруҳларга саволлар:

1. Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари хизмат хоналарида процессуал ҳаракатларни аудио- ва видеога қайд этиш ва назорат қилиш тартиби қандай?

2. Тергов бўлинмалари хизмат хоналарида аудио- ва видеога қайд этиш мажбурий бўлган процессуал ҳаракатлар, уларни расмийлаштириш тартиби қандай?

3. Тергов бўлинмалари хизмат хоналарини жихозланиши ва унга қўйиладиган талаблар қандай?

4. Сўровхоналарида ҳамда тергов бўлинмалари хизмат хоналарида процессуал ҳаракатларни аудио ва видеога қайд этиш тартибининг жорий этилиши асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

Изоҳ: Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавобларини беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволларига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

Мустақил таълим машғулоти учун саволлар.

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик қўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил таълим машғулотида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 9 июндаги 191-сонли буйруғнинг 2-илоvasи “Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари хизмат хоналарида процессуал ҳаракатларни аудио- ва видео тасвирга қайд этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тўлиқ ўрганадилар ва тегишли модда ҳамда бандларини конспектлаштириб оладилар.

1. Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари хизмат хоналарида процессуал ҳаракатларни аудио- ва видеога қайд этиш ва назорат қилиш тартиби қандай?

2. Тергов бўлинмалари хизмат хоналарида аудио- ва видеога қайд этиш мажбурий бўлган процессуал ҳаракатлар, уларни расмийлаштириш тартиби қандай?

3. Тергов бўлинмалари хизмат хоналарини жихозланиши ва унга қўйиладиган талаблар қандай?

Сўровхоналарида ҳамда тергов бўлинмалари хизмат хоналарида процессуал ҳаракатларни аудио ва видеога қайд этиш тартибининг жорий этилиши асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

3.5-МАВЗУ: ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИГА ОИД МАСАЛАЛАР.

Р Е Ж А:

1. Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим жиҳатлари.
2. Жиноят иши бўйича процессуал ҳаракат бунга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан далил олишда намоён бўладиган ҳолатлар.
3. Далиллар мақбуллигини таъминлашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартиби.

1-САВОЛ: ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИГА ОИД ЖИНОЯТ- ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНИ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг пировард натижаси ҳуқуқий демократик жамиятни қарор топтиришдир.

Барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлатда албатта қонун устуворлигини таъминлаш зарур. Бу борада мамлакатимизда кенг қўламли ислоҳатилар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигини 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда “Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт”⁶ эканлигини бежиз таъкидламаганлар.

Шундан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари тергов бўлинмалари томонидан жиноят ишларини юритиш жараёнида қонунийликни таъминлашлари, жиноят ишларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб боришлари лозим.

Бу борада жиноят ишларини юритиш жараёнида далилларни мақбуллигига алоҳида аҳамият берган ҳолда қонуний қарор қабул қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонунининг 3-бўлими 8-25-бобларида далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатиб ўтилган.

Тергов ва суд органлари фаолиятида далилларни мақбуллигини таъминлаш ҳамда расмийлаштириш жараёнида айрим муаммолар юзага келганлиги сабабли, уларни бартараф этиш ва бир ҳилда қўлланилиши таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил

⁶ <https://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019>

24 августдаги “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда судларнинг эътибори шахс унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда белгиланган тартибда исботлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган айбсизлик презумпциясига риоя этиш зарурлигига қаратилган.

Шу сабабли суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суд томонидан ҳар бир жиноят ишини юритишда жиноят-процессуал қонуни нормаларига қатъий амал қилиш шартлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 11-моддасида белгиланган талабларга, шу жумладан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда, оғишмай риоя этиш муҳим аҳамият касб этади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга қўра юз берганлигидан қатъий назар, шу йўл билан олинган далилларнинг мақбул эмас (яроқсиз) деб топилишига олиб келади.

Мақбул бўлмаган далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПК 82—84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

Мазкур қарорга асосан суриштирув, тергов органлари ва судларнинг эътибори исбот қилиш жараёнида далилларнинг мақбулликига тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш муҳим аҳамиятга эагклигига қаратилган.

Қарорда далиллар мақбулликнинг шартлари белгилаб берилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

- фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

- далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

- далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт.

Судлар томонидан далиллар мақбулликига тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг мақбул эмас деб топилишига асос бўлиши белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95¹-моддасига кўра, агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ЖПК талаблари бузилган, шу жумладан қуйидаги ҳолларда олинган бўлса мақбул эмас деб топилади:

1) жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

2) уларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;

4) жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

5) номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

6) жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 235-моддаси ва 1984 йил 10 декабрдаги «Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция»нинг 1-моддасига кўра, қийноқлар ҳамда бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо деганда, мансабдор шахс ёки бошқа расмий шахс томонидан ёхуд расмий ёки бошқа шахс далолатчилиги ёки хабардорлиги ёхуд индамасдан берган розилиги билан бошқа шахс томонидан содир этилган ҳаракат тушунилиб, унинг натижасида қасддан шахсга қуйидаги мақсадларда кучли оғриқ, жисмоний, руҳий ёки психологик азоб етказилади:

- ундан ёки учинчи шахсдан ахборот ёки у содир этган ёхуд содир этилишида у гумон қилинаётган ҳаракат бўйича иқдорлик олиш;

- уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш ёки у ёки бу ҳаракатни содир этишга мажбурлаш.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисида мурожаат келиб тушган ҳолда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд арз қилувчининг важларини хизмат текшируви ва суд-тиббий ёки бошқа экспертиза тайинлаш йўли билан текшириши шарт.

Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) деганда, исботлашни амалга ошираётган ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда терговга қадар текширув ёки жинойт иши материаллари бўйича ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва бошқача тарзда бузиб кўрсатишда намоён бўлган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, жумладан қуйидаги ҳолларда бузилган ҳисобланади, агар:

- процессуал ҳаракатда қонунга кўра ҳимоячи иштироки шарт бўлиб, далил суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суд томонидан унинг иштирокисиз олинган бўлса;

- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи тушунтирилмаган ёки бу ҳуқуқдан фойдаланиш имконияти амалда таъминланмаган бўлса.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари бузилиши масаласига оид батафсил тушунтиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарорида берилган.

2-САВОЛ. ЖИНОЯТ ИШИ БЎЙИЧА ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТ БУНГА ҲУҚУҚИ БЎЛМАГАН ШАХС ТОМОНИДАН ДАЛИЛ ОЛИШДА НАМОЁН БЎЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР.

Суриштирув ва тергов жараёнларида жинойт иши бўйича процессуал ҳаракат бунга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан қуйидаги ҳолларда далил олишда намоён бўлади:

- суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ёзма топшириғисиз терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан;

- ишни белгиланган тартибда ўз юритувиغا қабул қилмаган ёки тергов (суриштирувчилар) гуруҳига киритилмаган терговчи (суриштирувчи) томонидан;

- ЖПК 76-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши лозим бўлган шахс томонидан.

Далил, агар у номаълум манбадан ёхуд жинойт ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган, жумладан, қонунда назарда тутилмаган манбадан, масалан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбири давомида олинган далиллар мақбул эмас деб ҳисобланади.

Далил Ўзбекитон Республикаси ЖПК талаблари бузилган тарзда, жумладан, қуйидаги ҳолларда олинган бўлса ҳам мақбул эмас деб топилади, агар:

а) тергов ҳаракати қонунда назарда тутилган ҳолларда прокурор ёки суднинг розилиги олинмасдан ўтказилган бўлса (кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно);

б) тергов ҳаракатида холис сифатида иш бўйича манфаатдор шахс, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ёки уларга жамоатчилик асосида қўмаклашувчи бошқа шахслар иштирок этган бўлса;

в) эксперт хулосаси экспертиза тайинлаш вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари бузилган ҳолда, шунингдек, эксперт рад этилиши шарт бўлган ҳолда олинган бўлса;

г) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари ЖПК 116-моддаси талабларига хилоф равишда ўз розилигисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига тегишли ҳолатлар юзасидан сўроқ қилинган бўлса;

д) гумон қилинувчи, айбланувчининг суриштирув ва дастлабки тергов даврида гувоҳ сифатида сўроқ қилинганда берган кўрсатувлари суд мажлисида бошқа далиллар билан тасдиқланмаган бўлса;

е) жабрланувчи, гувоҳнинг фараз, тахмин, миш-мишларга асосланган кўрсатувлари, шунингдек, жабрланувчи, гувоҳ ўзининг хабардорлиги манбасини айтиб бера олмаган ёки айтишни хоҳламаган ҳолларда;

ж) сўроқ юритилаётган тилни (альфавитни) билмайдиган ёки етарлича билмайдиган гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳнинг кўрсатувлари таржимон (мутахассис) иштирокисиз олинган бўлса;

з) вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ кўрсатувлари қонуний вакилининг (ЖПК 549-моддаси), зарур ҳолларда эса, педагог ёки психологнинг иштирокисиз олинган бўлса (ЖПК 554-моддаси);

и) гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахсларнинг кўрсатувлари (ЖПК 115-моддаси);

к) далилларни қайд этишнинг процессуал формаси бузилган бўлса:

- тергов ҳаракатлари ва суд терговида иштирок этувчи шахсларга оид маълумотлар йўқлиги;

- тергов ҳаракатлари ва суд терговида иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тушунтирилмаганлиги;

- тергов ҳаракатлари бошланган ҳамда тугалланган вақтнинг кўрсатилмаганлиги;

- рақамли (электрон) ташувчи жисмлардаги маълумотлар мутахассис иштирокисиз олиб қўйилганлиги ёки кўздан кечирилганлиги;

- ЖПК 90 — 93-моддаларида назарда тутилган бошқа, жумладан ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шартлиги тўғрисидаги талаблар бажарилмаганлиги;

л) дахлсизлик ҳуқуқи бузилган ҳолда ушлаб турилган, уй қамоғи ёки қамоққа олиш тарзида эҳтиёт чораси қўлланилган ёки жинойий жавобгарликка тортилган шахсдан иқдорлик кўрсатуви олинган бўлса;

м) Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда тўпланган бўлса;

н) тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) ЖПК 187¹-моддаси талаблари бузилган ҳолда ўтказилган бўлса.

Жиноят тўғрисидаги ариза, хабар билан бирга тақдим этилган ҳужжатлар, предметлар (нарсалар), фотосуратлар, аудио-, видеоёзувлар фақат ушбу материалларни тақдим этган шахслар иш қўзғатилгандан кейин сўроқ қилинган ва тақдим этилган ҳужжатлар, предметлар (нарсалар) ким томонидан, қачон, қаерда, қандай ҳолатларда топилганлиги ёки фотосурат, аудио-, видеоёзувлар амалга оширилганлиги аниқланган ҳолдагина мақбул далил сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тақдим этилган предметлар (нарсалар)ни мақбул далил деб топишнинг зарур шарти уларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённома тузилганидан сўнг чиқариладиган, предметлар (нарсалар)ни ишга ашёвий далил сифатида қўшиш тўғрисидаги қарор (ажрим) ҳисобланади. Зарур ҳолларда ҳужжатлар, предметлар (нарсалар), фотосуратлар, аудио-, видеоёзувларни ишга далилий ашё сифатида ишга қўшиш масаласини ҳал этиш учун тегишли экспертиза тайинланиши мумкин.

ЖПК 26-моддасига мувофиқ жиноят ишини биринчи инстанцияда мазмунан кўриб чиқаётган суд далилларни бевосита текшириши: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиши, фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши шарт.

Шундан келиб чиқиб, гувоҳ, жабрланувчининг, агар уларнинг судга келмаганлиги сабаблари аниқланмаган ёки улар судга узрсиз сабабга кўра келмаган бўлса, судда ўқиб эшиттирилган кўрсатувлари мақбул далил сифатида фойдаланилишига йўл қўйилмайди, башарти суд уларни судга келишини таъминлаш юзасидан қонунда назарда тутилган чораларни кўрмаган, манфаатдор тараф эса, уларнинг кўрсатувлари ўқиб эшиттирилишига эътироз билдирган бўлса (ЖПК 261, 262-моддалари).

Мазкур қоида гувоҳ, жабрланувчини объектив сабабларга кўра (масалан, суд мажлисида сўроқ қилишга тўсқинлик қилувчи оғир касаллик, турар жойини аниқлаш имкони йўқлиги, мамлакат ҳудудидан четга доимий яшаш учун, узок ёки номуайян муддатга чиқиб кетганлиги ва ҳ.к.) судга келишини таъминлаш имконияти бўлмаган ҳолларга татбиқ этилмайди.

Суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар шуни назарда тутишлари лозимки, тўплаш пайтида йўл қўйилган қонун бузилиши сабабли мақбул эмас деб топилган айрим далиллардан исбот қилишда тегишли процессуал ҳаракатлар белгиланган талабларга амал қилган ҳолда ўтказилгандан сўнг фойдаланилиши мумкин (масалан, тергов ёки суд ҳаракати ўтказиш баённомаларида айрим маълумотлар ёки бандларнинг йўқлиги, башарти бу камчиликни холислар, ушбу ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларини, зарур ҳолларда эса, суриштирувчи ёки терговчини сўроқ қилиш орқали бартараф қилиш имконияти бўлса ва ҳ.к.).

Шу билан бирга, мақбул эмас деб топилган айрим далилларни, уларнинг юридик табиатига кўра, тиклашнинг имконияти йўқ (масалан, қонунга мувофиқ розилиги олинмиши шарт бўлган ҳолларда жабрланувчини, гувоҳни унинг розилигини олмасдан такроран сўроқ қилиш, шахсни ёки нарсани таниб олиш учун такроран кўрсатиш ва ҳ.к.) бўлиб, бу исбот қилувчи субъектни муайян ҳолатни тасдиқловчи восита сифатида мазкур далилга таяниш ҳуқуқидан маҳрум этади.

Суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, иш бўйича ҳар қандай қарор қабул қилишда, шу жумладан айблов далолатномаси, айблов хулосаси ва ҳукмда мақбул эмас далилларга асосланиш мумкин эмас.

Агар қўшимча далиллар тўплаш имконияти бўлмаса, суд процессуал қонун талабларига риоя этилган ҳолда тўпланган далиллар мажмуига асосланиб иш бўйича қатъий қарор қабул қилиши керак.

Қонун бузилиши оқибатида олинган далил суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мақбул эмас деб топилмиши мумкин.

Далилни мақбул эмас деб топиш тўғрисидаги илтимоснома гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари томонидан ишни судга қадар юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд мажлисида арз қилиниши мумкин.

Суриштирувчи, терговчининг далилни мақбул эмас деб топиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан аризачи мазкур қарор билан таништирилган пайтдан эътиборан икки сутка ичида прокурорга шикоят берилиши мумкин (ЖПК 377-моддаси).

Далилни мақбул эмас деб топиш тўғрисидаги илтимоснома каноатлантирилишининг рад этилиши бундай илтимосномани такроран, шу жумладан иш суд мажлисида кўрилаётганда арз қилинишига тўсқинлик қилмайди.

Қонунда қайд этилган далиллар мақбуллиги шартларидан бирортасига риоя этмаслик мазкур далилни мақбул эмас, яъни унинг асосида процессуал қарорлар қабул қилиш учун юридик кучга эга эмас деб топишга асос бўлади (ЖПК 94, 95-моддалари).

Қонунда далилларга баҳо бериш жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслари ваколатига тегишли бўлганлиги сабабли, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари (жамоат айбловчиси, ҳимоячи, жабрланувчи, айбланувчи ва ҳ.к.) фақат мазкур органларнинг далиллар алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги тўғрисидаги қарор (ажрим)лари устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят бериш йўли билан эътироз билдиришга ҳақлидирлар.

Қонун бузилиши натижасида олинган далилни мақбул эмас деб топишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ишни судга қадар юритиш босқичида (ЖПК 46-боби), биринчи инстанция суди эса, суд тергови давомида бундай қарор сабабларини кўрсатган ҳолда, уни далиллар мажмуидан чиқариш тўғрисида қарор (ажрим) чиқариши шарт. Далилнинг мақбуллигига оид масала маслаҳат хонасида (алоҳида хонада) келиб чиққан тақдирда, суд далилни мақбул эмас деб топиб, уни далиллар мажмуидан чиқариш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилади ва бу ҳақда ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатади. Апелляция, кассация, назорат инстанцияси судининг бу ҳақдаги қарори унинг ажрими (қарори) асослантириш қисмида баён этилади.

Ишни мазмунан кўриш пайтида ҳар бир инстанция суди, тарафларнинг илтимосномаси билан чиқарилган далилни мақбул деб топиш тўғрисидаги масалани қайта муҳокама этиши мумкин.

Судлар ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув, тергов олиб бориш, шунингдек, суд муҳокамаси даврида жиноят-процессуал қонунининг исбот қилишнинг умумий шартларига оид талабларига риоя қилинганлигини синчиклаб текширишлари ва йўл қўйилган қонун бузилиши ҳоллари юзасидан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдиришлари, ишда иштирок этаётган бирон-бир шахснинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган ҳолларда жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни прокурорга юборишлари шарт.

Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Далиллар

мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 12-сонли қарори ўз кучини йўқотган.

3-САВОЛ: ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

Конституциямизнинг **25-моддасида** “ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгаллиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги”, **26-моддасида** “жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги, **27-моддасида** эса “ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги, ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва тельефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмаслиги” каби қоидаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрь кунги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги **407-сонли Қонунининг** қабул қилиниши – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати бўлиб, ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятида ҳам муҳим рол ўйнади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши бугунги кунда ички ишлар органларининг ўта масъулиятли, серқирра ва ранг-баранг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий майдондаги бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек алоҳида қонун доирасида улар фаолиятига оид асосий қоидаларни ягона тизимга солишни таъминлаш орқали ички ишлар органлари тизимидаги ислохотларнинг мазмунан янги босқичини бошлаб берди.

Қонуннинг 4-моддасида ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда терговга қадар текширувни, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Қонуннинг 5-моддасида кўрсатилган ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари бўлмиш, қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффофликни таъминланиши фуқароларнинг ички ишлар органларига бўлган ишончини янада оширади.

Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъий назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Тергов органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Тергов органлари ўз фаолиятини очиқ ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади.



Жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда

тергов ҳаракатларининг фаолияти ҳақида, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳаққоний ахборотни олиш ҳуқуқига эга бўлиб, фойдаланилиши қонун билан чекланган ахборот бундан мустасно.

Тергов амалиётида айрим ҳолларда терговчи ва суриштирувчиларнинг иш юритувида бўлган материаллар юзасидан жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўлиқ ахборот талаб қилиб, тегишли тартибда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилишни, фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашини, прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг рухсатсиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилишга бўлган уринишлар бўлиши мумкин.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида сўроқ жараёнини стенография қилиш, видеокузатув, шунингдек тергов ҳаракатларини аудио ва

видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус тергов хоналари ташкил этилмоқда. Шунингдек, **Жиноят процессуал кодексининг 91-моддаси**да “Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шарт” эканлиги қонунан мустаҳкамлаб қўйилди

Шунингдек, Қонуннинг **18-моддаси**да тергов бўлинмалари ходимлари томонидан жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидан назарда тутилган тартибда, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни, қидирувдаги шахсларни, ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисида сўров келиб тушган шахсларни ушлаб туриш мумкинлиги, ушлаб турилган шахсга тельефон орқали сўзлашиш ёки адвокатига ёхуд яқин қариндошига ўзининг ушлаб турилганлиги ва турган жойи ҳақида хабар бериш, ушлаб турилган пайтидан эътиборан ҳимоячига (адвокатга) эга бўлиш ҳуқуқи, шунингдек қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқлар берилиши, ушлаб турилган шахслар, уларнинг ёнидаги ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек уларнинг транспорт воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриқдан ўтказилиши мумкинлиги, чет эл фуқароси ушлаб турилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар бериши ҳақидаги қоидалар мавжуд.

2020 йил 14 майдаги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддаси **4-қисм** билан тўлдирилиб, ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шарт қилиб белгиланганлиги, шунингдек, “далиллар мақбул эмаслиги ҳақида”ги **95¹-модда** киритилганлиги, шунингдек **2019 йил 23 майдаги** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунга асосан Жиноят процессуал кодексининг **91¹-91⁴-моддалар** билан тўлдирилиб, тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш асослари, шартлари, видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини қайд қилиш тартиби жорий этилди.

Шуни қайд этиш лозимки, амалга оширилаётган ислохотлар суриштирувчи ва терговчилар томонидан исбот қилиш жарёнида далилларга баҳо бериш ва уни қайд этишда, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашда ва адолатли қарор қабул қилишдаги муҳим жараён бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

Ўқув машғулотнинг саволлари кичик саволларга бўлиниб “Бахс-мунозара”, “кичик гуруҳларга бўлиш”, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Далиллар мақбулликига оид Қонунчилик нормаларининг қўллаш тартиби?

(Ушбу саволни ёритишда “Бахс-мунозара” методдан фойдаланилади)

“БАХС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро бахс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Бахс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Бахс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Бахс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги; -
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида — “Бахс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.

“Бахс-мунозара” методининг тузилмаси

“Бахс мунозара саволлари”:


1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбулликига оид жинойт-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли Қарори қачон қабул қилинган?

2. ЖПКнинг 95¹-моддасига кўра, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек

таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда олинган бўлса, бундай далиллар тақдири нимага олиб келади?

3. ЖПКнинг 91-моддасига кўра, қуйидаги қайси процессуал ҳаракат видеоёзув орқали қайд этилиши шарт этиб белгилаб қўйилган?

4. Қуйидаги қайси ҳолатларда олинган далиллар мақбул эмас деб топилади?



Мустақил таълим учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил таълим машғулотида Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли Қарорининг мазмун ва моҳияти.

1. Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли Қарорининг мазмун ва моҳияти.

2. Далиллар мақбуллигига оид Қарорда ҳозирги кунда учраётган муаммо ва таклифлар.

3.6-МАВЗУ: ЖИНОЙ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБДА УШЛАБ ТУРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида шахсларни қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қийноқ ва зўравонликка йўл қўймаслик борасидаги давлат сиёсати.

2. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида шахсларни қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, ҳибсга олиш ва уни ҳуқуқий оқибатлари.

1-САВОЛ: ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ, СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНИДА ШАХСЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА УШЛАБ ТУРИШ, ҲИБСГА ОЛИШ, ҚИЙНОҚ ВА ЗЎРАВОНЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БОРАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ.

Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида шахсларни қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қийноқ ва зўравонликка йўл қўймаслик борасидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати қатъий бўлиб, суд-ҳуқуқи ислоҳотларининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади.

Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 30 ноябрь куни имзоланган “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сонли Фармонни таъкидлаб ўтиш жойиз албатта.

Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида “..... “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди. Ушбу Фармонга биноан бундан буён Ўзбекистонда қийноққа солиш, ружий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмайди. Бундай жиноий қилмишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар равишда жавобгарликка тортилади.

Жиноят ишлари доирасида ноқонуний усуллар билан олинган ҳар қандай маълумотлардан, жумладан, аудио ва видео материаллардан, ашёвий далиллардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Қийноққа солиш, ҳимояга бўлган ҳуқуқни бузиш, инсонни алдаш ва тергов жараёнида бошқа ноқонуний усулларни қўллаш ман этилади”- деб алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Мамлакатимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг давоми сифатида юрбошимиз томонидан жорий йилнинг 30 июнида ўтказилган одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш тизимини



такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида муносабат билдириб, “Биз сўнги уч ярим йилда қийноқларга йўл қўймаслик бўйича жиддий ва ортга қайтмайдиган

ислохотларни амалга оширдик. Лекин, Андижон шаҳар ва Чироқчи туман ички ишлар идораларида яқинда содир бўлган фожиаги ҳолатлар тизим раҳбарларини уйғотиши, аниқ ҳулосалар қилишга чорлаши керак” деб айтиб ўтган эдилар⁷.

Президент Ш.Мирзиёев томонидан билдирилган фикрлар давлат раҳбарининг қатор фармон ва қарорларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларида ўзининг ҳуқуқий аксини топди.

2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сонли Фармонида қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва қатъий риоя этишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътибори қаратилиши ҳамда қонун нормаларини аниқ ижро этиш ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра келиб чиққанидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган.

Шунингдек Фармонда процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан, жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда ёхуд гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги кўзда тутилган.

Бундан ташқари Фармонда шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш учун жавобгарликни кучайтирилиши чораларини кўриш ҳақида тўхтатилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган,

⁷ Президент Чироқчи ва Андижондаги воқеалар учун ички ишлар органлари раҳбарларини танқид қилди // Манба <https://kun.uz> Мурожаат санаси 13.10.2020 й.

ушлаб турилган ёки қамокда сақланаётган, шунингдек, маъмурий қамокқа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш тавсия этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012 сонли Фармонида ҳам қонунга хилоф ушлаб туриш ва ҳибсга олиш, шунингдек, қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга чек қўйишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

Фармонга кўра, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясининг асосий вазифаларидан бири сифатида жиноятчиликнинг, айниқса одам савдоси, коррупция, қийноққа солиш, уюшган ва трансмилий жиноятчиликнинг олдини олиш ва бу иллатларга қарши курашиш, шунингдек, ушлаб турилганлар, қамокқа олинганлар ва маҳкумларни сақлаш жойлари тизимида одил судловга ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш деб белгиланди.

Шу билан бирга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш ҳамда мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлардан бири сифатида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни янада такомиллаштириш, озодликдан маҳрум қилиш жойларида ва бошқа ёпиқ муассасаларда инсон ҳуқуқлари бузилишларининг олдини олиш кўрсатиб ўтилган.

Мазкур Фармон билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»га қийноқларнинг олдини олиш бўйича институционал механизмларни такомиллаштириш киритилиб, унга кўра:

- Ўзбекистон Республикаси Қийноқнинг олдини олиш қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- БМТнинг Қийноқларга қарши конвенциясининг Факультатив протоколига қўшилиш масаласини кўриб чиқиш белгиланган.

Юқоридагиларни амалга ошириш орқали қийноқларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилади ва борада қатъий назорат ўрнатилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармонига кўра шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш,

шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Фармонга кўра жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблашни назарда тутиш лозимлиги кўзда тутилган.

Шунингдек Фармонда шундай тартиб ўрнатиш назарда тутилганки, унга кўра терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахсни ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумни тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини гувоҳлантириш уларнинг ёки адвокатининг илтимосномасига асосан 24 соат ичида вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари тасарруфида бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томонидан амалга оширилиши шарт, бунда харажатлар илтимоснома киритувчи тараф ҳисобидан қопланади.

Шу билан бирга қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга чек қўйиш масалалари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясидан ҳам ўрин олган.

Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида бу ҳақида сўз юритилади.

Давлат дастурида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиноят процессида жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймаслик ҳақида банд бўлиб, унга кўра процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган кўрсатувлар, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўймасликни қонунчиликда аниқ белгилаш назарда тутилган. Шунингдек, шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатув беришга мажбурлаш учун жиноий жавобгарликни жорий этиш ҳам кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари фуқароларнинг қийноққа солиниши ёки бошқача тарздаги кадр-қимматини камситувчи тазйиқлардан ҳимояланиш кафолатларини кучайтириш ҳақида банд бўлиб, унга кўра 2018 йилда фуқароларни терговга қадар текширув, суриштирув, тергов, суд ҳамда жазони ўташ жараёнида қийноққа солганлик ёки бошқача тарздаги инсоннинг кадр-

қимматини камситувчи тазйиқлар содир этганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш, шунингдек, ушбу турдаги жиноятларни содир этишга кўмаклашган бошқа шахсларни ҳам жиноят субъектлари қаторига киритишни назарда тутувчи Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши кўрсатилган.

Давлат дастурининг ушбу банди ижросини таъминлаш доирасида 2018 йил 4 апрелда “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 235-моддаси янги тахрирда баён қилиниб, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги даражаси оширилди, ЖПКга далилларнинг мақбул эмас деб топилиши шартлари белгиланган 95¹-модда киритилди, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддасига 2-қисм қўшилиб, прокурорнинг ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишдаги ваколатлари кенгайтирилди.

Бундан ташқари суд-ҳуқуқ ислохотларининг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашни тақиқлаш билан боғлиқ қисми шу билан якунига етган ҳисобланмайди.

Ушбу йўналишда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Бу ҳақида юртбошимиз ўз маърузаларида бир неча бор таъкидлаб келган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида амалга оширилган чора-тадбирлар таъкидланиб, ҳуқуқ бузилиши хавфи бўлган ҳолатлар ҳали мавжудлиги, уларни олдини олиш бўйича ҳам чораларни қўллаш зарурлигини қайд этилган.

Бундан ташқари Президентимиз шахсни ушлаб туриш ва унинг ҳуқуқини чеклайдиган бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳолатларини ҳисобга олишнинг электрон тизимига ўтиш зарурлиги айтиб ўтиб, бу жараёнда инсон омили иштирокини иложи борица камайитириш лозимлиги ҳақида тўхталган.

Прокурорнинг қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилишини ҳам ушбу маърузасида билдириб, шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилиши, бундай муҳим ўзгариш тажрибамизда биринчи марта жорий этилаётганлигини маълум қилган.

Маълумки, амалдаги қонунчилик бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов устидан прокурор назорати мавжуд, лекин ушбу фаолият айрим вазиятларда етарлича самара бермаётганлиги сир эмас. Шахснинг шикоятни судга берилганда эса суд шикоятни тарафларнинг

иштирокида кўриб чиқади ва бу ўз вақтида қонунбузилишга чек қўйиш ва уни олдини олишга хизмат қилади.

2-САВОЛ: ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ, СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНИДА ШАХСЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА УШЛАБ ТУРИШ, ҲИБСГА ОЛИШ ВА УНИ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ.

Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида шахсларни қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ва ҳибсга олиш ҳақида тўхталар эканмиз, дастлаб ушлаб туриш ва ҳибсга олишнинг тушунчалари ҳақида аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Амалдаги қонунчиликка биноан *ушлаб туриш* деганда, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум этишдан иборат процессуал мажбурлов чораси тушунилади.

Гумон қилинувчини ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси бўлиб, жиноят ишини қўзғатишдан олдин ҳам, иш қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Жиноят иши қўзғатилганидан кейин ушлаб туриш фақат суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Ушлаб туришнинг асосий мақсади далилларни тўплаш учун шароит яратиш билан бирга одил судловнинг муҳимроқ манфаати – гумон қилинувчини суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниш, жиноий фаолиятини давом эттириш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этиш имкониятларидан маҳрум қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги 2011 йил 29 сентябрдаги Қонунининг 8-моддасига кўра, ушлаб турилганлар ИИБ органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ва ДХХ органларининг тергов ҳибсхоналарида, ушлаб турилган ҳарбий хизматчилар эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ҳамда қўшин гауптвахталарида сақланади.

Ушлаб турилганларни айрим жойларда истисно тарзида ушбу мақсадлар учун махсус мослаштирилган биноларда, денгиз ва дарё кемаларида эса махсус ажратилган каюталарда сақлашга йўл қўйилади.

Ушлаб турилганлар қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда жазони ижро этиш муассасаларида сақланиши мумкин.

Шу ўринда қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ҳақида тўхталиб ўтишдан олдин қонуний тартибда ушлаб туриш асослари, муддатлари, тартиби ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки ушбу етарли асоссиз, белгиланган муддатдан ортиқ ёки ушлаб туриш тартибини бузган ҳолда ушлаб туриш қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодекси 221-моддасига кўра қуйидагилар ушлаб туришга асос бўлиши мумкин:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Ушбу рўйхат қатъий бўлиб, бошқа ҳолатлар ушлаб туриш учун асос бўла олмайди. Лекин шуни ҳам қайд этиш керакки ушлаб туриш учун мазкур асослардан бирининг мавжудлиги шахсни албатта ушлаб туриш шарт дегани эмас. Қонунда ушлаб туриш асослилигининг қўшимча кафолати сифатида гумон қилинувчи озодликда қолса, терговдан яшириниши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал бериши ёки жинойий фаолиятини давом эттириши мумкинлиги борасида реал хавф мавжуд бўлиши кераклиги белгиланган.

Шунингдек, **ЖПКнинг 223-моддасига** кўра депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, судьялар ва прокурорлар ушлаб турилиши ҳамда ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас.

Лекин, ушбу қоида юқорида кўрсатилган шахслар жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушганда татбиқ этилмайди. ЖПК 221-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ушлаб туриш қонунга ҳилоф ҳисобланади.

Бунда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги 2004 йил 2 декабрдаги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ агар депутат ўзи халқ депутатлари Кенгаши депутати бўлган вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудидан ташқарида жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, ушлаб туришга розилик олиш талаб қилинмайди.

Бундан ташқари дипломатик иммунитетга эга ходимларни ушлаб туриш ҳам қонунга ҳилоф ҳисобланади. ЖПК 223-моддасида назарда тутилган иммунитетдан фарқли равишда дипломатик иммунитетга эга шахсларни ҳар қандай ҳолатда ушлаб туриш мумкин эмас.



Ушлаб туриш жиноят иши кўзғатилгунига қадар ҳам, жиноят иши кўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жиноят иши кўзғатилгунига қадар ушлаб туриш ЖПКнинг 224-моддаси тартибда амалга оширилади. Бунда ИИО ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг юқорида кўрсатилган асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита аниқласа ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа:

1) ўзини таништириши ва ушлаб турилган шахснинг талабига кўра ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши;

2) гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини маълум қилиши;

3) ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига тельефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши;

4) ушлаб турилган шахсга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши;

5) ушлаб турилган шахсдан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт.

Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув ёки олиб қўйишни амалга оширишга ҳақлидир. Шахсий тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг холислар ҳозирлигида тузилиши мумкин.

Ушбу тартибда шахсни ушлаш амалга оширилганида процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт.

Лекин ҳар доим ҳам ушбу тартибда шахсни ушлашни амалга ошириш имконияти бўлмаслиги мумкин. Масалан, оммавий тартибсизликлар жараёнида, фавқулодда вазиятларда ва шу каби бошқа ҳолатларда. Ушбу процессуал ҳаракатларни бажаришни кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, уларни видеоёзув орқали қайд этмасдан амалга оширишга йўл қўйилади. Мазкур қоида ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган биносида амалга ошириладиган ушлаб туришга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шахсни ушлаш видеоёзув орқали қайд этилмаган ҳолда, ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахс яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келинганидан сўнг видеоёзувдан фойдаланган ҳолда унинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириши шарт. Ушлаб турилган шахсга видеоёзув уни намоёйиш қилиш орқали таништирилади.

Ушлаб туриш, шахсий тинтув қилиш ёки олиб қўйиш баённомасига процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилганлиги ҳақида ёзиб қўйилиб, видеоёзув материаллари баённомага қўшиб қўйилади.

Ваколатли шахслар ва фуқаролар қонунга хилоф ёки асоссиз ушлаб турганлик ёхуд ушлаш вақтида ваколатлари доирасидан четга чиққанлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

Жиноят иши қўзғатилганидан сўнг ушлаб туриш фақатгина суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарорига асосан амалга оширилади. Суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг ушлаб туриш, гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарори асосида ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахсни ЖПКнинг 224-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда энг яқин ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт. Амалга оширилган ушлаб туриш тўғрисида ушлаб туриш ҳақида қарор чиқарган ваколатли шахс дарҳол хабардор қилиниши лозим.

Қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахс озод қилиниши шарт:

- 1) жиноят содир этганлиги ҳақидаги гумон тасдиқланмаса;
- 2) ушлаб турилганга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати бўлмаса ёки уни қўллаш суд томонидан рад этилса;
- 3) ушлаб туришнинг белгиланган муддати тугаган бўлса ва ушлаб турилганга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилмаган ёхуд ушлаб туриш муддати узайтирилмаган бўлса, озод қилинади.

Ушлаб турилган шахсни ушлаб туриш учун асослар йўқлиги аниқланиши биланоқ суриштирувчи ва терговчи уни дарҳол озод қилишлари шарт.

Прокурорнинг, терговчининг ёки суриштирувчининг ушлаб турилган шахсни озод қилиш ҳақидаги қарори ёхуд суднинг уни ушлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги ёки унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажрими қонунда белгиланган ушлаб туриш муддати ичида ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушмаса, ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиғи бу шахсни озод қилади ва унинг озод қилинганлиги тўғрисида прокурорга, терговчига ёки суриштирувчига билдириш хати юборади.

Ушлаб туриш муддати ушланган ИИОга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан эътиборан кўпи билан қирқ саккиз соатни ташкил этади. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкин.

Қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш қонун нормасида белгиланган асослар ва шароитлар мавжуд бўлмаган ҳолда қамоққа олиш эҳтиёт чорасини

танлашда ёки қамоққа олишнинг қонунда белгиланган тартибини бузган ҳолда қўллашда ифодаланади.

Эҳтиёт чораси сифатида **қамоққа олиш** деганда, айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг тергов ва суддан бўйин товлаши ва бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш, унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида тергов органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қўлланиладиган, айбланувчини озодликдан маҳрум қилиш тушунилади.

Қамоққа олишнинг асослари ва тартиби Жиноят-процессуал кодексининг 242-243-моддаларида белгиланган.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш унча оғир бўлмаган ёки ундан оғирроқ жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Шунингдек айбланувчи, судланувчи содир этган, оғир ва ўта оғир жиноятнинг хавфлилиги туфайли у суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган ўринли тахмин ҳам қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асос бўлиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин:

айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан яширинганида;

ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида;

илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи томонидан бузилганида;

ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи, судланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида;

жиноят озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилганида, қўлланилиши мумкин (ЖПК 242-моддаси 2-қисми).

Вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушбу Кодекснинг 236-моддасида назарда тутилган асослар бўлганда ва унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланилиши мумкин. Вояга етмаганларга нисбатан фақат оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилган ҳоллардагина қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин.

Вояга етмаганларнинг эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлари учун ЖПК 242-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳам қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Алоҳида ҳолларда, ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бунда гумон қилинувчига у ушланган кундан эътиборан ўн кун ичида айблов эълон

қилиниши керак. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилинади ва шахс қамоқдан озод этилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушлаб турилган гумон қилинувчига ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Суриштирув ёки дастлабки тергов давомида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланганда прокурор, шунингдек прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ёки терговчи қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради.

Прокурор қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарор ва зарур материалларни судга юборади. Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўзғатилаётган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан қамоқда сақкиз соат олдин судга тақдим қилиниши керак.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки суриштирув, дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаганида эса ёхуд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан сақкиз соат ичида, лекин ушлаб туришнинг энг кўп муддатидан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, агар ишда қатнашаётган бўлса ҳимоячи, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида кўриб чиқилади. Ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчи суд мажлисига олиб келинади. Суд мажлисида гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг қонуний вакили, шунингдек суриштирувчи, терговчи иштирок этишга ҳақли.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурор маърузаси билан бошланади, у мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш зарурлигини асослаб беради. Шундан сўнг гумон қилинувчи ёки айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Судьянинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки уни қўллашни рад қилиш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишда Жиноят-процессуал кодексининг 239-моддасида (эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин бўлган шахслар) белгиланган талабларга риоя қилмаслик ҳам қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш деб баҳоланади. Хусусан, ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, қамоққа олиш эҳтиёт чораси:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли палатаси ёки унинг Кенгаши розилиги билан;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилиги билан;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан;

4) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатиغا, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг депутатиغا нисбатан - Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки уларнинг раҳбарлари розилиги билан;

5) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяларига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларининг, иқтисодий, маъмурий ва ҳарбий судларининг судьяларига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг розилиги билан;

6) Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзосига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг розилиги билан;

7) прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан қўлланилиши мумкин.

Бунда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги 2004 йил 2 декабрдаги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ агар депутат ўзи халқ депутатлари Кенгаши депутати бўлган вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудидан ташқарида жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, қамоққа олишга ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш талаб қилинмайди.

ЖПК 246-моддасига асосан жиноятлар тергов қилинаётганда қамокда сақлаб туриш ёки уй қамоғи муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади.

Қамокда сақлаб туришнинг ёки уй қамоғининг қонун нормаларида белгиланган уч ойлик муддатини:

беш ойгача узайтириш имкони - Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига биноан;

етти ойгача узайтириш имкони - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарларининг илтимосномасига биноан суд томонидан кўриб чиқилади.

Муддатни янада узайтиришга йўл қўйилмайди. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган илтимосномаларни кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослилигини, шунингдек процессуал нормалар ва талабларга риоя этилганлигини инобатга олади.

Қамокда сақлаб туриш муддатига ушбу Кодекснинг 599-моддасига мувофиқ шахсни Ўзбекистон Республикасига ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга кўра унинг хорижий давлат ҳудудида қамокда сақланган вақти кўшиб ҳисобланади.

Агар Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсни қамокда сақлаб туришнинг 7 ойлик муддати тугаган бўлса ва ишнинг ҳолатларига кўра қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарларининг илтимосномасига биноан суд ушбу Кодекснинг 247-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда, қамокда сақлаб туришнинг кўшимча муддатини белгилашга ҳақли, аммо ушбу муддат шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча сақлаш ҳибсхонасига ёхуд тергов ҳибсхонасига жойлаштирилган пайтдан эътиборан уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси ишнинг материаллари билан танишиб чиқиши учун кетган вақт эҳтиёт чораси тариқасида қамокда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқишда инобатга олинмайди.

Юқорида келтирилган асосларсиз, қонунда белгиланган муддатни ёки тартибини бузиш қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш сифатида баҳоланади ва тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради.

Шахс терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қонунга хилоф равишда ушлаб турилган ёки ҳибсга олинган бўлса келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

Жиноий-ҳуқуқий оқибатлар

Процессуал-ҳуқуқий оқибатлар

Моддий жавобгарлик билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар

Меҳнат ёки хизмат интизоми билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар

Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида шахсларни қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ва ҳибсга олиш асосан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 234-моддасида назарда тутилган жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу моддада қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутади.

Ҳуқуқий асосларга эга бўлмаган ҳолда била туриб қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш одил судлов ва шахснинг эркин ҳаракатланишини таъминловчи ижтимоий муносабатларга зарар етказди, шунингдек фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини йўқотади.

Шу сабабли ушбу жиноятнинг *асосий бевосита объектини* ушлаб туриш, ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлашнинг ўрнатилган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади. Жиноятнинг *қўшимча бевосита объекти* эса жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ва эркинлиги ҳисобланади.

Жиноят кодекси 234-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг *объектив томони* қонуний асосларсиз шахсни қисқа муддатга эркинлигини чеклашдан иборат қонунга хилоф равишда ушлаб туришни ташкил қилувчи ҳаракатларда ифодаланади.



Мазкур жиноят фаол ҳаракатлар билан ҳам, шунингдек ҳаракатсизлик билан содир этилиши мумкин. Масалан суриштирувчи, терговчи ёки прокурор шахснинг айбсиз эканлигини аниқ билган

ҳолда уни ушлаб туришни амалга оширганда. Ушлаб туриш муддати ўтмасдан туриб, жиноятни гумон қилинувчи эмас, балки бошқа шахс содир этганлиги аниқланган ҳолатда, суриштирувчи ёки терговчининг ушлаб турилган шахсни озод қилмаслиги ҳаракатсизликка мисол бўла бўлади.

Таҳлил қилинаётган жиноят формал таркибли жиноят ҳисобланади ва бирон бир оқибат келиб чиқишини талаб қилмайди. Ушбу жиноятда ушлаб туриш ҳақидаги баённома тузилган ва бу ҳақида ушлаб турилган шахсга маълум қилинган вақтдан бошлаб, баённома тузилмаган ҳолатларда эса шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Шу билан биргаликда ушлаб туриш учун асослар тугаганидан сўнг ёки муддат ўтганидан кейин ҳам ушлаб туриш давом эттирилганда, ушлаб туриш асоси тугаган вақтдан ёки ушлаб туриш муддати ўтган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш *субъектив томондан* айбнинг қасд шаклида ифодаланади. Айбдор, шахсни ушлаб туриш учун фактик асослар мавжуд эмаслигини англайди, бироқ шунга қарамасдан у қонунга

хилоф равишда ушлаб туришни амалга оширади ва қасднинг иродавий мазмунини назарда тутиб, уни амалга оширишни хоҳлайди.

Агар ноқонуний ушлаб туриш эҳтиётсизлик оқибатида содир этилса (масалан ушлаб турилиши лозим бўлган шахснинг шахсига аниқлик киритилмагани натижасида бошқа шахсни ушлаб турганда), у ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ЖК 207-моддасида назарда тутилган жиноят билан квалификация қилиниши ёки интизомий жавобгарлиги кўриб чиқилиши мумкин.

Жиноятнинг мотив-мақсадлари турлича бўлиши мумкин, масалан, ўч олиш, бошқа ғаразли мақсадлар, шу билан биргаликда фош этилмаган жиноятни фош этиш, иш кўплиги ва ҳоказо. Лекин улар жиноятни квалификациясига таъсир қилмайди, фақат жазо тайинлашда инобатга олинishi мумкин.

Қонунга хилоф равишда ушлаб туришнинг умумий **субъекти** 18 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Шунингдек, ушбу жиноятнинг субъекти махсус субъект ҳисобланади, яъни терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор бўлиши мумкин. Бошқа мансабдор шахслар томонидан жиноят содир этилганида ЖК 206-моддаси билан квалификация қилинади. Агар қонунга хилоф ушлаб туриш мансабдор шахс бўлмаган фуқаролар томонидан амалга оширилса, иш ҳолатларига қараб, ЖК 138-моддаси ёки 229-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин.

ЖК 234-моддасининг иккинчи қисмининг объектив томонини била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш ташкил қилади.

Қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш қонун нормасида белгиланган асослар ва шароитлар мавжуд бўлмаган ҳолда қамоққа олиш эҳтиёт чорасини танлашда ёки қамоққа олишнинг қонунда белгиланган тартибини бузган ҳолда қўллашда, шунингдек қонунда белгиланган муддатлардан ортиқ муддатда қамоқда сақлаш учун асослар бўлмагани ҳолда шахсни қонунга хилоф равишда муддатидан ортиқ ҳибсда ушлаб туришда ифодаланади.

Шунингдек, ЖПК 239-моддасида назарда тутилган талаблар бузилган тартибда қамоққа олиш ва дипломатик иммунитетга эга шахсларни ҳибсга олиш ва ҳибсда сақлаш ҳам қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ва ҳибсда сақлаш ҳисобланади.

Қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлаш ҳаракат ёки ҳаракатсизликда содир этилиши мумкин. Хусусан, қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлаш қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини узайтириш учун асослар ва шароитлар бўлмаган ҳолда уни узайтириш ҳақида қарор чиқариш, қамоқда сақлаб туришнинг муддати тугаши билан қамоққа олинган шахсни қамоқдан озод қилиш борасидаги мажбуриятларни бажармасликда ифодаланади.

Қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлаш қонуний асослар бўлмай туриб, ҳибсда сақлашни узайтириш учун тегишли процессуал ҳужжатни чиқарган

вақтдан ёки қамоқда сақлаш муддатлари тугаши билан шахсни қамоқдан озод қилмаган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

Мазкур жиноят формал таркибли жиноят ҳисобланганлиги сабабли бирон бир оқибатнинг келиб чиқиши шарт эмас.

Жиноят кодекси 234-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** ўз тузилишга кўра зарурий белги сифатида била туриб назарда тутилганлиги боис айбнинг тўғри қасд шакли билан ифодаланади.

Агар қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлса (масалан, муддатини унутиш, муддатни нотўғри ҳисоблаш ва ҳоказо), мансабдор шахснинг ҳаракатларида мансабга совуққонлик билан қараш жиноятлари аломатлари бўлади.

Жиноятнинг мотив-мақсадлари квалификация учун аҳамиятга эга эмас, фақат жазо тайинлашда инобатга олиниши мумкин.

Қонунга хилоф равишда ҳибсга олишнинг **субъекти** фақат судья бўлиши мумкин, чунки Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги 2011 йил 29 сентябрь қонунининг 5-моддасига мувофиқ, «Суднинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда чиқарган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарори қамоққа олинганларни қамоқда сақлашга асос бўлади».

Агар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки бошқа шахслар судья билан жиной тил бириктириб содир этсалар, улар мазкур жиноятнинг иштирокчилари ҳисобланади.

Қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлашнинг субъекти эса судья, суриштирувчи, терговчи, прокурор, қамоқда сақлаш жойларининг ходимлари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, қамоқда сақлаш жойларининг ходимлари жумласига қамоқда сақлаш жойларида режимни таъминлаш мажбуриятини бажараётган ички ишлар органларининг оддий аскарлари, сержантлари ва офицерлари таркибидаги шахслар, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари киради.

Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ёки ҳибсга олишнинг процессуал-ҳуқуқий оқибатлари сифатида шахсни дархол озод қилинишини келтириш мумкин.

Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ёки ҳибсга олишнинг моддий жавобгарлик билан боғлиқ оқибатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ёритилган.

Фуқаролик кодексининг 991-моддасига кўра эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қонунга хилоф қўлланиши, қамоқ тариқасидаги маъмурий

жазони қонунга ҳилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади. Суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Шунингдек Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига кўра маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, фуқарога уни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қонунга ҳилоф тарзда қўлланиш, қонунга ҳилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса қопланади.

Меҳнат ёки хизмат интизоми билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 106-моддасини келтириш мумкин. Унга кўра ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, башарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Одатда юқорида келтирилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан суднинг ҳукми билан муайян даврга мансабдорлик вазифаларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Бу эса ўз навбатида меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келади.

Шунингдек бошқа қонун ҳужжатларида ҳам хизмат интизоми билан боғлиқ оқибатлар келтирилган. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрдаги Қонунининг 32-моддаси 1-қисми 11-бандида ИИО ходимини содир этган жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганлиги хизматдан бўшатишга асос бўлиши белгиланган.

Мустақил бажариш учун топширик:

1. Мустақил таълимнинг мазмуни тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотида олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади. Тингловчилар мустақил таълимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармонни мазмун моҳиятини ўрганадилар ва конспект қиладилар.

1. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қийноқ ва зўравонликка йўл қўйиш қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

2. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-моддаси) жиноятининг жабрланувчилари кимлар бўлиши мумкин?

3. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати қачондан бошланади?

3. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш қандай процессуал ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР:

1. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?

2. Қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?

3. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш жинояти субъекти ким бўлиши мумкин?

4. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қийноқ ва зўравонликка йўл қўйиш қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

5. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-моддаси) жиноятининг жабрланувчилари кимлар бўлиши мумкин?

6. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати қачондан бошланади?

7. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатини аниқланг?

8. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш натижасида келиб чиққан оғир оқибатларга қандай бўлиши мумкин?

9. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш қандай процессуал ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

10. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида шахсларни қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қийноқ ва зўравонликни қўллаш меҳнат ёки хизмат интизоми билан боғлиқ қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

3.7-Мавзу. ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИККА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР.

РЕЖА:

1. Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.
2. Жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

1-САВОЛ. ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 23 март куни қабул қилинган, Сенат томонидан 6 апрель куни маъқулланган “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сон Қонуни 2023 йил 11 апрель куни расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга, болалар орасида назоратсизликнинг ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга, шунингдек ногиронлиги бўлган болаларни ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмаган, хотин-қизларни шилқимлик ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари мавжуд эмас, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордернинг амал қилиш муддати (ўттиз кун) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини бермайди, алиментларни тўламаганлик учун жазо сифатида жарима солиниши янада кўпроқ молиявий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари, Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) идоралараро комиссияларининг фаолияти ислоҳ этилиб, улар тегишинча Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) комиссиялари этиб қайта ташкил этилди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси қонунларига хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳада ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга оширишида қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни назарда тутувчи,



шунингдек болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўювчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Мазкур Қонун хотин-қизлар ва болаларга нисбатан шилқимлик ҳамда зўравонликнинг олдини олишга, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашга, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро индексларда мамлакатимизнинг ўрнини

яхшилашга хизмат қилади, шунингдек Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) комиссиялари фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратади.

Ушбу қонуннинг **3-моддаси** билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган:

1) 17-модда. Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги:

иккинчи қисми «119» рақамидан кейин «-моддалари, 126¹-моддасининг тўртинчи — саккизинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 122, 123, 125¹-моддаларида, 126¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 127, 127¹, 128¹, 144, 146, 193 — 195, 205 — 210, 225, 226, 230 — 232, 234, 235, 279 — 302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар»;

2) 58-модда. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш:

иккинчи қисмининг «б» банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қуйидагилар билан:

жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш билан;

ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш билан;

ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш билан;

вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этиш билан;

вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фоҳишахоналарни ташкил этиш ёки сақлаш билан;

ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин куролини, бундай курул яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни, радиоактив материалларни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди»;

3) 66¹-модда. Ярашилганлиги муносабати билан жинсий жавобгарликдан озод қилиш:

нинг биринчи қисмидаги «121-моддасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш)» деган сўзлар «121-моддасининг биринчи қисмида (шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 126¹-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида (оилавий (маиший) зўравонлик)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 73-модда. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш:

тўртинчи қисмининг «г» банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик, ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчининг номусига текканлик ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондирганлик, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда жинсий алоқа қилишга мажбур этганлик, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлик ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондирганлик ёки унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилганлик, вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлик, худди шунингдек уни тайёрлаганлик, тарқатганлик, реклама қилганлик, намойиш этганлик ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этганлик, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилганлик, фоҳишахоналарни

ташқил этганлик ёки сақлаганлик, Ўзбекистон Республикасига, тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этганлик, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуроолларини, шундай қуроолларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, контрабанда қилганлик учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди»;

5) 87-модда. Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш:

биринчи қисмидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияда» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 104-модда. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш:

биринчи қисмининг диспозицияси «ва ушбу Кодекснинг 126¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) 105-модда. Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш:

биринчи қисмининг диспозицияси «ушбу Кодекснинг 126¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) 109-модда. Қасддан баданга енгил шикаст етказиш:

иккинчи қисмининг диспозицияси «ушбу Кодекснинг 126¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) 110-модда. Қийнаш

биринчи қисмининг диспозицияси «104, 105-моддаларида» деган сўзлардан кейин «126¹-моддасининг тўртинчи — саккизинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) 115-модда. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш:

санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

11) 118-модда. Номусга тегиш

матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш:

а) икки ёки бир неча шахсга нисбатан;

б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 119, 121, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) ўлдириш билан кўрқитиб;
д) ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Номусга тегиш:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;

б) яқин қариндошга, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан;

в) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан;

г) оммавий тартибсизликлар иштирокчиси томонидан;

д) ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

е) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш, —

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

12) 119-модда. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш:

матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) такроран, хавfli рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 121, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) ўлдириш билан кўрқитиб;

д) ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;

б) яқин қариндошига, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан;

в) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига

қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан;

г) оммавий тартибсизликлар иштирокчиси томонидан;

д) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

е) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатлар ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

13) 121-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

121-модда. Шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш

Хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиш, —

уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат оғир оқибатларга олиб келса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракат:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;

б) яқин қариндошига, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан;

в) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 119, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

г) оғир оқибатларга олиб келса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

14) қуйидаги мазмундаги 126¹-модда билан тўлдирилсин:

126¹-модда. Оилавий (маиший) зўравонлик.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар

соғлиғининг ёмонлашувиға олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни кўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб кўйиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек башарти бошқа жинойт аломатлари мавжуд бўлмаса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувиға ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишиға олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача



мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида

биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувиға ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишиға сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувиға ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишиға сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, —

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- в) ўта шафқатсизлик билан;
- г) ғаразли ниятларда;
- д) диний таассублар замирида;
- е) бир гуруҳ шахслар томонидан;

ж) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 97, 104 ва (ёки) 105-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

з) ўта хавфли рецидивист томонидан;

и) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотишга ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқишига ёки унинг функциялари тамоман йўқолишига, рухий ҳолатнинг бузилишига ёки соғлиқнинг бошқача тарзда ёмонлашувига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг йўқолишига ёки ҳомиланинг тушишига ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса, —

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- б) вояга етмаган шахсга нисбатан;
- в) ўта шафқатсизлик билан;
- г) ғаразли ниятларда;
- д) диний таассублар замирида;
- е) бир гуруҳ шахслар томонидан;

ж) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, —

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 97 ва (ёки) 104-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, —

ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

15) 128-модда. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш

матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран, хавfli рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 119, 121 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) яқин қариндошига ёки бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга нисбатан;

в) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

16) 128¹-модда. куйидаги таҳрирда баён этилсин:

128¹-модда. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, —

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан тўрт йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

17) 129-модда. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш

матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш, —

икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

в) ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;

г) ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;



д) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 119, 121 ва (ёки) 128-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

е) яқин қариндошига ёки бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга нисбатан;

ж) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки кўрқитиб содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

18) 130-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижросиси сифатида жалб этиш, —

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

19) 130¹-модда. Тазйикни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш:

номидаги «Зўравонликни ёки шафқатсизликни» деган сўзлар «Тазйикни, зўравонликни ёки шафқатсизликни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1-қисмининг диспозициясидаги «Зўравонликни ёки шафқатсизликни» деган сўзлар «Тазйикни, зўравонликни ёки шафқатсизликни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) қуйидаги мазмундаги 141³-модда билан тўлдирилсин:

141³-модда. Шахнинг шаънини ва кадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш

Шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото-ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ёхуд бундай ахборотни тарқатиш билан кўрқитиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-САВОЛ. ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР.

Қонуннинг **4-моддаси** билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган:

1) 84-модда. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар

бешинчи қисмининг 3-бандидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 325-модда. Жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатиш

биринчи қисми «141¹-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «141³-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) 334-модда. Маъмурий, интизомий ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар бўйича кўриладиган чоралар

биринчи қисмидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 345-модда. Жиноят ишининг терговга тегишлилиги

бешинчи қисмидаги «121-моддаси иккинчи қисмида, 122¹-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 124-моддасида, 127-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 127¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 128-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 129-моддаси иккинчи қисмида» деган сўзлар «121-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 122¹-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 124-моддасида, 126¹-моддаси

бешинчи — саккизинчи қисмларида, 127-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 127¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 128, 128¹-моддаларида, 129-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 381²-модда. Прокурорнинг ваколатлари

биринчи қисмининг 1-бандидаги «125, 125¹, 126-моддаларида, 127-моддаси биринчи қисмида, 127¹-моддаси биринчи қисмида, 128-моддаси биринчи қисмида, 128¹-моддасида, 129-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «125, 125¹, 126-моддаларида, 126¹-моддаси биринчи — тўртинчи қисмларида, 127-моддаси биринчи қисмида, 127¹-моддаси биринчи қисмида, 129-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 536-модда. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш

учинчи қисмидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 537-модда. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларни саклаш шароитини жазони ўташ вақтида ўзгартириш

учинчи қисмидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;



8) 542-модда. Ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби

олтинчи қисмидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 551-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд муҳокамасида иштирок этишга жалб қилиш

матнидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияни» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 562-модда. Болалар масалалари бўйича комиссияга ишнинг кўрилиши ҳақида хабар бериш:

номидаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 564-модда. Вояга етмаган шахсни жавобгарликдан ёки жазодан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда озод қилиш

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаган шахсни Жиноят кодекси 87-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиб, материалларни болалар масалалари бўйича комиссияда кўришга топшириш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради».

ХУЛОСА

Ўзбекистонда хотин-қизлар, болалар ва кекса ёшдаги ота-оналар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, 18 ёшга тўлмаганларнинг номусига тегиш, зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни қондириш учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Хусусан, уларга нисбатан амнистия қўлланмайди.

«Оиладаги зўравонлик — оиланинг ички иши эмас, бу муаммо бутун жамиятга тегишли. Аёл ўз дарди билан ёлғиз қолиб кетмаслиги керак». Вояга етмаганлар билан жинсий алоқа қилганлик учун жазо кучайиши зарурдир.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотлар билан муомала қилиш вояга етмаган шахс иштирокида қўшмачилик қилиш, фоҳишахоналар ташкил этиш жиноятлари жиноятга тайёргарлик ёки суиқасд босқичида тўхтатилганда, мазкур жиноятлар учун жазо тайинлашда енгиллик берилмайди.



Болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки ахлоқи учун хавfli бўлган жиноятларни содир этган шахсларнинг ягона реестри тузилиб, ушбу реестрга кирган шахсларнинг таълим, тарбия, болалар соғломлаштириш, спорт ва ижодий ташкилотларида ишлаши ҳамда болалар билан бевосита ишлашни назарда тутувчи фаолият турлари билан шуғулланиши тақиқланмоқда.

Зўравонликка қарши курашнинг барча босқичларида тўлақонли ишлайдиган механизм яратиш зарур. Бу эса ҳамма тегишли идора ҳамда вазирликлар, шунингдек, нодавлат сектор ва ОАВнинг биргаликдаги фаолиятини талаб этади.

Шу боис, мазкур қонунни мазмун моҳиятини нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари балки жамиятимизнинг барча аъзолари тушуниб олиб қонун талабларига риоя этишлари зарур бўлиб ҳисобланади.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

Ўқув машғулотнинг саволлари кичик саволларга бўлиниб “кичик гуруҳларга бўлиш”, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсадаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсада фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бирбиридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



Гуруҳларга саволлар:

1. 2023 йил 11 апрель куни “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сон Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Жиноят қонунчилигининг қайси моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди?

2. Жиноят қонунчилигига қайси турдаги жиноятлардан иборат янги моддалар қўшилди?

3. Жиноят-процессуал қонунчилигининг қайси моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар қўшилди?

4. Оиладаги зўравонлик ва вояга етмаганарга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ жинойий жазоларни оғирлаштириш зарурияти нима учун пайдо бўлди?

Изоҳ: Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавобларини беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволларига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

Мустақил бажариш учун топшириқ:

1. Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрель кунидаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сон Қонунининг мазмун ва моҳияти.

3. Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти.

4. Жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти.

4.1-МАВЗУ. КОРРУПЦИЯГА ОИД ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

РЕЖА:

1. Коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг таснифи
2. Коррупцияга қарши кураш соҳасидаги давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги
3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясининг умумий таърифи ва аҳамияти

1-САВОЛ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДАГИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ.

Ҳозирги кунда инсоният тараккиётига хавф солаётган иллатлардан бири коррупция бўлиб у доимо ҳар бир мамлакатнинг миллий давлатчилик асосларига, сиёсий ва иқтисодий хавфсизлигига жиддий хавф туғдирадиган, ҳамда ечими топилиши шарт бўлган муаммо бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов адолатли таъкидлаганидек, “Бугунги кунда фақат иқтисодиётга эмас, балки, энг аввало, республиканинг сиёсий ва халқаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий нуфузига катта зарар етказаётган энг хавфли иллат - коррупциядир. У айрим ҳолларда ўта хавфли тусга кирмоқда”.

Эътиборли жиҳати шундан иборатки, ушбу муаммо сўнгги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида тан олинмоқда, халқаро ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада қабул қилинган халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан бирга, коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган миллий ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт шаклланганлигини қайд этиш керак.

Халқаро миқёсда ўтган давр мобайнида коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база шаклланган бўлиб, энг аввало, БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг Коррупцияга қарши кураш резолюциясини (1995 й.), кейинчалик эса Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996 й.), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация (1997 й.), Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000 й.) БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2008 й.) ва бошқа халқаро ҳужжатлар мазкур иллатга қарши курашда муҳим халқаро ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат бу - шубҳасиз, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2003 йил 31 октябрь) бўлиб, ушбу жиноятнинг моҳиятини тўлиқ очиб, унга қарши кураш чораларини белгилаб беради ва у ҳозирги кунда 130 дан ортиқ давлатлар томонидан ратификация қилинган.

Шу билан бирга Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг

1997 йилдаги «Халқаро тижорат операцияларида хорижий мансабдор шахсларнинг сотқинлигига қарши курашиш тўғрисида»ги конвенцияси, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги «Халқаро операциялар ва ишларни олиб боришда мансабдор шахсларни хориж давлатларига сотилишига қарши курашиш тўғрисида»ги конвенцияси, Интерпол халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотининг 2002 йилги «Полиция ва Интерпол органларида коррупцияга қарши курашишнинг умумий этилган стандартлари», Америка ҳукуматлараро ташкилотининг 1996 йилги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги конвенцияси, МДХнинг 1999 йилги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги модель қонуни ҳам биз таҳлил қилаётган йўналишга тааллуқлидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи "...халқаро ҳуқуқнинг умумий этирофи этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади", деб белгилаб қўйилган.

Жаҳон ҳамжамиятининг янги юз йилликдаги кейинги тараққиёти бевосита боғлиқ бўлган замонавий глобал муаммолар орасида энг муҳимларидан **бири – бу коррупция ҳисобланади.** Коррупциянинг жамиятдаги хавфсизлик ва барқарорликка реал таҳдид манбаи қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга оширилаётган ислохотларга қаршилик кўрсатиш ифодасидир.

иккинчидан, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади.

учинчидан, жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Шунингдек, БМТнинг Бош қотиби К.Аннан ўзининг БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қабул қилинганлиги муносабати билан 2003 йил 31 октябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 58-сессиясидаги маърузасида коррупцияни бутун замонавий жамиятни эпидемияга тортадиган "ижтимоий ўлат"га қиёслаб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: "Коррупция инсон ҳуқуқларининг, бозор механизмларининг бузилишига, инсонлар ҳаёт сифатининг ёмонлашувига олиб келади, демократия ва ҳуқуқий тартибни кучсизлантиради, халқаро хавфсизликнинг уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа таҳдидларига кўмаклашади. Ушбу хавфли ҳодиса жаҳоннинг барча – катта ва кичик, бой ва камбағал давлатларида мавжуд..." Аксарият давлатлар яшаш сифатининг пасайишини белгиловчи факторлар орасида коррупцияни биринчи ўринга қўйишади, уни жуда ҳам салбий баҳолашади. Инсониятнинг ривожланиши учун коррупция таҳдидининг кўлами, ушбу муаммонинг жаҳон ҳамжамиятига кўрсатадиган ташвишли даражасини қайд этмоқда. Бу ҳолат кўп сонли коррупцияга қарши халқаро ташаббусларда, коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги фундаментал халқаро ҳужжатларда, хусусан БМТнинг

Коррупцияга қарши Конвенцияси ишлаб чиқишда ўз ифодасини топди. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали кураш, унинг давлат, хўжалик бошқаруви органларининг нормал фаолият юритишига салбий таъсири, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида демократик ўзгартиришларни амалга ошириш, давлат хавфсизлиги ва барқарорлигини сақлашни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланган ривожланган норматив-ҳуқуқий база яратилган.



Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясига (2003 йил 31 октябрь, Нью-Ёрк) шунингдек, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истамбул ҳаракат режасига (2003 йил 10 сентябрь, Истамбул) қўшилиши коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишда муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳодиса Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашнинг замонавий усул ва механизмларини жорий этишни, давлат хизмати ислохотларини ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш тарафдори эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бугунги кунда коррупцияга қарши курашнинг самарали қонунчилигини ишлаб чиқишда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро стандартларни аниқ тушуниш лозим. Халқаро даражадаги коррупцияга қарши ҳуқуқий воситалар мажмуида трансмиллий коррупцияга қарши курашда глобал самарадорликни таъминлашга, алоҳида давлатлар ва халқаро ҳамжамият учун жуда хавфли бўлган қилмишларни олдини олиш ва тўхтатишга, қоидабузарларни таъқиб қилиш ва жазолашнинг муқаррарлиги шунингдек, жабрланувчи субъектларга етказилган зарарларни оқилона қоплашга йўналтирилганлари алоҳида аҳамиятга эга.

Бундай халқаро-ҳуқуқий воситаларга умумеътироф этилган стандартларни аниқловчи универсал (барча ёки кўпчилик давлатлар учун

ягона бўлган) шартномалар, шунингдек улар билан келишилган минтақавий ва икки томонлама шартномалар киради.

Коррупцияга қарши курашда турли давлатлар миллий қонунчилигидаги умумий ёндашувларни унификациялашда БМТ, Европа Кенгаши ва Европа Иттифиқи, Бутунжаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

2-САВОЛ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ.

БМТ доирасида қабул қилинган ҳужжатлар:

- Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича давлат мансабдор шахсларининг ахлоқ кодекси (1979 йил);
- Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996 йил);
- Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларация (1996 йил);
- БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (2000 йил);
- “Коррупцияга қарши самарали халқаро-ҳуқуқий ҳужжат” номли БМТнинг 55/61-сонли резолюцияси (2001 йил);
- БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (2003 йил);
- Судьялар ахлоқи тўғрисидаги Бангалор тамойиллари (2006 йил);

II. Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи доирасида қабул қилинган ҳужжатлар:

- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкоралаштириш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенция (1990 йил)
- Коррупцияга қарши кураш бўйича йигирмата тамойиллар (1997 йил);
- Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенция (1999 йил);
- Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенция (1999 йил);
- Давлат хизматчилари учун ахлоқ кодекси тўғрисида Европа Кенгашининг Вазирлар қўмитаси Тавсиялари (2000 йил);
- Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияга Қўшимча протокол (2003 йил);
- Сайлов компанияларида сиёсий партияларни молиялаштиришда коррупцияга қарши кураш бўйича ягона қоидалари тўғрисида аъзо-давлатлар Вазирлари қўмитасининг Тавсиялари (2003 йил);
- “Хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш Кенгаши тўғрисида”ги доиравий қарор (2003 йил);

- Жинойй фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш ва терроризмни молиялаштириш тўғрисидаги Конвенция (2005 йил).

III. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) доирасида қабул қилинган ҳужжатлар:

- Халқаро иш операцияларида чет эл давлати мансабдор шахсларини сотиб олишга қарши кураш тўғрисида Конвенция (1997 йил);

- Коррупцияга қарши кураш бўйича Истамбул ҳаракат режаси (2011 йил).

IV. МДХ доирасида қабул қилинган ҳужжатлар:

- “Коррупцияга қарши кураш сиёсатининг қонунчилик асослари тўғрисида”ги Модель қонун (2003 йил);

- МДХга аъзо давлатлар Бош прокуратураларининг коррупцияга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Келишуви (2007 йил);

- “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Модель қонун (янги таҳрирда) (2008 йил).

V. Пулларни ошкорлаштиришга қарши кураш бўйича молиявий



таъсир чоралари ишлаб чиқиш гуруҳи (ФАТФ) доирасида қабул қилинган ҳужжат:

- Пулларни ошкорлаштиришга қарши кураш бўйича молиявий таъсир чоралари ишлаб чиқиш гуруҳининг (ФАТФ) қирқта Тавсиялари (2012 йил).

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар ичида БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси, Европа Кенгашининг Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси ва Коррупция учун жинойй жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси, шунингдек Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Халқаро иш операцияларида чет эл давлати мансабдор шахсларини сотиб олишга қарши кураш тўғрисида Конвенцияси қоидалари ва нормалари алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Чунки, мазкур халқаро ҳужжатларда коррупцияга қарши курашнинг принциплари, устувор йўналишлари, криминализация ва халқаро ҳамкорлик каби масалаларга оид нормалар батафсил баён этилган.

3-САВОЛ: БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ



КОНВЕНЦИЯСИННИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ ВА АҲАМИЯТИ.

Коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат бу - шубҳасиз, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатни ратификация қилган: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди .

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жинойтчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65- 71) яқуний қоидалар акс этган.

Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга бир нечта билдиришлар, баёноتلар ва шартлар билан қўшилган.

Жумладан, Қонуннинг 1-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенция 6- моддасининг 3-банди бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб-чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи - давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланганлиги билдирилган.

Бу қоида Конвенциянинг 6-моддаси 3-бандидаги ҳар бир иштирокчи Давлат БМТнинг Бош котибига коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқа иштирокчи Давлатларга ёрдам бериши мумкин бўлган орган ёки органларнинг номи ва манзиллини хабар қилади, деган талабларига тўла жавоб беради.

Қонуннинг 2-бандига кўра, Конвенция 42-моддасининг 1 ва 3-бандлари бўйича 15-19, 21, 22- моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27-моддаларда назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жиной жазоланадиган қилмиш эканлиги ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилишлиги баён этилган

Конвенциянинг 15-моддаси “Миллий оммавий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”; 16-моддаси “Хорижий оммавий мансабдор шахсларни ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларини пора эвазига оғдириш”; 17-моддаси “Оммавий мансабдор шахс томонидан мол-мулк талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши”; 18-моддаси “Ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш”; 19-моддаси “Хизмат мавқеининг суиистеъмол қилиниши”; 21- модда “Хусусий секторда пора эвазига оғдириш”; 22-моддаси



“Хусусий секторда мулкнинг талон-торож қилиниши”; 23-моддаси 1-банди “Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш”; 24-моддаси “Яшириш”; 25-моддаси “Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш”; 27-моддаси “Иштирок ва суиқасд” деб номланган.

Ушбу хатти-ҳаракатлар

Ўзбекистон жиноят қонунчилиги бўйича ҳам жиноий қилмиш сифатида баҳоланади ва амалдаги жиноят қонунда бундай қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қонун мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг “Ноқонуний тарзда бойлик орттирилиши”ни жиноят деб баҳолаган 20-моддаси ва “Юридик шахсларнинг жавобгарлиги”ни назарда тутувчи 26-моддасига қўшилмаган.

Қонуннинг 3-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенция 44-моддаси 6-бандининг “а” кичик бандига мувофиқ, ушбу Конвенциядан коррупция жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топшириш масалаларида ушбу Конвенциянинг бошқа Иштирокчи-давлатлари билан ўзаролик асосида ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдаланишлигини билдирган.



Қонуннинг 4-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг 46-моддаси 13-банди бўйича “Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларни олиш ва бажариш ёки бундай илтимосларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига юборишга жавобгар бўлган марказий орган эканлигини, 14-банди бўйича “Ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосларни юборишда ўзбек, рус ва инглиз тиллари мақбул тиллар сифатида белгиланишлиги билдирилган.

Конвенциянинг 66-моддаси 2-банди қоидаларига эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг бу позицияси тегишли асосга эга эканлигига амин бўламиз. Яъни, бу бандда икки ёки ундан ортиқ иштирокчи давлатларнинг Конвенцияни шарҳлаш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай келишмовчилиги мунозаралар олиб бориш йўли билан, ёки арбитраж йўли билан ҳал этилиши, келишмовчиликлар бу йўсинда ўз ечимини топмаган тақдирда давлатлардан бирининг Халқаро Судга мурожаат этиши орқали бир қарорга келиши мумкинлиги белгиланган.

Фикримизча, бир неча халқаро ҳужжатлар замирида юзага келган ва унинг стандартларига жавоб бера оладиган Конвенциянинг моддалари юзасидан бундай келишмовчиликлар юзага келиши эҳтимолдан узок ва ҳар бир мамлакат Конвенция талабларини унга қўшилиши олдидан қўп марталаб ўрганиб чиққан ва мазмун ҳамда талабларидан тўла хабардор бўлган бўлади.

Ўзбекистон ўзини ушбу қоида билан боғлиқ эмас деб ҳисоблашининг ҳам ҳуқуқий асоси мавжуд. Сабаби, Конвенциянинг айнан шу моддаси 3-бандида ҳар қандай иштирокчи давлат унинг 2-бандини ўзига тааллуқли ёки аксинчалиги ҳақида билдиришни баён этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳуқуқий мустаҳкамланган.

ХУЛОСА:

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим.

Бунинг учун биз мустаҳкам ҳуқуқий базага эга бўлиб, давлатнинг коррупцияга қарши курашга оид сиёсатини кенг қамровли амалга оширишимиз керак.

Хулоса шуки, давр ўзгариши билан дунё ҳам ўзгариб, коррупциянинг шакли ва кўлами ҳам ўзгариб борган. Бугунги глобаллашув ва жаҳон иқтисодиётининг кескин ривожланиши шароитида коррупциянинг халқаро даражага чиқишига ва замонамизнинг энг оммавий ва хавфли ҳодисаларидан бирига айланишига имкон яратиб берди. Ҳозирги кунда коррупция бутун дунёдаги энг долзарб ва жиддий муаммолардан бири ҳисобланади: Жаҳон Банки Институтининг Глобал Дастурлар директори Даниел Кауфманнинг The Cato Journalнинг 2007 йилдаги нашридаги сўзларига кўра, 2007 йилдан бошлаб ишбилармонлар доирасида олинаётган ва берилаётган пора миқдори триллион доллардан ошиб кетган - бу дунё ялпи ички маҳсулотининг 2 фоизидан ортиғини ташкил этади дегани. Коррупция нима ўзи, унинг сабаблари ва оқибатлари давлатлар ривожига, жамиятга ва иқтисодиётга таъсири нимада ва XXI асрда унга қарши курашиш тенденцияси ва йўналишлари қандай бўлиши жоиз, буларнинг барчаси чуқур таҳлил ва мунозараларга сабаб бўладиган жуда улкан жиддий мавзу.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш бўйича бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва келажакда қабул қилиниши режалаштирилмоқда. Қабул қилиниши режалаштирилаётган қонунлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини, хусусан ички ишлар идораларини хизмат фаолиятини меъёрий тартибга солиш, ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ваколатлари, иш принциплари ва фаолият йўналишларини белгилаб беришга қаратилган.

Машғулот якуни ва семинар машғулотини учун топшириқ

1. Коррупцияга қарши курашишдаги халқаро стандартлар.

2. Коррупцияга қарши кураш борасидаги халқаро ташкилотлар ва уларнинг фаолияти.

3. Коррупцияга қарши курашнинг жаҳон тажрибаси.

4.2-МАВЗУ: КОРРУПЦИЯ-ИЧКИ МАЪНАВИЙ ТАҲДИД

Ўқув машғулот режаси:

1. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари халқаро ва миллий қонунчилик.
2. Коррупциявий жиноятлар ва уларнинг профилъактикаси
3. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатини шакллантириш.

1-САВОЛ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК.

Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишни англатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Ёрк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида

2003 йил 9 декабрда Мексиканинг Мерида шаҳрида коррупцияга қарши курашишда давлатлар ўртасидаги алоқаларни янада кучайтириш мақсадида конференция ташкил этилди. Бу конференция давомида 100 дан ортиқ давлат томонидан Коррупцияга қарши ҳақаро конвенция имзоланди. Конференциянинг биринчи иш куни (9 декабрь) БМТ томонидан бутун дунёда коррупцияга қарши кураш куни деб эълон қилинган. Ушбу конвенциянинг қабул қилиниши ва кучга кириш (2003 йил 31 октябрь) дунё мамлакатларининг коррупцияга қарши курашдаги ҳамкорлигини янги поғонага кўтарди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши конвенцияси” муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат:

- 1-бобда (1-4) Умумий қоидалар
- 2-бобда (5-14) Коррупциянинг олдини олиш чоралари
- 3-бобда (15-42) Жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти
- 4-бобда (43-50) Халқаро ҳамкорлик
- 5-бобда (51-59) Активларни қайтариш бўйича чоралар
- 6-бобда (60-62) Техник ёрдам ва маълумот алмашинуви
- 7-бобда (63-64) Амалга ошириш механизмлари
- 8-бобда (65-71) Яқуний қоидалар акс этган.

“Transparency International” халқаро нодавлат ташкилоти томонидан юритиладиган “Коррупцияни тасаввур қилиш 2019 индекси” бўйича навбатдаги ҳисоботини эълон қилди. Ҳисоботга кўра Ўзбекистон

Республикаси 25 балл билан 5 поғонага юқорилаган ва 153 ўринни эгаллаган. Жаҳон миқёсида ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган Шарқий Европа давлатларидан 56 балл тўплаган Грузия, 45 балл билан Белоруссия ва 45 балл йиққан Черногория қайд этилган. Шу билан бирга Марказий Осиё давлатларидан: Туркманистон 19 балл, Ўзбекистон ва Тожикистон 25 баллдан тўплашди.

Конвенцияда коррупциянинг ривожланиши уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа жамият учун хавфли бўлган салбий омилларга қарши курашга улкан тўсиқ бўлиши мумкинлигига алоҳида урғу берилган.

Ушбу Конвенциянинг мақсади қуйидагилардан иборат:

-коррупцияга қарши қаратилган юқори самарали чора тадбирларни қабул қилиш ва уларни мустаҳкамлаш;

-коррупцияга қарши курашда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, энгиллаштириш ва қўллаб қувватлаш.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ-158-сонли Қонуни билан қўшилган бўлиб, ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа иштирокчи давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни 2017 йил 3 январь куни қабул қилинган (ЎРҚ-419).

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 6 боб, 34 моддадан иборат.

1-боб. Умумий қоидалар (1-6-моддалар);

2-боб. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар (7-15-моддалар);

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш (16-18-моддалар);

4-боб. Коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар (19-24-моддалар);

5-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги (25-29-моддалар);

6-боб. Яқунловчи қоидалар (30-34-моддалар).

Ушбу Қонуннинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан

бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

конунийлик; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПФ-5729-сон Фармони билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури белгиланган бўлиб 29.05.2019 йилда кучга кирган.

-давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал



этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, №ПФ-6013, Кучга кириш санаси 30.06.2020 йил, Ўзбекистон

н Республикаси Президентининг Қарори, №ПҚ-4761, Кучга кириш санаси 30.06.2020 йилдаги

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги махсус ваколатли орган бўлиб, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун масъул орган ҳисобланади. Агентлик Президентга бўйсунди ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилганлиги тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши таркиби 44 та мансабдор шахслардан иборат “

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

“Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари” тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, №ПҚ-81**, Кучга кирган санаси 13.01.2022 йил.



Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятига оид самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ва уларни илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида:

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун



жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ушбу Қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши томонидан коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини қонунчиликка имплементация қилишни давом эттириш бўйича йўл харитаси тасдиқланди.

Йўл харита Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосан агентлик, Бош прокуратура ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилди.

Йўл харитаси вазирлик, идоралар таклифлари ва БМТнинг коррупцияга қарши конвенцияси талаблари ҳамда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва

Европа тикланиш ва тараққиёт банки тавсиялари, иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг истанбул ҳаракатлар режаси доирасидаги 4-босқич мониторинги якуни бўйича ўзбекистон республикасига тақдим этилган тавсияномаларнинг бир неча банди, венеция комиссиясининг 2001 йил 9-10 мартдаги “сиёсий партияларни молиялаштириш бўйича кўрсатмалари”, европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловларни кузатиш бўйича миссиясининг ўзбекистон республикасида 2019 йил декабрда бўлиб ўтган парламент сайловлари юзасидан якуний ҳисоботида қайд этилган тавсиялари асосида шакллантирилди.

Йўл харитасида қуйидагилар назарда тутилган:

-“давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш жараёнини тезлаштириш;

-давлат фуқаролик хизматида очик мустақил танлов асосида ишга қабул қилиш ҳамда уларнинг касбга оид фазилатлари ва алоҳида хизматлари (меритократия тамойили) асосида хизмат поғоналарида кўтарилишининг шаффоф механизмларини жорий этиш;

-танлов (тендер) шаклида ўтказиладиган давлат харидларида контрагентлар (шартнома тарафлари) ни текшириш тартибини ишлаб чиқиш.

-жиноят кодексига хорижий давлат мансабдор шахсларига ва халқаро давлат ташкилотларининг мансабдор шахсларига пора берганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш масаласини имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

-жиноят кодексига мансабдор шахс томонидан ноқонуний тарзда бойлик орттирганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш масаласини имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

-коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

-коррупция ҳолатлари тўғрисида аноним хабар йўллаш ва уларни кўриб чиқиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш;

-халқаро ташкилотлар томонидан ажратилган қарзлар ва молиявий ёрдамлар сарфининг ошкоралигини таъминлаш учун очик маълумотлар базасини шакллантириш;

-коррупция хавфи юқори бўлган давлат органлари ва соҳаларида коррупция хавф-хатарларини баҳолаш бўйича намунавий услубиёт ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

-мазкур йўл харитасида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда коррупциянинг турли кўринишларига барҳам берилишига, соҳага оид ҳуқуқий асосларнинг такомиллаштирилишига хизмат қилади. шунингдек, мамлакатимизнинг коррупцияга оид ва бошқа халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланишига олиб келади.

Миллий кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

худудий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Миллий кенгашнинг ишчи органидир.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўз ваколатлари доирасида:

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиради ва амалга оширади;

ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга дахлдор бўлган кўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли кўмитаси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга оид жиноятларни, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро обрўсига путур етказадиган коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади, унинг яқунлари тўғрисида Ўзбекистон

Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради;

коррупцияга оид жиноятлар туфайли жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланишига эришилиши устидан назоратни амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилади, ушбу тизимни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда коррупциянинг даражасини, шу жумладан ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимидаги даражасини баҳоловчи Коррупцияни идрок этиш миллий индексини тузишни ташкил этади;

давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачисининг ISO: 37001 коррупцияга қарши стандартни қўллашини назарда тутувчи талабни белгилайди;

жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

коррупция ҳолатларига доир материалларни қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади;

вазирликлар ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради, давлат органларининг, оммавий ахборот воситаларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича самарали ҳамкорлигини ташкил этади;

ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил қилишни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир муурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, миллий хавфсизлик учун таҳдидларни баҳолашни амалга оширади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир муурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир муурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда уларнинг лойиҳаларидаги коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади;

коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тугилган йўллари ва механизмларини аниқлаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этади ҳамда ўтказди;

жиноий таъқиб этишни ташкил қилиш ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олиншини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ушбу моддада назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Миллий кенгаш ва ҳудудий кенгашлар фаолиятида, шунингдек давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этади.

Оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Оммавий ахборот воситалари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

2-САВОЛ: КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ПРОФИЛЬАКТИКАСИ

Мансаб мавқеини суистеъмол қилиш шакллари ғоят ранг-баранг бўлгани боис турли мезонларга кўра коррупциянинг ҳар хил турлари фарқланади.

Коррупция ҳозирги даврда кўпқиррали иллат ҳисобланиб, уни чуқур ўрганиш ва олдини олиш учун комплекс ва тизимий ёндашувни давлат ва жамият, назария ва амалиётнинг кучларини бирлаштиришни таққоза этади. Энг аввало коррупциянинг пайдо бўлишининг объектив ва субъектив сабабларини ўрганиш, шу сабабаларни давлатчилик ривожланишининг манашу босқичидаги ривожланиши билан таққослаш, шундан кейин коррупциянинг келиб чиқишининг ижтимоий-иқтисодий сабабларини йўқотишга йўналтирилган амалий қадамларни ташлаш ва бу иллатнинг олдини олишга қаратилган турли йўналишдаги профилактик тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш зарур.

Жиноят ҳуқуқида коррупция ибораси давлат идораларида ишлайдиган мансабдор шахсларнинг ёки давлат хизматчиларининг уюшган гуруҳ, шунингдек, бошқа жиноятчи шахслар билан ўзаро тил бириктириб жиноят содир этиши ёки уларни жиноят содир этиш учун шароит яратиб беришини англатади.

Мансабдорлик жинояти коррупциянинг кўринишларидан бири ҳисобланиб, унинг хусусияти шундан иборатки, ушбу жиноятларни қонуннинг ижросини таъминлайдиган ва уни қўриқлайдиган шахслар томонидан содир этилади. Ушбу жиноятчиликни кўпгина ғарб давлатларида кенг тарқалганлиги, ушбу давлатларда давлат аппаратининг коррупцияга ботганлиги, бу давлатлар қонун чиқарувчи органи томонидан коррупцион иллатларнинг кўринишлари бўлган порахўрлик, хизмат ваколатини суистеъмол қилиш ва бошқа мансабдорлик жиноятлари учун қаттиқ жазо турларини кучайтириш билан бир вақтда, мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган хавфсизлик даражаси камроқ бўлган ва кенг тарқалган жиноят турларига камроқ эътибор берилган.

Шу сабабли коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни ва жиноятларни ўрганиш учун бир қатор мансабдорлик жиноятларини ҳамда мансабдор шахсларнинг хизмат соҳаларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятни содир этиш ва шахснинг ҳаракатини квалификация қилиш ҳамда унга жазо тайинлаш жиноят ҳуқуқида катта аҳамиятга эга.

Жиноятлар орасида коррупция ўта хавфли ҳисобланиб, инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, мулкка, давлат барқарорлигига, шунингдек, бир қанча муҳим объектларга зарар етказиши билан жамиятимизга катта хавф туғдиради.

Конституциянинг 19-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир». Мазкур конституциявий қоида ҳуқуқий демократик давлатда давлат, жамият ва фуқаро ўртасидаги ўзаро муносабатнинг негизи

қонунийлик бўлиб, у жамиятда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга, яъни ўзаро масъулиятга эга бўлган субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг тартибга солинишини таъминловчи қонун чиқариш тизимига эга бўлиш заруратини белгилайди. Бинобарин, масъулият шундай ҳодисаки, у инсон борлигини ташкил этувчи учта асосий манба: шахс, жамият ва давлат фаолиятини тартибга солишнинг объектив заруратини акс эттиради.

Давлат томонидан жамиятни бошқариш инсонлар хулқ-атворини (ижтимоий муносабатлар) ишонтириш ва мажбурлов усуллари ёрдамида тартибга солишдан иборат. Шахсларда амалдаги қонун тизимидаги қоидаларга биноан хулқ-атворга эга бўлиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини англашни юзага келтириш орқали ишонтиришни амалга оширишга эришиш мумкин. Иккинчи усул эса ҳуқуқий нормалар қоидаларини бузган шахсларга нисбатан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини муҳофазалаш мақсадида мажбурлов чораларини қўллаш орқали ваколатли ҳуқуқ тартибот органлари томонидан амалга оширилади. Шундай қилиб, ишонтиришдан иборат мажбурлов усули билан ҳуқуқий тартибга солиш инсонлар хулқ-атворига ҳуқуқий нормалар ёрдамида мақсадли таъсир кўрсатишни мужассамлаштирган бўлиб, у ижтимоий муносабатлар доирасида амалга оширилади. Бинобарин, жавобгарликнинг ўзи, умуман олганда, ҳуқуқий муносабатни ташкил қилади.

Ўзбекистон қонунчилигида жавобгарликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Маъмурий жавобгарлик;
- Интизомий жавобгарлик;
- Фуқаровий жавобгарлик;
- Молиявий жавобгарлик;
- Жиноий жавобгарлик.

Жиноий жавобгарлик фақат унинг ўзигагина хос бўлган белгиларга эга бўлиб, бу белгилари орқали маъмурий интизомий фуқаровий жавобгарликлардан фарқ қилади:

1. Қўлланиш асослари бўйича (фақат ЖКдаги мавжуд моддалар бўйича);
2. Қўллашнинг мазмуни бўйича (жиноят учун жазо фақат суд томонидан давлат номидан тайинлайди, бошқа жавобгарликда эса ундай эмас);
3. Жавобгарликнинг қўлланиш субъекти бўйича фарқи (жиноятда жазони фақат суд тайинлайди);
4. Қўлланиш тартиби бўйича фарқи (жиноий жазо фақат ЎзР ЖК ва ЖПКда белгиланган тартибда тайинланади);
5. Жавобгарликка тортиладиган субъектларнинг доираси бўйича фарқи (жиноятда фақат жисмоний шахс(мансабдор шахс) жавобгар бўлади, фуқароликда эса юридик шахс ҳам).

Коррупцияга оид қилмишлар учун жавобгарлик:

- Жиноят кодекси (192¹-192¹¹, 205-214-моддалар);
- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (15, 61¹, 179³, 179⁵, 215³, 241¹-241¹¹-моддалар ва ҳ.к.);

- Меҳнат кодекси (6, 34, 78, 79-моддалар ва х.к.).

Коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

Жиноят кодексида айнан коррупция учун жиноий жавобгарликни белгиловчи аниқ модда йўқ.

2001 йилда чоп этилган Юридик энциклопедиясида “Коррупция бу ўзи алоҳида жиноят қонунида мустақил жиноят таркиби бўлмай, балки бир қатор мансабдорлик жиноятларини ўз ичига қамраб олувчи умумлашган тушунчадир” деб таъриф берилган.

Бинобарин, коррупцияга оид жиноятларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, мазкур қилмишлар фақатгина махсус субъект ҳисобланган мансабдор шахс томонидан содир этилиши билан тавсифланади.

Шу сабабли коррупция билан боғлиқ жиноятларни ўрганиш учун қуйидаги мансабдорлик жиноятларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларни назарда тутувчи Жиноят кодекси моддалари:

- Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (205-модда);
- Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-модда);
- Мансабга совуққонлик билан қараш (207-модда);
- Ҳокимият ҳаракатсизлиги (208-модда);
- Мансаб сохтакорлиги (209-модда);
- Пора олиш (210-модда);
- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш (243-модда) ва бошқалар.

Коррупцияни келтирувчи бошқарув тартибига қарши жиноятлар, мансабдор шахс томонидан қуйидагича содир этилиши мумкин:

- Ваколатидан қасдан ноқонуний фойдаланишда (ЖК 205-модда);
- Ваколатлар доирасига кирмайдиган ҳаракатларни содир этишда (ЖК 206-модда);
- Ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармасликда (ЖК 207-модда);
- Ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракатларни қасдан бажармаслиги ёки жиноятга йўл қўйишида (ЖК 208-модда) намоён бўлади.

Мазкур 205, 206, 207, 208 ва 209-моддалар бўйича жавобгарликнинг умумий шarti сифатида, ушбу жиноятларни содир этилиши натижасида:

- Кўп миқдорда зарар етказиш (энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваридан 500 бараваригача бўлган миқдордаги зарар) ёхуд
- Жиддий зиён етказиш (фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш, давлат ҳокимияти тегишли идораларнинг нуфузи ва ишончининг пасайиши) белгиланган.

Коррупциянинг энг тарқалган кўриниши бу – порахўрлик

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида порахўрлик тушунчаси қуйидаги 3 турдаги жиноят билан таърифланади:

- пора олиш,
- пора бериш ва
- пора олиш-беришда воситачилик қилиш.

Порахўрликнинг энг ҳавфлиси, бу Жиноят кодекснинг 210-моддасида назарда тутилган пора олиш жиноятидир. Мансабдор шахс томонидан пора олиш жиноятининг ижтимоий хавфлилигининг юқорилиги:

- давлат органи нормал фаолиятининг бузилиши;
- давлат органи обрўси тушиши;
- фуқароларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишончининг сўниши; ҳамда
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келиши билан белгиланади.

Мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар орасида пора олиш энг хавфли эканлиги сабабли, уни содир этиш учун 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Коррупцияга оид жиноятларни содир этиш натижасида, айбдорлар томонидан катта миқдордаги ноқонуний моддий бойликларга эга бўлаётганлиги ҳаммамизга маълум.

Чунки коррупция иллатининг асосий сабабларидан бири, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ёки фойдаланиш орқали ноқонуний тарзда моддий қимматликларга эга бўлиш ёхуд мулкий манфаатдор бўлишдир.

Ушбу даромадларга қонуний тус бериш ва улардан фойдаланиш мақсадида, улар томонидан бундай даромадларни легаллаштириш ҳаракатлари содир этилади.

2015 йил 20 август куни “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-391-сонли Қонуни қабул қилинди ва 33 қонун ва 10 кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан Жиноят кодекси қуйидаги мазмундаги XIII-1 боб билан тўлдирилди:

- «XIII-1 боб. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга ҳилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар.

Ушбу Қонун билан Жиноят кодексига коррупцияга оид янги моддалар киритилди:

- 192⁹-модда. Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш;
- 192¹⁰-модда. Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;
- 192¹¹-модда. Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш;

Ушбу қонунда БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенция талабларидан келиб чиқиб «Мансабдор шахс» атамасининг янги таҳрирдаги ҳуқуқий маъноси қуйидаги таҳрирда баён этилди:

- **«Мансабдор шахс** — доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс».

“Масбул мансабдор шахс” тушунчаси кодексдан чиқариб ташланди. Бу эса ўз навбатида, ЖКнинг 243-моддасида назарда тутилган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш” учун жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Амалиётда мазкур жиноятга нисбатан «Пулларни ювиш» каби ном берилган.

Мазкур жиноятнинг хавфлилиги шундаки, уни содир этиш натижасида қонуний тус берилган даромадлар янги жиноятларни содир этишга, керак бўлса, уюшган жиноятчиликнинг вужудга келишига ва уни фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратишига олиб келади ва шу туфайли миллий хавфсизликка жиддий таҳдид солинади.

Ушбу жиноятнинг хавфлилиги юқори даражада эканлиги сабабли, уни содир этганлик учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши кураш мунтазам ва комплекс тарзда олиб борилиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, айниқса давлат бошқаруви ва иқтисодиётни қамраб олмоғи даркор. Бу борада албатта катта эътибор коррупцияни олдини олиш чора тадбирларига қаратилиши билан бир вақда жиноий-ҳуқуқий чоралар мажмуига ҳам эътибор қаратишимиз жоиз.

Мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар миллий қонунчилигимизнинг коррупцияга қарши курашувчи жиҳатларини жиддий кучайтишига олиб келди. Айниқса 2014 йилда қабул қилинган “Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласига киради. Лекин бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар кўлами янада кенг.

Коррупцион жиноятларни махсус профилактика қилиш, бу борадаги махсус қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарадорлигини ошириш, мансабдор шахсларни ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб бериш, шунингдек, бошқарув фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни талаб этади. Бундай шароитда, коррупцияга оид қонунчиликдаги

салбий кўринишларни бартараф этиш, янада кенг кўринишдаги ижтимоий-ҳуқуқий назоратни кучайтириш зарурияти туғилади.

Шунингдек, коррупцион иллатларга қарши курашда мансабдор шахслар томонидан хизмат ваколатини суистеъмол қилишни олдини олувчи махсус ҳуқуқни чекловчи махсус профилъактик комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3-САВОЛ: АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Одатда, халқимиз «ҳалол» ва «ҳаром»ни ейиладиган ва ичиладиган нарсаларга ишлатиб келган. Шариатда ижозат этилган ҳамма нарсалар, ейиладиган озиқ-овқатлар, қилинадиган ишлар ҳалол деб ҳисобланган. Ижозат этилмаган нарсалар, ишлар ва амаллар эса ҳаромдир. Оллоҳ, ҳаром этилган ишларни қилувчиларга бу дунёда ёки қиёмат кунда жазосини албатта бериши айтилган. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик саховат ва камтарликка чақиради, лекин, шу билан бирга, ҳаётда бу каби даъватларга амал қилишга интиладиган одам кўпинча турли қийинчиликлар, ҳатто азобу уқубатларга дуч келишини кўзатиш қийин эмас». Ҳалол қилинган нарсалар ва ишлар кўпчиликка маълум, у ҳақда кўп эшитганмиз. Ҳаром қилинган ишларни эслатиб ўтиш ва эслатиб туриш жоиздир. Булардан айримларига қуйидагилар: соғ бўла туриб ишсиз юриш, зинокорлик ота-онага оқ бўлиш, савдо-сотикда фирромлик қилиш, бировнинг ҳаққига, омонатига хиёнат қилиш, қасамхурлик судхурлик ўғирлик қароҳчилик майхўрлик ғийбат, тухмат, бўҳтон, жосуслик қаттиқлик порахўрлик ва бошқалар киради. Хуллас, ҳаром инсон ва жамиятга зарар келтирадиган иш ва амаллардан иборат.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг тўғри ҳаёт кечиришида ҳалоллик муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг порахўрлик коррупция, тамағирлик фирибгарлик каби иллатлар домига тортилмаслигида ҳалол турмуш тарзининг ўрни бекиёс. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари фаолияти эл-юрт хизмати билан кечади ва ўз халқининг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган. Давлатимиз биринчи раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимидан ўз хизмат бурчини масъулиятни хис этган ҳолда, ҳалол адо этиши талаб қилинади”. Ушбу фикрлар соҳа ходимларининг олтин қонидасига айланиши керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар муваффақиятининг асосий омили ҳалолликдир.

Ахлоқ — бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани», деб бежиз таъкидламаган. Ички ишлар органлари ходимлари давлат хизматчиси, яъни халқ хизматчиси деган юксак номга эга. Шу боис Ҳам ҳар

бир ходимдан ўзига юклатилган вазифани виждонан бажариши, фаолиятининг пировард натижаси учун масъулиятни чуқур ҳис этиши, жавобгарликни ўз бўйнига олиши талаб этилади. Ходим фаолиятида ҳалоллик нафси жиловлаш каби инсоний фазилатларни ўзида мужассам этсагина, хизмат поғоналаридан қоқилмай кўтарилади ва халқ хурматини қозонади. Давлатимиз раҳбари кўпгина вилоят ва туманларда коррупция деган бало, яъни порахўрлик тамагирлик хизмат вазифасини суистеъмол қилиш каби иллатлар учраб турганлигини, қонунга зид бўлган бундай ҳолатлар билан мураса қилишга чек қуйишнинг вақти келганлигини таъкидлаган.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик каби буюк инсоний фазилатлар ҳар бир ички ишлар органлари ходимининг турмуш тарзига айланиши шарт.

Ходим касб маданияти ва одоби деган тушунчаларнинг маъно-мазмунини теран англаб олмоғи лозим. «Касб одоби — кишилар ўртасидаги касбий фаолият билан боғлиқ муносабатларга маърифий тус берадиган хулқ-атвор кодекси», дея таърифланади. Халқимиз орасида «иззат-нафс» тушунчаси кўп қўлланилади. «Иззат-нафс» ибораси араб тилидан олинган бўлиб, нафсини улуғловчи, хурмат қилувчи маъноларини англатади.

Демак ҳар бир ходим ўз қадр-қимматини қадрлаш ҳисси, мавқеи ва обрў-эътиборини сақлаш туйғуси билан яшаши, бошқаларни беҳурмат қилмаслик менсимаслик каби иллатлардан химояланиш хусусиятига эга бўлмоғи лозимлигини англаб этиши бугунги куннинг талаби бўлиб, уларга итоат этиш ходимнинг обрўсига обрў қўшади.

Ҳуқуқ - давлат томонидан белгиланган ёки рухсат этилган ва унинг кучи билан химоя қилинадиган умум мажбурий хулқ-атвор қоидаларининг тизими.

Ҳуқуқий онг -ҳуқуқий ҳиссиётлар, туйғулар, ғоялар, қарашлар, баҳолар, йўл-йўриқлар, тасаввурлар мажмуаси.

Қонун устуворлиги — бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт.

Ҳуқуқий одат - узоқ давр мобайнида амалда бўлиш натижасида шаклланган ва давлат томонидан умум мажбурий қоида сифатида тан олинган юриш-туриш қондасидир.

Ҳуқуқий тарбия - онгли тарбия махсули бўлиб, шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий онгига кўрсатиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган, ташкиллаштирилган, бошқариладиган, олдиндан режалаштирилган ва махсус ишлаб чиқарилган хухухий тарбия усуллари воситасида амалга ошириладиган педагогик таъсир жараёни.

Ҳуқуқий маданият - ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи бўлиб, инсон, жамият ва давлат олдига турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди

Ҳуқуқий нигилизм - жамият томонидан тан олинган қонунларни менсимаслик, қонунларга ҳурматсизлик ва итоат этмасликда ифодаланади.

Коррупцияга қарши тарғибот мақсади - коррупцияга қарши қарашлар, ғоялар, билимларнинг тарқалиши, уларнинг жамиятда кенг тарзда жорий дилиниши ва коррупцияга дарши фаолиятнинг тарафдорлари кенг коалициясининг тарқалиши.

Характер (юнончадан алоҳида белги, аломат)- инсон ҳуқ-атвори, юриш-туриши ва ақлий қобилиятида намоён бўлувчи ўзини тутиши. Характер инсондаги барча ўзгаришлар, шунингдек, ташқи таъсирларга қарши таъсирланиш, шахс ва унинг маънавий асосларини ташкил этади.

Ҳуқ-атвор-кишининг муомаласи ва руҳиятидаги, феъли ва хатти-ҳаракатларидаги, одатлари ва қилиқларидаги хусусиятлар мажмуи бўлиб, у муайян бир жамият ёки ижтимоий гуруҳ аъзоларининг ижтимоий ҳаёт шароитида шаклланган амалий фаолияти, хатти-ҳаракатлари, одамлар билан муносабатларининг умумий тартиб-қоидаларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан «Коррупциясиз соҳая лойиҳасини амалга оширишнинг дастлабки босқичида капитал қурилиш ва таълим соҳаларининг танланганлиги ҳам бежизга эмас. Шунини таъкидлаш лозимки, коррупцияга қарши курашишда, энг аввало, таълим тизимига эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, «Инсон жамиятни ўзгартиради, таълим эса инсонни ўзгартиради» ғояси бўйича таълим тизими орқали жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-боби «Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш» деб номланган.

16-модда «Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш», 17-модда «Давлат органлари ва бопща ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» ва 18-моддасида «Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир нормалар ўрнатилган.

Давлат дастурининг 4-бандига кўра, таълим муассасаларининг ўқув дастурларига коррупцияга қарши курашиш махсус курсларини киритиш вазифаси қўйилди. Ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади, давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашни сифагии отиринпи, таълим дастурларини доимий равишда тамйиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни, айниқса ёшларга

ушбу йўналишда ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқилиши белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, таълим тизими орқали коррупцияга қарши курашиш - бу давлат таълим стандартлари доирасида қўллаб чиқилган ва таълим муассасаларида коррупцияга қарши маърифатни шакллантириш, ёш ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган махсус дастурлар асосида жамият ва давлат манфаатлари йўлида амалга оширилиши лозим бўлган таълимнинг мақсадли жараёнидир.

Бу жараёнда қонунлар мазмун-моҳиятини халқимиз ва ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этнш муҳим аҳамиятга эга» - деб долзарб вазифа сифатида таъкидлайди.

Дарҳақиқат, ёшлар орасида ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш учун эса, энг аввало, бундай ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омилларни аниқлаш лозим бўлади. Бизнингча, ҳуқуқий нигилизмни вужудга келтирувчи қуйидаги бир неча омилларни санаб ўтиш мумкин:

-айрим ёш ходимларда ҳуқуқий билимларнинг етишмаслиги;

-ёшлар орасида амалга ошириладиган таълим-тарбия жараёни устидан самарали назоратнинг ўрнатилмаганлиги;

-республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-идтисодий ислохатларнинг туб моҳияти ҳақида ёшларимизнинг етарли даражада ахборотлаштирилмаганлиги;

-ёшлар орасида ҳуқуқий онг ва маданиятни тарғибот қилиш натижалари етарли таҳлил қилинмаётганлиги ва бунда ёшлар фикрини ўрганувчи турли хил давлат ва нодавлат тузилмаларининг етарли тарзда ташкил этилмаганлиги;



-қонунга итоаткор шахсни «давр қақрамони» сифатида жамиятда уз урнини топиши учун зарур мафкуравий ва тарғибот ташвидот ишларининг етарли змаслиги.

Бизнингча, шу ва бошда муаммоларни бартараф этиш, адолининг аксариятини ёшлар ташкил этадиган айнан бизнинг мамлакатимизда долзарб адамиятга зга

Коррупцияга қарши маърифат фаолиятида асил коррупциявий мазмундаги маънавий кадриятларни ривожлантириш.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5618-сон Фармонида коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини **юксалтиришга оид вазифалар :**

Жамиятда қонунларга риоя этиш ва хурмат қилиш ғоясини фуқароларимиз онгига сингдириш

Аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги



мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш

Еш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқмӣ онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан

муросасизлик муносабатини шакллантириш

Давлат докимияти ва бошқарув органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш

Ёшларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши муросасизлик туйғусини шакллантиришга қаратилган иншолар танловини ўтказиш

Ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, уларнинг онгида коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ҳуқуқий материалларини тайёрланишини ташкил қилиш.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади:

«Биз жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур.

Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олишидаркор.

Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ қафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозим.

Ҳар бир соҳада йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосланган дастури тайёрланиши керак. Бунда, авваламбор, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозим. Умумтаълим мактаблари учун «Конституция алифбоси», «Конституция сабоқлари», «Конституция асослари» каби дарсликларни яратиш зарур, деб дисоблайман.

Адлия, Мактабгача таълим, Ҳалқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бу ишларга масъул бўлади.

Ушбу фанлардан дарс берадиган уқитувчиларни тайёрлашда уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савиясига алоҳида аҳамият бериш лозим. Шунингдек, ҳаётдаги адолат тантанаси, қонуний ҳақ-ҳуқуқлар тиклангани ҳақида қизиқарли кўрсатувлар, сериаллар, бадиий фильмлар, театр асарлари яратишда катта, тарбиявий аҳамиятга эга.

Умуман олганда, қонун ва адолат тантанаси учун курашадиган инсонлар бугунги куннинг қаҳрамонлари бўлиши керак. Айнан шундай одамларнинг ҳаёти шоир ва адиблар, режиссёрлар, журналистлар учун ижодий мавзу бўлади деб уйлайман.

Таклиф тезкор замон ҳуқуқий тартиботнинг эскирган шаклларида воз кечиб, виртуал маконда тартиботнинг инновацион шаклларида фойдаланишга ўтиш.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим.

Бунинг учун биз мустақкам ҳуқуқий базага эга бўлиб, давлатнинг коррупцияга қарши курашга оид сиёсатини кенг қамровли амалга оширишимиз керак.

Хулоса шуки, давр ўзгариши билан дунё ҳам ўзгариб, коррупциянинг шакли ва кўлами ҳам ўзгариб борган. Бугунги глобаллашув ва жаҳон иқтисодиётининг кескин ривожланиши шароитида коррупциянинг халқаро даражага чиқишига ва замонамизнинг энг оммавий ва хавfli ҳодисаларидан бирига айланишига имкон яратиб берди. Ҳозирги кунда коррупция бутун дунёдаги энг долзарб ва жиддий муаммолардан бири ҳисобланади: Жаҳон Банки Институтининг Глобал Дастурлар директори Даниел Кауфманнинг The Sato Journalнинг 2007 йилдаги нашридаги сўзларига кўра, 2007 йилдан бошлаб ишбилармонлар доирасида олинаётган ва берилаётган пора миқдори триллион доллардан ошиб кетган - бу дунё ялпи ички маҳсулотининг 2 фоизидан ортиғини ташкил этади дегани. Коррупция нима ўзи, унинг сабаблари ва оқибатлари давлатлар ривожига, жамиятга ва иқтисодиётга таъсири нимада ва ХХI асрда унга қарши курашиш тенденцияси ва йўналишлари қандай бўлиши жоиз, буларнинг барчаси чуқур таҳлил ва мунозараларга сабаб бўладиган жуда улкан жиддий мавзу.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш бўйича бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва келажакда қабул қилиниши режалаштирилмоқда. Қабул қилиниши режалаштирилаётган қонунлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини, хусусан ички ишлар органларини хизмат фаолиятини меъёрий тартибга солиш, ҳуқуқий мақоми, асосий вазибалари, ваколатлари, иш принциплари ва фаолият йўналишларини белгилаб беришга қаратилган.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ


Ушбу мавзу “**Муаммоли вазият**” интерфаол методи орқали ўрганилади.

Машғулотда таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. —Муаммоли вазият‖ методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида —Муаммоли вазият‖ методининг тузилмаси келтирилган.

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Коррупцион жиноятларни келиб чиқиши ва уларнинг ривожланиши?
2. Ички ишлар органларида коррупцияни содир этилишига ундовчи омиллар?
3. Коррупцияга қарши кураш сиёсатининг ривожланиш тенденцияси ва хорижий тажриба?
4. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш сиёсатининг мазмуни ва ҳуқуқий асослари?



Гуруҳларнинг муаммоли вазиятининг ечимини ишлаб чиқиш



Тўғри ечимларни танлаш

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясининг мазмун ва моҳияти.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 2017 йил 3 январь куни қабул қилинган (ЎРҚ-419) қонунни мазмун моҳиятини конспектлаштириш.

3. “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, №ПҚ-81 сон мазмун моҳиятини ўрганиш.

Мавзуга оид саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни нечта боб ва нечта моддадан иборат?

2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг қайси моддасида Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари кўрсатиб ўтилган?

3. “Манфаатлар тўқнашуви” тушунчасига берилган тўғри таърифни белгиланг?

4. “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик” тушунчасига берилган тўғри таърифни белгиланг?

5. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасига мувофиқ, давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолат қайси.?

6. Манфаатлар тўқнашувидаги “Непотизм” кўриниши қандай маънони англатади?

7. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган?

8. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қачон кучга кирган?

9. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари

5.1-МАВЗУ: ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО БИЛЛИНИГ ЮРИДИК МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

РЕЖА:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси – инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳужжат сифатида
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар ва конвенциялар – халқаро биллининг қисмлари
3. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий халқаро ҳужжатлар

1-САВОЛ: ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ – ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АСОСИЙ ХАЛҚАРО ХУЖЖАТ СИФАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумийтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган



ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси қўйилганлиги айтиб ўтилган.

Инсон ҳуқуқлари ер юзида ҳаётнинг тўлақонлилигини белгилайди ҳамда миллатлар маданиятларининг ажралмас қисми, инсоният маънавий-ҳуқуқий идеалларининг энг юқори даражада кўриниши бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, ҳозирги замон дунёсининг маънавий қадриятлари орасида умумийтироф этилган инсон ҳуқуқлари энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. БМТ Низоми ва халқаро конвенцияларда ҳамда дунёнинг турли мамлакатлари конституцияларида мустақамланган инсон ҳуқуқлари фундаментал ва ажралмас ҳуқуқлар сифатида онгимизга сингиб бормоқда.

Ҳозирги замонда инсон ҳуқуқлари муҳим ўрин тутлади. Ҳар қандай ривожланган демократик жамият қуришда уларнинг қимматини назардан қочирмаслик лозим. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий давлат қурилишидаги асосий шартлардан бири бу жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш ҳамда ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Унчалик узок бўлмаган ўтмишда ҳам инсон ҳуқуқлари фақатгина ички давлат органлари доирасида тартибга солинган. Ҳар бир давлат ўз юрисдикциясида бўлган фуқаро ва шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳажмини фақат ўзларигина ҳал қилиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблар эдилар. Ҳаттоки, БМТ ташкил қилинган илк кунларда ҳам давлат ички органлари бу соҳадаги асосий манбалар ҳисобланар эди.

Умуман ҳуқуқни, айниқса инсон ҳуқуқларини у ёки бу жамиятда ҳукмронлик қилаётган мафкура, сиёсат ва ахлоқий маданиятдан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳар бир давлат инсон ҳуқуқлари масаласини мазкур соҳада юқоридаги келтирилган асосида тартибга солган ҳамда халқаро органларининг, шуниндек БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумий стандартларини ишлаб чиқариш бўйича ҳамма уринишларни ўз ички ишига аралаштириш деб ҳисоблаганлар.

Бир қатор мамлакатлар ўзларининг расмий баёнотида БМТ уставига асосан муайян инсон ҳуқуқларига ирқий, жинсий, тил ва диний камситишларсиз риоя қилинишини таъминлашда давлат юрисдикциясини рад қилдилар.

Бошқа гуруҳ давлатлар эса БМТ Уставининг юридик мажбурийлигини тан олишган ҳолда давлат суверенитети тушунчасини мутлақлаштиришиб, инсон ҳуқуқлари соҳаси бутунлай давлатнинг ички ваколати деб ҳисоблашларини билдиришди⁸.

Халқаро ҳуқуқшуносларнинг кўпчилиги халқаро ҳамжамятнинг иши эмас, ўз давлатлари мафкурасини акс эттирган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солиш балки давлатнинг мутлақо ички иши, деб ҳисоблар эди.

Иккита жаҳон уруши, ўнлаб минтақавий ва маҳаллий урушлар, ядро уруши хавфи, атроф-муҳит муаммоси ва бошқа глобал муаммолар ечимини топиш учун давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш учун катта-кичик уринишларнинг бошланишига сабаб бўлди. Натижада эса, инсон ҳуқуқлари ҳам ички ҳуқуқ билан, ҳам халқаро ҳуқуқ билан, тартибга



⁸ Мисол учун, собиқ совет итфоқи мазкур масалада мақбул бўлмаган позицияни эгаллаган эди, бу эса 1948 йили БМТ Бош Ассамблеясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилишда бетараф бўлишига асосий сабаблардан бири эди.

солинадиган бўлди. Бунинг далили сифатида асосий инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солувчи халқаро принципларнинг аниқлаштирилиши ва ривожлантирилиши ҳамда мазкур соҳада давлатлар ўз зиммасига олган мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан назорат механизмларининг ташкил қилинганлигини кўрсатиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқ ролининг ошишига асосий сабаблардан бири Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар ва мазкур соҳада бошқа халқаро конвенцияларнинг қабул қилинишидир.

Кўпгина халқаро-ҳуқуқшунослар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини фуқароларнинг асосий фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини оддий эълон қилинувчи ҳужжат деб ҳисоблаб, унинг роли ва аҳамияти ҳақида узоқ баҳслашдилар. Ҳаёт Декларациянинг қабул қилиниши, курук ишора, шама эмас, балки ундаги ҳуқуқлар халқаро ҳамжамиятнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида муҳим халқаро битимларни қабул қилишда мустақкам халқаро-ҳуқуқий негизи ҳати-ҳаракат кодекси бўлиб хизмат қилганлигини кўрсатди.

Тадқиқотлардан бирида таъкидлаб ўтилганидек, “1948 йилдан сўнг қабул қилинган 90 дан ортиқ миллий конституциялар ўзида декларация қоидаларини акс эттиради ва мазкур қоидалар унинг таъсири остида киритилган”⁹.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа келишувларнинг қабул қилинишига кенг йўл очиб берди. Ушбу келишувлар ичида марказий ўринни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар эгаллайди. Уларнинг қабул қилиниши натижасида инсон ҳуқуқлари соҳасида принцип ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасида янада сифатли босқичга кўтарилди. Инсоният тарихида биринчи марта деярли бир пайтда Пактларни имзолаган барча давлатлар учун мажбурий бўлган инсон фуқаролик-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларининг улкан доирасини тартибга солувчи иккита халқаро ҳужжат қабул қилинди.



Мустақиллигини даъво қилаётган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи мазкур Пактлар билан тан олингандан сўнг, бу руҳан эзилган халқлар кўлидаги мустақиллик учун кураш йўлидаги кучли қуроллардан бирига айланди. Миллий-озодлик ҳаракатлари таъсири остида пайдо бўлган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш моддасининг киритилиши халқаро

⁹ *Jayawic Kagama N. Hong Kong and the international protection of human Rights/Human Rights in Hong Kong, 1992. P. 160.*

ҳамжамият томонидан эски халқаро ҳуқуқда фундаментал ўзгаришга асос бўлди ҳамда жаҳон халқлари ва миллатлари ўртасидаги тенг муносабатларнинг таъминланишига асос бўлди. Яшаш ҳуқуқи, адолатли судга бўлган ҳуқуқ, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи ва бошқа бир қатор асосий ҳуқуқлар бугунги кунда кўпгина давлатларнинг конституцияларида ўзининг мустаҳкам ўрнини топган.

Инсон ҳуқуқларига оид пактларда биринчи бор индивиднинг бевосита халқаро назорат қилувчи органлар назорати остида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини бажарувчи халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга соҳиби эканлиги белгиланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича пактларнинг муҳим ютуқларидан бири мазкур ҳужжат орқали давлатларнинг шу қоида бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажарилишини назорат қилувчи муассасаларнинг ташкил қилиниши бўлди. Унинг ташкил қилиниши ва фаолият олиб бориши мазкур асрнинг иккинчи ярмида инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда тартибга солишда сезиларли ютуқлардан биридир. Назорат институти халқаро ҳуқуқда янги ҳодиса бўлиб, унинг ташкил топиш жараёни бир қатор давлатлар томонидан катта қаршилиқка учради. Муаммо шунда эдики, “назорат” тушунчаси, ушбу назорат объекти ҳисобланувчи у ёки бу мажбуриятнинг бажарилиш жараёнидаги элементларининг таъсирини ўз ичига оларди. Бошқача айтганда, назорат ижро жараёнида ўзининг у ёки бу даражадаги аралашувини келтириб чиқаради. Давлатлар халқаро муносабатларга киришар экан, ўзларининг ички ишларидаги суверенитетини сақлайди, халқаро органларнинг назорати эса уларнинг ички ишига аралашуви, деб ҳисобланарди. Бироқ, халқаро муносабатларнинг ўзига хослиги ва инсон ҳуқуқларининг катта аҳамияти халқаро ҳамжамиятнинг ушбу масалада мувозанатга келишишига ва давлатларнинг мазкур соҳада ўз зиммаларига олинган мажбуриятларини ўз иродаси билан зиммасига олишига, халқаро назорат органлари эса фақатгина инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатларга тегишли кўмакларни бериб, маслаҳат беришини таъминлади. Ҳозирги шароитда халқаро назорат органларининг роли ошмоқда. БМТ ва бошқа халқаро конвенциявий органлари назорат ташкилотларининг фаолиятидаги ваколат ва вазифаларига борган сари кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Айтиб ўтилганидек, халқаро муносабатларда зарур пайтда ҳаётга мажбурий тадбиқ қилиш учун халқаро ҳуқуқнинг принцип ва нормаларини амалга оширувчи давлат тизими устидан назорат қилувчи орган йўқ. Шунинг учун давлатлар халқаро назорат механизминини яратиш йўллари назарда тутганлар ва бу зарурат инсоният тақдирига жиддий хавф туғдирганда халқаро ҳуқуқ ижодкорлигини кенгайтириш, халқаро алоқаларни такомиллаштириш, глобал муаммоларнинг пайдо бўлишидан келиб чиқади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ҳуқуқий мазмуни ва аҳамияти



Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг тинчлик, хавфсизлик ва давлатлараро ҳамкорликни кўллаб - қувватлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилган эди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш унинг фаолиятида муҳим йўналиш ҳисобланади.

БМТнинг дастлабки эришган муҳим ютуқларидан бири, бу Бош Ассамблея томонидан **10 декабрь 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг** қабул қилиниши бўлган.

Ассамблея Декларацияни “барча халқлар ва барча давлатлар томонидан бажарилишига интилишини таъминлаш вазифаси” эканлигини эълон қилди. У бутун дунёдаги аъзо-давлатларни Декларацияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳурмат қилиш ва таъминлашга чақирди. Ҳар йили 10 декабрь бутун дунёда Декларация қабул қилинган кун сифатида Инсон ҳуқуқлари куни, деб байрам қилинади. Декларациянинг тарихий аҳамияти шундаки, у бутун дунёда тан олинган ва умумий бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар рўйхатини ўзида мужассамлаштирган биринчи халқаро характердаги ҳужжатдир.

Декларацияда қуйидаги умум эътироф этилган инсон ҳуқуқларининг тўлиқ рўйхати келтириб ўтилган:

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар:

- яшашга бўлган ҳуқуқ, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (3-модда);
- қуллиқнинг таъқиқланиши (4-модда);
- қийноқларнинг таъқиқланиши, инсон қадр-қимматини камситувчи ёки ноинсоний муомалар ва жазолашларнинг таъқиқланиши (5-модда);
- ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий субъект бўла олишининг тан олиниши (6-модда);



- асосий ҳуқуқларини бузилишига сабаб бўлган ҳаракатларга қарши суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ (7-модда);

- ҳуқуқларни суд томонидан самарали тикланишига бўлган ҳуқуқ (8-модда);

- ўзбошимчалик билан камоққа олиш, ушлаб туриш ёки сургун қилишдан ҳимоя қилишга бўлган кафолат (9-модда);
- мустақил ва бетараф судга бўлган ҳуқуқ (10-модда);
- айбсизлик презумпцияси, қонуннинг орқага қайтиш кучининг йўқлиги (11-модда).

Инсоннинг уни ўраб турган гуруҳи ва ташқи дунё билан бўлган муносабатлари доирасидаги ҳуқуқлари:

- шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқ (12-модда);
- эркин кўчиб юришга ва яшаш жойини эркин танлашга бўлган ҳуқуқ (13-модда);
- бошпанага бўлган ҳуқуқ (14-модда); фуқароликка бўлган ҳуқуқ (15-модда);
- никоҳ муносабатларида эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги. Оиланинг жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқ (16-модда);
- мулкка индивидуал ва ўзаро эгаллик қилиш ҳуқуқи (17-модда).

Диний эркинликлар, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар:

- фикр, виждон ва дин эркинлиги (18-модда);
- эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифодалаш. Маълумотларга эркин эга бўлиш (19-модда);
- тинч йиғилишлар ва ассоциациялар тузиш эркинлиги (20-модда); ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи; муайян муддатларда ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи (21-модда).

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқлар:

- ижтимоий таъминотга ва муносиб ҳаёт даражасига бўлган ҳуқуқ (22-модда);
- меҳнат қилиш ҳуқуқи; иш танлаш эркинлиги; тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш;
- касаба уюшмаларига нисбатан эркинлик (23-модда); дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқ (24-модда);
- фаровонликка ва соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқ (овқат, кийим-кечак, уй-жой, тиббий муолажа, ижтимоий хизмат кўрсатиш);
- оналик ва болалиқни ижтимоий ҳимояси ҳуқуқи (25-модда);
- таълим олишга бўлган ҳуқуқ (26-модда);
- маданий ва илмий ҳаётда иштирок этиш, шунингдек, муаллифларнинг маънавий ва моддий манфаатларини ҳимоялашга бўлган ҳуқуқи (27-модда).

Шуни таъкидлаш жоизки, Декларациянинг учта моддаси БМТ принциплари ва шахснинг жамиятга нисбатан мажбуриятларига бағишланган:

- ҳар бир шахснинг ижтимоий ва халқаро тартибга бўлган ҳуқуқи. Бунда Декларацияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин (28-модда);
- жамият олдидаги мажбуриятлар; бошқалар ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш. Бу ҳуқуқ ва манфаатларни БМТ мақсадларига мувофиқ амалга ошириш (29-модда);
- Декларациядаги ҳеч нарса мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни йўқ қилишга қаратилган ҳатти-ҳаракатларни оқлаш учун шарҳланиши мумкин эмас.

Декларация 29-моддасининг 1-бандида шахснинг мажбуриятлари аниқ ўрнатилган: “Ҳар бир шахс жамият олдида мажбуриятларга эга”. Айнан, бандда шахс фақат жамият доирасидагина эркин ва тўлиқ ривожлана олиши қоидасининг асослари келтирилган. Декларациянинг бу қоидаси маънавий хусусият касб этади. Чунки, унга кўра, шахс ўзи тегишли бўлган жамиятда юриш-туриш қоидаларининг умумий қоидаларини ўрнатади. Декларация 29-моддасининг 1-банди мураса хусусиятига эгаллиги сабабли БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда бир овоздан қабул қилинган.



Шуни таъкидлаш керакки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида шахснинг давлатга нисбатан мажбуриятлари ва бурчлари батафсил кўрсатилмаган, шунга кўра давлатни шахсдан қатъий қўриқлаш зарурияти мавжуд эмас. Айни пайтда, тарихан бизга маълумки, инсон ҳуқуқларини давлатдан ҳимоя қилиш зарурияти мавжуд. Шунинг учун Декларациянинг асосий мақсади – шахс ҳуқуқларини давлатга нисбатан ҳимоялашдир.

Шахснинг жамият олдидаги мажбуриятларини белгиловчи халқаро нормалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29- ва 30-моддаларидан келиб чиқади. Дарҳақиқат, Декларациянинг ушбу иккита моддаси қоидалари биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, иккинчидан, инсон мажбуриятлари тушунчаларига олиб боради. Агар Декларациянинг 29-моддаси 1-бандида шахснинг ҳуқуқлари тушунчаси берилган бўлса, 30-моддада уни шарҳлашни белгиловчи универсал қўлланиладиган норма мавжуд. Шундай қилиб, шахснинг барча мажбуриятлари ва ундан келиб чиқувчи муаммолар ушбу икки моддада умумлаштириб мустаҳкамланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан барча давлатлар ва миллатлар учун умумий халқаро стандарт сифатида эълон қилинган. Юқорида баён қилинганларнинг барчаси эркинлик, тенглик ва биродарлик каби фундаментал принципларга асосланади. Уларга Декларациянинг Муқаддимаси, шунингдек 1- ва 2-моддалари бағишланган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини тавсифлар эканмиз, унда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланмаганлигига эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Бу “ҳар қайси халқ ва барча давлатлар бажаришга ҳаракат қилиши лозим бўлган вазифа сифатида” кўпроқ маънавий императивликдир.

Айни пайтда Декларация инсон фундаментал ҳуқуқларини қамраб олган БМТ Уставини талқин қилишдаги энг муҳим актдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси – бу, халқаро шартнома. Расмий-юридик нуқтаи назардан у мажбурий кучга эга эмас, чунки БМТ Уставининг 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари фақатгина тавсиявий хусусият касб этади. Шундай бўлишига қарамасдан, Декларация давлатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларининг асосий манбаларидан бирига айланди. У БМТ Уставини шарҳлашда муҳим восита сифатида кўрилиши мумкин. Унинг нормаларининг катта қисми замонавий дунё мамлакатларини боғлаб турувчи халқаро одат ҳуқуқининг муҳим тимсоли сифатида эътироф этилади.

2-САВОЛ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТЛАР ВА КОНВЕНЦИЯЛАР ХАЛҚАРО БИЛЛНИНГ ҚИСМИ СИФАТИДА



Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унинг Факультатив протоколи БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 16 декабрь 1966 йилда бир

овоздан қабул қилинган. Бу ҳужжатлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва 1989 йилда қабул қилинган Иккинчи Факультатив протокол билан биргаликда кенг машҳурликка эга бўлган Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билл деб номланади.

Пактлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига асосланса-да, улар томонидан қамраб олинган ҳуқуқлар бир хил эмас. Иккала Пактда ҳам мустаҳкамланган, Декларацияга киритилмаган энг муҳим ҳуқуқ бу ўзининг табиий бойликлари ва ресурсларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини ҳам қамбар олган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидир.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 1976 йил 3 январда кучга кирган.

Пакт қуйидаги ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва амалга оширишда кўмаклашишни кўзда тутади:

- эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқлар;
- адолатли ва қулай шароитларда меҳнат қилиш ҳуқуқи;
- ижтимоий ҳимоя, ҳаёт кечириш учун етарли шароитлар ва мумкин қадар юқори даражадаги жисмоний ва ақлий соғломлик шароитларига бўлган ҳуқуқ;
- таълим олиш ва маданий эркинлик ва илмий тараққиёт неъматларидан фойдаланиш ҳуқуқи;

- касаба уюшмалари ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш ҳуқуқи;
- оилани қўриқлаш ва оилага кўмаклашиш;
- маданий ҳаётда қатнашиш ва илмий тараққиёт натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқи;
- етарли ҳаёт даражасига бўлган ҳуқуқ;
- ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғуртага бўлган ҳуқуқ.

Пакт кўзда тутилган ҳуқуқларни ҳеч қандай камситишларсиз амалга оширилишини назарда тутлади. Пакт қатнашчилари – давлатлар Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС)га даврий ҳисоботлар тақдим қиладилар. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита – 18 та мустақил экспертдан иборат, Пактни амалга оширишда кўмаклашиш учун Кенгаш томонидан ташкил қилинган орган бўлиб, ҳисоботларни ўрганади ва манфаатдор ҳуқуматлар вакиллари билан муҳокама қилади. Пактга алоқадор масалалар бўйича унинг изоҳлари Пактда мустаҳкамланган ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этишда қатнашчи-давлатларга ёрдам бериш ҳамда ҳисоботдаги камчиликлар ва ҳисобот тайёрлаш жараёниги эътиборларини қаратишдан иборат. Бундан ташқари, Қўмита алоҳида ҳисоботлар натижаси юзасидан Кенгашга тавсияномалар бериши мумкин.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг қуйидаги хусусиятли жиҳатларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

биринчидан, давлатлар учун мажбурий тоифага мансуб бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар рўйхати аниқланган;

иккинчидан, халқаро стандартдаги ҳуқуқларнинг ҳар бири давлатларнинг тегишли қонунчилигида ўз аксини топиши лозимлиги шакллантирилган;

учинчидан, давлатларнинг эълон қилинган ҳуқуқларни тан олиши ва таъминлаши мажбурияти ўрнатилган;

тўртинчидан, Пактда эълон қилинган ҳуқуқларни амалга оширишнинг механизмлари мустаҳкамланган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унинг биринчи Факультатив протоколи 1976 йил 23 мартда кучга кирган. Мазкур Пактнинг қабул қилиниши унда кўрсатилган ҳуқуқларнинг табиий, бегоналаштирилмаслик хусусият касб этиши, ҳаёт, шаън, инсон кадр-қиммати, шахсий дахлсизлик, эътиқод эркинлиги ва шахсий ҳаёт каби юқори қимматликлар билан алоқадорлиги билан асосланади. Инсон ҳуқуқлари назариясида бу ҳуқуқлар биринчи авлод ҳуқуқлари ҳисобланади ва “негатив ҳуқуқлар” сифатида номланади, чунки айнан давлат ҳокимияти томонидан тажовузлардан алоҳида ҳимояга муҳтождир. Ушбу Пактга бирлашиш эркинлиги, сўз эркинлиги, давлат бошқарувида қатнашиш ҳуқуқи, сайлов ҳуқуқи каби биринчи авлод ҳуқуқларига кирувчи ва халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан инсон шахси ривожланиши ва унинг давлат билан ўзаро муносабати билан боғлиқлиги сабабли ўта муҳим саналадиган сиёсий ҳуқуқлар киритилган.



Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт юридик таркибининг ўзига хослиги шундаки, Пактнинг ҳар бир моддасида белгилаб берилган ҳар бир ҳуқуқ мазкур ҳуқуқни амалга оширишнинг аниқ механизмини қамраб олган ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш учун қонунчилик, маъмурий ва бошқа чораларни кўриш ҳар бир давлатнинг мажбурияти ҳисобланади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг кучга кириши билан халқаро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Халқаро ҳуқуқ тарихида биринчи марта индивид ўз ҳуқуқларининг ҳимояси учун БМТ халқаро органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт доирасида бундай орган Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита бўлиб, у нафақат индивидуал мурожаатлар, балки миллий ҳисоботлар асосида ҳам Пактга амал қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Пактнинг бу хусусиятлари уни нафақат инсон ҳуқуқлари соҳасида, балки бутун халқаро ҳуқуқ соҳасида ҳам муҳим аҳамият касб этувчи ҳужжатга айлантиради.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт муқаддима ва олти қисмдан иборат. I қисм халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига бағишланган битта моддадан иборат.

II қисми 2-5-моддаларни ўз ичига олади. Бу моддалар давлатларга Пактда кўрсатилган ҳуқуқларни ҳурмат қилиш ва ҳеч қандай камситишларсиз таъминлаш мажбуриятини юклайди. 2-модданинг 3-қисми бевосита давлатларга ваколатли суд, маъмурий ёки қонунчилик ҳокимияти томонидан суд ҳимояси имкониятларини кенгайтириб, ҳуқуқий ҳимоя воситаларини ўрнатиш мажбуриятини юклайди. Бундан ташқари, 3-модда давлатларга эркаклар ва аёлларга тенг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишни таъминлаш мажбуриятини юклайди. Ушбу бобда давлатда фавқулодда вазиятларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва бундай вазиятларда инсон ҳуқуқлари чекланишларини тартибга солувчи норма берилган.

III қисм 22 та модда (6-27-моддалар)дан иборат ва Пактнинг энг катта қисми ҳисобланади. Унда бевосита ҳам шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар, ҳам уларни амалга ошириш механизмлари кўриб чиқилади. 6-модда шахснинг ажралмас ҳуқуқи сифатида яшаш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Модда олти пунктдан иборат бўлиб, мамлакатда ўлим жазоси мавжуд бўлса уни энг оғир жиноятлар учунгина қўллашни; ўлим жазоси белгиланганда авф этишни сўраш ёки ҳукми энгиллаштиришни сўраш ҳуқуқини; ўлим жазосини 18

ёшга тўлмаган шахс ва хомиладор айллارга нисбатан қўлламасликни назарда тутлади. Пакт ўлим жазосини тўлиқ бекор қилишни назарда тутмаганлиги боис Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Иккинчи Факультатив протокол қабул қилинган бўлиб, ушбу Протокол иштирокчи-давлатларга ўлим жазосидан воз кечиш мажбуриятини юклайди.

Пактнинг бу қисми қийноқлар (7-модда), қуллик, қуллар савдоси ва мажбурий меҳнатни (8-модда) бутунлай тақиқлашни назарда тутлади.

Пактда озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги ҳамда улар билан муомалада бўлиш; ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиш ёки ушлаб туришни тақиқлаш; озодликдан маҳрум қилиш қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилиши (9,10-модда)га алоҳида эътибор қаратилади.

Пактда бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш эркинлиги ва эркин яшаш жойи танлаш ҳуқуқини ҳам назарда тутлади. Шу билан бирга, бу ҳуқуқни тартибга солувчи 12-модда давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли соғлиги ва ахлоқ қоидалари, бошқа шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш мақсадида қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳуқуқ чекланиши мумкинлигини мустаҳкамлайди. Бу турдаги чекловлар намоёишлар ўтқизиш, эркин фикр билдириш, эркин фикрлаш, дин ва эътиқод эркинлиги, тинч йиғилишларга бўлган ҳуқуқларга ҳам татбиқ қилинади.

Пактнинг 14-, 15- ва 26-моддалари айбсизлик презумпцияси, адолатли судлов, жиноят процессининг барча босқичларида айбланувчининг ҳуқуқларини таъминлашни ўз ичига олувчи қонун ва суд олдида тенгликни таъминлашни назарда тутлади.

Алоҳида модда билан ҳар бир шахснинг ҳуқуқ субъектчилигини тан олинишига бўлган ҳуқуқи мустаҳкамланган (16-модда).

Пакт шахсий ва оилавий ҳаётган ўзбошимчалик билан ва ноқонуний аралашувларни тақиқлайди, уй-жой дахлсизлиги ва ёзишмалар сирини муҳофаза этади (17-модда).

Пактнинг 18-19-моддалари фикрлаш эркинлиги, дин ва эътиқод эркинлиги, шунингдек, тўсқинликларсиз ўз фикрини қўллаб-қувватлаш ҳуқуқига бағишланган. Шу билан бирга ҳар қандай урушни тарғиб қилиш, миллий, ирқий ёки диний адоватни қўллаб-қувватлаб чиқиш тақиқланади.

Пактда тинч йиғилишлар ўтқизиш ҳуқуқи ва бирлашиш эркинлиги аниқ тартибга солинган (21-22-моддалар).

Пакт жамият ва давлат томонидан оилани ҳимоя қилиш, шунингдек бола ҳуқуқларига алоҳида моддаларни кўзда тутлади (23-24-моддалар). Таъкидлаш жоизки, айнан Пактнинг ушбу қоидалари кейинчалик Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Аёлларга нисбатан барча турдаги камситишни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенцияларида ўз аксини топган.

Пактнинг 25-моддаси давлат ишларини олиб боришда иштирок этиш ҳуқуқи, овоз бериш ва сайланиш, шунингдек тенг асосларда давлат хизматига ёлланиш каби сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишга бағишланган.

Пактда шунингдек яна бир моддада этник ва диний озчиликларнинг бошқа аъзолар билан биргаликда ўзининг маданиятидан фойдаланиш, ўз динига эътиқод қилиш, шунингдек она тилидан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солиш мустаҳкамланган.

Пактнинг IV қисми (28-45-моддалар) инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитанинг таркиби, функциялари ва ваколатлари, бу органга иштирокчи-давлатларнинг ҳисобот топшириш мажбурияти, шунингдек, давлатлараро хабарларни тақдим қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартибини белгилаб беради.

Пактнинг V ва VI қисмлари якуний қоидалар ва мазкур Пактни имзолаш, ратификация қилиш ва амал қилишига бағишланади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Иккинчи Факультатив протокол ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган бўлиб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 15 декабрь 1989 йилда қабул қилинган. 31 декабрь 2010 йил ҳолатига 26 та мамлакат иккинчи Протокол бўйича мажбуриятларни олишга розилик билдирганлар; бу мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита томонидан амалга оширилади.

Шундай қилиб, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт кенг қамровли ҳужжат бўлиб, унда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг барча кўринишлари бўйича халқаро стандартлар батафсил мустаҳкамланган. Шунга қарамадан ушбу қоидаларнинг кўпчилиги кейинчалик такомиллаштирилиб ва аниқлик киритилиб, Аёлларга нисбатан барча турдаги камситишни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Қийноқларга қарши Конвенциялар каби бошқа инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган.



Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенциялар

Иккита асосий халқаро пактдан ташқари пактлардаги ғоянинг мантиқий давоми сифатида таъкидлаш мумкин бўлган бошқа универсал давлатлараро ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари нисбатан

аниқроқ кўриб чиқилади. Бу ҳужжатларда аёлларга нисбатан камситишни йўқотиш, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қийноқлар ва ирқий камситишни тақиқлаш масалалари кўриб чиқилади.

Улар мазмунига кўра инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро билда бўлмаган ёки етарли даражада инобатга олинмаган ҳолатларни тўлдиради ва аниқлаштиради. Бу универсал ҳужжатлар қийноқлар ва ирқий камситиш ёки нисбатан камроқ ҳимояланган шахслар гуруҳи (аёллар, болалар, меҳнаткаш-

мигрантлар) каби инсон ҳуқуқлари бузилишининг аниқ кўринишлари бўйича халқаро ҳуқуқий актлардир.

Муайян инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган БМТ асосий халқаро шартномалари қаторига қуйидагилар киради:

- Аёлларга нисбатан барча кўринишдаги камситишни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция (1979 й.);

- Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция (1989 й.);

- Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция (1984 й.);

- Ирқий камситишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция (1965 й.):

- Меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция (1990 й.);

- Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (2006 й.) ва бошқалар.

Иккита Пактга қўшимча равишда тўртта катта махсус халқаро шартнома ушбу пактларга амал қилинишини назорат қилиш мақсадида инсон ҳуқуқлари бўйича экспертлар қўмитасини ташкил қилишни кўзда тутди. Бундай шартномаларнинг иштирокчи-давлатлари тегишли қўмиталарга шартномаларнинг бажарилиши ва бунда вужудга келаётган муаммолар кўрсатилган доимий ҳисоботлар тақдим этишга розилик билдирадilar. Қўмита бу ҳисоботларни ва ўзи эга бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа маълумотларни кўриб чиқиб, давлатга ўз зиммасига олган ҳуқуқий мажбуриятларни бажаришга қўмаклашиш мақсадида тавсияномалар бериши мумкин.

Ушбу конвенцияларнинг тафсилотига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Аёлларга нисбатан барча кўринишдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция 1974-1979 йилларда БМТ турли органлари томонидан аёллар ҳолати бўйича Комиссия раҳбарлигида тайёрланган бўлиб, 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган ва 1981 йилда кучга кирган.

Конвенциянинг 1-моддасида аёлларга нисбатан камситиш тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: бу “аёлларнинг оилавий шароитидан қатъи назар, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида тан олинishi, қўлланиши ёки амалга оширилишини сусайтириш ёки йўққа чиқаришга қаратилган жинсий белги бўйича кўра ҳар қандай фарқлаш, истисно қилиш ёки чеклашни англатади”.

2-моддага мувофиқ, ушбу Конвенция иштирокчисига айланган давлатлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:



биринчидан, эркеклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципини, агарда бу ҳозиргача қилинмаган бўлса, миллий конституциялар ва бошқа тегишли қонунларга киритиш ҳамда қонун ва бошқа тегишли воситалар ёрдамида ушбу принципнинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

иккинчидан, хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишини тақиқловчи тегишли қонунчилик чоралари ва бошқа чораларни кўриш, жумладан зарур бўлганда жазоларни қўллаш;

учинчидан, аёллар ҳуқуқларига эркеклар билан тенг асосда юридик ҳимоя белгилаш, тегишли миллий судлар ва давлат муассасалари ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишдан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;

тўртинчидан, ҳар қандай шахс, ташкилот ёки корхона томонидан хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўриш;

бешинчидан, хотин-қизларни камситувчи мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўриш;



Конвенцияни амалга оширилишини назорат қилиш мақсадида аёлларга нисбатан камситишларни барҳам қилиш Қўмитаси ташкил қилинади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 20 ноябрь 1989 йилда қабул қилинган ва 2 сентябрь 1990 йилда кучга кирган. Унинг асосий мақсади бола манфаатларини юқори ҳимоясини

таъминлашдан иборат. Конвенция уни ратификация қилган давлатларни болалар ўз мамлакатларининг ижтимоий ҳаётида фаол ва ижодий қатнашишлари мумкин бўлган шароитларни яратишга чорлайди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг асосий таркиби қуйидагилардан иборат:

биринчидан, 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс бола ҳисобланади, агар миллий қонунчилик вояга етишнинг ёшроқ ёшини назарда тутмаган бўлса;

иккинчидан, Конвенция фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларнинг бутун мажмуини қамраб олади ва бир ҳуқуқнинг амалга оширилиши иккинчи ҳуқуқнинг амалга оширилишидан ажралмаслигини тан олади;

учинчидан, ўз интеллектуал, ахлоқий ва руҳий имкониятларини ривожлантириш учун болага зарур эркинлик атроф-муҳитнинг соғломлиги ва хавфсизлиги даражаси, соғлиқни сақлашга имкониятларнинг мавжудлиги

ва овқатланиш, кийим ва уй-жойга боғлиқлигини Конвенция кўрсатиб беради;

тўртинчидан, Конвенциянинг муҳим принципи бу камситиш қилмасликдир. Болалар ўз ҳуқуқларидан ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати, соғлиғининг ҳолати ва боланинг туғилиши, ота-онаси ёки қонуний васийлари ёки бошқа ҳар қандай ҳолатлардан қатъий назар ҳеч қандай камситишсиз фойдаланишлари лозим;

бешинчидан, Конвенция болаларни эксплуатациянинг ҳар қандай кўринишидан ҳимоя қилиб, миллий озчилик вакиллари ва туб халқларнинг болалари масаласи, шунингдек, гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қилиш ва болаларга ғамхўрликнинг мавжуд эмаслигини кўриб чиқиб, инсон ҳуқуқларининг ҳуқуқӣ чегараларини кенгайтиради;

олтинчидан, Конвенцияда жиноий фаолиятга жалб қилинган болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган аниқ қоидалар мавжуд;

еттинчидан, Конвенция оила ва ота-онанинг болаларга ғамхўрлиги ва уларнинг ҳимоясидаги муҳим ролини, шунингдек, давлатнинг ота-оналарга ўз мажбуриятларини бажаришда ёрдамлашиш мажбуриятини тан олади.

Ушбу Конвенцияга амал қилиниши устидан назоратни амалга ошириш бола ҳуқуқлари бўйича Кўмига юклатилган.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, ноинсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция 10 декабрь 1984 йилда қабул қилинган ва 26 июнь 1987 йилда кучга кирган.



Конвенциянинг қатнашчи-давлатлари ўз юрисдикцияларидаги ҳар қандай ҳудудда қийнаш актларининг олдини олиш учун самарали қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа чораларни қўллаш мажбуриятини оладилар. Уруш ҳолатими ёки уруш хавфими, ички сиёсий берқарорликми ёки бошқа исталган фавқулодда ҳолат эканлигидан қатъи назар, қийноқни оқлашга хизмат қилолмайди.

Конвенциянинг муҳим ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, у иштирокчи-давлатлар ўз миллий қонунчилигида қийноқларни тўлиқ тақиқлашини назарда тутди;

иккинчидан, унда юқори турувчи раҳбар буйруғи ва ҳеч қандай истисно ҳолатлар қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турлари ва жазоларни оқлаш учун хизмат қилмаслиги мустаҳкамланган;

учинчидан, у ҳар қандай қийноқни қўллаган шахс ҳар қандай иштирокчи-давлат ҳудудида суд таъқибига олиниши мумкинлигини

ўрнатади. Ҳар қандай қийноқ актини содир қилганликда гумон қилинаётган шахс суд жавобгарлигига тортилиши ёки суд жавобгарлигига тортиш мақсадида ҳудудида жиноят содир қилган қатнашчи-давлатга ушлаб берилиши мумкин;

тўртинчидан, у агар қайсидир иштирокчи-давлат ҳудудида тизимли қийноқлар қўлланилиши ҳақида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда халқаро суриштирувни амалга оширишни кўзда тутади. Иштирокчи-давлатнинг розилиги билан бундай суриштирув унинг ҳудудини кўздан кечиришни ҳам кўзда тутиши мумкин.

Мазкур Конвенциянинг амалга оширилишини қийноқларга қарши Қўмита кузатади.

Ирқий камситишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция 21 декабрь 1965 йилда қабул қилинган ва 4 январь 1969 йилда кучга кирган. У ҳар бир шахсга тенглик ва камситмаслик принципини тўлиқ амалга оширишни кафолатлайди. Конвенция ирқий камситишларни барча шаклларида ва кўринишларини йўқ қилиш, олдини олиш ва ирқийлик назариялари ва амалиётини тугатиш, ҳамда барча ирқий сегрегация ва ирқий камситишлардан ҳоли бўлган халқаро жамият яратишга йўналтирилган.

Мазкур Конвенциянинг иштирокчи -давлатлари ирқий камситишларни унинг барча шаклларида йўқ қилиш ва ирқи, терисининг ранги, миллий ёки этник келиб чиқишидан қатъий назар қонун олдида тенгликни кафолатлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни таъминлаш мажбуриятини оладилар. Бундай ҳуқуқлар қаторига меҳнат қилиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларига бирлашиш ва уй-жойга бўлган ҳуқуқлар аниқ қилиб киритилган.

Ушбу Конвенциянинг амалга оширилишини ирқий камситишни тугатиш Қўмитаси кузатади.

Юқорида санаб ўтилган конвенциялар бир томондан, инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан назорат қилишнинг асосий халқаро механизми бўлса, иккинчи томондан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш механизмларини таклиф қилади.

3-САВОЛ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ МИНТАҚАВИЙ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР



1948 йилда Инсон ҳуқуқ ва мажбуриятлари Америка декларацияси қабул қилинган.

1950 йилда Европа Кенгаши Инсон ҳуқуқ ва асосий эркинликларининг ҳимояси тўғрисидаги Европа конвенциясини.

1960 йилда Европа ижтимоий хартиясини қабул қилди.

1969 йилда Америка қитъаси давлатлари Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясини тасдиқладилар;

Африка давлатлари - Африка бирлиги ташкилоти аъзолари 1981 йилда Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка хартиясини қабул қилдилар.

Ва ниҳоят, 1994 йилда Араб давлатлари Лигаси доирасида Инсон ҳуқуқлари Араб хартияси қабул қилинди.

Ҳар бир минтақавий манба халқаро ёки бошқа минтақавий манба билан таққослаганда ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Масалан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси Конвенциянинг давлат-қатнашчилари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан халқаро назоратни амалга оширувчи самарали тизим яратишни кўзда тутди. Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси коллектив деб номланувчи ҳуқуқлар киритилган. Америкалараро назорат тизими нафақат Конвенция иштирокчиларига, балки муайян шартларда Конвенцияга қўшилмаган Америка давлатлари ташкилоти аъзоларига ҳам татбиқ қилинади.

Европа Кенгаши доирасида умуметироф этилган инсон ҳуқуқлари европа тизимининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

1. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенцияси (1950 й.);

2. Қийноқлар ва инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазонинг олдини олиш бўйича Европа конвенцияси (1987 й.);

3. Европа ижтимоий хартияси (1961 й.);

4. Миллий озчиликларни ҳимоя қилиш бўйича доиравий конвенция (1995й.);

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенциясини 41 та давлат-аъзо ратификация қилган. Ушбу мамлакатларнинг ҳар бири инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг юрисдикцияси, шунингдек индивидуал шикоятлар бериш ҳуқуқини ихтиёрий равишда тан олади. Конвенция ўзида халқаро шартномани мужассамлаштириб, унга кўра Европа Кенгашининг барча аъзо-давлатлари ўз юрисдикцияларида бўлган шахсларга энг асосий баъзи ҳуқуқларни кафолатлаш мажбуриятини олганлар. Давлат-иштирокчиларнинг миллий қонунчилиги Конвенция принципларига мувофиқ бўлиши лозим.

Айтиш мумкинки, Европа суди фуқаролар эркинликлари бўйича Ғарбий Европа конституциявий судига айланди. У томонидан кўриб чиқилган ишлар нуктаи назаридан Суд томонидан яратилган прецедент ҳуқуқи нисбатан кенг ва унинг аҳамияти доимий ошиб бормокда.

Умуметироф этилган инсон ҳуқуқлари америка тизими манбаалари тизимига иккита ҳуқуқий ҳужжат – Америка давлатлари ташкилотининг Устави ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси киради.

Америка давлатлари ташкилотининг Устави – инсон ҳуқуқ ва мажбуриятлари Америка декларацияси (1948 йил). Америка давлатлари ташкилотининг Устави 1951 йилда кучга кирган бўлиб, инсон ҳуқуқларига бағишланган фақатгина бир нечта қоидалардан иборат. Уларда бири 5-моддаси (муқаддам 3-модда) бўлиб, унга кўра Уставни имзолаган давлатлар индивиднинг асосий ҳуқуқларини ирқи, миллати, дини ёки жинсига кўра ҳеч қандай ажратишларсиз риоя қилиш мажбуриятини оладилар. Инсон ҳуқуқларига ҳавола қилиш 16-модда (муқаддам 13-модда) да мавжуд.

Америка давлатлари ташкилотининг Низоми тасдиқланган Конференцияда шунингдек, инсон ҳуқуқ ва мажбуриятлари Америка декларацияси ҳам қабул қилинган бўлиб, унда 27 та инсон ҳуқуқлари ва 10 та мажбурияти эълон қилинган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси (1969 йил) 12 хил умумий категориядаги фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни, масалан ҳуқуқ субъектчилигини тан олиш ҳуқуқи, яшаш ҳуқуқи, инсоний муомалага, адолатли судловга, мулкка, бирлашиш эркинлигига бўлган ҳуқуқларни кафолатлайди.

Конвенцияга қўшимча протокол иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга оид бўлиб, Сан -Сальвадор протоколи сифатида ном қозонган ва 1988 йилда қабул қилинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия. Бу Комиссиянинг функциялари инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясининг 41-моддасида мустаҳкамланган. Бу модда Комиссиянинг функцияларини Америка давлатлари ташкилотининг органи сифатида белгилаб беради ва уни Конвенциянинг 44-51-моддаларида мустаҳкамланган “петициялар ва бошқа мурожаатлар бўйича ўзининг бошқаруви доирасига мувофиқ чоралар кўриш”га ваколат беради.

Конвенцияга мувофиқ Комиссия петиция ва давлатларнинг бошқа мурожаатларини кўришга ваколатли. Петициянинг ўринлилиги тўғрисидаги қарор бир қатор шартларга боғлиқ, қисман халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган принципларига мувофиқ барча ички ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан ўтилганлигига боғлиқ. Бундан ташқари, Комиссияга петиция тахминий мавжуд бўлган ҳуқуқбузилишининг жабрланувчиси муайян иш бўйича миллий суднинг охириги қарори қабул қилинганлиги ҳақида хабардор қилингандан сўнг фақатгина олти ойлик муддат ичида берилиши мумкин. Шикоят ўринли деб топилган тақдирда Комиссия тақдим қилинган маълумотларни кўриб чиқади, ҳуқуматдан керакли маълумотларни сўрайди ва фактларни ўрганади. Бу жараён доирасида Комиссия шикоят берган шахс ва ҳуқумат вакили иштирокида мажлис ўтказади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича америка давлатлараро суд тарафлар ўртасида низоларни кўриш



юрисдикциясига эга, хусусан, давлат-иштирокчилардан бири Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясига риоя қилмасликда айбланган ишларни ҳал қилиш юрисдикциясига эга. Шунингдек, у Конвенция ва инсон ҳуқуқлари бўйича муайян шартномалар бўйича тавсиявий ҳулосалар чиқариши мумкин. Иш ўз иш юритувига берилган тақдирда Суд инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро Комиссия томонидан кўриб чиқилган фактлар ва ҳуқуқ масалаларни ҳам кўриб чиқишга ваколатли. Суд етказилган зарарни пул кўринишида қоплаш тўғрисида қарор чиқаришга ва белгиланган даъво бўйича нафақат ҳуқуқ бузилишини, балки давлатлар ушбу ҳуқуқбузилиши билан боғлиқ равишда қўллаши лозим бўлган чораларни ҳам белгилаб қарор чиқаришга ваколатли.

Африка қитъаси 1981 йилдаги инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка хартиясининг таркиби ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қитъа давлатларининг ҳамкорлигига таъсир кўрсатган ўзининг махсус жиҳатларига эга. Африка давлатлари инсон ва халқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлигининг асосида кенг маънода ривожланиш (иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ривожланиш) назарияси ётади. Инсон ҳуқуқларини замонавий шарҳлаш нуқтаи назаридан европа ва африка моделларини уйғунлаштириш бу соҳада тараққиётга эришишнинг энг мақбул йўлидир.

Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка хартиясининг қабул қилиниши инсон ва халқлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги минтақавий тизимлар шаклланишининг манتيкий давоми бўлди. Африка хартияси, бир тарафдан, африка цивилизациясининг қадриятлари ва одатларига таянса, иккинчи тарафдан, БМТ Устави, инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро пактлар, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг қатор резолюция ва декларацияларида мужассамлашган инсон ва халқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал тизимига асосланади.

Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка хартияси муқаддимаси ва 68 моддадан иборат 3 қисмдан ташкил топган. I қисм ҳуқуқ ва мажбуриятларга бағишланган бўлиб, инсон ва халқлар ҳуқуқлари (1-26-моддалар) ва мажбуриятлар (27-29-моддалар) баён қилинган икки бобга ажратилган. II қисм кафолатларга бағишланган бўлиб, инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка Комиссияини ташкил қилиш (30-44-моддалар), Комиссиянинг ваколатлари, унинг ўз функцияларини амалга ошириш жараёни ва принципларига оид (45-63 моддалар) уч бобга ажратилган.

Мазмунан Африка хартиясини иккита асосий қисм: халқар ҳуқуқлари ва шахснинг индивидуал ҳуқуқларига ажратиш мумкин.

Африка хартияси декларациялар, конвенциялар шунингдек БМТнинг ва унинг махсус муассасаларининг бошқа ҳужжатларида, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро пактлар, бошқа минтақавий ташкилотлар ҳужжатларидаги қоидаларга

таянади. Кўпгина инсон ҳуқуқлари бўйича энг муҳим қоидалар аниқлаштирилиб, ўзларининг кейинги такомиллашувларини Африка қитъасининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда Хартияда акс эттирилди.

Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка хартиясиди ва бошқа амалда бўлган халқаро ҳужжатларда мавжуд бўлган инсон ва халқлар ҳуқуқлари ўртасида чегара белгилаш лозим бўлиб, бунда нима Хартияга қадар ўрнатилган ва нима биринчи марта Хартияда ўрнатилганлигига алоҳида эътибор қаратиш жоиз.

Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка хартиясиди ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган халқлар ҳуқуқларини таҳлил қилиб, уларнинг барчаси африка мамлакатлари олдида турган нисбатан муҳим вазифаларни ҳал қилишга: сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини деколонизация қилиш, бирдамлик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган африка давлатлари ҳамкорликни ривожлантириш, қитъадаги можароли вазиятларни тартибга солиш, халқаро иқтисодий муносабатларни қайта қуришга қаратилганлигини фарқлаш қийинчилик туғдирмайди.

Бундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, Африка хартиясиди баъзи халқлар ҳуқуқлари таркибига қатор янги элементларни олиб келди. Масалан, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, яъни бир халқнинг бошқа халқ устидан ҳукмронлиги “сиёсий, иқтисодий ҳукмронлик ёки маданият соҳасидаги ҳукмронлик” каби кенг маънода талқин қилиниши мустаҳкамланди. Хартияда ўзининг озодлиги учун халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган ҳар қандай воситалар билан, ҳаттоки қуролли курашга қадар курашишнинг ҳуқуқийлиги кўрсатилди.

Эътироф этиш мумкинки, Африка хартиясиди ўзида бир қатор сиёсий ва фуқаролик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий каби индивидуал инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро универсал ва минтақавий ҳужжатларда тартибга солинган инсон ҳуқуқларини ҳам мужассамлаштирган. Хартияда бу ҳуқуқларни мустаҳкамловчи ушбу қоида африка тараққиётининг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда Африка хартиясиди акс эттирилганлиги сабабли бошқа халқаро ҳужжатлардаги қоидалар билан айнамаслигини таъкидлаш лозим.

Шахс индивидуал ҳуқуқларини минтақа давлатларида амалга оширилишининг ўзига хослиги шунингдек, индивиднинг оила, жамият, давлат ва бошқа қонун билан тан олинган ташкилотлар ва умуман халқаро ҳамжамият олдидаги муайян мажбуриятларини белгилашда ҳам инобатга олинган.

Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссиясининг асосий функциялари инсон ва халқлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва тегишли нормаларни ишлаб чиқишдан иборат ва шунингдек, давлатлардан ахборот ва “бошқа ахборотлар” олиши ва кўриб чиқиши мумкин. Бунда “бошқа ахборотлар” деганда алоҳида шахслар, шахслар гуруҳи, шунингдек,

инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи ташкилот ёки муассасаларнинг ахборотлари киради.

Араб лигасини ташкил қилувчи Пакт 1952 йилда кучга кирган ва БМТ



Низоми VIII бобининг мазмунини (БМТ Низоми принципларига мувофиқ минтақа давлатлари ҳамкорлигининг ммақсади митақада тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш) минтақавий келишув шаклида расман мустаҳкамлаган.

Умуئےтироф этилган

инсон ҳуқуқларининг ислом тизими манбаларига қуйидагилар киради: Инсон ҳуқуқлари Умумислом Декларацияси (1981 йил); Исломда инсон ҳуқуқлари қоҳира декларацияси (1990 йил); Инсон ҳуқуқлари Араб хартияси (1994 йил).

Декларациясининг киришида инсон ҳуқуқларининг диний келиб чиқишига биноан “ҳеч қайси раҳбар ёки ҳукумат, ҳеч қайси ассамблея ёки ҳокимият ҳар қандай шаклда Оллоҳ томонидан берилган инсон ҳуқуқларини чеклаши, бекор қилиши ёки бузиши мумкин эмас, шунингдек ҳеч ким улардан воз кеча олмайди” дея таъкидланади.

Инсон ҳуқуқларига исломий ёндашувнинг муҳим элементи шундаки, улар “бутун ислом тартибининг таркибий қисми ҳисобланади”.

Декларация муаллифлари дахлсиз ва ажратилмас инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни ислом томонидан берилган сифатида кўриш мажбуриятини оладилар.

Инсон ҳуқуқлари Умумислом Декларацияси ноҳукумат ташкилоти томонидан қабул қилинганлиги сабабли мажбурий хусусият касб этмайди. У универсал халқаро-ҳуқуқий нормларнинг асосий қоида ва принципларидан келиб чиқади, бироқ давлатлар олдига муайян кафолатларни таъминлаш ва унинг қоидаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш вазифасини кўймайди. Ўтироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлар ўзининг таркиби ва шарҳлаш имкониятидан келиб чиқиб, ислом ҳуқуқи ва ундан келиб чиқувчи қонун ҳужжатларига боғланган бўлиб, бу ушбу ҳужжатга анъанавий хусусият бағишлайди ва бу соҳада қатор “Ислом бирдамлиги” ҳаракати аъзо-давлатларида ҳуқуқий амалиёт билан номутаносиблигини кўрсатади.

Осиё-Тинч океани минтақаси БМТ томонидан белгиланган географик минтақалар ичида ўзининг мустақил инсон ҳуқуқлари ҳимоя тизимига эга бўлмаган минтақа ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири бу Осиё-Тинч океани минтақаси Америкадаги Америка давлатлари ташкилоти, Европада Европа Кенгаши, Африкада Африка Иттифоқи каби минтақавий сиёсий бирлашмага эга эмаслигидир. Ушбу минтақаларнинг барчасида айнан ушбу бирлашмалар инсон ҳуқуқлари тизимини яратиш ва уларга риоя

қилиниши устидан назоратни ташкил қилишга туртки бўлган эди. Осиё-Тинч океани минтақаси мустақил инсон ҳуқуқлари ҳимоя тизимига эга эмаслигини асословчи бошқа омиллар минтақанинг кенглиги ва бир турли эмаслиги билан боғлиқ. Ушбу минтақа мамлакатлари ягона дин, маданият ёки тарих билан боғлиқ эмас, уларда турли сиёсий ва ижтимоий шароитлар мавжуд ва Осиё бир бутун сифатида ҳаракат қилиши учун хизмат қила оладиган умумийлик учун ҳақиқий асослар мавжуд эмас.

БМТ дунёнинг ушбу қисмида ягона минтақавий келишув яратишга қаратилган салмоқли ҳаракатларни амалга оширмоқда. Бироқ, бу сайъ-ҳаракатлар ўз маҳсулини бериш имконияти эҳтимолдан узоқ бўлиб, ҳеч бўлмаганда яқин келажақда.

Баъзи мутахассисларнинг эътироф этишича, субминтақавий тузилмалар (масалан, Жанубий-Шарқий Осиё) нисбатан ҳақиқатга яқинроқ ва ўз-ўзидан уларнинг ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш жоиз. Бошқаларининг фикрича, дунёнинг бу қисмида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши тизимини ташкил қилиш ҳаракатлари самарасиздир ва ҳаттоки, агар муваффақият қозонган тақдирда ҳам, бунинг натижаси ўлароқ жуда заиф ва самарасиз тузилма ташкил қилинади.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

1. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси фанининг услублари, тизими ва аҳамияти;
2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумий таснифи ва характеристикасини ўрганиб чиқиш;
3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари бўйича халаро стандартларни амалга оширишни ўрганиб чиқиш;
4. Ички ишлар органлар вазифасини ҳал этишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни ўрганиб чиқиш;

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО БИЛЛНИНГ ЮРИДИК МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

Ушбу ўқув машғулоти «**САВОЛ-ЖАВОБ**» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Савол-жавоб» методи мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.



Ўқув саволлари.

1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро механизмнинг умумий тавсифи?
2. Инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш бўйича БМТ тузилиши?
3. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича европа ҳамда бошқа минтақавий халқаро ташкилотлар?
4. Ўзбекистон республикаси ички ишлар органлар ходимлари учун инсон ҳуқуқларининг аҳамиятини белгилаб берувчи омиллар?
5. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг мазмуни ва моҳияти?
6. Сиёсий ҳуқуқларнинг таркиби, тушунчаси ва турлари?
7. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларнинг тушунчаси, таркиби, турлари?
8. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси фанининг предмети ва вазифалари?

5.2-МАВЗУ: « ҚИЙНОҚ, МУОМАЛА ВА ЖАЗОЛАШНИНГ ҚАТТИҚ, ШАФҚАТСИЗ, ИНСОНИЙЛИККА ЗИД ЁКИ ҚАДР-ҚИММАТИНИ КАМСИТУВЧИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ ВА УНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН АҲАМИЯТИ »

РЕЖА:

1. Қийноққа солиш жинояти учун жавобгарлик масаласида жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5163 – сонли қарорининг мазмуни.

3. Қийноққа қарши конвенция ва унинг ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти.

1-САВОЛ. ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИДА ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР.

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-моддаси) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: «ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас», — деб мустақкамлаб қўйилган. Конституциянинг ушбу 26-моддаси 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 5-моддасига мос келади.

Конституция қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадрқимматни камситувчи ҳисобланган муомала ҳамда жазо турларини қўллашни тақиқлашни талаб қилувчи халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган принциплари ва нормалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида амалга оширилишига замин яратади. Қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари халқаро ҳамжамият томонидан ғайриинсоний ва йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат сифатида тан олинади. Амалда қийноққа солиш, масалан, 1949 йил 12 августдаги ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Конвенция, 1966 йил 19 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, 1995 йил 26 майдаги Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги МДҲ Конвенцияси, 1984 йил 10 декабрдаги Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция ва бошқа қатор ҳужжатларда тақиқланган. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадрқимматни камситувчи турларини қўллашни ҳеч бир мансабдор шахснинг буйруғи, ҳеч қандай фавқулодда

ҳолат, уруш ҳолати ёки уруш хавфи, миллий хавфсизликка таҳдиди, ички сиёсий беқарорлик ёки бошқа ҳар қандай тасодиф билан оқлаб бўлмайди.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларини қўллаш жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи ҳаракат ҳисобланади. Қийноққа солиш фактининг ўзи халқаро ҳамжамият томонидан халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва нормаларини бузувчи оғир ҳуқуқбузарлик, инсонга қарши жиноят сифатида тан олинади.

Мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодекси қийноқ сифатида тан олинган ҳаракатни амалга оширгани учун жавобгарликни аввал бошдан оқ халқаро ҳуқуқ талабларига асосан белгилаган. Лекин халқаро ҳуқуқнинг амалда қийноқни тақиқлаш ва айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилувчи нормаларининг имплементацияси тарқоқ ва тизимга солинмаган эди. Хусусан, «қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турлари» тушунчаси бўлмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни жиноят қонунчилигидаги мазкур камчиликни бартараф этди ҳамда унга изчиллик ва тизимлилик бахш этди.

Жиноятнинг асосий бевосита объекти шахснинг кадр-қимматини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, ҳар бир шахснинг ўзига нисбатан инсоний муносабатда бўлишни талаб қилиш ҳуқуқи, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг қонунда белгиланган ўтказилиш тартиби ҳисобланади. Қўшимча бевосита объект қийноққа солинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи, унинг шаъни ва кадр-қимматидир.

Мазкур жиноятни содир этилишида: маъмурий қамоққа олинган шахс, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, маҳкум, жиноий процесснинг бошқа иштирокчиси, ёхуд уларнинг яқин қариндошлари жабрланувчи бўлишлари мумкин.

Объектив томондан шарҳланаётган жиноят қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазонинг қўлланилишида, яъни маъмурий қамоққа олинган шахсга, гумонланувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки жиноий процесснинг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкум ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан таҳдид қилиш, зарба бериш, уриш-тепиш, қийноққа солиш, азоб бериш ёки бошқа ноқонуний ҳаракатларни содир этиш орқали ноқонуний руҳий, психологик ёки жисмоний таъсир ўтказишда ифодаланади.

Шарҳланаётган модда матнидаги **қийноқ** сифатида жабрланувчи шахсга нисбатан қасддан етказилган кучли оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб бериш тарзидаги ҳар қандай ҳаракат тушунилади. Бунда шуни инобатга олиш керакки, «шафқатсиз, инсонийликка зид муомала ва жазо»дан фарқли

ўлароқ, қийноқ анчагина кучли ва шафқатсиз азоб бериш билан тавсифланади. «Қийноқ» тушунчаси билан «инсонийликка зид ёки кадрқимматни камситувчи муомала» тушунчаси ўртасидаги фарқ азоб бериш интенсивлиги ҳар хиллигида ифодаланади. Қийноқ шафқатсиз муомаланинг нисбатан оғир тури ҳисобланади. Бундан ташқари, қийноқ ҳар доим кадрқимматни камситувчи муомала бўлган.

Мунтазам равишда инсонийликка зид ёки шафқатсиз муомаланинг қўлланилиши, у оддий қийноқдагига хос бўлган жиддий оқибатларни келтириб чиқармаса ҳам, қийноқ сифатида тан олинishi керак.

Ғайриинсоний муомала ёки жазо деганда, интенсивлик нуқтаи назаридан қийноқ пайтида етказилган азобга нисбатан заиф бўлган кучли жисмоний ёхуд руҳий азоб беришни тушуниш керак. Шафқатсиз ёки ғайриинсоний муомала турлари жабрланувчининг узлуксиз вақт мобайнида ёмон санитария шароитида бўлиши ва унга тиббий ёрдам зарур бўлган шароитда тиббий ёрдамсиз қолиши, узоқ вақт мобайнида озиқ-овқат, сув ва бошқалардан маҳрум этиш орқали жиддий маънавий азоб беришдан иборат бўлиши мумкин.

Қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо — бу жабрланувчини ҳақоратлаш, камситиш ёки жисмоний ва маънавий қаршилигини синдириш учун қўрқув, тушкунлик ва номукамаллик ҳиссини уйғотишга қаратилган муомала. Қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига мисол тариқасида жабрланувчининг қонуний ҳаракатини таъминлаш учун зарур ҳисобланмаган жисмоний куч ёки руҳий таъсир ўтказишни кўрсатиш мумкин.

Муомала ва жазолашнинг қийноқ ҳамда инсонийликка зид, шафқатсиз ёхуд қадр-қимматни камситувчи турлари ҳам жисмоний, ҳам руҳий таъсир, психологик босим ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда **босим ўтказиш** деганда, жабрланувчига унинг хоҳишига қарши амалга ошириладиган ва унга аниқ жисмоний ёхуд руҳий азоб берадиган, яъни зўравонлик ҳисобланадиган таъсир этишни тушуниш керак.

Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддаси диспозициясида жисмоний, руҳий зўрлик ёхуд психологик босим ўтказиш усуллари кўрсатилган: қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ва бошқалар. Мазкур рўйхат мукамал ҳисобланмайди ва бошқа ҳаракатлар ҳам жисмоний, руҳий ёхуд психологик босим таъсирлар тушунчасига мос тушиши мумкин, уларнинг ноқонуний характерда эканлиги белгиларидан аниқланади. Масалан, шарҳланаётган моддага асосан таъқиб қилинадиган хатти-ҳаракат деб, шунингдек, озиқ-овқат ва сувдан маҳрум қилиш, шовқин орқали таъсир ўтказиш, уйқудан маҳрум қилиш, девор олдида туришдан тортиб ва тергов ҳаракатини олиб бориш тартиби ҳамда шартларини бузиш ва бошқалар ҳисобланади.

Шуни назарда тутиш лозимки, жабрланувчига фақат қонуний санкция орқали юзага келувчи, ушбу санкциялардан ажратиб бўлмайдиган ёки улар

орқали тасодифан етказилган оғриқ ва азоблар қийноқ, ғайриинсоний, шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо ҳисобланмайди.

Психологик босим – бу бошқа инсоннинг танасига эмас, балки бошқа одамларнинг руҳий ҳолатига, ҳиссиётларига, хаёлига таъсир кўрсатишдир.

Қийноққа солиш, шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолар жабрланувчига фақат қонуний санкциялар натижасида, бу санкциялардан ажралмаган ҳолда ёки улар томонидан кўкқисдан юзага келадиган оғриқ ва азоб етказиш ҳисобланмаслигини инобатга олиш лозим.

Шахснинг хатти-ҳаракатларини қийноқ сифатида, шунингдек, ғайриинсоний, шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турлари деб тан олиш учун жисмоний ёки руҳий таъсирнинг йўналтирилишини аниқлаш зарур. Қонунда тўғри кўрсатилганидек, жисмоний ёки руҳий таъсирни шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилинадиган жиноят сифатида квалификация қилиш учун у бир гуруҳ шахсларга, яъни, гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчиси ёхуд жазони ўтаётган маҳкум ёки уларнинг яқин қариндошларига қарши қаратилган бўлиши лозим. Мазкур шахсларнинг рўйхати тугал ва кенгайтириб талқин этиш мумкин эмас. Мазкур шахслар барча жиноят процесси фаолиятининг субъекти ҳисобланади ва уларнинг қонуний мақоми амалдаги қонунчилик орқали тартибга солинган.

Кўрсатилган шахсларга нисбатан жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказиш ҳам бевосита, ҳам унга яқин кишиларга нисбатан амалга оширилиши мумкин. Мисол учун, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг жабрланувчи, гумон қилинувчи ёхуд айбланувчининг қонуний вакилларига, ҳимоячига ёки бошқа шахсларга таъсири қийноқ сифатида тан олинади. Бунда таъсирни жабрланувчига нисбатан қийноқ сифатида, таъсирнинг бевосита объекти ҳисобланган бошқа шахсга нисбатан эса шахсга нисбатан тегишли жиноят сифатида квалификация қилиш керак. Масалан, айбланувчини ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими томонидан унинг ҳомийси соғлиғига зарар етказилган, натижада айбланувчи ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур бўлган. Ходимнинг ҳаракати амалдаги ЖК 235-моддаси бўйича айбланувчига нисбатан қийноқ ва ҳомийнинг соғлиғига қарши жиноят сифатида Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича квалификация қилиниши керак.

Субъектив томондан шарҳланаётган жиноят тўғри қасд ва субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланган махсус мақсаднинг мавжудлиги билан тавсифланади. Бунда шунини назарда тутиш керакки, қонун томонидан жиноятни содир этиш мақсади муқобил тартибда аниқланади, яъни ҳаракатни ЖК 235-моддаси бўйича жиноят деб тан олиш учун субъект қуйидаги мақсадларга эришишга ҳаракат қилиши лозим:

- а) бирор-бир ахборот олиш;
- б) жиноят содир этганликка иқроқ бўлиш;

- в) содир қилинган жиноят учун ўзбошимчалик билан жазолаш;
- г) жабрланувчини муайян ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш.

Мақсаднинг конкрет йўналтирилганлиги жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин суд томонидан жазони индивидуаллаштириш пайтида инобатга олиниши мумкин. Қилмишнинг мотиви ҳам жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жазони индивидуаллаштиришда инобатга олиниши мумкин. Қоида тариқасида ғаразғўйлик, моддий манфаатдорлик, мансабпарастлик, нотўғри тушунилган адолат ҳисси, ўзини намоён қилишга интилиш ва бошқалар мотив бўлиши мумкин.

Жиноят суриштирувчи; терговчи; прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг бошқа ходими, жазони ижро этиш муассасаси ёки бошқа давлат органи ходими томонидан, ёхуд бошқа шахслар давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг розилиги ёки ифвогарлиги билан содир этилиши мумкин.

Суриштирувчи — суриштирув органининг бошлиғи ёки шундай органларнинг мансабдор шахсига суриштирув органи бошлиғининг топшириғига биноан: жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик; далилларни тўплаш ва сақлаш; жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш; жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритувчи шахс. Суриштирув органларининг рўйхати ЖПК 38-моддасида кўрсатилган ва бу рўйхат тўлиқ ҳисобланади.

Терговчи — вазифаси дастлабки терговни олиб бориш бўлган, қонунда белгиланган тартибда прокурор, ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати органларидан тайинланган шахс.

Прокурор — бу прокуратура органларининг суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс.

Шуни назарда тутиш керакки, шарҳланаётган модданинг матнидаги шахсни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор сифатида, фақат иш бўйича шахсларга нисбатан жиноят субъекти томонидан жисмоний ёки руҳий акт ҳисобланган қийноқ ёки шафқатсиз, инсонийликка зид, унинг кадрқимматини камситувчи ҳаракатлар содир этилаётган жиноят иши бўйича масъул бўлсаларгина, тан олиниши мумкин. Акс ҳолда, шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатида тан олиниши керак.

Масалан, қийноққа солиш:

— терговчи томонидан содир этилган деб — агар айбдор мансабдор шахс бўлиб, дастлабки тергов юритилаётгани маълум бир аниқ иш бўйича масъул бўлсагина;

— ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа шахслари томонидан содир этилган деб — гарчи у штат жадвалида терговчи

лавозимида туриб, жиноят ишларини тергов қилаётган бўлса-да, муайян бир иш бўйича дастлабки терговни юритишда масъул ҳисобланмаса, топилади.



Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа ходимлари деб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг штат ходими ҳисобланган, одил судловни амалга оширишга қўмаклашувчи, лекин юритилаётган жиноий иш учун масъул бўлмаган шахслар тушунилиши мумкин. Бундай ходимлар жумласига оддий милиция ходимлари, солиқ хизмати, Миллий хавфсизлик хизмати ва техник функцияларни амалга оширувчи бошқа: гумон қилинувчи ёки айбланувчини қўриқлаш, назорат қилиш ва бошқа ишларни бажарувчи шахслар киради.

Жазони ижро этиш муассасасининг ходими деб, мансаб ваколатидан қатъи назар, мазкур муассасанинг штат жадвали бўйича ходим ҳисобланган шахсларни, агар улар қийноқдан жабрланганга боғлиқ бўлган жиноий иш бўйича суриштирувчи бўлмасаларгина, ҳисоблаш лозим. Акс ҳолда, мазкур шахс суриштирувчи ҳисобланиши керак. Масалан, жазони озодликдан маҳрум этиш тарзида ўташ колонияси раҳбари жазони ижро этиш муассасаси ходими сифатида тан олинishi лозим, лекин колонияда жиноят содир этилса, у бу иш билан боғлиқ бўлган шахсга (жабрланувчи, гумонланувчи, гувоҳга) нисбатан суриштирувчи мақомига эга бўлади.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига биноан қуйидагилар жазони ижро этиш бўйича муассасалардир:

— суд (ижрочилари)– жарима тарзидаги жазога нисбатан;

— ички ишлар органлари — муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари, озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш каби жазоларни ижро этиш бўйича. Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзидаги ҳукм талаблари судланганнинг иш жойи маъмурияти томонидан, шунингдек, муайян иш фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан бажарилади;

— ҳарбий қисм бошлиқлари — хизмат бўйича чеклаш тарзидаги жазони ижро этиш бўйича ҳарбий хизматчиларга нисбатан;

— махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар — интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазога нисбатан;

— унвон берган орган — ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш кўринишидаги жазога нисбатан, муассасалар ҳисобланади.

Агар таҳлил қилинаётган жиноят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими бўлмаган шахс томонидан (масалан, терговчининг жамоатчи ёрдамчиси, суриштирувчи ёхуд унинг қариндошлари ва бошқалар), лекин

суриштирувчи, терговчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бошқа ходимининг фитнаси, иғвоси, рухсати ёки номига розилиги билан содир этилган бўлса, унинг ҳаракати ЖК 28-моддаси 5-қисми, 235-моддаси бўйича жиноят содир этишда воситаларни етказиб берганлик белгисига кўра қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларини қўллашда ёрдамчилик қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Суриштирувчини, терговчини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бошқа ходимини, ўз навбатида, жиноят содир этишда бошқа воситалардан фойдаланиш белгисига кўра, ЖК 235-моддаси бўйича иштирокчи сифатида жавобгарликка тортиш керак (ЖК 28-моддаси 2-қисми).

Таҳлил қилинаётган жиноят формал таркибли қилмиш сифатида белгиланади, яъни уни тугалланган жиноят сифатида тан олиш учун қонунга ҳилоф бирорбир оқибат келиб чиқиши талаб этилмайди.

Жиноят жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатилган пайтдан бошлаб



тугалланган ҳисобланади.

ЖК 235-моддасининг 2-қисми кўриб чиқиладиган жиноятнинг квалификацияловчи турларини содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутади.

Квалификацияловчи белгилар сифатида қуйидагилар намоён

бўлади:

а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёхуд шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;

б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) такроран;

д) кекса шахсга ёки ночор аҳволдаги шахсга, вояга этмаган шахсга ёхуд ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

э) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

ж) ҳаётга ва соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган ашёлар қўлланилиб;

з) далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) мақсадида.

Қариялар деганда пенция ёшидаги шахслар тушунилади (60 ёшга тўлган эркаклар, 55 ёшга тўлган аёллар).

Предмет деганда – айбланувчи томонидан ЖК 235-моддасида кўрсатилган жинойий ҳаракатларни содир этиши натижасида кишининг ҳаёти ва соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган ҳар қандай предметларни тушуниш лозим.



2-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5163 – сонли қарорининг мазмуни.

Аслида, инсонни қийноққа солишдан мақсад унинг шахси ва шаънини оёқости қилиш, ор-номуси ва кадр-қимматини топташ ҳамда хўрлашдир. Шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланувчи Ўзбекистон ҳам қийноқларни муайян одамлар томонидан бошқаларига нисбатан қўлланадиган энг ғайриинсоний қилмиш сифатида ҳар доим қоралаб келади.

Халқаро ҳуқуққа кўра, қийноқлар – инсониятга қарши жиноятдир. Бу борада қабул қилинган барча ҳужжатларда қийноқлар қатъиян тақиқланади ҳамда қийноққа солиш ҳолатини оқлашга ҳеч қачон ва ҳеч қандай йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси талабига кўра, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Бу ҳақда сўз борганда, БМТ Бош Ассамблеяси 1997 йилда 26 июнь – Қийноқ қурбонларини қўллаб-қувватлаш халқаро куни деб эълон қилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур халқаро санада дунё миқёсида қийноқларга бутунлай барҳам бериш ҳамда БМТнинг Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенцияси янада самарадор ишлашини таъминлашга қаратилган турли тадбирлар ўтказилади

Мамлакатимизда ҳам ушбу сана ҳар йили нишонланади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини жорий йилнинг худди шу куни қабул қилгани келгусида мазкур сананинг биз учун миллий ва халқаро даражадаги тарихий аҳамиятини янада оширади.

Бинобарин, Ўзбекистон Президенти ўзининг ушбу Қарорини айнан бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам 26 июнь – Қийноқ қурбонларини қўллаб-қувватлаш халқаро куни нишонланаётган муҳим санада имзолагани бежиз эмас. Бу воқелик Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида шиддатли ва аниқ тизимли ислоҳотларни амалга ошириш асносида, мазкур йўналишдаги синовдан ўтган халқаро тажриба ҳамда дунё андозаларига ҳар томонлама уйғунлашишга қатъият билан интилаётганининг яна бир яққол исботидир.

Ўзбекистон Президенти 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг изчил давом эттирилишини таъкидлар экан, тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурлигига эътиборни қаратганди. Нега деганда, мазкур соҳада афсуски, қийноққа солиш ҳолатлари ҳали ҳам учраб турибди.

Масалан, қийноққа солиш жинояти 2017 йилда – 7 та, 2018 йилда – 10 та, 2019 йилда – 16 та, 2020 йилда ҳам 16 та қайд этилган. Бу ачинарли ҳол фуқароларда жиддий эътирозларни келтириб чиқараётгани ва мамлакатимизнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатаётгани айни ҳақиқат бўлиб, Юртбошимиз бунга бефарқ қараб туролмасди.

Давлат раҳбари, авваламбор, Олий Мажлис палаталари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази зиммасига



қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, шунингдек жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан ўз таклифларини ишлаб чиқиш вазифаларини юклади. Бунда, Омбудсман томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони

ўташ муассасаларига “мониторинг ташрифлари” тизими йўлга қўйилиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, Олий Мажлис палаталари ҳар йили Омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича маърузасини эшитиб, бу иллатга бутунлай барҳам бериш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаши кўрсатиб ўтилди.

Бу муҳим вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) жамоатчилик фаоллари билан биргаликда карантин мажмуалари, тиббий муассасалар, жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ҳолатини ўрганиш мақсадида 76 та мониторинг тадбирини амалга оширган. Бу тадбирларда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ мутахассислари ҳам мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Энг асосийси, сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ислохотларнинг амалдаги босқичи қийноққа солишнинг барвақт олдини олиш, у билан боғлиқ мурожаатларни тезкор

равишда холисона кўриб чиқиш, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга мониторинг ташрифларини мунтазам амалга ошириш бўйича самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш ишларини давом эттириш масаласини кун тартибига қўйди.

Мазкур долзарб масала Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида ўз аксини топди. Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида ҳам бу борада аниқ вазифалар назарда тутилди.

Яъни, ушбу Қарор Президентимизнинг дастурий маъруза ва нутқлари, шунингдек Миллий стратегия ҳамда Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида қабул қилинган. Қарордан кўзланган мақсад – БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмларни такомиллаштиришдан иборат.

Президентимиз Қарорида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилди:

биринчидан, қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умуметироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштириш;

иккинчидан, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга юборилган мурожаатларни муассаса маъмурияти томонидан кўздан кечирилмаслигини ҳамда қабул қилувчига зудлик билан юборилишини қатъий таъминлаш;

учинчидан, қийноққа солиш ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатларнинг тезкор ва холисона кўриб чиқилиши ҳамда айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарликка тортилиши механизмини такомиллаштириш;

тўртинчидан, қийноққа солишдан жабрланганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилишини ҳамда уларга етказилган зарарнинг компенсация қилинишини таъминлаш;

бешинчидан, қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш фаолиятига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг давлат органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

олтинчидан, қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича фаолият натижалари тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш;

еттинчидан, қийноққа солишнинг олдини олиш борасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг миллий институтлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Бу ўринда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузурида тузиладиган Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз, деб ҳисоблайман. Жамоатчилик гуруҳлари таркибига Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ экспертлари, тиббиёт ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари жалб этилади.

Бунда ана шу мутахассисларнинг мониторинг ташрифларини амалга ошириш учун касбий малакаси ва амалий билимларга эга бўлиши ҳамда гендер тенглиги таъминланиши ҳисобга олинади.

Жамоатчилик гуруҳларининг асосий вазифалари ҳам Президент Қарорида кўзда тутилган. Булар, асосан, гауптвахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, тергов ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизомий қисм, мажбурий даволаш муассасаларида қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича мониторинг ташрифларини мунтазам равишда амалга оширишдан иборатдир.

Эътибор беринг: Қарорда ушбу махсус муассасаларга нисбатан “ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар” деган ягона атама қўлланган.

Эндиликда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга жойлаштирилган шахсларнинг ягона электрон реестрини юритиш амалиёти йўлга қўйилади. Бинобарин, “Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларнинг ягона реестри” электрон тизими ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларнинг яқин қариндоши, қонуний вакили ва адвокати шахс сақлаб турилган жой ва вақт билан боғлиқ маълумотларни олишини таъминлайди.

Бундай амалиёт, шунингдек ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни белгиланган муддатдан ортиқча вақт давомида ушлаб туриш, ушлаб туриш бошланган вақтни кечиктириб кўрсатиш, ғайриқонуний равишда ушлаб туриш каби салбий иллатларнинг олдини олиш имконини беради.

Бундан ташқари, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар томонидан қийноқлар бўйича амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, адвокатга ёки яқин қариндошига тельефон орқали мурожаат қилиш амалиёти янада такомиллаштирилади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 22 февралда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон Республикаси Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколинини ратификация қилиши ҳақида баёнот берганди. Қарорда бу борада бир қатор муҳим вазифалар кўзда тутилган.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Омбудсман ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда БМТнинг Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни

камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенцияси Факультатив протокоliga Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши масаласи бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиши зарурлиги белгиланган.

Маълумки, Нью-Ёрқда 2002 йил 18 декабрда қабул қилинган Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ўтган даврда дунёнинг 91 та давлати ратификация қилган. Ўз навбатида, Арманистон, Озарбайжон, Эстония, Грузия, Литва, Молдова, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон, Афғонистон, Чехия, Финляндия, Франция, Германия, Италия, Польша, Испания, Туркия каби ўндан ортик давлат ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатни имзолаган.

Шу маънода, Ўзбекистон Президентининг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори Ўзбекистонда қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий тизимни умумийлаштириш этилган халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон бугунги кунда БМТ Тараққиёт дастурининг Инсон камолоти индексида 106-ўринни, Жаҳон банкининг бошқарув сифати индикаторларининг сиёсий барқарорлик ва зўравонлик йўқлиги субиндикатори бўйича 136-ўринни, “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқароноҳукумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индексининг асосий ҳуқуқларнинг таъминланганлиги индикатори бўйича эса 110-ўринни эгаллаб турибди.

Президентимиз қарорида назарда тутилган янгиланишлар амалиётга ўз вақтида ва тўлиқ жорий қилиниши, шубҳасиз, мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги ислоҳотларига халқаро ҳамжамиятнинг ижобий фикрларини шакллантиришга хизмат қилади. Бинобарин, бир томондан, юртимизда қийноққа солиш ҳолатларига узил-кесил барҳам берилса, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг халқаро имижига янада ортади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, “Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида биз одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз. Бундай жинойтлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррардир”.

3-САВОЛ. ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ ВА УНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИ УЧУН АҲАМИЯТИ ҲАМДА УЛАР ТОМОНИДАН КОНВЕНЦИЯ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРИЛИШИ.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция 1984 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ва 1987 йил 26 июндан кучга кирган. Ушбу конвенцияни қабул қилишдан кўзланган мақсад – БМТнинг Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (5-моддаси)да таъкидланганидек, «қийноқдан барча шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги» ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, бутун дунёда қийноққа қарши кураш са-марадорлигини ошириш ва бундай ҳаракатлардан барча шахсларни ҳимоя қилишдир.

Қийноққа қарши конвенцияни БМТнинг Низомида эълон қилинган принципларга мувофиқ, инсонлар оилалари ҳамма аъзоларининг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш, эркинлик, адолат ва умумий тинчликни тан олган иштирокчи давлатлар қабул қилганлар. Бу ҳужжат давлатларга мажбурият юклаб, БМТ Низомининг 55-моддасига мувофиқ, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ялпи ҳурмат қилиниши ва уларга риоя этилишига кўмак беради.

Ушбу конвенция Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддаси ҳамда Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 7-моддасига мувофиқ қабул қилинган. Бу иккала ҳужжат 1975 йил 9 декабрда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган.

Конвенциянинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

- жиноят сифатида қийноқ ҳақида тушунча берилган (1-модда);
 - қийноқни қўллаш, унинг буйруқ асосида ёки фавқулодда ҳолатлар билан содир этилганлиги ҳеч бир ҳолатда оқланмайди (2-модда);
 - қийноқни амалга оширган шахсга нисбатан у қайси давлатда бўлишидан қатъи назар, жиноий таъқиб амалга оширилади (4-модда);
 - қийноқни қўллаши мумкин деб гумон қилинаётган давлатга жиноятчини бериш мумкин эмас (3-модда);
 - конвенция ҳолатларини бузиш халқаро жавобгарликка олиб келади.
- Бундай конвенция талабларини бузиш ҳолатларини Қий-ноққа қарши кўмита кузатиб боради.

«Қийноқ» тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «қийноқ – ҳар қандай шахсдан маълумотлар ёки тасдиқлар олиш, содир этилган ёки содир этишда гумонланаётган ҳаракат учун жазолаш, шахсларни кўрқитиш ёки зўрлаш мақсадида, шунингдек, мансабдор шахсларнинг турли усуллар ва шакллар билан ҳар қандай кишини камситишга қаратилган кучли оғрик ва азоб беришдир».

Инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш ва унга риоя этиш ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг омилидир.

Ички ишлар органларининг бу борадаги асосий вазифалари:

- жамоат тартибини сақлаш;
- жиноятчиликка қарши курашиш, жиноий ишларни тергов қилиш;
- ёрдамга муҳтож бўлганларга ёрдам кўрсатиш.

Ички ишлар органларининг ходимлари ҳар куни ва ҳар сонияда турли тоифадаги инсонлар билан мулоқотга киришадилар, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасидаги масалаларни ҳал қиладилар. Уларни

самарали ҳал этиш учун эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари инсон ҳуқуқларини тўлиқ билишлари шарт.

Агар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ўзлари инсон ҳуқуқларини сурункали равишда бузиб келсалар, уларни амалга ошириш учун турли хил тўсқинликларни яратсалар, бу фуқароларда асосли эътирозлар ва ишончсизлик туйғуларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида фуқароларда ҳу-қуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятига ишончсизлик ва норозилик кайфияти ривожланиб боради, натижада улар фаолиятининг самарадорлиги пасайиб боради.

Таъкидлаш жоизки, ҳокимият томонидан инсон ҳуқуқларини химоялашнинг даражаси давлатнинг демократиялашганлигини кўрсатади.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жамиятнинг назорати остида бўлиши лозим. Тўғри, ҳар қандай давлатда инсон ҳуқуқларига риоя этмаслик ёки уларни бузиш ҳолатлари учраб туради, бироқ инсон ҳуқуқларининг поймол бўлиши ҳолатларига муносабат давлатларда ҳар хил бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, кафолатлаш ва амалга ошириш борасида катта ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис фуқароларимиз ўз ҳуқуқларини англаб олмақдалар, уларнинг ҳуқуқий онглари юксалиб бормоқда дея таъкидлашга асослар мавжуд. Ҳуқуқий онги ривожланган, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билган фуқароларгина уларга риоя этилишини ҳам талаб қилишлари мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ички ишлар органларининг ходимларида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш туйғусининг ривожланишга туртки бўлади.

БМТнинг Қийноқларга қарши кўмитаси қийноқнинг қуйидаги элементларини кўрсатиб ўтади:

- жисмоний ва руҳий қийнаш йўли орқали қасддан бўлган хаттиҳаракат;
- муайян мақсадда амалга оширилган ҳаракат;
- мансабдор ёки расмий фаолият юритувчи шахс томонидан амалга оширилган ҳаракат.

Қийноққа қарши самарали курашнинг асосий жиҳатларини учга бўлиш мумкин:

1. Самарали қонунчилик асосини яратиш ва уни тўлиқ амалга оширишни таъминлаш, қийноққа қарши кураш кафолатларини белгилаб бериш. Жумладан, қамоқда сақланаётган шахсларнинг асосий кафолатлари (адвокат, шифокор, судья ва ҳ.к. ларга етишиш ҳуқуқи), ташқи оламдан узилишни тақиқланиш;

2. Қамоқда сақланаётган шахснинг жойлашган жойини кўздан кечириш ҳамда у сақланаётган жойнинг мустақил мониторингини амалга ошириш бўйича назорат механизмларини, энг муҳими, миллий механизмларни ташкил этиш;

3. Ички ишлар органлари, ЖИЭМ, адвокатлар, судьялар, тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг профессионал малакасини доимий ошириб бориш.


Қийноққа қарши Конвенциянинг муҳим аҳамиятга эга бўлган қисқача халқаро-ҳуқуқий тавсифига, энг аввало, қуйидагилар киреди:

– қийноқни оқлаш учун «истисно ҳолатлари» ҳамда «юқори турувчи шахсинг буйруғи»ни баҳона қилмаслик;

– иштирокчи давлат қийноқни жиноят сифатида баҳолаши;

– қийноқ билан боғлиқ жиноятни содир қилишда гумон қилинаётган шахс жойлашган иштирокчи давлат уни жинойий процессуал жавобгарликка тортади ёки уни топшириш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширади;

– бирон иштирокчи давлат ҳудудида қийноқни қўллаш билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида етарли асослар мавжуд бўлганда халқаро тергов ҳаракатларини амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги;



– иштирокчи давлат ўз ҳудудида қийноққа қарши кураш мақсадида қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа чораларни кўради;

– ҳеч қайси бир иштирокчи давлат муайян шахсга нисбатдан қийноқни амалга ошириш билан боғлиқ етарли асослар мавжуд бўлган ҳолатда, уни бошқа давлатдан

чиқариб юбориш, жўнатиши, қайтариши ёки бериши мумкин эмас;

– жиноят-процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

– иштирокчи давлат ҳуқуқий тизимини қийноққа солинган шахс манфаатларини тиклаш ва муносиб товон ундириш билан боғлиқ адолатли ҳуқуқни таъминлаш;

Қийноққа қарши конвенциянинг мазмунини қуйидаги асосий тезислар ёрдамида изоҳлаш мумкин:

1) **Қийноқ тушунчаси.** Давлатнинг миллий қонунчилигида қийноқ жиноят сифатида қаралиши лозим. Давлат ўзининг қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа тизимлари ёрдамида қийноққа қарши огоҳлантиришларнинг самарали чораларини қабул қилади.

2) **Қийноқни расмий қоралаш.** Давлатларнинг олий ҳокимият органлари қийноққа қарши ўзларининг салбий муносабатларини ўрнатишлари шарт. Улар барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қийноқнинг қандай ҳолатда содир қилинганидан қатъий назар кечириб бўлмаслиги тўғрисидаги аниқ тушунчани беришлари шарт.

3) **Ҳибсда сақлашнинг чекланиши.** Қийноқлар, одатда, ҳибсда сақланаётган шахсларга нисбатан қўлланилади – уларнинг инсонлар билан дилдан суҳбатлашиш имкониятлари, уларга ким ёрдам бера олиши ҳамда

унга нималар бўлаётганлиги тўғрисидаги хабар ва ёзишмалар ҳуқуқининг чекланиши. Давлат тергов жараёнида қийноқ амалга оширилмаслиги юзасидан барча чораларни кўриши шарт. Давлатлар жиноят содир этишда айбланиб қўлга олинган барча шахсларни мустақил суд органларига топширилишини таъминлаш зарур. Қамокда сақланаётган шахснинг аҳволидан доимо хабар олиб туришлари учун унинг қариндошлари, адвокати ва врачларнинг доимий ва кечиктирмай кира олиш имкониятини яратишлари шарт.

4) **Сўроқ ўтказиш ва қўлга олиш жараёнидаги кафолатлар.** Давлат сўроқ ўтказиш ва қамокда сақлаш жараёнини доим назорат қилиб бориши шарт. Барча қамокда сақланаётган шахслар ўзларига бўлаётган муносабат юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқ мавжудлиги ҳақидаги ахборотларга эга бўлишлари шарт. Озодликдан маҳрум этиш жойларида мустақил инспекция ташрифларини ташкил қилиш, қамокқа олиш ва суриштирувни амалга ошириш билан боғлиқ маъмурий ваколатларни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришлари зарур.

5) **Қийноқлар тўғрисидаги хабарлар ҳақида мустақил тергов олиб бориш.** Давлат қийноқ қўлланилаётганлиги ҳақидаги хабарни самарали ва объектив тергов қилишни таъминлаб беришга мажбур. Бундай тергов очик ва ошкора методда олиб борилиши зарур. Даъвогар ва гувоҳлар тазйикдан ҳимоя қилинишлари даркор.

6) **Қийноққа солиш оқибатида олинган маълумотлардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги.** Давлат суд ишларида, исбот ва тан олиш жараёнида қийнаш оқибатида олинган ҳар қандай маълумотдан фойдаланишни тақиқлаши шарт.

7) **Қийноқни қонуний йўл билан тақиқлаш.** Давлат қийноқнинг жинойий жазога сазовор эканлиги юзасидан барча чора-тадбирларни кўриши шарт. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ қийноқни қўллашга тақиқ ҳеч бир шароитда, ҳатто уруш ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда ҳам тўхтаб қолиши керак эмас.

8) **Жиноятчи сифатида тахмин қилинган шахсни таъқиб қилиш.** Қийноқни қўллашган ҳисобланиб шахслар масъул бўлган жазоланиши шарт. Ушбу принцип қидирилаётган жиноятчининг жойлашган жойидан, жиноят содир этилган жойидан, жиноятчи ҳамда жабрдийданинг миллатидан қатъи назар қўлланилиши зарур.

9) **Ўқитиш.** Жиноятчиларни қамокқа олиш, уларни сўроқ қилиш ва қамокдаги шахслар билан муносабатда бўлиш фаолияти билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари барча ходимларига қийноқ жиноятлиги тўғрисида тушунтиришлар олиб бориш. Шу билан бир қаторда, юқорида номлари кўрсатилган ходимлар ҳар қандай қийноқни амалга ошириш билан боғлиқ буйруқларни бажармасликлари ҳақида ҳам огоҳлантиришлари зарур.

10) **Зарарнинг қопланиши ва реабилитация.** Қийноқ оқибатида азият чеккан шахслар зарарнинг молиявий йўл билан қопланиши ҳуқуқига эга бўлишлари шарт. Азият чеккан шахслар зарур тиббий ёрдам ва реабилитация билан таъминланган бўлишлари лозим.

11) *Халқаро ҳамкорлик.* Давлатлар қийноқни қўллашдаги айбдорларни ушлаш юзасидан барча давлатларнинг ҳукуматлари билан алоқалар ўрнатиш имкониятларидан фойдаланишлари шарт. Қийноққа қарши самарали ва тезкор терговни амалга ошириш бўйича давлатлараро механизмлардан фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқиш зарур. Давлатлар қуролли кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва хавфсизлик хизмати ходимларини тайёрлаш юзасидан тажриба алмашишда қийноқни қўлламастикни таъминлашлари зарур.

12) *Халқаро шартномаларни ратификация қилиш.* Барча давлатлар индивидуал шикоятлар билдириш жараёнини ҳуқуқий тартибга солувчи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унга Факультатив протоколни, шунингдек қийноқдан ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситалари ва кафолатларини ўзида акс эттирган халқаро шартномаларни ратификация қилишлари шарт.

13) *Қийноққа қарши қўмита фаолияти.* БМТ қийноққа қарши Қўмитасининг тавсиялари ҳамда Конвенциянинг асосий шартларини ижро этиш бўйича давлатларнинг миллий ҳисоботларини кўриб чиқади.

Қийноққа қарши кураш амалиёти дастлаб 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Геноцид жиноятларини олдини олиш ҳамда уларни жазолаш тўғрисидаги конвенциядан бошланган. Ушбу ҳужжатлар 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда 1984 йилдаги Қийноққа ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва кадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазо турларига қарши кураш тўғрисидаги конвенция ёрдамида тасдиқланди.

Конвенцияга мувофиқ, ҳар бир давлат ўз юрисдикцияси остида бўлган ҳар қандай ҳудудда қийноқ билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш бўйича самарали қонунчилик, маъмурий ва бошқа чораларни кўриши зарурлиги белгилаб қўйилган (2-модда 1-б.). Уруш ҳолати ва таҳдиди, ички сиёсий тартибсизлик ёки ҳар қандай фавқулодда ҳолатлар қийноқни оқлаш билан боғлиқ бўлган сабаб сифатида баҳоланмайди (2-модда 2-б.). Бундан ташқари, 1-параграфнинг 3-моддасига эътиборни қаратиш зарур: «Ҳеч қандай иштирокчи давлат шахсни унга жўнатилаётган давлатда қийноқни қўллаш билан боғлиқ жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолатда бошқа давлатга жўнатиш, қайтариш ва бериш тақиқланади».

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нормалар ва умум эътироф этган тамойиллар, шунингдек универсал халқаро шартномалардан бири бўлган Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ва кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция нормалари ҳам ўз ифодасини топган. Унда нафақат инсон ҳуқуқлари, балки инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатлари ҳам ёритиб берилган. Юқорида номи кўрсатиб ўтилган Конвенция халқаро ҳужжатлар тизимининг умум эътироф этган инсон ҳуқуқлари манбалари доирасида ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

фаолияти борасида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатда халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилик олдидаги мавқеи кўрсатиб ўтилган ҳамда ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида белгилаб қўйилганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўз фаолиятларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум эътироф этган халқаро стандартларга амал қиладилар.

Бироқ ҳозирги замон халқаро муносабатларининг ўзига хос томонларидан бири, нафақат халқаро, балки жамиятнинг ички ҳаётида ҳам халқаро орган ва ташкилотларнинг резолюциялари таъсирининг ўсиб бориши ҳисобланади. Қийноққа қарши конвенцияни ҳамда унинг меъёрий табиатини таҳлил қилишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан ички ишлар органлари томонидан қийноқ ва шунга ўхшаш шафқатсиз муомала қўлланишига йўл қўймаслик учун ҳам ушбу ҳужжат нормаларига оид билимларнинг аҳамияти жуда ҳам муҳимдир.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш даври изчил демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳужжатларни изчил татбиқ этиш (имплементация қилиш) билан таърифланади.

Ўзбекистон Республикасида Қийноққа қарши Конвенциянинг қийноқ ва шафқатсиз муомаланинг бошқа турларини қўллашга йўл қўймасликка оид талабларини сўзсиз ижро этиш ва унга риоя этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан, ички ишлар органларининг ўрни ва роли беқиёс, чунки айнан улар ўзи фаолиятида Конвенцияга риоя этиш муаммосига дуч келишади. Улар бевосита Қийноқ ҳамда муомала ва жазоланинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг ижро этилиши ва уларга риоя этилиши бевосита зиммасига юклатилган давлатнинг мансабдор шахслари ҳисобланади.

Конвенцияни ижро этиш бўйича Ҳукумат дастурини амалга оширишнинг босқичларидан бири «қийноқ» тушунчасини белгилаш билан боғлиқ қўшимчаларни Жиноят кодексига киритилиши бўлди. Ушбу тушунча Қийноқ ҳамда муомала ва жазоланинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ келади.

2015 йилнинг август ойида Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасига ўзгартиш киритилиб, унга кўра, жиноят процессининг барча босқичларида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи муомала ҳамда жазолар жинсий жазоланадиган ҳаракатлардир ва қонунга мувофиқ таъқиб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси: «Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш» деб номланади.

Модданинг мазмуни Қийноққа қарши Конвенциянинг 1-моддаси матнига имкон қадар яқинлаштирилган. Моддада қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан кўрkitиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш учун жавобгарлик белгиланди. Жиноят қонунчилиги билан мазкур қилмиш учун муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

2003 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикасининг Олий суд Пленуми бўлиб ўтиб, унда 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарор қабул қилинган. Қарорда қуйидагилар айтилади: «БМТ 1984 йил 10 декабрда қабул қилган «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция»га кўра «қийноқ» ҳар қандай тусдаги шундай ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда у гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек уни ёки учинчи шахсни кўрkitиш ёки зўрлаш мақсадида, ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа расмий сифатдаги шахс, ёки уларнинг гиж-гижлаши билан ёки уларнинг хабардорлигида ёки индамай розилиги билан ҳар қандай тусдаги камситишга асосланган ҳар қандай сабаб бўйича қасдан кучли оғриқ ёки жисмоний ёхуд маънавий азоб берилади».

Шундай қилиб, Пленум томонидан қайд этилган қарорга «қийноқ» тушунчасининг кенг талқини тўғрисидаги шартни киритди ва бу ўз ўрнида Қийноққа қарши конвенциянинг 1-моддасига мос келади.

Ҳукми чиқаришда судлар ва судьялар нафақат жиной-ҳуқуқий нормаларга, балки Олий суд Пленумининг қарорларига ҳам таянадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ўз юридик кучига кўра меъёрий талқин этувчи ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасида келтирилган «қийноқ тушунчасини Қийноққа қарши Конвенциянинг 1-моддасида келтирилган мазмунга мувофиқ талқин қилишни тавсия этганлиги сабабли, Қийноққа қарши Конвенциясининг ушбу моддаси қоидалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига тўла татбиқ этилган, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш тўғрисидаги 235-моддасига кўра, Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни гумон қилинувчи айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор-бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёки шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;

б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) такроран;

д) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан содир этилган бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилишга жавобгарлик Кодекс Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи моддасига (25-модда) мувофиқ ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси агар қийноқ ва қийноқда иштирокчилик каби жиноятларни содир этган шахсларни тутиб бериш илтимосномаси билан мурожаат этаётган давлат Конвенция иштирокчиси бўлган тақдирда, мазкур

шахсларни экстрадиция қилиш учун ушбу Конвенция ҳуқуқий асос ҳисобланиши амалиёти тарафдоридир.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияни ижро этиш билан боғлиқ қонунчиликдаги ўзгаришлар ва барча тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари «қийноқ»нинг жиноий-ҳуқуқий тавсифини ҳамда ушбу тушунча борасидаги халқаро ва миллий жиноий қонунчиликни таққослашни билишлари керак.

Шу тариқа хулоса қилиш мумкинки, «қийноқ» деганда, расмий шахс ёки расмий вазифаларни бажарувчи шахслар томонидан ёки уларнинг фитнаси ёки розилиги билан бирор-бир шахсдан ёки учинчи шахсдан маълумот ёки иқрорлик кўрсатув олиш учун инсонга қасддан ваҳший оғриқ ёки уқубат етказиш, у ёки учинчи шахс содир этган ҳаракат учун ёки ҳаракат у томондан содир этганликда гувоҳланганда уни жазолаш, шунингдек уни ёки учинчи шахсни кўрқитиш ёки мажбурлаш, ёхуд камситишнинг исталган турига асосланган сабабларга кўра содир этилган ҳар қандай қилмиш тушунилади (Конвенция 1-м, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-м).

Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг Қийноққа қарши конвенция талабларини амалга ошириш асослари.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция талабларини бажариш юзасидан амалга ошириладиган тадбир режалари ва ушбу конвенция нормаларига орган ходимларининг риоя қилишлари учун зарур бўлган йўриқнома ишлаб чиқишни мақсад қилиб олганлар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 243-моддасига биноан татбиқ этиладиган тартиблар, яъни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиблари йўриқнома учун тайёргарлик имкониятларини намоён этади. Ушбу вазият, яъни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш жараёнларида қийноққа солиш ёки кадр қимматни таҳқирлаш ҳолатлари юз бериши мумкинлиги билан боғлиқ. Бу йўриқномага кўра, прокурорлар гумон қилинувчи ёки айбланувчидан улар билан қандай муносабатда бўлганлигини шахсан сўроқ қилади. Ҳозирги кунда жиноят ишлари бўйича гумон қилинаётган ва айбланувчи сифатида жалб этилган вояга етмаганлар ва аёлларни сўроқ қилиш жараёнлари айнан прокурор томонидан амалга оширилади.

Маҳбуслар билан муносабатларни ва эҳтиёт чоралар назоратини таъминлаш ҳамда уларни текшириш учун белгиланган жойларга етказиш жараёнларини ЖИЭМ хизмати ва бошқарма вакиллари амалга оширадilar. Қамоқхоналарда қонун ижролари ва жазолар ижроси юзасидан давлат

назоратини Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги Фармонида биноан, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасида суд қарорлари ижросини ва қамоққа олинганларни сақлаш жараёнларини таъминлашда қонунларга бўйсунганини назорат қилиш бошқармаси жорий этилиб, Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида ҳам бундай бўлимлар ташкил этилди.

Ушбу Фармонга биноан, назорат Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 2004 йил 11 майдаги «Суд қарорлари ва бошқа орган ҳужжатлари, шунингдек қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя қилиш назоратини такомиллаштириш тўғрисидаги» буйруғига кўра амалга оширилади.

Парламент назорати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) институти томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 19-бандида айтилишига кўра: суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлишганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўрашлари шарт. Суриштирувнинг ёки терговнинг қийноққа солиш ёхуд қонунга хилоф бошқа усуллари қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир муурожаат факти бўйича шикоят қилинган вазиятни синчиклаб текшириш, тиббий гувоҳлантириш ўтказиш орқали синчиклаб текшириш ва натижага қараб, тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилганига қадар процессуал ёки бошқа ҳуқуқий чоралар кўришлари шарт.

Ўзбекистонда қийноққа солишни тақиқлашга оид ўқув материаллар ва ахборотни кенг тарқатиш фаолияти кўплаб давлат муассасалари, нодавлат ва халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда. Масалан, 2002–2004 йилларда БМТ, ЕХҲТ ва ЮНИСЕФ ташкилотларининг халқаро ҳужжатлари давлат тилида ўн минг нусхада чоп этилиб, шундан беш мингтаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари учун мўлжалланган.

Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳамда Қийноққа қарши конвенция нормаларига риоя қилиш доирасида етарли билимларга эга бўлишлари учун жуда кўп ишлар амалга ошириляпти.

Ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро андозага мос билимларни ўзлаштириш бўйича янги лавозим ёки янги унвон олаётганларида ҳам аттестациядан ўтишга мажбурдирлар.

Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатаси ҳамкорлигида ушлаб туриш ва гумонлардан халос этиш ҳамда ҳуқуқий ҳимояланишни таъминлашда амалиётга «Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнларида гумон қилинувчи, айбланувчи ва ушлаб турилган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқларини таъминлаш тартиби тўғрисида» Низом ишлаб чиққанлар. Ушбу низом Ички ишлар органлари мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор, интизом қоидаларини ва ушлаб туриш, гумон қилиш, айблаш жараёнларида қийноққа солишга йўл қўймаслик ва ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйилмаслигини назорат қиладилар.

Прокуратура органлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига риоя қилинишини назорат қилади, қийноққа солиш татбиқ қилинган фактларнинг суриштирувида тезкорлик ва холисликни таъминлашда фаол иштирокларни таъминлайди. Прокуратура органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда фуқароларнинг ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатларининг сабаб ва шароитларини ўрганадилар ва бундай ишларни олдини олиш учун тегишли чоратадбирларни ташкиллаштирадилар.

2005 йилдан бошлаб фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқишда ўта муҳим масалалар, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Янги таҳрирдаги қонуни асосида кўриб чиқилади. Янги Қонун қийноққа солиш фактлари ҳамда ҳукумат вакиллари томонидан йўл қўйилган суистеъмолчиликларни мустақил равишда текширишнинг ҳуқуқий асосини юзага келтиради. Бу Қонуннинг 10-моддасига биноан, Омбудсман ташкилот ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги бўйича, бузилган ҳуқуқлар, фуқароларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатлари бўйича шикоятларни кўриб чиқади, суриштирув ишларини олиб боради.

Жиноят қонунчилиқ принципига кўра, жиноят қурбонлари сифатида қийноққа солинган шахслар адолатли ва мос равишда товон (компенсация) олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 18-моддасига кўра, «Ишни юритиш жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш оқибатида унга етказилган зарар ушбу Кодексда белгиланган асослар ва тартибда ундирилиши лозим».

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг умумий қисмида айтилишича, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишини талаб қилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 991-моддасига кўра, қонунга хилоф тарзда ҳукм чиқариш, жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўллаш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъий назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда

тўланади. Суднинг қарори билан зарарни қоплаш ушбу зарарни етказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси маънавий зарарни қоплаш ҳақида бўлиб, унга кўра шахс етказилган зарарни тўлиқ ундириш ҳуқуқига эгадир. Ушбу кодекснинг 1021-моддаси 2-бандига биноан, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, агар зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ортиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса, зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўллаш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўллаш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса зарар қопланади.

Қийноқ таъсири остида ёзилган ҳар қандай шикоят ҳеч қандай суд муҳокамасида исбот ёки асос бўлиб ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги қарорига кўра, қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга нисбатан бошқача шафқатсиз ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи муомалада бўлиш, шунингдек қонунга хилоф бошқа чоралар қўллаш, шу жумладан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш натижасида олинган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмас. Суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлинганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўрашлари шарт.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция талабларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги ҳолатлар юзасидан ўрганиши мумкин:

- инсоннинг шахсий ҳуқуқларига тажовуз;
- ушбу халқаро характердаги жиноятларга тааллуқлиги;
- шахснинг кадр-қиммати ҳаёти ва соғлиғига тажовуз;
- бу инсон руҳий оламини аянчли оқибатларга олиб келади;
- қийноққа солингандан сўнг жиддий реабилитацияси зарурати;
- мансабдор шахсларнинг содир этган жиноятига жавобгарликни назарда тутиш;
- халқаро ҳамжамият олдида давлатнинг масъулияти.

Давлатлар қийноққа қарши Конвенцияга амал қилиш масаласида амалий ишларини ҳаётга татбиқ қилишлари лозим: Қонунчиликка оид тадбирлар, қийноққа солишга йўл қўймаслик ва олдини олиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ҳуқуқий тадбирларни ташкиллаштириш, тарбиявий-маънавий тадбирларни шакллантириш, тез-тез

ва ўз вақтида қийноққа солиш жараёнларини текшириш, кўрилган моддий ва маънавий зарарларга товон (компенсация) беришни ташкиллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августдан Қийноққа қарши конвенциянинг иштирокчиси ҳисобланиб, унда ўрнатилган қоидаларга кўра, мазкур Конвенция бўйича тадбирларни амалга ошириш ва амалиётда татбиқ этилиши тўғрисида миллий маърузалар тақдим этади. Ўзбекистонда охириги йилларда Конвенция ва БМТнинг Қийноққа қарши кўмитаси тавсиялари асосида амалга ошириладиган ишлар баён этилган. Бу барча тавсиялар бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг фаолиятига, яъни инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларга риоя этилиши, қўпол ва ғайриинсоний, инсон қадр-қимматини камситувчи муносабатларга йўл қўймасликка доир талабларни амалга оширишлари шарт.

ҲУЛОСА

Инсон фаолиятининг ҳар бир жабҳасида ахлоқий талабларга катта ўрин ажратилади, бироқ улар инсоннинг ҳаёт мамоти, соғлиғи, кадр-қиммати билан боғлиқ бўлган ички ишлар идоралари ходими фаолиятида алоҳида катта аҳамиятга эга. Ички ишлар идоралари ходимининг ахлоқий жиҳатларидан (тўғрисиқлик, ҳақгўйлик, қонунга содиқлик, ҳамманинг қонун олдида тенглигига амал қилиш) бошқа бир инсон фуқаро (айбланувчи, судланувчи) тақдири боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳар бир ички ишлар идоралари ходими бўлишга қарор қилган инсон, унга жамият томонидан қўйиладиган барча касбий-ахлоқий талабларни аниқ англаб етиши лозим. Мазкур ахлоқий талаблар “ички ишлар идоралари ходимининг ахлоқий маданияти” тушунчасига кириб, ҳуқуқий ахлоқнинг асосини, ўзагини ташкил этади.

Ҳуқуқий маданият шифокор, ўқитувчи этикаси каби касбий ахлоқнинг бир кўринишидир. Буларнинг барчаси этиканинг қисмлари сифатида унинг таркибига киришади.

Этика (юнонча *ethos* — одат) — фалсафий фан бўлиб, унинг ўрганиш объекти ахлоқдир. Этика фалсафанинг таркибий қисми сифатида қадимги даврда пайдо бўлган. “Этика” атамаси қадимги юнон файласуфи Аристотель томонидан “Этика” асарида ахлоқийлик ҳақидаги ўқишни изоҳлашда, инсон қалбининг юқори сифатларини (мўътадиллик, мардлик, адолатлилик) ифодалашда фойдаланилган.

Ички ишлар органлари ходимлари ўртасида қуйидаги ҳолларда ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий танлов олида туради:

биринчидан, жараён иштирокчиларига — нафақат айблов эълон қилинган шахсларга, балки айбдорларни тезроқ топишда маъқул саналадиган, лекин ахлоқий жиҳатдан оқланмайдиган гувоҳ ва жабрланувчига нисбатан ҳам мажбурлов чораларини қўллашда;

иккинчидан, айби ҳали суд томонидан тан олинмаган шахсга нисбатан мажбурлаб ушлаб туриш чорасини қўллаш;

учинчидан, сўроқ қилинаётган шахслар кўрсатмаларидаги зиддиятларни йўқотиш мақсадида уларни ўзаро учраштириш чоғида

терговчининг ахлоқий- психологик ҳолати, чунки бундай ҳолатлар эҳтиёткорлик, босиқлик, саволларни (иштирокчиларга психологик босим ўтказмасдан) аниқ қўйишни талаб қилганлиги сабабли ҳиссиётнинг юқори даражада ошиши кузатилади.

Шахснинг айбини исботлаш чоғида айбсизлик презумпцияси принцига амал қилиши — асосий ахлоқий принцип бўлиб, бу ундан қатъий ахлоқ доирасида ҳаракат қилишини талаб қилади: қонуний чоралар билан ишонарли далиллар базасини яратиши лозим.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

Ўқув машғулотнинг саволлари кичик саволларга бўлиниб “кичик гуруҳларга бўлиш”, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бирбиридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.


Гуруҳларга саволлар:

1. Қандай ҳолларда қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи ҳаракатларни амалга оширганлик учун жавобгарлик истисно қилинади?
2. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жиноятининг жабрланувчиси кимлар бўлиши мумкин?
3. “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш” учун қандай турдаги юридик жавобгарлик белгиланган?
4. Қийноққа қарши самарали курашнинг асосий жиҳатлари қандай бўлиш мумкин?

Қийноқ, муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шавқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматини камситувчи турлари ва унинг ички ишлар органлари учун аҳамияти



Кичик гуруҳлар шакллантирилади



Изоҳ: Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавобларини беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволларига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

Мустақил бажариш учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Мустақил таълимнинг мазмуни тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларида олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади. Тингловчилар мустақил таълимда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1984 йил 10 декабрда қабул қилиниб, 1987 йил 26 июнда кучга кирган “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция” ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини

аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5163 – сонли қарорнинг мазмун моҳиятини ўрганадилар ва конспект қиладилар.

Мустақил топшириқ учун саволлар:

1. Қуйидагилардан қийноқни тақиқланишига оид халқаро ҳужжатларни аниқланг?
2. Қонуний жазолар натижасида юзага келадиган азобларни қийноқ деб баҳолаш мумкинми?
3. Қийноқни қўллашни қайси ҳолатда оқласа бўлади?
4. Қийноққа қарши конвенция бўйича қийноққа солишнинг субъектив томонини кўрсатинг?
5. Қийноққа қарши конвенция бўйича қийноқнинг субъектини аниқланг?
6. Қийноққа қарши конвенциянинг факультатив протоколи мақсади нима?
7. Шахсни ушлаб берилаётган давлатга қийноққа дучор этилишига асослар бўлса, ушлаб берилиши мумкинми?
8. Қийноққа солганлик учун қандай жавобгарлик мавжуд?
9. Қийноқни тақиқланишига оид ўқув материаллари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёрлаш бўйича ўқув дастурларига киритишга оид талаблар қайси халқаро ҳужжатларда белгиланган?
10. Қийноқ жабрланувчиларига компенсация тўлашга оид талаблар қайси халқаро ҳужжатларда берилган?

5.4-МАВЗУ: ХУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОРГАНЛАР УЧУН ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР: МИРАНДА ҚОИДАЛАРИ, ХАБЕАС КОРПУС ИНСТИТУТИ ВА Н.МОНДЕЛЛА ҚОИДАЛАРИ.

РЕЖА:

1. Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва юридик кучи.
2. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан суриштирув олиб бориш, қамоққа олиш ва ҳибсда ушлаб туришнинг тартибини белгиловчи халқаро стандартлар.
3. “Миранда қоидаси” ва “Хабеас корпус” институти –ҳуқуқларимизнинг муҳим конституциявий кафолати.

1-САВОЛ: ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА ЮРИДИК КУЧИ.

«Биз ҳуқуқий демократик адолатли давлат қуриш йўлидан бораяпмиз. Биз мамлакат фуқаросининг кимлигидан қатъи назар, қонун олдида



тенглигига, қонун устуворлигига эришишга интиламиз». Инсон ҳуқуқлари ҳаммининг ва ҳар кимнинг кадр-қимматини ҳамда инсоннинг шахсий ҳуқуқлари дахлсизлигини тасдиқлайди. Инсон ҳуқуқлари ҳар бир кишига, ҳар бир шахсга хос бўлиб, давлат ҳокимиятининг бирон-бир органи томонидан инъом этилмайди ва бундай органларга

боғлиқ бўлмайди ҳам. Бир қитъа учун бир қонун, бошқаси учун эса ўзга бир қонун бўлиши мумкин эмас. Инсон ҳуқуқлари бузилганлиги устидан ҳукм чиқариш мумкин бўлган андоза битта, у ҳам бўлса – умумжаҳон андозаси бўлмоғи лозим¹⁰.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг мажмуи киритилганлиги бу йўналишдаги «биринчи қадам» бўлди. Шундан



¹⁰ Всеобщая декларация прав человека: 1948–1998. – М., 1998. – С. 26.

бери ўтган давр мобайнида ўзбек миллий давлати ва ҳуқуқий тизимини шакллантиришда жуда катта ўзгаришларга эришилди.



Шу ўринда бевосита давлат хизмати ва давлат хизматчиларининг демократик жамият қуриш йўлидаги ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларнинг ҳуқуқий мақоми кўпгина ҳужжатларда белгиланган. Мазкур ҳужжатлар давлат хизматида бўлган мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардир. Ушбу гуруҳдаги ҳужжатлар асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда фаолият кўрсатувчи мансабдор шахсларнинг фаолиятига оид. Улар қуйидагилар:

а) Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекси. Мазкур ҳужжат 1979 йил 17 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 34-сессиясида қабул қилинган;



б) Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар томонидан куч ва ўқотар қурол ишлатилишининг асосий принциплари. Мазкур ҳужжат БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала тўғрисидаги 1990 йил 29 августдан 7 сентябрига қадар Гаванада ўтказилган 8-конгрессида қабул қилинган;

в) Юристарнинг ролига оид асосий тамойиллар. Ушбу ҳужжат ҳам 1990 йилги 8-конгрессида қабул қилинган;

г) Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари. Бу ҳужжат БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала тўғрисида 1985 йил 26 август – 7 сентябрда Миланда ўтказилган 7-конгрессида қабул қилинган;

д) Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ва жиноят қурбонларига оид одил судловнинг асосий тамойиллари. Мазкур ҳужжат БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган (1985 йил 29 ноябрдаги конвенция).

е) Давлат хизматидаги меҳнат муносабатлари тўғрисида 1978 йил 27 июндаги конвенция ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар.

Давлат хизматидаги меҳнат муносабатлари тўғрисидаги конвенциянинг мазмунига кўра, давлат хизматчиси давлат ташкилотлари томонидан ёлланган шахсдир. Унинг 1-моддаси иккинчи қисмида бу тушунча янада тўлароқ, аниқроқ ёритилган, яъни: «бундай шахслар давлат сиёсати ва фаолиятини белгилашлари шарт, улар конфеденциал характерга эга вазифаларни ҳам бажаришлари мумкин».

Навбатдаги «Юристарнинг ролига оид асосий тамойиллар» деб номланувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Агар унинг талабларини ўрганадиган бўлсак, масалан, 12-моддада: «Ҳуқуқшунослар одил судловни амалга оширувчи асосий хизматчилар сифатида қайси лавозимларда фаолият кўрсатмасинлар, ўз касбларига оид кадр-қимматни ҳимоялайдилар», – дейилган.



Бу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, кафолатлар тизими

ёритилган. Шунингдек, уларда давлат хизматчиларининг иккита асосий йўналишдаги фаолияти кафолатланган.

Биринчиси – давлат хизматчиларига қўйиладиган талаблар, яъни касбга садоқат, касбий маҳоратни ошириш, касбга оид кадрқимматни ва қонун устуворлигини ҳимоялаш, коррупциянинг олдини олиш ва ҳоказо.

Иккинчиси – ушбу йўналишдаги кафолатлар давлат хизматчиларининг хавфсизлиги ва дахлсизлигини ҳимоялашга қаратилган. Масалан, «Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ролига оид раҳбарий қоидалар» деб номланувчи ҳужжатнинг 4-моддасида: «давлат, суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ўз касб вазифаларини асоссиз аралашувлар, таъқиб, дахлсизлик, зўравонлик, таҳдид ва асосланмаган жиноий, фуқаровий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортилиш каби ҳолатлардан ҳимоя этилишлари зарур», – дейилган.

Давлатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган даражага етказиш борасида имкон қадар халқаро ҳуқуқий нормаларни ўз миллий қонунчилигимизга имплементация қилишга кўпроқ эътиборни қаратишимиз шарт. Шу ўринда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноятпроцессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислохотларда муҳим силжиш бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ жиноят, жиноятпроцессуал, маъмурий жавобгарликка доир қонунларимиз умум эътироф этилган халқаро нормалар ва миллий қадриятларимизга мос равишда ривожлантирилиб келинмоқда. Биргина жиноят қонунчилигида жиноят деб топиш тўғрисидаги кўплаб нормалар кодексдан чиқарилиб, улар маъмурий ҳуқуқбузарликлар сирасига киритилди, кўплаб моддалардаги жазо санкциялари эркинлаштирилди.

Собиқ Иттифоқ давридаги Жиноят кодексига белгиланган жазо тизимида ўлим жазоси 33 та моддада белгиланган эди. Мустақиллик йилларида унинг дастлаб 13 та, сўнгра 8 та, кейинчалик 4 та, 2 та моддада ва ниҳоят умуман бекор қилиниши қонунларимиз эркинлаштирилиб борилаётганлигининг ёрқин далилидир.



Шунингдек, Жиноят кодексининг 65–66-моддаларида ўз қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлганлиги туфайли тергов ва судда шахсларни жавобгарликдан озод қилиш белгиланган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасида белгиланган жиноятлар классификациясига киритилган ўзгартишлар, ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни белгиловчи Жиноят кодексига 66¹-модданинг киритилиши шахсни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтининг амалиётда кенгрок қўллаш учун асос яратиб берди.

Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар бутун жаҳоннинг диққат марказида турибди. Чунки давлатимиз минтақада барқарорлик ва иқтисодий ривожланишда қўшни давлатларга ўрнатилган бўлиб келмоқда.

2-САВОЛ: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН СУРИШТИРУВ ОЛИБ БОРИШ, ҚАМОҚҚА ОЛИШ ВА ҲИБСДА УШЛАБ ТУРИШНИНГ ТАРТИБИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР.

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир.

Ушбу қоида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддаси ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9.1-моддасида акс этган. Юқоридаги ҳужжатлар қабул қилинган вақтда давлат томонидан қўлланилган узоқ вақт мобайнида шахсни озодликдан маҳрум этиш жиноятчиликка қарши кураш ва ички хавфсизликни таъминлашнинг бир мунча оддийроқ воситаси ҳисобланган. Аста-секинлик билан жазо бошқа турларининг қисқартирилиши туфайли охириги юз йилликда ҳаётдан маҳрум этиш, калтаклаш, озодликдан маҳрум этиш каби жазолар асосий жазо турларига айланди. Янада ишончлироғи, яқин келажакда инсонни шахсий эркинлик ҳуқуқидан маҳрум этиш давлатнинг ўз ҳокимият ваколатларини амалга оширишининг қонуний воситаларидан бири бўлиб қолади.

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ.

«**ушланган шахс**» – ҳуқуқбузарлик содир этгани учун ҳукмсиз шахсий эркинлик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс;

Ушланаётган ёки ҳибсга олинаётган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари мажмуи қуйидаги тушунчаларни беради: «қамоққа олиш» – шахсни бирон-бир ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилиб суднинг қарори асосида ҳибсга олиш;

«**ҳукм этилган шахс**» – ҳуқуқбузарлик содир этгани учун ҳукм орқали шахсий эркинлик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс.

**ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ
ЭТИШ**

Озодликдан маҳрум этиш. Ушбу ибора эркин ҳаракатланишни кенг маънода чегаралашни англатади. «Озодликдан маҳрум этиш» фуқароларнинг шикоятлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари асосида ҳуқуқбузарларга, руҳий касалларга, сурункали ичувчилар ва наркотик моддалар истеъмол қилувчи шахсларга, аниқ яшаш жойлари йўқ шахсларга нисбатан қўллашни англатади.



Ушланаётган ёки ҳибсга олинаётган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари мажмуи қуйидаги тушунчаларни беради: «қамоққа олиш» – шахсни бирон-бир ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилиб суднинг қарори асосида ҳибсга олиш;

«ушланган шахс» – ҳуқуқбузарлик содир этгани учун ҳукмсиз шахсий эркинлик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс;

«ҳукм этилган шахс» – ҳуқуқбузарлик содир этгани учун ҳукм орқали шахсий эркинлик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳибсга олишни амалга ошириш. Ҳибсга олиш учун асослар:

Жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқий тартиботни амалга ошириш жараёнидаги низоли вазиятларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ва оддий фуқаролар икки тарафга ажралиб қоладилар. Давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириқ ва вазифаларни амалга оширишларида нафақат мажбуриятлар юклайди, шунингдек, зарурият юзасидан керакли куч ва воситалардан ҳам фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Ҳибсга олиш ҳуқуқи – эҳтиёт чораларини қўллаш, куч ва ўқотар қуроллардан фойдаланиш, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш билан боғлиқ ҳар қандай зарурий ҳолларда ҳар бир ходимнинг қонуний ваколатига киради.

Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонун билан белгиланган бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9.1-м.). Шахсни ҳибсга олиш ва ушлаш асослари миллий қонунчиликда ўз аксини аниқ топмаган ёки қарама-қарши бўлса, қонунийлик принципи бузилган бўлади.


Қонуннинг бузилишига техник нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, шахсни бирон-бир ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилиш шахсни ҳибсга олмаслик учун оқловчи ҳолат бўлиши принциплар тўпламида ҳам айтиб ўтилган.

Бироқ, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахслар ҳар доим ҳам ҳибсга олинмайди. Ҳибсга олиш ҳақидаги қарорга бир қатор ҳолатлар ўз таъсирини кўрсатади. Шахс содир этган жиноятнинг оғирлиги ва оқибатлари ҳамда гумонланувчини ушлаш вақтида унинг ҳолати қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бундай фаолиятни амалга оширишда иштирок этган ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи органлар ходимларининг тажриба ва ваколатларига кўп нарсалар боғлиқ бўлади.

Ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш ёки ўзбошимча эҳтиёт чоралари:

Ўзбошимчалик билан ҳибсга олишни тақиқлаш Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9.1-моддасида кўрсатилганидек, озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорларни чегаралашга қўшимча бўлиб, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун ҳам бирдай тааллуқлидир.



Қонун ҳаттоки бирон жиддий ҳолатларда ҳам ўзбошимча қўлланиши мумкин эмас. Ушбу жумладаги «ўзбошимча» сўзи ўзида адолатсизлик, асосланмаганлик, беқарорлик, тенгсизлик маъноларини қайсидир даражада англатади.

Қонуннинг озодликдан маҳрум этишни кўзда тутувчи нормаси ҳуқуқбузарга нисбатан адолатсиз, тенгсиз бўлиши керак эмас. Ҳибсга олишни амалга ошириш қоидаларига кўра шахс камситилмаслиги лозим. Улар содир этилган қилмишга нисбатан чора қонунга мувофиқ бўлиши лозим.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича Европа конвенциясининг 5-моддасида инсонни озодликдан маҳрум этиш мумкин бўлган қонуний ҳолатлар ва уни амалга ошириш тартиби белгиланган. Европа конвенцияси биринчи ўринда иштирокчи давлатларга мўлжалланган бўлиб, унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хизмат фаолиятларидаги ҳар хил шароитлар, яъни инсонни озодликдан маҳрум этиш тўғри ва ягона чора бўлиб қолган вақтдаги раҳбарий қоидалар кўрсатиб ўтилган. Европа конвенциясига мувофиқ, инсон қуйидаги ҳолларда озодликдан маҳрум этилиши мумкин:

- ваколатли суд томонидан шахснинг айбдор деб топилиши асосида;
- суднинг қонуний қарорини бажармаганлик учун ёки қонунда назарда тутилган ҳар қандай мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида;
- ҳуқуқбузарликни содир этишда асосли гумон қилинаётган шахсни суд органига топшириш мақсадида;
- вояга етмаган шахсларни қонуний қарор асосида тарбиявий назорат ёки ваколатли органга топшириш учун;
- юқумли касалликлар тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида;
- шахсларнинг мамлакатга ноқонуний киришларининг олдини олиш мақсадида.

Ҳибсга олинган шахс ва унинг ҳуқуқлари:

Қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, ушланаётган ёки ҳибсга олинаётган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари мажмуи (ёки принциплар тўплами)даги 36.2-принципга асосан, инсон фақатгина жиноят

содир этишда гумон қилинганда ёки ваколатли органнинг қарори асосидагина ҳибсга олиниши мумкин.



Ҳибсга олинаётган ҳар бир кишига ҳибсга олишнинг сабаблари айтилади ва дарҳол унга айб эълон қилинади (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9.22-моддаси; принциплар тўплами, 10-принцип). Ҳар бир ҳибсга олинган шахс зудлик билан қонуний ва зарурий қарор қабул қилувчи суд ёки суд ҳокимиятини амалга оширадиган бошқа мансабдор шахснинг ҳузурига келтирилади (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9.3-моддаси; принциплар тўплами, 11, 37-принциплар). Ҳибсга олиш ва ушлашнинг шунга ўхшаш ҳолатлари Инсон ва халқлар ҳуқуқи тўғрисидаги Америка конвенциясининг 7-моддаси ва Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг 5-моддасида ҳам ўз аксини топган.

Кўпгина мамлакатларда шахс ушланган пайтдан то суд ёки бошқа ваколатли органга олиб келингунча бўлган вақт 48 соат қилиб белгиланган. Баъзи давлатларда бу давр 24 соат қилиб белгиланган. Бу давр, одатда, полиция ҳибси деб аталади.

Жиноят содир этишда айбланаётган шахс қисқа муддатлар: суд муҳокамасигача ёки судгача озодликда бўлиш ҳуқуқига эга (принциплар тўплами, 38-принцип).

Ҳибсга олиниш билан пайдо бўладиган ҳуқуқлар. Айбсизлик презумпцияси ҳибсга олинган барча шахсларга нисбатан татбиқ этилади ва барча муносабатларда ўз аксини топиши шарт.

Ҳибсга олинган шахсга нисбатан суриштирув олиб бориш, хавфсизлик ва тартибни сақлаш нуктаи назаридан бевосита зарурият бўлмаса, унга нисбатан ҳар хил чекловларни қўллаш тақиқланади (принциплар тўплами, 36-принцип).

Ҳибсга олинган ҳар бир шахс адвокатнинг юридик ёрдамини олиш ҳуқуқига эга бўлиб, унга ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш учун барча имкониятлар яратиб берилади. Агарда, ҳибсга олинган шахснинг адвокат ёллашга имконияти бўлмаса, унга суд ёки бошқа органлар томонидан бепул адвокат хизмати таъминланади (принциплар тўплами, 17-принцип).

Ҳибсга олинган шахс ва унинг адвокати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- суд ёки бошқа органларда ишнинг адолатли кўриб чиқилиши имкониятига эга бўлиш;
- ҳибсга олиш тўғрисидаги ҳар қандай қарор ва ушлаш сабаблари тўғрисида дарҳол ва тўлиқ ахборот олиш;



- адвокат билан ҳар қандай қулай вақтда, тўлиқ сир сақланган ҳолатда, цензурасиз ва зудлик билан маслаҳатлашиш;

- ҳибсга олинган шахснинг адвокат билан учрашувини мансабдор шахс уларнинг суҳбатини эшитмаслик шарти билан кузатиб туриши мумкин;

— ҳибсга олинган шахснинг адвокати билан учрашувидан содир этилган ёки тахмин этилаётган жиноятни содир этишда фойдаланилмаслиги лозим;

— ҳибсга олинган шахсни сўроқ қилишнинг муддати ва сўровлар ўртасидаги муддат, шунингдек тергов ва бошқа ҳаракатларни амалга оширадиган мансабдор шахсларнинг исмлари, фамилиялари тўғрисидаги ахборотларни олиш;

— ҳибсга олинган шахсни зудлик билан қонуний озодликка чиқариш мақсадида, агар ушбу ҳибсга олиш ноқонуний бўлса, суд ёки бошқа органлар устидан миллий қонунчиликка мувофиқ тарзда даъво киритиш;

— ҳеч қайси ушланган ёки ҳибсда сақланаётган шахс кийноққа солиниши мумкин эмас.

Ҳибсга олинган шахсни ўз айбига иқроф бўлишига ёки бошқа шахсга нисбатан гувоҳлик беришига мажбурлаш тақиқланади. Ҳибсга олинган шахс оиласини ёки оила аъзоларини ва бошқа шахсларни ҳибсга олингани, ушлаш жойининг ўзгаргани тўғрисида хабардор қилиш ҳуқуқига эга.

Аёлларнинг алоҳида ҳолати. Эркак ва аёлларнинг тенглиги халқаро



ҳуқуқнинг асосий принципларидан бири бўлиб, у БМТнинг Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа инсон ҳуқуқларига доир қатор халқаро шартномаларда ўз аксини топган.

Эркак ва аёллар тенглиги асосан ҳибсга олиш вақтида ва ундан кейин тақдим

этиладиган барча ҳимоя ҳуқуқларига тенг даражада тақсимланади.

Бундан ташқари, принциплар тўпламининг 1-моддасида акс этган инсон шахсиятига тааллуқли муносабатда бўлиш, қадр-қимматни ҳурмат қилиш принциплари аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўшимча чораларни талаб этади.

Аёлларни ҳибсга олиш ва уларни шахсий тинтувдан ўтказишни имкон қадар аёл ходималар амалга оширадилар ва ҳибсга олинган аёллар эркаклардан алоҳида сақланиши керак. Ушбу ҳолатга камситиш тариқасида қараш керак эмас, балки бу ерда асосий мақсад – табиий кучлар тенглигини эътиборга олган ҳолда, эркаклар билан ҳуқуқий тенгликни таъминлашдан иборат.

Вояга етмаганларнинг алоҳида ҳолати. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда (1989 йил 20 ноябрь) 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланади (1-модда).

БМТнинг вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга тааллуқли минимал стандарт қоидаларига (Пекин қоидалари) асосан, «бола ёки ёш инсон вояга етмаган ҳисобланади ва у катта ёшли инсонларга қўлланиладиган ҳуқуқ тизимидан фарқли ўлароқ, бошқа шаклдаги



жавобгарликка тортилиши мумкин» (22 «а»-қоида). Худди шунга мувофиқ, 2.2. «с»-қоидада: «хуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинаётган ёки уни содир этган хуқуқбузар бола ёки ёш инсон вояга етмаган ҳисобланади», – дейилган. Юқорида санаб ўтилган халқаро ҳужжатлар жавобгарликка тортишнинг минимал ёшини белгилаб бермайди, аммо ушбу муаммони миллий даражада ҳал этиш имкониятини яратиб беради.

Вояга етмаган хуқуқбузарлар катта ёшли шахслар билан тенг хуқуқларга эга, бироқ уларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро хуқуқий ҳужжатларда махсус нормалар назарда тутилган. Ушбу махсус нормаларнинг асосий мақсади вояга етмаганларни умумий жиноий судлов тизимидан ажратиб олиш ва уларни жамоатчилик назоратига топширишдан иборат. Шу боис Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда болани ҳибсга олиш билан боғлиқ бир қатор аниқ ва муҳим ҳолатлар акс эттирилган. Улар қуйидагилар:

– бола ноқонуний ёки ўзбошимча эркинликдан маҳрум этилиши мумкин эмас;

болани ҳибсга олиш, ушлаб туриш ёки қамокқа олиш қонунга мувофиқ амалга оширилади ва фақат охириги чора сифатида, мумкин қадар тегишли қисқа вақт мобайнида амалга оширилади (37 «в»-модда).

Шунингдек, Пекин қоидалари қуйидагиларни қўшимча қилади:

– вояга етмаган шахс ушланиши билан дарҳол унинг ота-онаси ёки васийларига хабар қилинади (10.1-қоида);

– судья ёки ваколатли шахс ёки орган зудлик билан озод қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади (13.4-қоида);

– вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш билан шуғулланувчи хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари махсус йўлланма ва тайёргарликдан ўтишлари шарт (12-қоида).



Ноқонуний ҳибс ёки ноқонуний эҳтиёт чораларидан жабрланувчилар. Ноқонуний равишда қамалган ёки ҳибсда ушлаб турилган ҳар бир киши даъво кучига эга бўлган товон талаб қилиш хуқуқига эгадир (Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 9.5-модда).

Ушбу ҳолат ноқонуний қамалган ёки эҳтиёт чоралари қўлланган вақтда товон талаб қилиш хуқуқини беради. Шунингдек, инсон хуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг 5.5-моддаси фақатгина ушбу моддадаги қоидалар бузилган вақтда товон ундириш кафолатини беради.

Инсон хуқуқлари бўйича Америка конвенциясининг 10-моддасига мувофиқ, товон фақатгина суднинг хатоси учун айнан ўша суд томонидан якуний ҳукмга нисбатан тўланади. Ноқонуний қамокқа олиш ҳам суд хатоси бўлиши мумкин.

Барча халқаро ҳужжатларга мувофиқ, етказилган зарарни қоплаш масаласи давлатларнинг ички ишлари деб қаралади ва ўзўзидан миллий хуқуқ нормалари билан тартибга солиниши лозим.

Жабрланувчилар учун одил судловнинг асосий принциплари декларациясида жабрланувчилар ҳуқуқи ва давлатнинг бу тоифа фуқаролар олдида жавобгарлиги масалаларига тегишли ҳолатлар акс этган. Ушбу декларациянинг 4-моддасида жабрланувчиларга ҳамдардлик ва уларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилган ҳолда муносабатда бўлиш кераклиги таъкидланади. Расмий равишда фаолият юритаётган давлат мансабдор шахслари ёки бошқа вакиллар миллий жиноят қонунларини бузганларида, жабрланувчиларга етказилган зарар учун давлатдан, мансабдор шахслар ёки бошқа вакиллардан реституция (етказилган зарарнинг моддий маблағ билан қопланиши) олинади.

3-САВОЛ: “МИРАНДА ҚОИДАСИ” ВА “ХАБЕАС КОРПУС” ИНСТИТУТИ –ҲУҚУҚЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТИ.

Жумладан, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига ярашув институти киритилгани муҳим қадамлардан бири бўлди. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди. Бу халқимизнинг бағрикенглик ва кечиримлилик тамойилларига ҳам мос келади.

Ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилганини нафақат юртдошларимиз, балки дунё ҳамжамияти эътироф этди. Эндиликда юртимизда умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жинояти учун тайинланади. Айни чоғда бу жазо тури хотин-қизлар, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга тўлмаган шахслар ҳамда ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланмайди.

"Хабеас корпус" институти жорий этилди, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чоралари фақат судьянинг санкцияси асосида қўлланадиган бўлди. Бу - фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз экани, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги конституциявий норма амалда рўёбга чиқишининг яққол ифодасидир.

2014 йил 4 сентябрдаги қонунга мувофиқ, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси жорий этилиб, шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва унинг муддатини узайтириш судлар ваколатига берилди. 2015 йил 10 августдаги қонун билан жазо тизимига озодликни чеклаш жазоси киритилди. Бу жазо мамлакатимиз қонунчилигида янгилик ҳисобланиб, у тайинланган маҳкумнинг ўз яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишини



бутунлай тақиқлаб ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқиши чеклаб қўйилади. Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўтатирилади.

Ўзбекистонда жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати жиноят содир этган шахсга, иложи борича, жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашдан иборатлигини инобатга олиб, озодликни чеклаш жазоси жиноий жазо сифатида жамиятимизнинг ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий талабларига жавоб беради ҳамда одил судловни инсонпарварлик ғоялари асосида амалга оширишда ижобий натижа бермоқда.

Эътироф этиш керак, давлатимиз раҳбарининг маҳкумларни афв этиш тўғрисидаги фармонлари халқимизнинг инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик каби ўзига хос қадриятларининг чин маънодаги намунаси бўлмоқда. Бунга жойларда мазкур ҳужжат мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар, аҳоли билан бевосита мулоқотларда оддий одамлар билдираётган миннатдорлик сўзлари яққол мисол бўла олади.

Бундан кўзланган мақсад - фақат маҳкумларни ёки билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларни жазодан озод қилиш эмас, балки улар туфайли жабр тортадиган ҳар бир оила ва оила аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган ўғил-қизларнинг келгуси тақдирини ҳамда уларнинг келажагини турли салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб эса жазо тизимидан "қамок" жазоси чиқарилиб, "мажбурий жамоат ишлари" жазо тури киритилди.

Жиноий жазолар тизимидан нисбатан қаттиқ таъсир чораларидан бирининг чиқарилиши ҳуқуқбузарларга нисбатан тарбиявий-тузатиш таъсир чораларининг илғор шакл ва услубларини кенг қўллашга хизмат қилади.

Шунингдек, жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш мақсадида жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати қисқартирилди.



"Хабеас корпус" институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди. Бундан ташқари, судга қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилган тақдирда муқобил эҳтиёт чорасини қўллаш

имконияти берилди.

Судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечиктиришни бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини оширишга қаратилган янгилик сифатида суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб

чиқишга ваколатли бўлган янги суд тизими шакллантирилди. Яъни, илк маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман ва шаҳар маъмурий судлари ташкил этилди.

Хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳудудларда ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколати бўлган туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судлари ташкил этилди.

2017 йил 1 июндан эътиборан Олий суд ва Олий хўжалик судини бирлаштириш йўли билан фуқаролик, жинорий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритиши соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.



Жиноят-процессуал кодексига бутунлай янги - "Далилларнинг мақбул эмаслиги" ҳақидаги 95¹-моддаси киритилганини ҳам қайд этиш жоиз. Унга кўра, қонунга хилоф усуллар орқали ёки процесс иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёхуд уларни чеклаш йўли билан олинган далиллардан, шу жумладан, жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан руҳий, психологик, жисмоний ёхуд бошқача тарзда босим ўтказиш, қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда; гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда; мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан процессуал ҳаракатни бажариш натижасида; номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан; суриштирув, дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг судда мавжуд далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган далиллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланди.

Шунингдек, Жиноят кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, далилларни сохталаштирганлик (қалбакилаштирганлик) учун 230¹-моддага асосан жинорий жавобгарлик белгиланди, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаганлик, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича адвокатура институтининг роли ва аҳамияти кучайтирилди.

Судларнинг жамоатчилик ва ОАВ билан ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаётганлиги ҳамда аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пасайишига олиб келаётганлиги, шунингдек, судьяларни моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими суд ҳокимиятининг алоҳида мавқеи ва обрўсига, судьялар мустақиллиги принципларига мувофиқ эмаслиги касбий ўсишни янада рағбатлантиришга тўсқинлик қилиб, кадрлар қўнимсизлигига олиб келаётганлиги инобатга олиниб, Олий суд веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш, қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириш, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш, суд амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш амалиёти жорий этилди.

Маълумки, бугунги кунда шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилиш холис воқеликка айланди. Бундай маълумотларни муҳофаза қилиш, ундан турли ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик, шу аснода шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш масаласи ҳар қачонгидан кўра долзарб аҳамиятга эга.

Бу борада "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 46²-моддаси ва Жиноят кодекси 141²-моддаси билан тўлдирилиб, маъмурий ва жиний жавобгарлик белгиланди.

Ўтган давр мобайнида судьялар ва суд аппаратлари ходимларининг лавозим маошлари оширилди, малака даражаси ва мансаб даражасига эга бўлган судлар ва суд аппарати ходимларига алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда лавозим маоши таркибига киритилган устама миқдори кўпайтирилди, судьяларнинг давлат органлари ва ташкилотларида ишлаган вақти уларнинг ушбу орган ва ташкилотлардаги меҳнат фаолияти бошланган пайтдан бошлаб судьялик стажига киритилиши белгиланди. Умуман олганда, соҳадаги ислохотлардан кўзланган мақсад шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришишдир. Шундай экан, эзгу мақсадларга хизмат қилишни фаолиятимизнинг асосий мезонига айлантириб, дахлдорлик ҳисси билан меҳнат қилиш - бош вазифамиз бўлиб қолади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумийтироф этилган нормаларига биноан эътироф этилиши ва кафолатланиши қайд этилмоқда.

Жумладан, унга инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид қатор прогрессив кафолатлар киритилмоқдаки, улар замирида энг асосий ғоя, яъни инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг олий мақсади, деб эътироф этилиши ғояси ётади. Айнан мана шу ёндашув асосида

Конституциянинг янги таҳририда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баробардан ортиққа ошмоқда.

“Миранда қоидаси” ва “Хабеас корпус” институти ана шундай янги кафолатлардандир. Уларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?



“Миранда қоидаси” деярли барча ривожланган давлатларда амал қиладиган, жиноят содир этишда гумон билан ушланган шахс ҳуқуқларининг асосий кафолати ҳисобланади.

Бу қоида АҚШда биринчи бор киритилган юридик талаб бўлиб, унга биноан, ҳар қандай полиция ходими ушлаш вақтида шахсга унинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириши ва, албатта, ушланган шахсдан мазкур тушунтиришлар моҳиятини англагани борасида ижобий жавоб олиши талаб этилади.

Хусусан, шахс жиноят содир этишда гумонланиб, ушланган вақтида қуйидагилардан аниқ хабардор этилиши шарт:

– сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз, айтган ҳар қандай гапингиз судда сизга қарши ишлатилиши мумкин;

– адвокат билан маслаҳатлашингиз мумкин ва бу адвокат биринчи сўроқ давомида иштирок этиши мумкин;

– агар адвокат ёллаш учун имкониятингиз бўлмаса, сизга бепул равишда адвокат хизмати таъминланади.

Айтиш керакки, шахсни ушлаш вақти одатда жиноят иши юритувининг дастлабки нуқтаси ҳисобланади ва айнан мана шу вақтда шахс ноқонуний жиноий таъқиб ва ғайриқонуний ҳаракатларга дучор этилиши эҳтимоли катта.

Ушланган шахс ўз процессуал ҳуқуқларини яхши билмаган шароитда у тергов органлари томонидан айбига иқрорлик ёки ўзига қарши кўрсатмалар беришга мажбурланиши хавфи мавжуд. Айнан процессуал ушлаш вақтида инсон руҳан стресс ҳолатида бўлади ва ҳуқуқий кўмакка айниқса муҳтождир, чунки у бундай мураккаб вазиятда жиноятда айби борлигини исботлаш мажбурияти унинг эмас, аксинча, бутунлай тергов органларига юклатилганини англай олмайди. Сукут сақлаш ҳуқуқи эса гумонланаётган шахсга ўзининг жиноят содир этишда айбини исботлаш жараёнида иштирок этмаслик имкониятини кафолатлайди.

Айтиш керакки, “Миранда қоидаси” қисман бўлса-да, миллий жиноят ишлари юритувида кўзда тутилган. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 46-моддасига биноан, шахс ўзининг кўрсатмаларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши ва нимада айбланаётганини билиш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, мазкур нормада шахсга ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмаслиги кафолатланган.

Бундан ташқари, айбланувчи ёки гумонланувчи ўзига қўйилган айблов ё гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатмалар бериш ёхуд кўрсатмалар беришдан бош тортишга ҳақлидир. Шунингдек, у кўрсатмаларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқига ҳам эга.

Шу билан бирга, бугунги кунда жиноят процессида шахс ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоялаш билан боғлиқ халқаро стандартларни конституциявий мустаҳкамлаш зарурати катта. Хусусан, “Миранда қоидаси”нинг конституциявий равишда белгиланиши жинойи таъқиб остига олинган шахслар, гумон қилинувчи ва айбланувчилар ҳуқуқларини таъминловчи реал кафолат бўлиб хизмат қилади.

Одатда инсон ўз процессуал ҳуқуқларини жиноят содир этишда гумонланиб ушланганида, яъни мураккаб вазиятга тушганидан кейин билишга интилади, қачонки шундай конституциявий ҳуқуқи бор эканини айблов эълон қилиб бўлинганидан кейин эмас, аксинча, бундан аввал билиши ва уни таъминланишини талаб этиши зарур.

Инсон ҳуқуқларига оид принциплар ўтган асрнинг жиноят-процессуал кодексларида белгиланган. Лекин, шубҳасиз, ўша даврда улар декларатив равишда, фақат қоғозда бўлган. Инквизициявий жиноят процессида



исботлашнинг энг самарали йўли айбига иқрорлик кўрсатмаларини олиш ҳисобланарди. Бу йўлда ҳар қандай усуллар ўзини оқлайди, деган репрессив қоида амал қиларди. Айнан ана шу оғир тарихий даврларни бошидан кечирган халқимизда жиноят тергови ҳақида сўз борганда ҳали-ҳануз куйидаги стереотип фикрлаш сақланиб қолган: “тергов органларига кунинг тушмасин, тушса тамом, қутула олмайсан, тергов нима деса, шуни қилишга мажбур бўласан”. Шубҳасиз, бундай стереотиплардан батамом воз кечишимиз зарур, зеро, улар одил

судлов принципларига мутлақо зиддир.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқида таъкидлаганидек: *“Президент Халқ қабулхоналарига келаётган кўплаб мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан шахс қўлга олинганида, у нима учун ушлангани ва қандай ҳуқуқларга эга экани тушунтирилмайди. Натижада гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ушланган дастлабки вақтдаёқ хавф остида қолади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб давлатларнинг Конституция ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда акс эттирилган “Миранда қоидаси”ни қўллаш лозим. Яъни шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шарт. Ана шу қоидани Конституциямизда муҳраб қўйишининг вақт-соати келди”*.

“Миранда қоидаси”нинг конституциявий мустаҳкамланиши жиноят иши холис тергов қилиниши ва тергов органлари томонидан ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракатлар ва тақиқланган усуллар қўлланилишининг олдини олади. Мазкур қоидага кўра, шахснинг ҳуқуқлари у яхши тушунадиган тилда

тушунтирилиши талаб этилади. Бу айнан унинг она тили бўлиши шарт бўлмай, шахс одатда мулоқот қиладиган ва яхши тушунадиган тил бўлиши керак. Ушбу қоида ушланган шахсга унинг ҳуқуқлари реал таъминланишини кафолатлайди ва унга нисбатан тергов органлари томонидан алдов, нотўғри маълумот бериш ва бошқа ҳар қандай қонунга хилоф усуллар қўлланилишига йўл қўймайди.

Шахснинг сукут сақлаш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларига оид нуфузли халқаро ҳужжатларда ҳам акс этган. Мазкур кафолат Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасидаги “ўзига ўзи қарши кўрсатув беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслик” қоидасида янада ривожлантирилган.



Мазкур талаб қатор давлатлар конституцияларида (*Нидерландия, Испания, Греция, Хорватия, Словения, Россия, Грузия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова* ва бошқалар) мустаҳкамланган.

Масалан, АҚШ Конституцияси 5-қўшимчасида бирорта шахс ҳеч бир жиноят иши бўйича ўзига қарши кўрсатма беришга мажбур қилиниши мумкин эмаслиги белгиланган.

Буюк Британияда ушлаш ва ҳибсга олишга оид алоҳида қонунга биноан, полиция ходими шахсни ушлаган вақтда: *“Сиз бирор нарса гапирिशга мажбур эмассиз. Лекин кейинчалик судда айтишни кўзлаётган гапингизни сўроқ вақтида айтмасангиз, бу сизнинг ҳимояланишингизга зарар бериши эҳтимоли бор. Нимаики гапирсангиз, барчаси далил сифатида ишлатилиши мумкин”*, дея шахсга ҳуқуқларини тушунтиради.

Европа Иттифоқи давлатларида эса универсал шакл – ушланган шахсларга ушланиши билан дарҳол қўлига процессуал ҳуқуқларига оид хабарнома топширилади, бу тартиб ИЕга аъзо деярли барча давлатларида амал қилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб беришга мажбур эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Бу янги конституциявий қоида нимани англатади? Жиноят бўйича исботлаш мажбурияти алоҳида масъул мансабдор шахсларга юклатилган. Яъни дастлабки терговда шахсга нисбатан айблов терговчи томонидан эълон қилинади, суд муҳокамасида эса айбловни давлат айбловчиси қўллаб-қувватлайди. Айнан шунинг учун ҳам шахснинг айбли ёки айбсизлигини исботлаш фақат мазкур мансабдор шахслар зиммасида. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи исботлаш жараёнида иштирок этишга мажбур эмас. Агар истаса, шахс ушланган вақтидан то ҳукм чиқарилгунга қадар умуман сукут сақлаши мумкин – бу унинг ҳуқуқи.

Яъни жиноятда гумонланаётган ёки айбланаётган шахс терговчига “Айбдор ёки айбсизлигимни исботлашга мажбур эмасман, бу сизнинг мажбуриятингиз!” дейишга тўла ҳақлидир. Албатта, оддий турмушимизда бундай вазиятни тасаввур қилишимиз анча мушкул. Лекин аслида айбсизлик презумпциясининг мазкур қоидаси ҳар бир шахсга айнан шундай дадил позицияда бўлишни кафолатлайди.

Тергов амалиёти кўрсатадики, одатда шахс ушланганда ёки унга нисбатан жиноят иши очилганда у оғир рухий ҳолатга тушади, ўзини йўқотиб қўяди ва ўз ҳуқуқларини тўлиқ англай олмайди. Бундай мураккаб рухий ҳолатда жиноятда айби борлигини исботлаш ўзининг эмас, тергов органларининг вазифаси эканини тушунмаган фуқароларимиз ўзига қарши кўрсатмалар бериши, афсуски, ҳаётимизда кўплаб учрайдиган ҳолатдир.

Айнан шунинг учун ҳам шахс ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги қондасининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши тергов органлари томонидан шахсни мажбурлаш ёки унга ҳар қандай босим ўтказиш каби салбий ҳолатлардан ҳимоя қилади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамланаётган яна бир муҳим кафолат – ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга эканини алоҳида эътироф этиш зарур.

Мазкур ажралмас ҳуқуқлар борасида сўз кетганда, албатта, халқаро даражада умумётироф этилган ҳужжат – шахс эркинлигини таъминлаш йўлида ўзига хос янги даврга асос солган “Хабеас корпус акт” институти аҳамиятини таъкидлаш жоиз.

“Хабеас корпус” (лот. *habeas corpus*) – “танани судга келтириш”, яъни жиний таъкибга учраган фуқаронинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқининг тарихан энг қадимий () эътирофларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда “Хабеас корпус” институти 2008 йилдан татбиқ этилган бўлиб, унинг қўллаш доираси йиллар давомида изчил кенгайтирилиб бормоқда, тергов жараёни устидан суд назорати қатъий равишда кучайтирилмоқда.

Хусусан, 2008-2016 йилларда қатор процессуал мажбурлов чораларини *(қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, амнистия актини қўллашга оид илтимосномани кўриб чиқиш, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси)* қўллаш ваколати судларга берилган.

Биргина қамоқ эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши амалиётидан мисол келтирсак, 2022 йилда тергов органларидан судларга келиб тушган жами 24 минг 118 та илтимосномадан 23 минг 503 таси қаноатлантирилган, 485 таси эса рад этилган, яъни 485 шахсга нисбатан асоссиз равишда қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилишининг олди олинган.

2017-2021 йилларда суд назорати доираси янада кенгайтирилиб, шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеклашга оид қатор тергов ва процессуал ҳаракатларга *(паспортнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш, мурдани эксгумация қилиш, қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш)* санкция бериш судлар ваколатига ўтказилди.



Шунингдек, 2021 йилда ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган, яъни эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларнинг ҳақиқий чекланган пайдан эътиборан кўпи билан қирқ саккиз соатни ташкил этиши белгиланиши “Ҳабеас корпус” институтининг миллий қонунчилигимизда янада мустаҳкам ифода топишини таъминлади.

Жиноят иши юритувида шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини чеклашга оид бундай ҳаракатлар устидан суд назорати ўрнатилгани жиноят процессида суднинг тергов органларига нисбатан мустақиллиги, холислиги ва беғаразлиги моҳияти билан изоҳланади ва жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришни назарда тутаяди.

“Ҳабеас корпус акт” институти доирасини кенгайтириш жараёнининг мантикий давоми сифатида энди хусусий мулк дахлсизлиги ва шахсий ҳаёт дахлсизлигини чеклашга оид тергов ҳаракатларининг барчаси (*телефон ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали сўзлашувларни эшитиб туриш, тинтув, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, мол-мулкни хатлаш*) фақат суднинг рухсати билан ўтказилиши тартиби конституциявий даражада мустаҳкамланмоқда.



Янги таҳрирдаги конституциявий нормага биноан, мазкур ҳуқуқларнинг чекланишига фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда, суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Конституциямизнинг янги таҳририга кўра, мазкур қоида билан фуқароларнинг шахсий ҳаёт, уй-жой ва хусусий мулк дахлсизлиги ҳуқуқлари янада мустаҳкамланмоқда.

Энди терговчи, суриштирувчи ва прокурор тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиш ва мулкни хатлаш заруратини судга асослантириши керак бўлади.

Шахснинг конституциявий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашга оид бу ҳаракатлар суд рухсати билан амалга оширилиши натижасида тергов даврида фуқароларнинг мулк, турар жой ва шахсий ҳаётга оид маълумотлари дахлсизлиги асоссиз бузилишининг олди олинади. Зеро, суднинг жиноят иши юзасидан ҳеч бир идоравий ёки бошқа манфаати йўқдир, у бетарафдир.

Дахлсизлик ҳуқуқларига оид мазкур қафолатлар қатор халқаро ҳужжатларда ҳам мустаҳкамланган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида “ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиб, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас”лиги белгиланган.

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактнинг 17-моддасида “ҳеч ким ўзининг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашиб, ўзининг уй-жойи ёки ёзишмалари сири дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилинишига ёки унинг орномуси ва шаънига ноқонуний тажовуз қилинишига дучор этилиши мумкин эмаслиги ва ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовузлардан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга”лиги эътироф этилган.

Шунингдек, 1950 йил 4 ноябрдаги Европа инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциянинг 8-моддасига кўра,

“ҳар ким ўз шахсий ва оилавий ҳаёти, уй-жойи ва ёзишмалари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгадир”.

Мазкур кафолатлар ривожланган давлатлар конституцияларида ҳам мустаҳкамланган. АҚШ Конституциясининг 6-қўшимчасида ҳеч бир шахс қонуний судда кўрилмай, ҳаёти, эркинлиги ёки мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Янги таҳрирдаги Бош қонунимизда “**Хабеас корпус**” институтининг мантикий изчилликда кенгайтирилиши орқали шахсий ҳаёт, хусусий мулк ва уй-жой дахлсизлиги ҳимояланиши ҳамда суднинг қарорисиз мазкур ҳуқуқлардан маҳрум этилишга йўл қўйилмаслигининг белгиланиши фуқароларимизнинг дахлсизлик кафолатлари қатъийлигини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, мазкур конституциявий кафолатлар суд-тергов жараёнларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб туришга, улар томонидан фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигига оид ҳуқуқларининг ўзбошимчалик билан бузилишига йўл қўймасликка, шахснинг яшаш жойига асоссиз кириш, уй-жой дахлсизлигини бузиш, фуқароларни мулкидан асоссиз маҳрум этилиши ҳолатларини бартараф этишга хизмат қилади.

Энг муҳими, бу конституциявий янгиланишлар орқали терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида шахс ҳуқуқларига оид тергов хатоларига йўл қўйилмаслиги ҳамда фуқароларимизнинг судларга бўлган қатъий ишончини оширишга эришилади.

Бош қонунимизга киритилаётган янги кафолатлар бутун жаҳон эътироф этган “олтин қоидалар” бўлиб, уларнинг конституциявий даражада мустаҳкамланиши фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишининг янги ва ишончли механизмини ишга солади. Шунингдек, бу прогрессив қоидалар янги таҳрирдаги Конституциямизда қатъийлаштирилиши фуқароларимизни асоссиз ва қонунга хилоф жиноий таъқибдан ҳимоя қилади, тергов органлари томонидан жиноятда айбланаётган шахслар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олади.

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни консектлаштириш ва семинар машғулотида муҳокама қилиш.

2. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан суриштирув олиб бориш, қамоққа олиш ва ҳибсда ушлаб туришнинг тартибини белгиловчи халқаро стандартларни Ўз.Рес.нинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан боғлиқли жойини айтиб беринг.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

Ўқув машғулоти саволлари кичик саволларга бўлиниб “Баҳс-мунозара”, “кичик гуруҳларга бўлиш”, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Миранда қондаси” ва “Хабес корпус” институтининг тушунчаси, моҳияти ва асосларини айтиб беринг?

(Ушбу саволни ёритишда “Баҳс-мунозара” методдан фойдаланилади)

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қондаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги; -
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида — “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.

Миранда қондаси” ва “Хабес корпус” институти конституцияда қандай белгиланди?.

Турли фикрлар тингланади

Фикр ғоялар тўпланади

Таҳлиллар қилинади

Аниқ ва муқобил ечимни топиш

Мавзулар юзасидан тахминий тест саволлари

1-мавзу юзасидан:

1-савол. Миранда қоидаси тушунчаси.

2-савол. “Хабеас корпус” тушунчаси.

3-савол. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва юридик кучи.

4-савол. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан суриштирув олиб бориш, камоққа олиш ва ҳибсда ушлаб туришнинг тартибини белгиловчи халқаро стандартлар.

5-савол “Миранда қоидаси” ва “Хабеас корпус” институти конституцияда қандай белгиланди?

6-савол. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳибсга олишни амалга ошириш. Ҳибсга олиш учун асослар.

7-савол. Ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш ёки ўзбошимча эҳтиёт чораларини қўлашнинг ҳуқуқий оқибати.

8-савол. «Ушланган шахс» тушунчасига тўғри таъриф беринг?

9-савол. «Ҳукм этилган шахс» тушунчасига тўғри таъриф беринг?

10-савол. Ҳибсга олинган шахс ва унинг адвокати қандай ҳуқуқларга эга?

20-МАВЗУ: АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР.

РЕЖА:

1. Аёллар ҳуқуқларининг норматив-ҳуқуқий кафолатлари.
2. Болалар ҳуқуқларининг норматив-ҳуқуқий кафолатлари.

1-САВОЛ: АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ НОРМАТИВ- ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ.

Ҳозирги замонда инсон ҳуқуқлари муҳим ўрин тутди. Ҳар қандай ривожланган демократик жамият куришда уларнинг ролини ошириб юбормаслик лозим. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий давлат курилишидаги асосий шартлардан бири бу жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш ҳамда ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Унчалик узоқ бўлмаган ўтмишда ҳам инсон ҳуқуқлари фақатгина ички давлат органлари доирасида тартибга солинган. Ҳар бир давлат ўз юрисдикциясида бўлган фуқаро ва шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳажмини фақат ўзларига хал қилиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблар эдилар. Ҳаттоки, БМТ ташкил қилинган илк кунларда ҳам давлат ички органлари бу соҳадаги асосий манбалар ҳисобланар эди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжатларнинг таҳлили уларни ҳуқуқий мақоми жиҳатидан 3 турга бўлинишини кўрсатади:

- 1 Халқаро;
- 2 Минтақавий;
- 3 Миллий.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий ҳужжатлар БМТга тегишлидир. Ҳозирги инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Билл қуйидаги ҳужжатларни ўз таркибига олади:

- а) Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон Декларацияси;
- б) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт;
- в) Фуқаролик ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт;
- г) Фуқаролик ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт асосида қабул қилинган 1-факультатив протокол;
- д) Фуқаролик ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт асосида қабул қилинган 2-факультатив протокол (ўлим жазосини бекор қилиш бўйича).



қабул қилинган 2-факультатив протокол (ўлим жазосини бекор қилиш бўйича).

Декларация инсон ҳуқуқларининг умумий тамойилларини ифода этади. Пактлар эса, бу тамойилларни бойитади, тўлдиради ва инсон ҳуқуқларининг

яхлит тизимлари, қоидаларини қамраб олади.

Декларациянинг юридик моҳияти:

-ИХУД ИХ багишланилган замонавий ҳужжатлар ичида энг биринчиси;

2.Сиёсий моҳияти:

-ИХУД жаҳон бирлигини намоён этган (1949 й.Черчелнинг Фултондаги нутқини эслат);

-Бу ҳужжат ИХларини тула рўйхатини беради(каталог);

-Маънавий аҳамияти (улчов мезони сифатида қаралади);

-Ҳужжатнинг устворлигидан иборат (ИХларисиз на халқаро ҳамжамият на алоҳида давлат ривожлани олмайди).

Пакт қуйидаги ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва амалга оширишда кўмаклашишни кўзда тутлади:

эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқлар;

адолатли ва қулай шароитларда меҳнат қилиш ҳуқуқи; ижтимоий ҳимоя, ҳаёт кечириш учун етарли шароитлар ва мумкин қадар юқори даражадаги жисмоний ва ақлий соғломлик шароитларига бўлган ҳуқуқ;



таълим олиш ва маданий эркинлик ва илмий тараққиёт неъматларидан фойдаланиш ҳуқуқи;

касаба уюшмалари ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш ҳуқуқи;

оилани қўриқлаш ва оилага кўмаклашиш;

маданий ҳаётда қатнашиш ва илмий тараққиёт натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқи; етарли ҳаёт даражасига бўлган ҳуқуқ;

ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғуртага бўлган ҳуқуқ.


Ҳозирги даврда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

Табиатнинг нозик хилқати саналмиш аёллар ҳуқуқларига халқаро миқёсда эътибор Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги йилларда бошланган бўлиб, 1948 йил 10 декабрда БМТ томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши ва унинг иккинчи моддасида Декларацияда баён қилинган ҳуқуқлар эркакларга ҳам аёлларга ҳам ҳеч қанақа чеклашларсиз бирдек таалуқли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Шундан кейин БМТ томонидан 1967 йилда “Аёлларга нисбатан Дискриминацияни бартараф этиш декларацияси” ҳамда “Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шаклларни бартараф этиш ҳақидаги конвенция”нинг қабул қилиниши ҳам аёллар ҳуқуқларига эътиборнинг кучайиб борганидан далолат беради. 1975 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Халқаро аёллар йили деб эълон қилиниши, 1976- 1985 йиллар

Аёллар ўн йиллиги деб эълон қилиниши бутун дунёда аёллар ҳуқуқларининг принципал масала сифатида қўйилишига асос бўлган. 1985 йилда Аёллар аҳволи юзасидан Найроби (Кения)да ўтказилган халқаро Конференцияда “гендер тенглик” тушунчаси янгича мазмун бағишлаган. 1993 йилда Венада ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро конференция кун тартибига Аёлларнинг инсон сифатидаги ҳуқуқлари умуминсоний ҳақҳуқуқларнинг ажралмас қисми эканлиги ҳақидаги масала қўйилган, 1993 йилда Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш тўғрисида Декларация қабул қилинган. Халқаро миқёсида ва миллий қонунчилигимизда ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари устуворлик касб этади.

Хотин-қизларни камситишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида Конвенция (CEDAW) — 1979 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган халқаро шартнома ҳисобланади. Мазкур конвенция аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро қонун сифатида таърифланган бўлиб, 1981 йил 3 сентябрда тузилган ва 189 давлат томонидан ратификация қилинган. (Ўзбекистон 18.08.1995)

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга эркаклар билан бир хил фуқаролик ҳуқуқларини ва уларни амалга оширишнинг бир хил имкониятларини берадилар, жумладан, улар мулкни бошқариш ва шартномаларни тузиш вақтида **хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини**, шунингдек, трибунал ва суд муҳокамасининг барча босқичларида уларга нисбатан тенг муносабатни таъминлайдилар.



Миллий қонунчилигимизда хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатлари. Аёллар ҳақида кўп улуғ сўзлар айтилган ва айтилади. Аммо ҳаётда опа-сингилларимиз шу улуғ сўзлардаги каби эъзоз кўрмоқдами? Конституциямизни синчиклаб ўқисангиз, аёллар кадр-қиммати, ҳуқуқлари ҳимояси бўйича жуда инсоний

меъёрлар белгиланган. Бугун турмушда улар рўёбга чиқмоқдами.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Аёлларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнати, айниқса, фарзандлар тарбияси, оила ҳаётидаги улкан хизматларини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу конституцион норманинг ижросини таъминлаш мақсадида давлатимиз Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам

бериш тўғрисидаги, Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги конвенцияларга қўшилган.

Ўтган йилларда юртимизда аёллар ҳуқуқлари ҳимоясини тубдан кучайтиришга доир 15 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган ва ижрога қаратилган. Хусусан, – «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Президентимиз қабул қилган бир қатор фармон ва қарорлар давлат ташкилотларига аёллар ҳуқуқлари билан боғлиқ вазифаларни белгилаб, уларнинг масъулиятини оширди. «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ана шундай муҳим ҳужжатлардан бири.

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ташкил этилди. Алоҳида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилиб, у хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ахборот тақдим этиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳақидаги VII бобининг **24-моддасида** “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”;

25-моддасида “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”;

26-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас”;

27-моддасида “Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва тельефонда сўзлашувлар сирини ошқор қилиши мумкин эмас” деган нормалар қатъий белгилаб қўйилган.

Мамалакатимизда сўнгги йилларда қабул қилинган 2 та қонунни хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида олиб борилган энг катта ислоҳот ва бу тизимга яратилган ҳуқуқий асос сифатида эътироф этиш мумкин.

2019 йил 2 сентябрдаги “**Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида**” Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-562-сонли Қонуни хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга имкон берди.

2019 йил 2 сентябрдаги “**Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-561-сонли Қонуни қабул қилиниб хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга ҳуқуқий асос бўлди.

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:



жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз

ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;



Зўравонлик —

хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-

қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);

иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

руҳий зўравонлик — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, кадр-қимматини камситиш,

шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

тазйиқ — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс;

тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чоратадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш — хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

2-САВОЛ: БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ.

Бола ҳуқуқлари – болага нисбатан инсон ҳуқуқлари тоифаси, ирқи, жинси, тили, дини, туғилган жойи, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкыйлиги, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир бола эга бўлиши керак бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар. Халқаро ҳуқуқда 18 ёшга этмаганларнинг барчаси бола деб тан олинган.



Бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий даражада кўплаб махсус ҳужжатлар мавжуд. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро даражадаги асосий ҳужжат Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳисобланади. Конвенция Нью-Йоркда 1989 йил 20-ноябрда қабул қилинган. Унда 54 та моддадан иборат бўлиб, уларда болаларнинг ҳуқуқлари. Конвенцияга киритилган барча ҳуқуқлар барча болаларга нисбатан қўлланилади.

Конвенцияда биринчи марта бола Конвенцияни ратификация қилган давлатлар «ҳурмат қилиш ва қафолатлаш» талаб қилинадиган ҳуқуқларга эга бўлган шахс сифатида кўриб чиқилади. Ушбу қоида бола жамиятнинг жуда ҳимоясиз аъзоси эканлиги ва шунинг учун алоҳида ҳимояни талаб қилиши ва бунга лойиқ эканлигини кўрсатади.

Конвенцияга биноан, бола мустақил шахс сифатида қабул қилинади. Конвенция болани ўзига хос ҳуқуқларга эга бўлган шахс сифатида тавсифлайди: яшаш ҳуқуқи (6-модда), оила қуриш (9-модда), исми ва фуқаролиги бўйича.

Конвенцияга мувофиқ ҳар бир шахс 18 ёшга тўлгунга қадар бола деб эътироф этилади. Конвенция 54 моддадан иборат бўлиб, унда қуйидаги асосий нормалар белгиланган:

1-4-моддаларда: «бола» тушунчаси, болалар манфаатларининг устуворлиги ва иштирокчи-давлатларнинг Конвенцияда белгиланган ҳуқуқларни камситишсиз амалга ошириш чораларини кўриш мажбурияти;

5-11-моддаларда: ҳаётга, исмга, фуқароликка, ота-онасини билиш ҳуқуқига, ота-онанинг ғамхўрлиги ва ажралмаслигига, ота-оналарнинг болаларга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

12-17-моддаларда: болаларнинг ўз нуқтаи назарини, ўз фикрини билдириш, фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги, уюшиш ва тинч йиғилишларга бўлган ҳуқуқ, боланинг ахборотга эга бўлиш ва уни тарқатиш ҳуқуқлари;

18-27-моддаларда: давлат томонидан боланинг ота-оналарига ва қонуний вакилларига ёрдам бериш, шунингдек болаларга уларни тарбияловчи шахслар томонидан қўпол муомала бўлиш, уларнинг таҳқирланишидан ҳимоя қилиш, оилавий муҳитдан маҳрум бўлган ёки асраб олинган, ақлий ёки жисмоний жиҳатдан заиф болаларни ҳимоя қилиш, болаларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқлари, шунингдек, болаларнинг ижтимоий ривожланиши учун зарур бўлган турмуш даражаси тўғрисидаги нормалар;

28-31-моддаларда: болаларнинг таълим олиш, она тили ва маданиятидан фойдаланиш, дам олиш олиш ва маданий соҳадаги ҳуқуқлари;

32-36-моддаларда: давлатнинг болаларни ноқонуний эксплуатация қилинишдан, гиёҳванд моддаларни ноқонуний истеъмол қилиш, ўғирлаш ва болалар савдосидан ҳимоя қилишга оид мажбуриятлари;

37-41-моддаларда: содир этилган жиноятлар учун жазодан озод қилиш имконияти бўлмаса ўлим ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазолари 18 ёшга тўлгунга қадар содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланилмаслиги, болаларга нисбатан қийноққа солиш ва кадр-қимматни камситувчи жазо таъқиқланиши, жиноий хатти-ҳаракатлар содир этишда айбланаётган боланинг ҳуқуқлари, шунингдек қуролли тўқнашувлар ва урушлар пайтида болаларни ҳимоя қилиш нормалари.



Ўзбекистон Республикаси Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни 1992 йил 9 декабрда ратификация қилди. Конвенция Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 29 июлдан кучга кирган. Конвенциянинг аъзо давлатлар томонидан бажарилиши устидан мониторингни БМТнинг Бола

ҳуқуқлари бўйича қўмитаси амалга оширади.

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, бугунги кунда унинг тўлақонли қонунчилик асослари яратилган бўлиб, бола ҳуқуқлари кафолатларининг қонунчилик асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, ”Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик органлари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида ўз аксини топган бўлиб, уларда боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; боланинг ҳаёти ва соғлиғини, кадр-қимматини муҳофаза қилиш; унинг камситилишига йўл қўймаслик; ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига қўмаклашиш каби бу борадаги сиёсатнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчилигимизнинг асослари қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради:

биринчидан, ушбу қонунчилик асослари болаларни ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумий эътибор этилган нормалари ва принципларига тўла мос келади. Бунда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда белгилаб берилган қоидаларнинг миллий қонунчилигимизда тўла ўз аксини топганлигини эътибор этиш ўринлидир;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб берилган инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари (сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардан ташқари) тўлалигича болаларга ҳам тегишли бўлади;

учинчидан, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш жараёнида давлат ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек етим болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида намоён бўлади;

тўртинчидан, давлат болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритадиган нодавлат ношижорат ташкилотларининг фаолиятини доимий равишда рағбатлантириб боради, уларнинг фаолиятига қўмаклашади ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари ҳам назарда тутилган. Унга кўра, бундай тоифа болалар ҳуқуқларининг қуйидаги кафолатлари белгиланган:

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оила муҳитига бўлган ҳуқуқи кафолатлари;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқи кафолатлари;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари;

ногирон болалар, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатлари.

Ушбу масала миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган. Мисол учун, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг б-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ношижорат ташкилотлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя қилишда қўмаклашади, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдам кўрсатади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ношижорат ташкилотлари:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиши;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва халқаро ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз томонидан навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, бугунги кунда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Билл ҳужжатлари қандай ҳужжатларни ўз ичига олади?
2. Ҳимоя ордери қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан жорий этилди?
3. Болалар қандай ҳуқуқларининг ҳуқуқий кафолатларини санаб беринг?
4. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжатларнинг таҳлили уларни ҳуқуқий мақоми жиҳатидан қандай турларга бўлади?
5. “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандарт” тушунчаси қандай маънони англатади?
6. Ратификация нима дегани?
7. Денонсация нима дегани?
8. Пролонгация нима дегани?

Атамалар:

Декларация (лотинча declaration — эълон қилиш, эътироф этиш) мажбурий кучга эга эмас, бу — тавсиялардир. Унда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий принциплар, дастурий қоидалар эътироф этилади.

Конвенция (лотинча conventio — шартнома, келишув) — бирор бир махсус масала юзасидан халқаро келишув бўлиб, одатда у унга қўшилган (имзолаган, ратификация қилган) давлатлар учун мажбурий кучга эга бўлади.

Пакт — конвенциянинг ўзи, лекин мазмунан хилма хил. Пакт (лот. пастум — шартнома, битим) — йирик сиёсий аҳамиятга эга халқаро битим; халқаро шартномалар номларидан бири.

Ратификация (лот. ратус — ҳал қилинган, тасдиқланган ва фасере — қилмоқ) — Халқаро шартноманинг мазкур давлат учун мажбурий эканлигини тасдиқлаб берадиган, унинг ички ҳуқуқига мувофиқ қабул қилинувчи давлат олий ҳокимиятининг ҳужжати.

Имплементация (implementation инглиз т., - амалга ошириш, тадбиқ этиш) миллий ҳуқуқ тизимига халқаро ҳуқуқни киритиш орқали халқаро мажбуриятларни ички даражада амалга ошириш.

Дискриминация (лот. дискриминатио — фарқлаш) — давлат, юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқларининг (бошқа давлат, юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқларига нисбатан) чекланиши. Демократик давлатларнинг ички қонунларида ҳамда халқаро ҳуқуқда Д.нинг барча шакллари, жумладан, фуқаролар ҳуқуқларини миллати, ирқи, жинси, дини сабабли амалда ёки юридик жиҳатдан камситишга йўл қўйиш тақиқланади.

Денонсация (франс. денонсер — эълон қилиш, узиш), денонсация қилиш — халқаро ҳуқуқда икки томонлама халқаро шартнома амал қилишини тўхтатишнинг ёки кўп томонлама халқаро шартномадан чиқишнинг энг кенг тарқалган усули. Одатда, шартноманинг ўзида назарда тутилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади;

Жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

Зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);

Иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

Рухий зўравонлик — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

Тазйиқ — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик;

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс;

Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими;

Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш — хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

Ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

ГЛОССАРИЙ

Таянч сўз ва иборалар:

Айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир. Айбланувчи судда *судланувчи* деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса, *маҳкум* ёки оқланган деб аталади. (ЖПК 45-моддаси)

Аноним мурожаат – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган манзили (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

Ариза – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

Альтернатив (муқобил) гипотеза- ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши санаб ўтилган шарт-шароитлардан бирига боғлиқ эканлигини баён этади.

Бланкет диспозиция-ҳуқуқ нормасидаги тартиб қоидаларнинг бузулиши ёки амал қилинишини тартибга солиш бошқа турдаги норматив ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади.

Видеоконференцалоқа – узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

Гувоҳ - жинойт иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ва кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс. (ЖПК 66-моддаси)

Гумон қилинувчи бу жинойт содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. (ЖПК 47-моддаси)

Дастур («Йўл харитаси») - у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган тадбирлар (вазифалар, амалга ошириш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва масъул ижрочилар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар) ва механизмлар тизимини белгилайди.

Доктрина - Ўзбекистон Республикасининг у ёки бу соҳадаги миллий манфаатларини таъминлаш мақсадлари, вазифалари, принциплари ва асосий йўналишларини белгилайди.

Жабрланувчи - жинойт, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган шахс (ЖПК 54-моддаси).

Жинойт ишларини юритиш тартиби - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жинойт ишларини юритиш тартиби Жинойт-процессуал кодекси билан белгиланади. Жинойт ишларини юритишнинг ЖПКда белгиланган

тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир.

Жиноят процессининг бошқа иштирокчиси деганда ЖПКнинг 4–6-бобларида назарда тутилган жиноят процессининг бошқа иштирокчилари тушунилади. Масалан жамоат ҳимоячиси, қонуний вакил, эксперт, мутахассис, холис ва бошқалар.

Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари - Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фож этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноят-процессуал қонунчилигининг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши - Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ олиб борилади.

Йўриқнома - норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг аниқлаштирувчи жиҳатларини белгилайди.

кенг маънода шахс ва фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шахсий ҳаёти ва бошқа ҳуқуқларига дахл этувчи бирон-бир ҳаракатни ўзбошимчалик билан содир этиш мумкин эмаслигини англатади.

Концепция - у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларини, мақсадларини, асосий йўналишларини, вазифаларини ва амалга оширилиш механизмларини белгилайди.

Қоидалар - бирор-бир фаолиятни амалга оширишга доир талабларни белгилайди.

Қонунийлик - Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш - ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, маъмурий баённома тузиш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашга қаратилган, шахсининг қисқа муддатга эркинлигини чеклашдан иборат маъмурий таъсир чораларидан биридир.

Низом - давлат органлари ва ташкилотларнинг, улар таркибий бўлинмаларининг мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек у ёки бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тартибини белгилайди.

Оммавий қабул – таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарларининг

жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

Регламент - давлат органлари ва ташкилотларнинг иш тартибини, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлар томонидан маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Сайёр қабул - тасдиқланган жадвал асосида таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарлари томонидан жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи.

Стратегия - мамлакат ёки муҳим тармоқларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларини белгилайди.

Таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

Такрорий мурожаат – аввалги мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган мурожаат;

Ушлаб туриш - жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жинойи фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум этишдан иборат процессуал мажбурлов чораси тушунилади.

Шикоят – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

Электрон мурожаат – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан Вазирлик ёхуд унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари расмий веб-сайтларига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш деганда, айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг тергов ва суддан бўйин товлаши ва бундан буёнги жинойи фаолиятининг олдини олиш, унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида тергов органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қўлланиладиган, айбланувчини озодликдан маҳрум қилиш тушунилади.

Яқин қариндошлар деганда эса қариндош ёки қуд томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари тушунилади (ЖК Саккизинчи бўлими). **Ҳуқуқ нормаси**- давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулладиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий хулқатвор қондаси.

Гипотеза-ҳуқуқ нормаси тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг номлари:

Оддий, Мураккаб, Муқобил турлари мавжуд.

Диспозиция-ҳуқуқ нормасининг асосий қисми. Пайдо бўлиш, амалага ошириш ва тугаши. Тавсифи.

Оддий, тавсифловчи, ҳаволаки ва бланкет турлари мавжуд.

Санкция-ҳуқуқ нормасининг бажарилмавслиги, ёхуд етарли даражада бажарилмаслигининг ҳуқуқий оқибати.

Муқобил аниқ, Нисбий аниқ, Кумулятив ва муқобил турлари мавжуд.

Оддий гипотеза- Ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши билан боғлиқ бўлган битта шарт-шароит акс этган гипотеза ҳисобланади.

Мураккаб гипотезада- ҳуқуқ нормасининг амал қилиши икки ёки ундан ортиқ ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ эканлиги кўрсатилади.

Оддий диспозиция-хулқ-атвор ёки тартиб қонданинг битта шартда кўрсатилган бўлади

Мураккаб диспозиция-хулқ-атвор ёки тартиб қонданинг бир-неча шартни ёки мажбуриятни кўрсатган бўлади.

Муқобил диспозиция- хулқ-атвор ёки юриш-туриш, қонданинг бир нечта субъектларёки нормалар томонидан бажариши кўрсатилган бўлади

Тавсифловчи диспозиция-ҳуқуқ субъектларининг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлари ҳамда хатти-ҳаракатларининг тўлиқ баёнини ифода этилади.

Ҳавола этувчи диспозиция-ҳуқуқ нормасидаги тартиб қоидаларнинг бузулиши ёки амал қилинишини тартибга солиш ўша норматив ҳужжатнинг бошқа нормаси билан тартибга солинади.

Қонун ҳужжатлари-Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ва давлат ҳудудида барча учун ижроси умум мажбурий ҳусиятга эга бўлган ҳужжатлар

Қонун ости ҳужжатлари-жамият ва давлатнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда, амалаги қонун ҳужжатларини ижросини таъминлаш мақсадида бирор бир идора ёки мансабдор шахслар томонидан чиқариладиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

Низом давлат органлари ва ташкилотларнинг, улар таркибий бўлинмаларининг мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек у ёки бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тартибини белгилайди

Қоидалар-бирор-бир фаолиятни амалга оширишга доир талабларни белгилайди

Йўриқнома норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг аниқлаштирувчи жиҳатларини белгилайди.

Регламент мамлакат ёки муҳим тармоқларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларини белгилайди

Концепция у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларини, мақсадларини, асосий йўналишларини, вазифаларини ва амалга оширилиш механизмларини белгилайди

Доктрина-Ўзбекистон Республикасининг у ёки бу соҳадаги миллий манфаатларини таъминлаш мақсадлари, вазифалари, принциплари ва асосий йўналишларини белгилайди

Дастур («Йўл харитаси») у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган тадбирлар (вазифалар, амалга ошириш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва масъул ижрочилар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар) ва механизмлар тизимини белгилайди.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.
2. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 48 б.
3. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 104 б.
4. *Мирзиёев Ш.М.* Буёқ келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 488 б.
5. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Тошкент - «Ўзбекистон»,- 2017. – 596 б.
6. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.- Тошкент - «Ўзбекистон»,- 2018. – 512 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2019. – 76.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ЎРҚ-167-II-сон қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги ги ЎРҚ-257-II-сон қонуни // *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.*
7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2016.– № 38.– 438-м.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги ЎРҚ-489-сон қонуни.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги «Судлар тўғрисида»ги ЎРҚ-703-сон қонуни. // *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон.*

13. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-263-сон қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ-406-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-м.

15. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-561-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/561/3680-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6312-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.09.2021 й., 06/21/6312/0864-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июндаги «Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5163-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.06.2021 й., 07/21/5163/0600-сон.

III. Махсус адабиётлар

1. Ю.С. Пулатов, И. Исмаилов, А.А. Курбанов Ички ишлар органлари фаолияти. Дарслик. – Т., 2018. – 407 б.

2. Х.Т. Odilqoriyev, I. Ismailov, N.T. Ismoilov МаЪmuriy huquq: Darslik// Х.Т. Odilqoriyev va B.E. Qosimovning umumiy tahriri ostida. – Т., 2010.

3. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R.Kabulov, A.A.Otajonov va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 452 б.

4. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2016. – 323 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Умумий қисм / М.Рустамбоев. – Т.: 2016. – 608 б.

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Махсус қисм / М.Рустамбоев. – Т.: 2016. – 960 б.

7. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi. Umumiy qism: Chizmalar albomi /A.S.Yakubov, R.Kabulov, B.B.Matlyubov, D.Y.Payziyev, T.R.Kuchkarov. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 154 б.

8. Jinoyat huquqining umumiy qismidan amaliy masalalar. O'quv qo'llanma. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. – 46 б.

9. Тахиров Ф. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат ҳамда жиноят қонунини

такомиллаштириш истиқболлари. //Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари (Илмий амалий конференция материаллари тўплами). – Т.: ТДЮИ, 2010. – 61-68 б.

10. Холиқулов У., Салаев Н. Жиноят ҳуқуқи принциплари: таҳлил ва мулоҳаза. //Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари (Илмий амалий конференция материаллари тўплами). – Т.: ТДЮИ, 2010. – 131-140 б.

11. Якубов А.С., Кабулов Р. Современные тенденции в уголовной политике Узбекистана. //Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси. 2010. – №1. – С. 29-36.

12. Prof. Odilqoriev N.T., Qosimov B.E. Umumiy tahriri ostida. Maъmuriy huquq. Darslik: - T., IV Akademiya 2010. – 1- 29.

13. Алимов Х. Р., Махмудов А.А.,Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик: – Т., ИИВ Академия, 2003. – 5-11-б.

14. Хожиев Э.Т, Хақимов Ғ.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма – Т., 2011. – 404 б.

15. Сабуров.Н. Бошқарувни демократлаштириш ва уни амалга оширишда сиёсий ҳуқуқий фаолликнинг роли. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2010. – №1.

16. Касимов.Б.Э., Исмоилов.Н.Т. Маъмурий қонунчилик: бугунги ҳолати ва истиқболлари. // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборотномаси. – 2010. – №1.

17. Халқаро ҳуқуқ: Маърузалар курси / Саидов А.Х., Исхакова Л.Ф., Матчанов А.А. ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 279 б.

18. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун дарслик. – Т., 2012. – 304 б.

Электрон таълим ресурслари:

<http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

<http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);

<http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);

<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);

<http://www.tsil.uz> (Тошкент давлат юридик университети);

<http://www.connect.uz> (Ўзбекистон умумтаълим портали);

<http://uzsci.net> (Илмий таълим тармоғи);

<http://www.ziyonet.uz> (Ахборот таълим тармоғи).

**М.И.СУВАНКУЛОВ, Х.А.ТУРАББАЕВ, Х.Х.БАХРАМОВ,
Ж.М.ЯКУБОВ, Ш.Х.ГАНИЕВ, Д.Ж.ЭШҚУЛОВ, Ж.Қ.ХАМРАЕВ,
А.А.АБДИБОСИТОВ, С.С.УСМОНОВ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ НАВБАТДАГИ
МАХСУС УНВОНИНИ ОЛИШ УЧУН МАХСУС МАЛАКА
ОШИРИШ КУРСЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Муҳаррир Н.З. Тасимов

Босишга руҳсат этилди. Нашриёт ҳисоб табоғи 13,7.
Буюртма № ____ . Адади 50 нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳар. Хусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй.